

# МУГАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 5/2 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ

Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ

Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ

Өсербай ӨЛЕҮОВ

Асқар ДЖУМАШЕВ

Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ

Гулнара ЖУМАШЕВА

Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ

Амангелди КАМАЛОВ

Сарсен КАЗАХБАЕВ

Гулмира КАРЛЫБАЕВА

Сабит НУРЖАНОВ

Уролбой МИРСАНОВ

Арзы ПАЗЫЛОВ

Зухра СЕИТОВА

Айдын СУЛТАНОВА

Тажибай УТЕБАЕВ

Ризамат ШОДИЕВ

Ойбахор ШАМИЕВА

Бекзод ХОДЖАЕВ

Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ

Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендириў**  
**Министрлиги, ӨЗПИИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлер Кабинети**  
**жанындағы Жоқарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қарары менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хәм**  
**хабар агентлиги тәрәпинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гуўалық**  
**берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,**  
**Ерназар Алакөз көшеси №54**  
**Тел.: 224-23-00**  
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,**  
**mugallim-pednauk@umail.uz**  
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледди. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўанкер.*

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲАМ ЭДЕБИЯТ

Ражапова К. Нуткий кўникмаларни синфлар кесимида матн устида ишлаш орқали тизимли ривожлантириш .....	4
---	---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Kamalov A.B., Kadirimbetova G.R. Kompetensiya hám kompetentlik haqqında túsinik .....	8
Шарипова Г.С., Хаитова М.Т. Конструктив-композицион ечимлар асосида кийимларни манзилли лойиҳалаш тамойилларини такомиллаштириш .....	12
Ergasheva G.S., Kadirova Sh. A. Darslik-o'quvchilar uchun muhim bilim manbalaridan biridir .....	16
Shaymurotov U. Badiiy tafakkurning tarixiy rivojlanish bosqichlariga nazar .....	19
Jumayev S.Z. Talabalarda ko'nikma, malaka va kompetensiyani shakllantirishda biologik masalalardan foydalanish .....	22
Усмонова Н. Getikadan amaliy mashg'ulotlarda axborot kommunikatsion vositalardan foydalanish metodikasi .....	26
Raxmatov U.E. Biologik ta'lim jarayonida masala va mashqlardan foydalanishning o'ziga xos jihatlari .....	30
Насригдинова У.А. График фанларни интегратив ёндашув асосида ўқитишда замонавий график дастурлардан фойдаланиш .....	36
Мо'минова М.У., Шарипова Г.С. "Inson-kiyim" tamoyili asosida avtokorxonaning mahsus kiyimlarini yaratish .....	43
Тожибоева Х.М. Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда "оммавий маданият"га қарши иммунитетни шакллантириш .....	46
Матязов А.Р., Абдулаева С.С. Хоразм тарихий ёдгорликлари ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим омили .....	51
Шарипова Г.С., Азамова С.А. Дизайн одежды: актуальность и перспективы развития .....	54

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИҲ, ФИЛОСОФИЯ

Хўжакулов А. Э. Болаларни меҳнат ва хунарга тайёрлашнинг тарихий асослари .....	58
---	----

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Бозоров А.А. Математик масалаларнинг аналитик ва дастурлаш ёрдамидаги ечимларини умумлаштириш .....	61
Найтиов В.У. Ikkinchi tartibli differensial tenglamalarni dasturiy vositalardan foydalanib yechish uslublari .....	67
Худайбердиев Ш.К. Электрон таълим сифатини оширишда мультимедиа технологияларнинг ахамияти .....	71
Тураев С.Ж. Бўлажак муҳандисларга физика ўқитишда таълим методларидан фойдаланиш услублари .....	76
Ruzimurodov I.N. Elektron ta'lim muhitida kompetentli dasturchilarni tayyorlash metodikasi .....	80
Исмонлов Д.М. Индуктив назарий умумлаштириш методи асосида иссиқлик сигимига доир масалаларни ечиш .....	83

<b>Одилов Ё. Ж.</b> Физика ўқитиш асосида талабаларни касбий таёргарлигини ривожлантириш .....	87
<b>Kamolova Z.M.</b> Biologiya fanlarini o'qitishda yangi pedagogik texnologiyalar asosida ta'lim jarayonini tashkil etish va uning samaradorligini oshirish .....	90
<b>Шарапова Г.В.</b> Иммунология фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда интерактив электрон таълим ресурсларнинг дидактик имкониятлари .....	96
<b>Яхшибоева Д.Т.</b> Бўлажак биология ўқитувчиларининг биотехнология фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда электрон таълим ресурсларнинг имкониятлари .....	99
<b>Bozorov N. N.</b> Kelajakdagi it mutaxassislarning kasbiy kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish metodikasi .....	103

#### БАСЛАҒЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

<b>Жумашева Г., Базарбаева А.</b> Балаларда билиў уқыбын раўажландырыўдың теориялық-әмелий тийкарлары .....	108
<b>Хамдамова М.Т.</b> Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni axloqiy tarbiyalash asoslari .....	112
<b>Беркинова Ч.И.</b> Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalar sog'ligini saqlash va muhofaza qilish i'jollari .....	115
<b>Rahmonqulova X.B.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiat qo'chog'ida mehnat qilish malakalarini shakllantirish usullari .....	118
<b>Karimov D. A., Makhkamboyeva Sh.K.</b> The importance of educational games in teaching foreign languages to children in preschool early: problems and solutions .....	121

#### ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

<b>Рахимов В.Ш.</b> Спорт ва соғломлаштириш туризмни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар .....	129
<b>Рузметов Н.К.</b> Болаларнинг мувозанат қобилиятини шакллантиришда улар организмнинг вестибуляр реакциясининг тадқиқи .....	136
<b>Рузметов Н.К.</b> Болаларни мувозанатни сақлаш ҳаракат қобилиятлари .....	138
<b>Яқубова Д. Б.</b> Бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг илмий – педагогик фаолиятида креативликнинг аҳамияти .....	142
<b>Дехконова М.</b> Особенности развития студенческого молодежного спорта в современных условиях .....	147
<b>Рахимов В.Ш.</b> Современные подходы к подготовке кадров спортивно-оздоровительного туризма в высших учебных заведениях .....	152



## ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

### НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ СИНФЛАР КЕСИМИДА МАТН УСТИДА ИШЛАШ ОРҚАЛИ ТИЗИМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Ражапова К.*

*Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим мазмуни, тизимли ёндашув, нутқий малака, ўқув топшириқлари, кўникмаларни синфлар кесимида ривожлантириш, машқ ва топшириқлар тизими.

**Ключевые слова:** содержание обучения, системный подход, навыки говорения, учебные задания, развитие навыков по классам, система упражнений и заданий.

**Key words:** content of training, systematic approach, speaking skills, learning tasks, development of skills by class, system of exercises and tasks.

Умумий ўрта таълимда она тили ўқитиш нутқий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилиши лозим бўлган бир пайтда ҳали ҳам таълим жараёнида ортиқча грамматизмга урғу бериб келинмоқда. Тўғри, назарий маълумотларсиз, керакли грамматик коидаларсиз ҳам тилни ўқитиб бўлмайди. 5-синфдан бошлаб тилшуносликнинг «Фонетика» бўлими «Орфография» «Лексика», «Морфология» билан бевосита алоқадор бўлганлиги боис уларни ўқитиш воситалари ҳам бири-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ўқитилади. Аммо, нутқий кўникмаларни ривожлантиришда қутилган натижаларга эришиб бўлмаяпти. Шунинг учун она тилидан нутқий кўникма ва малакаларни тизимли ривожлантиришнинг ўзига хос методикаси ишлаб чиқилиши лозим. Бу методика, албатта, бугунги халқаро тил ўқитиш методикасининг энг сўнгги ютуқларига таяниши керак. Яъни матн устида ишлаб, зарурий нутқий кўникмаларни ривожлантириш методикаси. Бунда ўқув топшириқлари ҳам муайян тизимга бўйсунади.

Ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштириш борасида Ҳ.Неъматовнинг қуйидаги фикрлари ҳозир ҳам она тили таълими учун аҳамиятли:

«Асрлар давомида инсоният томонидан тўпланган барча тил илмини ўрта мактаб ўқувчисига ўргатишнинг иложи ва зарурати йўқ. Демак, она тилидан энг зарур билимларни танлаш асосий масалалардан биридир.

Она тилидан билимларни танлашнинг бош мезони унинг фойдалилик ва амалда қўлланила олиш даражасидир. Биз она тилидан фойдали билимлар деб болаларнинг саводли ёзиш, ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалаш кўникмаларини шаклланти-

риш учун хизмат қиладиган, уни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган билимларни тушунамиз».

Шу нуктаи назардан мазкур ишда ўқув топшириқларига ўзгача ёндашилди. «Дарслик ва қўлланмаларда кўп учрайдиган ўқув топшириқлар орасида синонимик муносабат йўқ. Бирок кузатишларимиз асосида айта оламизки, узоқ йиллардан бери амалда бўлган қатор дарслик ва қўлланмаларда мазкур машқ ва топшириқ тушунчаларининг берилишида чалкашлик, бирининг ўрнида бошқасининг қўлланилиши каби ҳолатларни кўриш мумкин» .

Бу борада ғарб педагогикасида мўътадиллик, амалийлик ва эришувчанлик тамойилларига таянилади. Прагматизм – таълимни ҳаётга яқинлаштириш, таълим мақсадларига амалда эришиш тарафдори бўлган фалсафий-педагогик йўналишдир. Прагматик фалсафа асосчилари Ч. Пиерз ва Жеймс идеализм ва материализмдан ташқарида турган янги фалсафани яратишни талаб қилишди. Дастлабки прагматистларнинг ғоялари америкалик файласуф ва педагог Д. Дьюи томонидан ишлаб чиқилган.

Ўқув топшириқлари синфлар кесимида тизимли, прагматик ёндашув асосида берилиши нуткий кўникмаларнинг узлуксиз ривожланиб боришига олиб келади. Бу ўринда ўқув топшириқларнинг мазмуни мазкур шароитга мос бўлиши керак.

Аждодлардан, умуман, инсоният даҳоларидан бугунги кунгача етиб келган бой мерос маҳсули бўлган иборалар, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, тасвирий ифодалар она тили таълимининг мазмунини ташкил этсагина машғулот самарали бўлади, улардан онда-сонда эмас, балки ҳар дарсда, ҳар ўқув топшириқ таркибида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўз ўрнида ва ўз вақтида ўқувчилар тафаккурига сингдирилган бу каби халқона, миллий дурдоналар уларнинг фикрларини теранлаштиришга, дунёқарашларини кенгайтиришга ва ўзларида ҳосил бўлган ижодий тафаккур маҳсулини раван, аниқ ҳамда тушунарли тарзда баён эта олишларига замин яратади.

Амалдаги дастур ва дарсликлар ўқувчини она тили таълими мақсадига мувофиқ мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай шароитда дарсликнинг энг муҳим қисмини назарий маълумотлар базаси эмас, балки ўқувчига она тилимизнинг сон-саноксиз имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланишни ўргатадиган ўқув топшириқлари ташкил этмоғи лозим. (Чунки мактабда она тили таълими тилшунос тайёрлаш мақсадини эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришни тақозо этади.) Демак, ўқув топшириқлари ўқувчини изланишга ундай олсагина, уларни талаб даражасида деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ҳозирда республика миқёсида амалда бўлган мактаб дарсликларидаги ўқув топшириқларининг айримлари белгиланган талабларни қондира олмайди. Чунончи, она тили дарсларида тез-тез учрайдиган «Куйидаги гапда нечта сифат туркумига доир сўз қатнашган?» кабиларни нуткий кўникмани ривожлантирувчи ўқув топшириқлари даражасида баҳолаб бўлмайди, сабаби, улар ўқувчида ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қила оладиган етарли кўникма, малакаларни ҳосил қила олмайди.

Дарсликда ҳар бир мавзуга тааллуқли луғатлар, жумладан, орфография учун имло луғати, орфоэпия учун талаффуз машқлари тўплами, лексика учун изоҳли

луғат, морфология учун морфем луғат ва бошқалардан самарали фойдаланилса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Шунинг учун дарсликларнинг топшириқлар қисми мукамал, тизимли, пухта ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кун она тили таълими мактабда ўргатилиши белгиланган тил сатҳларидан қатъий назар, хатто фонетика ўқитишда ҳам ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, шу орқали ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мустақил, равон, лўнда ва жозибали ифодалай олишига эришишни талаб этади. Ушбу мақсадни амалга ошириш, албатта, ўзбек тилининг тенгсиз хазинаси ҳисобланган махсус лексик бойликларсиз самарали бўлиши қийин.

Нафақат 5–7-синфларда, балки тилнинг барча сатҳларини ўқитишда мақол, матал, топишмоқ, тез айтиш, латифа, лоф, терма ва дoston намуналаридан таҳлил материали сифатида фойдаланиш она тили таълимида самарадорликка эришишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади.

5-синф «Она тили» дарсликларида орфоэпия имло меъёрларини кўникма сифатида шакллантириш борасида кўплаб ўқув топшириқлари, турли тушунтиришлар берилди. Аммо нутқий фаолият давомида айрим бирликларнинг орфоэпияси ва имлосини ўқувчига ўргатиш, нутқий кўникмаларни ривожлантириш қатор қийинчиликларни келтириб чиқараверади.

Орфоэпия, грамматика ва унинг меъёрлари масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатлари тилларида атрофлича ўрганилганлигини кузатамиз. Бу борада жаҳон тажрибасида, жумладан, инглиз тилида ўқув топшириқларидан унумли фойдаланилади. Шунинг учун ҳам амалдаги асосий дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳар бир маълумотнинг амалиётга айланиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилди. Олий таълим ва умумий ўрта таълим мактаблари учун нашр эттирилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларда нутқий кўникмаларни ривожлантирувчи махсус машқ намуналари йўқ.

Мактаб ўқувчида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириши керак. Умумий ўрта таълим тизимида 5–7-синфларда асосий нутқий компетенциялар шакллантирилади.

5-синфда орфоэпия таълимини такомиллаштиришда илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Маълумки, мактабда бугунги «Она тили» ўқув предмети таълимида омилкор ўқитувчилар томонидан кўплаб инновацион технологиялар замон талабларига мос ҳолда қўлланилмоқда. Табиийки, бу «Орфоэпия» сатҳи таълимида, жумладан, ўқувчига нутқ товушларининг тўғри талаффузини ўргатиш жараёнида жуда кўл келади. Аммо амалдаги ишлар етарли даражада эмас, чунки ўқувчилар нутқда товушлар талаффузи билан боғлиқ муаммолар тўла бартараф бўлгани ёки мазкур муаммонинг ечими сифатида асосли тавсия-ю методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиб кенг амалиётга татбиқ этилган эмас.

Мазкур масаланинг яна бир жиҳати борки, ҳар қандай шароитда ҳам она тили ўқитувчилари мазкур бўлимни ўз имконият ва салоҳиятларидан келиб чиқиб тушунтирадilar. Одатда, ўқувчи учун ўз она тилининг ҳамма товушлари ҳам талаффуз ва имлода қийинчилик туғдиравермайди. Маҳаллий тил ҳисобланган шева таъсирида айрим унли ва ундош товушларнинг айтилиши ҳамда ёзилишида чалкашлиқлар,

хатолар бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда амалда қўлланилаётган топширик характеридаги машқлар билан қанча кўп ишланса ҳам, қутилган натижага эришиш қийин кечмоқда.

Ўқувчининг оғзаки нутқи туғилиб ўсган ери, оиласи, яқинлари таъсирида шаклланган ҳолда мактабга келади. Баъзан уларни ўзлари ўрганиб қолган ҳолатдан адабий талаффуз меъёрлари доирасига ўтказиш анча қийинчилик туғдиради. Бундай шароитда ўқитувчи, албатта, фонетика ўқитиш жараёнидаги дастлабки фаолиятни худудий муаммолардан келиб чиққан ҳолда талаффузи қийин нутқ товушлари устида ишлашга қаратишдан бошлаши зарур. Акс ҳолда, айрим ўқувчилар балоғатга етганда ҳам баъзи нутқ товушлари талаффузини эплай олмайдиган бўлиб қолишади. Бу каби «нутқий кемтиклик» маданий давраларда ўқувчига бир умр халакит бериши мумкин. Ўқитувчи ўз вақтида оғзаки нутқида муаммолари бор ўқувчиларга алоҳида эътибор бериб, махсус талаффуз машқлари устида мунтазам ишласа, муаммога ўрин қолмаслиги аниқ. Бирок бу борада мактабнинг амалдаги дидактик таълим воситалари(дарслик, қўлланмалар)да фонетик машқларга махсус ўрин ажратилмаган.

6–7-синфларда морфология ўқитилганда ҳам грамматик маълумотлар асосида тизимли равишда нутқий кўникмаларни ривожлантириб боравериш лозим.

Фикримизча, нутқий кўникмаларни синфлар кесимида тизимли ривожлантирувчи махсус ўқув материалларини шакллантириш тарихий ва замонавий тажрибалардан келиб чиқади. Бу борадаги жаҳон ва маҳаллий тажрибаларидан унумли фойдаланиб муаммоларни атрофлича ўрганиш уларнинг ечимини топиш имконини беради. Бу борада энг самарали ёндашув турли нутқ вазиятларига мос келувчи матнларга прагматик характеридаги ўқув топшириқларни ишлаб чиқиш орқали ўқув материаллари тайёрлашдир. Бунда нутқий кўникмаларнинг шаклланиш даврийлиги ва синфлар кесими инобатга олинади.

#### Адабиётлар:

1. Гуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи. 1996. 9-б.
2. Ҳамроев Ғ. Она тили ўқитишнинг самарали усуллари Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Тошкент, 2018. Баёз нашр ёти. 197 б.
3. Джон Дьюи. Общество и его проблемы John Dewey. The Public and its Problems. Denver, 1927. / Дж. Дьюи. Общество и его проблемы. — Перевод с английского: И. И. Мюрберг, А. Б. Толстов, Е. Н. Косилова. — М., 2002.
4. Бояк Н. А., Котий Г. А., Лукьянова Н. А. Учебник английского языка. – М.: Деконт, 1999. – С.: 7.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада она тили машғудотларида нутқий кўникмаларни синфлар кесимида тизимли ривожлантириш ҳақида сўз боради. Бунда ўқув материалларининг аҳамияти, матн устида ишлаш орқали нутқий кўникмаларга синфлар кесимида тизимли ривожлантиришга эришиш механизми ҳақида фикрлар, тавсиялар баён қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается систематическое развитие навыков говорения на уроках родного языка в разных классах. Описано значение методических материалов, идей и рекомендаций по механизму достижения системного развития навыков говорения на уроке через работу над текстом.

#### SUMMARY

The article discusses the systematic development of speaking skills in the lessons of the native language in different classes. The importance of methodological materials, ideas and recommendations on the mechanism for achieving the systemic development of speaking skills in the classroom through work on the text is described.



## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

### КОМПЕТЕНЦИYA ҲАМ КОМПЕТЕНТЛИК ҲАҚҚИДА ТЎСИНИК

*Kamalov A.B.*

*Ўзбекистон Республикасидаги Ўрта Мухтасар Педагогика Ўқув-Тарбия Маркази, физика-математика пән доктори, физикани о'қитув методикаси кафедраси доценти*

*Kadirimbetova G.R.*

*NMPI doktoranti*

**Tayanch sózlar:** kompetenciya, kompetentlik, kreativlik, professionalizm, axborot kommunikaciya, informatsion texnologiyalar.

**Ключевые слова:** компетенция, компетентность, креативность, профессионализм, информационная коммуникация, информационные технологии.

**Key words:** competence, competency, creativity, professionalism, information communication, information technology.

Keyingi jillarda mámleketimizde siyasiy-ekonomikalıq rawajlanıwıń başlı baǵdarlarına hámde xalıqara standartlar talaplarına sáykes keletuǵın bilimlendiriw sistemasın jaratıw boyınsha keń kólemlı isler ámelge asırılmaqta. Sebebi búgingi kúnde biz bilim alıwshılar ózlestiriwi kerek bolǵan maǵlıwmatlar kóleminin jıldan jılǵa ósip baratırǵanlıǵının guwası bolmaqta. Maǵlıwmatlar aǵımının tezligi ilim-texnikanın rawajlanıwı menen belgilenedi. Ilim-texnikanın jetiskenliklerin bilimlendiriw processine endiriw zaman talaplarınin biri bolıp tabıladı. Respublikamız bilimlendiriw sistemasında ótkerilip atırǵan reformaların tiykarǵı maqseti, oqıw processine innovatsionalıq texnologiyalardı qollaw arqalı bilimli, produktiv oylaw hám dóretiwshilik qábiletine iye, jámiyettegi jańa ózgerislerge tez iykemlese alatuǵın insanlardı tárbiyalaw bolıp tabıladı. Joqarı oqıw ornı tárepinen tayarlanılǵan kadrlar keleshegimiz girewi bolıp, olar mámleketin ekonomikalıq, sociallıq, mádeniy hám hár tárepten rawajlanıwın támiynleydi. Sol sebepli insaniy hám professionalıq qásiyetlerdi ózinde jámlegen, joqarı sociallıq-emocionallıq intellektke iye, kritikahq hám kreativ pikirley alatuǵın kadrlardı jetilistiriw bilimlendiriw sistemasınin başlı maqseti.

XXI ásir pedagogikasınin eń birinshi talabı bul pedagogtıń kompetentligi bolıp, onı qalıplestiriw tarawınin rawajlanıwın támiynleydi.

Búgingi kúnde pedagogtan talap etiletuǵın kompetentlik tówendegi túrlerge bólinedi: pedagog tárepinen óz bilimín úziksiz bayıtıp barıw, iyelegen qanıgeligin jetilistiriw barıwǵa tayar bolıw, zaman jańalıqlarınan xabardar bolıw; bilimlendiriw processinde xabar



kommunikasiya, informatsion texnologiyalar hám oqıtıw qurallarınıń barlıq túrlerin qollay alıw kónlikpesine iye bolıw, tereń qanıygelik bilimge iye bolıwı, yaǵnıy bir sóz benen aytqanda pedagogıq kompetenciyaǵa iye bolıwı kerek.

Keyingi jılları professional ortalıqta yamasa ápiwayı turmısımızda «kompetenciya» hám «kompetentlik» sózlerin jiyi esitemiz. Kópshilik bul sózlerdiń mánisin tolıq túsınbesten-aq qollanadı, ayırım ilimpazlar bul sózlerdi sinonim sózler retinde qaraydı. Tıykarınan bul sózler mánisi boyınsha bir-birinen ajıraladı.

Ayırım mámleketlerde búgingi kúnge deyin bar bolǵan «professionalizm» túsiniǵı ózine salıstırǵanda keńirek mazmunǵa iye kompetenciya sózi menen alıstırılmaqta. Professionalizm – bul belgili bir pán boyınsha tereń bilimge iye bolıw. Kompetenciya bolsa tek ǵana kásiplik bilimler emes, al emocional, psixologiyalıq hám sociallıq bilimler jıyınǵı bolıp ta tabıladı.

«Kompetenciya» sózi «tocompete» sózinen kelip shıqqan bolıp, «erisip atırman», «ılayıqpan» degen mánisti bildiredi.

Birinshi márte kompetenciya terminini 1965-jılı Massachusec universiteti oqıtıwshısı M.Xomsk tárepinen paydalanıldı. M.Xomsk [1] pikiri boyınsha tildi tek qollanıw emes, al onı jaqsı sóyley alıw bul kompetenciya.

Bilimlendiriwde kompetenciya túsiniǵınıń kelip shıǵıwı boyınsha tiyisli materiallardı analiz qılınsa, onıń rawajlanıwın tariyxın shártli túrde tórt basqıshqa bóliw múmkin.

- Birinshi basqısh (1960-1970 jıllar ). Bul dáwirde kompetenciya sózi dáslep ilimiy ádebiyatlarǵa kirip kele basladı. Usı dáwirlerden baslap til úyreniw teoriyası baǵdarında til kompetenciyası túrlerine tiyisli izertlewler baslanıp, D.Xayms [2] tárepinen «komunikativ kompetentlik» túsiniǵı kiritiledi.
- Ekinshi basqısh (1970-1990 jıllar). Bul dáwirde kompetenciya hám kompetentlik túsiniǵıleri til úyreniw teoriyası hám ámeliyatında, basqarıwda, qatnas túrlerinde hám taǵı basqa tarawlarda isletile basladı.
- Úshinshi basqısh 90-jıllardan baslanadı. Bul dáwirde kompetentlikti ilmiy kategoria sıpatında bilimlendiriwde qollaw boyınsha bir neshe izertlew jumislari alıp barıldı. Máselen A.K.Markovanıń 1993-1996 jıllardaǵı jumislariında miynet psixologiyası kontekstinde kásiplik kompetentlik arnawlı predmet sıpatında qaraladı. Usı dáwirde oqıtıwshı kompetentligine tiyisli bolǵan jumislar bir neshe avtorlar L.M.Mitina, L.A.Petrovskiy, N.V.Kuzmina, L.P.Alekseeva, N.S.Shabligina hám basqalar tárepinen alıp barıldı.
- Tórtinshi basqısh - bul kompetenciya túsiniǵın ulıwma bilimlendiriw pánleri standartları mazmunına kiritiw menen baylanısh.

Kompetenciya hám kompetentlik anıqlamaları bir-birine uqsas, hám bir-birin kóshiredi, biraq kompetenciya anıqlaması ushın anıq, belgili bir anıqlamalar joq, bul túsiniǵı «nızam tárepinen belgilengen qandayda bir organ yamasa lawazımlı adamnıń tolıq huqıqlar (huqıq hám wazıypalar) kópligi», «qanday da bir másele boyınsha sheshim qabıl etiwde belgili bilimler kópligine iye bolıw» yamasa «belgili bir taraw boyınsha jaqsı xabardar bolıw» dep te talıqlanıladı.

E. Short [4] pikiri boyınsha kompetenciya – bul ózgerisli qorshaǵan ortalıqta situaciyanı basqara alıw hám ózgerge alıw uqıbı.

I.A.Zimnyaya [5,6] pikiri boyınsha kompetentlik – bul bilimlendiriw processinde belgili bir iskerlikte kompetenciyanıń júzege shıǵıwı [1].

S.I. Ojegov hám N.Yu. Shvedovalar [7] ózleriniń rus tili túsindirne sózliginde kompetenciya sózine tómendegishe túsiniǵ berip ótken. Kompetenciya - qanıygeniń belgili bir máseleler jıyınǵın sheshiwge bolǵan jeke uqıbı.

Al, T.E. Isaeva [8] pikiri boyınsha kompetenciya - bul quramalı qubılıs bolıp, insanńıń iskerliginde qıym máselelerdi sheshiwdiń effektiv usılı esaplanıladı.

A. V. Xutorskoy [9] kompetentlik hám kompetenciyanı bir-birinen bólek túrde túsindiridi. Onıń pikiri boyınsha kompetentlik - bul insanńıń óz predmetlik iskerligine sıykes kompetenciyaǵa iye bolıwı dep keltiredi.

Al, E. F. Zeer [10] kompetenciya hár qıylı iskerliktiń ámelge asıw processinde júzege keledi dep atap ótedi.

Yu. N. Emel'yanov [11] óz miynetinde kompetentlikni keńirek mániste qarap shıǵadı: onıń pikiri boyınsha kompetentlik – bul insanńıń sociallıq hám individual formadaǵı aktivlikke erisiwge degen uqıbı, onıń usı uqıbı arqalı jámiyette óz ornın taba alıwı.

E. I. Ogarev [12] pikiri boyınsha kompetentlik - bul salıstırılmalı kategoriya bolıp, insan istıń kózın bilw arqalı óz kásiplik iskerligine qatnası dep keltiredi.

Al, Yu. G. Tatur [13] kompetentlikke tómendegishe anıqlama beredi: kompetentlik - bul insanńıń belgili bir tarawda maqsetke erisiwge degen umtılıwın hám uqıbın xarakterlewshı integrallıq qásiyeti.

Al, M. A. Choshanov [14] bolsa óz miynetinde kompetentlikni basqasha túsindirip ótedi. M. A. Choshanov pikiri boyınsha kompetentlik – bul tradiciyalıq úshliktiń (bilim, kónlikpe hám uqıp) komponentleri arasındaǵı baylanıstırılshı aǵza xızmetin atqaradı.

J.Ravenning 1984 - jıldı baspadan shıqqan «Zamanagóy jámiyette kompetentlik» atlı shıǵarmasında kompetentlikke keń túsiniq berilgen.

Onıń pikiri boyınsha kompetentlik júdá kóp komponentlerden ibarat bolıp, olardan kópshiligi bir-birinen ǵárezsiz, ayırım komponentler kóbirek kognitiv baǵdarǵa tiyisli, al ayırımaları emocional baǵdarlarǵa tiyisli. Biraq bular kópshilik jaǵdayda bul eki túsiniq birin-biri toltırıp baradı.

Kompetentlik hám kompetenciya túsiniğine respublikamız alımları tárepinende bir neshe anıqlamalar berilgen. K.Riskulova [15] pikirinshe, «kompetenciya» ol yaki bul kásiplik bilimge zárúr bolǵan sociolingvistikalıq nızamlıqlar, principler, talaplar, qaǵıydalar, minnetleme hám májbúriyatlar, sonday-aq, jeke deontologiyalıq ólshemler jıyındısı dep qaraydı. Kompetentlik shaxstıń ámeliy xızmeti menen baylanısqa halda, kompetenciya ólshemlerin jámiyet talaplarınan kelip shıqqan jaǵdayda kreativlik tiykarında is tájiriybesinde kórsete alıw sheberligi dep esaplaydı.

A.Maxmudov [16] kompetentlik túsiniğine tómendegishe kóz qaras ekenligin aytıp ótedi: «kompetentlik bir neshshe kompetenciyalardı óz ishine alǵan shaxstıń integraciyalıq xarakteristikası esaplanıp, kompetentlik kompetenciyaǵa salıstırılǵanda keńirek túsiniqke iye. Kompetentlik óz-ara izbe-izlikte kóp mánili bolıp, bir qansha kompetenciyalardan quraladı».

Kompetenciya túsiniğın dotalaw barısında tek anıq jaǵdaylardı qarastırıp arqalı onıń mánisi ashıp beriledi. Demek, kompetenciya - bul qatnasıw sferası eken, ol bilimler kópligi menen adam iskerligi ortasındaǵı birlikli háreketke júzege keledi. Yaǵnıy kompetenciya individ qábileti bolıp, anıq konkret jumıstı islew ushın kerek bolǵan bilimler, uqıp hám kónlikpeler kópligin paydalanıwı bolıp tabıladı.

Jáne de kompetenciya kásiplik iskerlik penen baylanıslı bolǵanlıǵı sebepli pedagogikalıq ádebiyatlarda sheshiwshı kompetenciyalar túsiniği qollanıla maqta. Kópshilik maqalalarda sheshiwshı kásiplik kompetenciyalar hámme qanıygeliklerge tán ulıwma kompetenciyalar dep qarastırılmaqta. Birinshiden bul kompetenciyalardı jámiyettiń hár bir aǵzası iye bolıwı, ekinshiden, olardı hár qanday jaǵdaylarda qollana alıwı kerek. Sheshiwshı kompetenciyalar universal boladı eken.

Demek, joqarıdaǵı ilimpazlar pikirlerin juwmaqlastırıp aytatuǵın bolsaq kompetenciya

һәм компетентлик тўсиниги – бул бир-бири менен тўғиз байланишли еки тўсиник. Компетентия – бул инсанни жеке ўзине тән қасиётлердин (билим, искерлик, уқуқ, ис һа́рекет усилу) жиынағи болса, ал компетентлик - ис һа́рекетке, уси ис һа́рекетти жүзеге асırıўда инсанни компетентияларға ие болıўı. Сонлиқтанда компетентлик тўсинигине тек ғана когнитив һәм технoлогийalıқ компонентлер емес, ал сонday-ақ мотивациyalıқ, этикаlıқ һәм mineз қулıqlıқ компонентлерде киреди. Bizlerdin pikirimizshe компетентлик, компетентияға қарағанда кеһрек тўсиник. Yaғни инsандағи белgili bir компетентиялар жиынағи бул онн компетентлигинде кóрinedи eken.

Әдебиятлар:

1. Хомский Н. Yazık i mishlenie. М., 1972.
2. Hymes, D. On Communicative Competence. In J.B. Pride and J. Holmes (eds.), Sociolinguistics. Harmondsworth: Penguin, 1972.
3. Равен Дж. Компетентность в современном обществе. Выявление, развитие и реализация / Пер. с англ. –М: Когнито-Центр, 2002. –С. 253.
4. Competence: Inquiries into ic Meaning and Acquisition in Educational Settings / Ed. by Edmund C. Short. Lanham etc., University Press of America, 1984. Vol. VI.
5. Zimnyaya I.A. Klyuchevie kompetencii – novaya paradigma rezul'tata obrazovaniya. Eksperiment i innovacii v shkole. 2009. Vip.2. str. 7-12.
6. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования. –Москва., 2000. –С.18-20. <http://aspirant.rggu.ru>.
7. S.I. Ojegovaya i N.Yu. Shvedovoy, *Tolkoviy slovar' russkogo yazıka*, 2, str.706]
8. Isaeva T.E. Klassifikaciya professional'no-lichnostnix kompetenciy vuzovskogo prepodavatelya / T.E. Isaeva // *Pedagogika : nauchno-teoreticheskiy jurnal* 2006. – № 9 . – s. 55-61.
9. Xutorskoy A.V. Kompetencii v obrazovanii: opit proektirovaniya : sb. nauch. tr. / pod red. A.V.Xutorskogo. – М.: Nauchno-vnedrencheskoe predpriyatіe «INEK», 2007. - 327 s.
10. Zeer E. F. Kompetentnostny podxod k obrozovaniyu. *Obrazovanie i nauka*. 2005. № 3 (33). str. 27-40.
11. Emel'yanov Yu.N. Teoriya formirovaniya i praktika sovershenstvovaniya kommunikativnoy kompetentnosti: dis. ... dokt. psix. nauk /Yu.N. Emel'yanov. -L., 1990. -403 s.
12. Ogarev E.I. Kompetentnost' obrazovaniya: social'nyy aspekt. SPb.: Izd. RAO IOV, 2005. 170 s.
13. Tatur Yu.G. Kompetentnost' v strukture modeli kachestva podgotovki specialista. – М.: Visshee obrazovanie segodnya, 2004, № 3.
14. Choshanov M.A. Gibkaya texnologiya problemno-modul'nogo obucheniya: Metodicheskoe posobie –М.: Narodnoe obrazovanie, 1996. str.4.
15. Рискулова К.Ж. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Пед.фан.док....дисс. –Тошкент, 2017. –Б. 22.
16. Махмудов А.Х. Совершенствование дидактического обеспечения компетентностной подготовки будущих магистров: Дисс.... док.пед.наук. – Ташкент, 2017. –С. 55-56.
17. Ivanov D.A., Mitrofanov K.G., Sokolova O.V. Kompetentnostny podxod v obrazovanii. Problemi, ponyatiya, instrumentariy. *Uchebno-metodicheskoe posobie*. – М.: APKiPPRO, 2005. – 182 b.
1. <http://educationxi.newtonew.com>
2. <https://superinf.ru>
3. <http://uzedu.uz>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада компетенция сўзининг келиб чиқиши ва мазмуни таҳлил қилиниб, таълим соҳасидаги компетенция тушунчасининг ривожланиш босқичлари кўриб чиқилган. Компетентия ва компетентлик тушунчаларига олимлар томонидан берилган фикр-мулоҳазаларига изоҳ берилиб, хулосалар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется происхождение и значение слова компетентность, а также рассматриваются этапы развития понятия компетентности в образовании. Объясняются понятия компетентности и компетентности и делаются выводы из взглядов, высказанных учеными.

SUMMARY

This article analyzes the origin and meaning of the word competence, and also discusses the stages of development of the concept of competence in education. The concepts of competence and competency are explained and conclusions are drawn from the views expressed by scientists.

## КОНСТРУКТИВ-КОМПОЗИЦИОН ЕЧИМЛАР АСОСИДА КИЙИМЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ЛОЙИХАЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Шарипова Г.С.*

*Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти “Либос дизайни” кафедраси доценти*

*Хайтова М.Т.*

*Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти  
“Либос ва газламалар” йўналиши магистранти*

**Таянч сўзлар:** либос, лойиҳалаш, конструкция, композиция, кийимлар, феъл-атвор, тамойиллар, қомат, гавда.

**Ключевые слова:** конструкция, композиция, одежда, дизайн, характер, принципы, фигура, рост.


**Key words:** construction, composition, clothing, libos, design, Fe'l-tolerances, principles.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хорижий шерикларни жалб этиш «Ўзбекингилсаноат» аксиядорлик жамиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Буларнинг барчаси мамлакатимиз энгил саноатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Замонавий либос индустриясида антропометрик тадқиқотлар асосида ўрта ёшли аёллар индивидуал тана тузилишини ҳисобга олган ҳолда қомат конструкциясига мос либослар яратиш долзарб этиб белгиланган. Бугунги кунда ўрта ёшли тана тузилиши турли ўлчамга ва қоматга эга аёллар учун либосларни конструктив-композицион ечими белгилари бўйича шаклланган квалификациясини ҳали ўрганилмаган жиҳатларини ишлаб чиқиш аҳамиятлидир.

Аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, «инсон-кийим» тизимининг бадий йўналиши ва композицион яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда индивидуал истеъмолчи учун кийимларни лойиҳалаш методини такомиллаштириш либос дизайни соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар олдига етарлича талаб қўяди.

Замонавий либослар оламида ҳажмий-фазовий шаклдаги турли хил конструктив қурилмаларга эга бўлган ва энг кенг тарқалган аёллар либослари долзарб бўлиб, турли ўлчамга эга индивидуал қоматни тузилиш хусусиятларини ўрганиш заруриятини кўрсатади. Бундай қомат тузилишига эга аёллар либосини лойиҳалаш жараёнида ўлчам характеристикалари стандарт меъёрларга жавоб берадиган тана шаклини ҳар доим ҳам типик ҳолатга келтирмаслиги аниқланган. Фарқлар маълум бир соҳада танани тавсифловчи ўлчовли чегараларнинг бир хил қийматларида тананинг маълум бир участкаларида фарқ қилиши мумкинлиги туфайли пайдо бўлади. Масалан, бўйин айланаси – айрим ҳолатда юмалоқ, чўзилган ва кўндаланг йўналишда бўлиши мумкин ёки бир хил кўкрак қафаси кичик суяк тўплами билан катта кўкраклар ҳосил бўлиши мумкин ёки аксинча тузилишлар кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, кўкрак оралиги маркази орасидаги масофа, кўкрак баландлиги, шакли, масофаси ва ҳоказоларда оғишлар бўлиши мумкин. Тананинг шакли



1-Расм. Аёл конструктив тузилишида ностандарт ўлчамлар.


тузилишида, умртқа поғонасида, елкалар баландлигида фарқлар борлигини сезиш мумкин.

Тадқиқотчилар конструктив-композицион ечимлар асосида кийимларни манзилли лойиҳалашга оид таснифларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар.

Маълум тана тузилиши турларининг барча мумкин бўлган вариантларини аниқлаш, таснифлаш учун кўплаб уринишлар бўлган. Хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг турли чизмалари ишлаб чиқилган. Уларнинг таҳлили, икки хил ёндашув мавжудлигини кўрсатди. Биринчиси оғзаки шаклда, Шкерли, Галант каби тана шаклини миқдорий баҳоларсиз белгилар мажмуи билан тасвир намоён бўлади.

Шундай қилиб, Шкерли аёл танаси типологиясини фақат бошқа тана хусусиятларининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олмаган ҳолда, тананинг маълум жойларида ёғ қатламларининг тарқалиши ривожланиш даражаси хусусиятлари асосида курди. И. Б. Галант томонидан таклиф этилган аёлларнинг тана тузилиши турлари схемаси тўлиқроқ ва нафақат ёғ бирикмасининг ривожланиш даражасини, балки бошқа бир қатор морфологик хусусиятларни ҳам ҳисобга олишга асосланган: масалан, мутаносиблик, мушакларнинг ривожланиш даражаси ва бошқалар.

Ажен Ледо асосий геометрик фигураларга ўхшаш фигуралар асосида тавсифлади ва аёл танаси тана тузилишининг ўзига хос хусусиятларини типологиясини таклиф этди (36). А.Ледо аёл конструкциясига мос ҳолатда инсон қиёфасининг беш хил психологик турини ажратиб берган:



2-расм. Аёллар қоматининг геометрик фигуралар шаклида таснифланиши.

- Тўртбурчак қиёфа асосан шижоатли кишиларда намоён бўлади. Улар муаммони ҳал этувчи ва амалий тоифадаги инсонларга киради. Улар санъат учун яроқсиз, аммо аниқ фанлар уларни ўзига тортади.
- Юз қиёфасининг уч бурчакли тури мувозанатсиз одамларга хосдир. Ички дунё руҳиятининг кўтарилиб бирдан пасайиши билан алмашинади. Қаттиққўл, шавқатсиз.
- Думалок турли қиёфа - ташаббускор, бақувват, ақлли одамлар. Улар мулоқатчанг ва очикдирлар.
- Овал қиёфали инсонлар ҳаракатчан ва таасуротли инсон кўринишида тасаввур уйғотади. Кўпинча бу инсонлар санъат одами бўлиб, шоирлар, расомларни ташкил этади.
- Конус шаклидаги тури эса реалистик, консерватив ва ҳисоб-китобчиларга хосдир.

Конрад томонидан ишлаб чиқилган ўзига ҳос хусусиятли аёллар кийимларни манзилли лойиҳалашда метрик ва пластик индекслардан фойдаланиш таклиф этилади. Метрик индекс кўкрак баландлиги, кўкрак кенглиги ва бошқа катталиқни ўлчайдиган оддий маълумотлардан олинади. Топилган индекс бўйича тегишли индекс билан таққосланади.

«Пластик индекс (тана бичими индекси) биакромиал масофа ўлчов маълумотларни кўшиб олинади, қўл атрофи ва бу йўл билан олинган сатх ўлчов рақамлари асосида билак, енг айланаси маълум соҳада ўқлар кесишиб, маълум тўрт квадратлардан жой олади.

Крусман юза ва текислик ёки тананинг узунлиги ва чуқурлиги ҳамда оёқ-кўлларнинг мос мутаносиблиги бўйича таснифлашни таклиф қилади. Таснифлаш

учун Круссманн учта етакчи сифатни таклиф қилади: баландлик, елка кенглиги ва кўл хажми. Қоматни бундай гуруҳларга ажратишда ва геометрик фигуралар келтириб чиқаришда бир тоифага кирадиган тана тузилишли инсонлар учун бир типдаги композицион-конструктив ечимдан фойдаланиш мумкин. Тананинг қисмларини бўй- бастга ва бир – бирига мослигига қараб, долихоморфоз, мезоморфоз ва брахиморф тузилиш ҳам фарқланади.

Бундай тана хусусиятлари индивидуал қоматли аёллар кийими дизайнида асосий эътибор умртқа погонанинг эгилиши, бўкса мускулларининг шаклланиши ва ёғ қатламининг ҳосил бўлишига кўпроқ эътибор бериш лозим. Ностандарт конструкцияли тузилишни макетлашда мана шу хусусиятлар асосий саналиб, бу хусусиятларсиз конструктив ечим яратиш мумкин эмас. У турларини ўлчаш учун зарурий ўлчамлардан ҳисобланади. Бу гуруҳга Погол, Роезитл, Сорин ва бошқаларнинг ишланмалари киради.

Л.П.Шершнева ўз тадқиқотлари натижасида бир қанча турлааро конструкцияларни таҳлил қилиб, таснифлайди:

Навкирон тип – холерик феъл-атворли бўлиб, ҳаракатчанг, нозик ва ўрта тана тузилишига эгадирлар. Тана тузилиши мўтадил, асосан кичик ва ўрта ёшлар ўртасида кўп учрайди.

Жозибадор тип – бу тоифага кирувчи аёллар сангивиник феъл – атворга эга бўлади. Ўрта ва баланд бўйли, нозик, ўрта ва кенг тана тузилишини намоён қилади. Бўйин ва юз чўзиқ ҳолатда бўлиб, асосан ёшлар ва ёши улуг аёллар киёфасида намоён бўлади.

Ишбилармон аёллар киёфаси – флегматик ва сангивиник темперамент эгаларидир. Улар барқарор, аммо айрим ҳолларда бироз қўполроқ ва кескин инсонлардир. Ўрта ва кенг елкали бўлиб асосан барча ёшдаги аёлларга ҳос келади.

Лагофатли тип – меланхолик ва флегматик типга ҳос бўлиб, ўрта бўйли, ўрта ва кенг тана тузилишли, кучли ва ҳаракатчан киёфани акс этади. Бу тоифа аёллари кўпинча юмшоқ юз тузилишига эга бўлади.

Геронтотип - -бу ёш кекса аёллар тоифасини (65 ва ундан юқори) бўлиб, кексаликка ҳос белгиларни намоён этади.

Шунинг учун аёллар тана тузилишини композицион конструктив манзилли ечи-мида, уларнинг психологик-антропометрик тана тузилишига эътибор бериб либослар яратиш турли тоифадаги аёллар қатламининг хусусиятларини ўрганишдан бошланади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда индивидуал қоматдаги истеъмолчи эҳтиёжини сифатли кийим билан қондириш долзарблиги, бунинг учун индивидуал қомат учун кийим шаклини тuzатиш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, кийимнинг композицион-конструкцион ечимини такомиллаштириш инсон шахсияти билан боғлиқлиги муҳим рол ўйнайди. Бунда эса замонавий мутахассис бир вақтнинг ўзида дизайнер, конструктор, технолог, маркетинг ва ўз махсулотини муваффақиятли сотувчи каби вазифаларни бажариши керак.

Адабиётлар:

1. Козлова Е.Т., “Совершенствование конструктивно- композиционных решений одежды в зависимости от особенностей телосложения человека», Москва 2005

2. Н. Ю., «Совершенствование методов автоматизированного проектирования одежды на индивидуального потребителя», Шахты 1999.
3. Мартынова А.И., Андреева Е.Г. Конструктивное моделирование одежды. М: МГА, 1999.
4. Матузова Ем Соколова Г.И., Гончарук нс Мода и крой. М., 2001. 62 Матузова Ем Соколова ги Гончарук Н.С. Разработка конструкция женских зема по моем. М. Лера и да промышленность, 1983.
5. Meznenena ТВ. Первос С. В. E cerea проеросao E oseKau Ka типовые и истилвые фигура// Швейин. прость. 1992
6. Медведева Т.В. Художественное конструирование свежды. М: Форум Инфра-М, 2003.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада турли хил коматга эга аёллар либосини манзилли лойихалашда, аёллар тана тузилишининг композициялари ва қиёфалари хақида маълумот берилади. Турли тадқиқотчилар томонидан олиб борилган конструктив-композицион ечимлар асосида кийимларни манзилли лойихалашнинг психологик ва эргономик талаб жihatдан таҳлили берилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье приводятся сведения о составе и внешнем виде строения женского тела при целенаправленном проектировании женской одежды с различными конструкциями. Дан психологический и эргономический анализ спроса на дизайн одежды назначения на основе конструктивно-композиционных решений, проведенный различными исследователями.

## SUMMARY

The article provides information about the composition and appearance of the structure of the female body in the purposeful design of women's clothing with various designs. The psychological and ergonomic analysis of the demand for the design of clothing for various purposes based on structural and compositional solutions, conducted by various researchers, is given.

## DARSLIK-O'QUVCHILAR UCHUN MUHIM BILIM MANBALARIDAN BIRIDIR

*Ergasheva G.S.*

*Mualliflar: Nizomiy nomidagi TDPU prof.*

*Kadirova Sh. A.*

*O'qit.*

**Tayanch so'zlar:** darslik, pedagogik texnologiyalar, biologiya fanini o'qitish, darslik tahliliy tanqidiy fikrlash, tahlil qilish.

**Ключевые слова:** учебник, педагогические технологии, преподавать предметную биологию, критическое аналитическое мышление, анализировать.

**Key words:** textbook, pedagogical technologies, to teach subject biology, Critical analytical thinking, analyse.

Mamlakatimizda olib borilayotgan yangi iqtisodiy sharoitlar va ta'lim islohoti ko'plab yangi darsliklarning paydo bo'lishiga sabab bo'ldi va shu bilan birga o'qituvchining savoli: bolalar bilan ishlash uchun darslikdan qanday foydalanish kerak?

*Darslik* – davlat ta'lim standarti, o'quv dasturi, uslubiyati va didaktik talablari asosida belgilangan, milliy istiqlol g'oyasi singdirilgan, muayyan o'quv fanining mavzulari to'liq yoritilgan, tegishli fanning asoslarini mukammal o'zlashtirilishiga qaratilgan xamda



turdosh ta'lim yo'nalishlarida foydalanish imkoniyatlari hisobga olingan nashr.

Ma'lum bo'lishicha, umumiy biologiya kursi turli o'quv qo'llanmalarida turlicha berilgan 200 ga yaqin tushunchalarga asoslangan. Bu yerda o'qituvchilarga sinfda foydalanish va yakuniy imtihonlarga tayyorgarlik ko'rish uchun darslik tanlashda yordam beradigan qo'llanmalarining qisqacha xulosalari keltirilgan. Tekshiruv oxirida to'liq bibliografik tavsiflar berilgan. Asosiy biologik tushunchalar lug'ati, oz miqdordagi genetik muammolar va qisqacha laboratoriya amaliyoti mavjud. Ko'rinish turibdiki, bu umumiy biologiyani o'qitish va yagona davlat imtihoniga tayyorgarlik ko'rish uchun juda ishonchli darslik. Shu bilan birga, darslikning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish kerak.

Ta'lim tizimida darslik bilan ishlash metodi asosiy o'rinlardan birini egallaydi. Binobarin, darslikdan foydalanmay biror fan, texnika yoki san'at sohasini egallab bo'lmaydi. Darslik bilan ishlash ta'lim jarayonida o'qish-o'qitish ishlarini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun yordam bersa, ikkinchi tomondan, o'quvchilarning kelajakdagi faoliyati uchun zarur bo'lgan ilmiy va ilmiy-ommabop adabiyotlarni mustaqil o'qib-o'rganish madaniyatini tarkib topdirish bilan birga u bolalarni ko'nikma va malakalar bilan qurollantirishda katta ahamiyatga ega. O'quv adabiyoti bilan ishlash murakkab psixik jarayonni o'z ichiga oladi. O'qish jarayoni o'qituvchi tomonidan bayon qilinayotgan bilimlarni o'quvchilarning eshitib, o'qishlarinigina emas, balki o'quv materiallarini (ma'lumotlarni) kitob matnidan ko'rib, ongli idrok qilish faoliyatini ham taraqqiy ettirishni nazarda tutadi.

Darslik bilan ishlash metodi ikki shaklda olib boriladi:

- dars jarayonida darslik va o'quv adabiyoti bilan ishlash;
- darslik va o'quv adabiyotlari bilan sinfdan va maktabdan tashqari mustaqil ishlash.

Kitob bilan ishlashning har ikkala shakli o'quv fanlari bo'yicha deyarli hamma sinflarda qo'llanishi mumkin. O'quvchilarni darslik va boshqa o'quv ma'lumotlari bilan birga qo'shimcha adabiyot, ilmiy va ilmiy-ommabop maqolalar, shuningdek gazeta, jurnallardan foydalanishga ham o'rgatish kerak.

O'qituvchiga dars berishda yordam beruvchi asosiy qurol darslik. O'quvchilar ilgari darsliklardan uyda bilimlarini mustahkamlash uchun foydalangan bo'lsalar, maktab rivojlanishining hozirgi bosqichida esa ulardan yangi material bayon qilinishi bilanoq foydalanishmoqda. O'quvchi kitob bilan muvaffaqiyatli ishlay olishi uchun tegishli ko'nikma va malakalarni egallashi kerak. Ta'limning hozirgi bosqichida o'quvchilarga darslik bilan mustaqil ishlashni o'rgatish o'qituvchining muhim vazifasidir. Binobarin, ular kelajakda turli bilimlarni o'zlaricha tahlil qilishga, o'rganishga va umumlashtirishga ham majbur bo'ladilar. Kitob bilan ishlashni o'rgatishning dastlabki bosqichida izohli o'qish metodidan foydalaniladi. O'qituvchi bolalarga kitobni diqqat bilan o'qishni, undagi har bir so'z va ifodaning ma'nosini o'ylab ko'rish hamda butun mazmuni qamrab olishni o'rgatadi. Darslik bilan ishlashning asosiy bosqichlari: o'quvchilar sinfda va uyda o'zlari uchun yangi materialni mustaqil holda o'rganadilar. Ishning bu usuli quyi sinflardagi darslarda dastlabki ko'nikmalarni shakllantirish uchun bir oz qiyinlik qiladi. Shunday ekan, darslik va kitob bilan ishlashning o'qitish metodi sifatidagi mohiyatini qanday ta'riflash mumkin? Bu metodning mohiyati bilimlarni o'zlashtirish va mustahkamlash, o'quvchilarning darslik va kitob bilan mustaqil ishlashi jarayonida

amalga oshishidan, va ayni paytda, ularning kitob bilan ishlash malakalarini egallashidan iboratdir. Mazkur metodning o'zaro bog'liq ikkita muhim tomoni mavjud bo'lib, ular o'quvchilarning o'rganiladigan materialni mustaqil o'zlashtirish va ularda o'quv adabiyoti bilan ishlash ko'nikmasini shakllantirishdir. Dars mashg'ulotlari tizimida darslik bilan ishlashning to'g'ri yo'lga qo'yilishida o'qituvchining ta'limiy ishlari bilan o'quvchilar faoliyatining o'zaro muvofiqligi masalasi g'oyat muhim ahamiyatga molikdir. Darslikni, mashg'ulotlarni tashkil qilish uchun foydalaniladigan qandaydir yordamchi vosita deb bilmaslik kerak. Darslik, avvalo, o'quvchilar uchun muhim bilim manbalaridan biridir. Lekin u bayon etilgan materialni mustahkamlashning va o'quvchilar bajaradigan aqliy ishlarni faollashtirishning samarali vositasi sifatida ham xizmat qiladi. Ammo buning uchun o'qituvchi darslikni qo'llashda eng muhim metodik talablarga rioya qilishi zarur. U mashg'ulotlarni o'tkazishdagi muayyan holatda darslikni qay yo'sinda qo'llash maqsadga muvofiqligini aniqlab olishi, shu orqali bolalarni fikrlashga rag'batlantirishi, ularning o'rganiladigan materialni quruq yodlashi va yuzaki eslab olishiga yo'l qo'ymasligi kerak.

Darslikni, mashg'ulotlarni tashkil qilish uchun foydalaniladigan qandaydir yordamchi vosita deb bilmaslik kerak. Darslik, avvalo, o'quvchilar uchun muhim bilim manbalaridan biridir. Lekin u bayon etilgan materialni mustahkamlashning va o'quvchilar bajaradigan aqliy ishlarni faollashtirishning samarali vositasi sifatida ham xizmat qiladi. Ammo buning uchun o'qituvchi darslikni qo'llashda eng muhim metodik talablarga rioya qilishi zarur. U mashg'ulotlarni o'tkazishdagi muayyan holatda darslikni qay yo'sinda qo'llash maqsadga muvofiqligini aniqlab olishi, shu orqali bolalarni fikrlashga rag'batlantirishi, ularning o'rganiladigan materialni quruq yodlashi va yuzaki eslab olishiga yo'l qo'ymasligi kerak.

#### Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» /Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining paydevori. - Toshkent: SHarq nashriyot-matbaa konserni. 1997.
1. Pedagogika fanlarini o'qitish metodikasi. Ma'ruza mantlari.
2. Munavvarov A.Q. "Pedagogika" T. "O'qituvchi" 1996 y.
3. Mavlonova R. va boshqalar "Pedagogika "T." "O'qituvchi" 2007y.
4. Abdullaeva Sh., D. Axatova. Pedagogik texnologiyalar. Nayoiy, 2003 yil
5. X.Ibragimov, Sh.Abdullayeva. Pedagogika nazariyasi. Toshkent. 2008
6. Меретукова В.Р. Инновационные идеи в дидактических трудах И.Я.Лернера. Дисс. ... канд.пед.наук (13.00.01). – Москва, 2003
7. Сайидахмедов Н.С. Система методов обучения учащихся механизированному труду в хлопководстве. Автореф. дисс. канд.пед.наук. – Москва, 1983, - с. 18
8. 9.www:zizonet.uz.
9. www:school.edu.uz.
10. www:inter – pedagogika.ru.

#### РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada o'quvchilarning dars jarayonlarida, sinfdan va darsdan tashqari darslik bilan mustaqil ishlashlari to'g'risida fikr yuritiladi. Hamda o'quvchilarni darslik va boshqa o'quv ma'lumotlari bilan birga qo'shimcha adabiyotlar bilan ishlashlari haqida ham ma'lumotlar keltirib o'tilgan.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье освещены вопросы использования учебника в процессе урока, во внеурочных и внеклассных работах. Также приведены сведения о использовании учебника и дополнительной литературы.

#### SUMMARY

In this article pupils independent work is looked through with the textbook during and out of the lesson. Furthermore, one can find information about the working process with the textbook and additional educational materials.

## BADIIY TAFAKKURNING TARIXIY RIVOJLANISH BOSQICHLARIGA NAZAR

*Shaymurotov U.*

*TDPU o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** badiiy tafakkur, talaba, rassom-pedagog, badiiy ijod, hissiy-sub'ektiv, ob'ektiv-formal.

**Ключевые слова:** художественное мышление, студент, художник-педагог, художественное творчество, эмоционально-субъектное, предметно-формальное.

**Key words:** artistic thinking, student, artist-teacher, artistic creativity, emotional-subjective, subject-formal.

Respublikamizda zamonaviy rivojlanish sharoitida amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy islohotlar, jamiyatimizda ro'y berayotgan o'zgarishlar, ayniqsa, yoshlarning shaxsiy shakllanishi va rivojlanishi jarayonida, ularning dunyoqarashi, qadriyatlar tizimi, ma'naviy, ijodiy imkoniyatlarini orttirish, badiiy tafakkurini kengaytirish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Madaniyat va san'atning yoshlar hayotidagi ahamiyati haqidagi g'oyalarga tobora ko'proq e'tibor qaratilmoqda. Ijodiy yo'naltirish inson faoliyatining barcha sohalarida shaxsiy individual rivojlanishining zarur sharti hisoblanadi. Aynan, qalbning ichki go'zalligi o'ziga xos uyg'unlik tuyg'usi, rivojlangan badiiy va estetik dunyoqarash atrofidagi inson dunyosini o'zgartirishga qodir. Badiiy-majoziy tafakkur jarayonida sintez, tahlil, taqqoslash, guruhlash, umumlashtirish, aniqlashtirish, mavhumlashtirish kabi operatsiyalar amalga oshirilishi isbotlangan. Hukm va xulosa chiqarish, tasniflash va tizimlashtirish kabi mantiqiy amallardan foydalanish ham unga xosdir [1, 190- b.]

Rassom-pedagog uchun badiiy tafakkurni rivojlantirishning ahamiyati bir qancha sabablarga ko'ra nihoyatda katta. Shulardan biri shundaki, u o'z kasbiy faoliyatida o'quvchilarga nafaqat tasviriy savodxonlik sohasidagi nazariy bilimlarni yetkazish, balki ulardan o'z faoliyatida ham, umuman, badiiy asarlarga yondashuvda ham maqsadli foydalanishni o'rgatishi zarur. Boshqa tomondan, ma'lum bir kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan fikrlashning o'sha tomonlarini rivojlantirish orqali ta'limning o'quv jarayonini uning samaradorligini oshirish uchun o'zgartirish mumkin, chunki bu fikrlashning o'ziga xosligi birinchi navbatda professional mutaxassislarda ajralib turadi.

Demak, badiiy-majoziy tafakkurning rivojlanish darajasi rassom-pedagogning kasbiy tayyorgarligi mezonlaridan biri bo'lib xizmat qiadi.

Shunga qaramay, pedagogika oliy ta'lim muassasalarining Tasviriy san'at fakultetida talabalarga ta'lim berish amaliyoti tahlili shuni ko'rsatadiki, badiiy tafakkurni shakllantirish va rivojlantirish masalasi yetarli darajada ishlab chiqilmagan. Buning sababi shundaki, rassomlik darslarida badiiy tafakkurni rivojlantirish bo'yicha aniq vazifalar vaqt sarfining ko'pligi tufayli bajarilmaydi. Shuning uchun biz to'liq miqyosli ta'lim muhiti bilan ishlashda bevosita badiiy tafakkurni rivojlantirishni faollashtirishga imkon beradigan metodik tizimni ishlab chiqishni maqsadga muvofiq deb bilamiz.

Shu nuqtai nazardan tasviriy san'at o'qituvchilarini tayyorlash sifati va samaradorligini ta'minlashda ularning badiiy tafakkurini rivojlantirishning tasviriy san'at va adabiyotning o'zaro aloqadorligi asosida takomillashtirish muhim dolzarblilik kasb etadi.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlatl pedagogika universitetining tasviriy san'at fakultetida rassomchilikni o'qitish tajribasini o'rganish va 1-2-kurs talabalari ishini tahlil qilish jarayonida etakchi badiiy va ijodiy qobiliyatlardan biri sifatida talabalarning badiiy tafakkurining rivojlantirish muammosi hal qilinishi lozim bo'lgan muhim ilmiy-pedagogik muammo sifatida aniqlandi. Shu sababli talabalar rasmlarda badiiy obraz yaratishda bir qancha qiyinchiliklarga duch kelishadi. Badiiy savodxonlikning ayrim qoidalarini, tasviriy qonuniyatlarni o'rganishga katta e'tibor beriladi, bunda ifodali badiiy tasvirlarni yaratish qobiliyatini rivojlantirish fonda qoladi. Ko'pincha, talabalar to'liq hajmdagi ishlab chiqarish uchun ekspressiv badiiy echim topishga intilmay, tabiatdan eskiz chizish bilan shug'ullanadilar.

Hozirgi vaqtda fanning turli sohalarida juda keng miqyosdagi tadqiqotlar amalga oshirilgan bo'lib, unda badiiy tafakkurning o'ziga xosligi hisobga olinadi. Ilmiy izlanishlari ibtidoiy madaniyatlarga bag'ishlangan ko'plab tadqiqotchilar ibtidoiy jamiyatlar dunyoqarashida badiiy tafakkurning o'rni va moddiy madaniyat yodgorliklarida badiiy gavdalanishi haqida so'z yuritadilar.

Falsafa va estetik tafakkurda bu mavzu u yoki bu ko'rinishda antik davrdan boshlab, Aristotel san'at nazariyasiga asos solib, ijodiy jarayonni tabiatga taqlid qilishning eng murakkab usullaridan biri deb hisoblagan paytdan boshlab ko'rib chiqiladi. rassom tomoshabinni o'zi yaratgan obrazga hamdardlik uyg'otadi. [2, b. 2-b.].

Ilmiy fikrning nisbiy mustaqilligiga ega bo'lishi bilangina ilmiy faoliyatni va unga mos keladigan o'ziga xos tafakkurni uning boshqa turlaridan ajratish zarurati tug'iladi. Boshqa ong jarayonlariga nisbatan yaqqol o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan va shaxsning badiiy faoliyati tufayli shakllanadigan alohida tafakkur turi shunday aniqlanadi.

Rim imperiyasi davrida rassom-o'qituvchi badiiy ijodning yuksak muammolari ustida ko'p fikr yuritmagan. Namunalarni nusxalash, Gretsiyaning buyuk ustalarining ish uslublarini takrorlash jarayonida Rim rassomlari asta-sekin Yunonistonning rassom-pedagoglari tomonidan qo'llanilgan chizmachilikni puxta egallay boshladilar [4, 8-b.].

Gegel estetikasida badiiy-majoziy tafakkur ta'limotining dastlabki asoslari mavjud. Aynan shu mutafakkirning asarlari musavvir tafakkurini o'ziga xos tipdagi ma'lum o'ziga xoslik, bilish usuli sifatida o'rganishga asos solgan.

Keyinchalik bu mavzu A.Shopengauer, F.Nitshe, K.Yaspers, M.Xaydeger va boshqalar kabi mashhur faylasuflarning asarlarida davom ettirildi. Badiiy tafakkur muammosi A. Kamyu va J.P. Sartrning estetika va san'atning ekzistensialistik kontseptsiyasida juda chuqur ko'rib chiqilgan.

Z.Freyd va K.Yung kabi psixologik tahlil sohasining mashhur vakillari ham tafakkurning bu turi bilan shug'ullangan. Aynan ular bunday tafakkurda ongning ma'lum obrazlari mavjudligi muhimligini ta'kidlaganlar, shuningdek, ularning paydo bo'lish mohiyatini tushuntirishga harakat qilganlar.

Fikrlashning tabiati haqidagi o'ziga xos g'oya geshtalt psixologiyasi vakillari tomonidan ilgari surilgan. U ong haqidagi oldingi qarashlarini o'zgartirib, ong alohida elementlar bilan emas, balki yaxlit ruhiy tasvirlar bilan harakat qilishini isbotladi. Shunday qilib, gestalt psixologlari shaxs ongini elementlarga bo'lgan assotsiativ psixologiyaga qarshi chiqdi. [2, 2-b.].

J.I.C. Vygodskiy «umumiy hissiy belgi qonunini» shakllantirgan, uning mohiyatini u soʻzlar bilan ifodalagan: “barcha tuygʻular, his-hayajonlar ushbu tuygʻuga mos keladigan tasvirlarda gavdalanishga intiladi. Tuygʻu, goʻyo, insonning kayfiyatiga mos keladigan taassurotlar, fikrlar, tasvirlarni toʻplaydi. Shunday qilib, boy hissiy hayot tasavvurni rivojlantirishni ragʻbatlantiradi [1, b. 246].

Yuqorida aytilganlarning barchasini umumlashtirgan holda shuni taʼkidlash mumkinki, badiiy-majoziy tafakkur tabiatiga bagʻishlangan deyarli barcha tadqiqotlarda uning oʻziga xos fazilatlaridan biri uning ikki tomonlama tuzilishi boʻlib, u hissiy-subʼektiv va obʼektiv-formal komponentlarni oʻz ichiga oladi. Bu ikki jihat badiiy va obrazli tafakkurning shakllanishiga taʼsir koʻrsatishga qodir. Ulardan qaysi biri eng samarali, bu savol oʻqitish metodikasiga oid tadqiqot ishlarida hali aniq ilmiy asoslanmagan. Anʼanaviy ravishda uchta asosiy fikrni ajratib koʻrsatish mumkin.

Birinchisi, ijodkor ongi, eng avvalo, uning ixtiyoridagi badiiy vositalarni hisobga olgan holda badiiy obraz yaratishni koʻrib chiqishi bilan farqlanadi. Bu tasvirni gavdalanitirish, uning ifodali yechimi vositasi sifatida tasviriy sanʼatda maʼlum darajadagi savodxonlikni nazarda tutadi. Binobarin, badiiy va xayoliy tafakkurning rivojlanishiga taʼsir etuvchi muhim omillardan biri nafaqat amaliy mahorat, balki rassomning voqelikni idrok etishining oʻziga xosligidir. Bunday yondoshuvni N.N.Rostovtsev, B.C. Kuzin, E.V. Shoroxov, E.I. Ignatiyev qoʻllab quvvatlaydilar.

Ikkinchi pozitsiya shartli ravishda ijodkorlikning hissiy, shaxsiy asosining oʻzi ifoda yoʻlini topadi degan fikrni oʻz ichiga oladi. Buning uchun sanʼat vositalari - bu rassom oʻzining ichki tuygʻusi va intuitsiyasidan kelib chiqqan holda deyarli ongsiz ravishda tanlaydigan oʻziga xos material va vositadir. (B.M.Nemenskiy, B.P.Yusov).

Uchinchi nuqtai nazar badiiy-majoziy tafakkurning rivojlanishini har bir bosqichda maʼlum darajada oʻzlashtirilgan tasviriy koʻnikmalar va bilimlarning umumiy psixologik rivojlanish jarayonlari bilan oʻzaro taʼsiri bilan shartlangan jarayon sifatida qaraydi (A.A. Melik-Pashaev, L.B. Ermolaeva-Tomina).

Badiiy-majoziy tafakkurni rivojlantirish masalasini hal qilishda mavjud yondashuvlardagi farqlarga qaramay, ularning barchasida umumiylik bor. Bu amaliy tajriba, bilim, koʻnikmalarning fantaziya, tasavvur, hissiy kayfiyat va rassomning estetik munosabati bilan muvofiqlashtirilgan oʻzaro taʼsirining muhimligini tan olishdir.

Bu uch tushunchani badiiy tafakkurni shakllantirishda tematik chizmaning yetakchi rolini koʻrsatishi ham birlashtiradi. Buning sababi tasviriy faoliyatning bu turida nazariy bilimlar, hayotdan rasm chizishda olingan amaliy koʻnikmalar hamda tasavvur, mushohada, tanlab olish, badiiy umumlashtirish qobiliyati ayniqsa yaqqol namoyon boʻladi. Shuning uchun tasviriy sanʼatni oʻqitishning deyarli barcha asosiy mahalliy usullarida mavzuli rasm chizishning badiiy tafakkurni rivojlantirishga yordam beradigan eng muhim rasm turlaridan biri sifatida eʼtirof etish mumkin.

Adabiyotlar:

1. Выготский Л.С. Психология развития человека. — М.: Изд-во Смысл; Изд-во Эксмо, 2005. — 1136 с, ил. 2. Арнхейм Р. Искусство и визуальное восприятие / пер. с англ. В. Н. Самохина. М. : Прогресс, 1974. 392 с.

2. Ushenova Yu.S. “Razvitiye xudojestvenno-obraznogo mishleniya studentov mladshix kursov fakulʼteta izobrazitelʼnogo isskusstva na zanyatiyax jivopisyu: na material natyurmorta”. Avtoref.diss. k.p.n./ Moskva -2009 g. – 23 s.

3. Ушанева Ю.С. Учебная натурная постановка как средство наглядности при обучении студентов факультета изобразительного искусства педагогического института // Известия Южного федерального университета. Педагогические науки, 2009. - №6. - С. 200-207

4. Жуликов А.В. Теоретические и методические основы преподавания изобразительного искусства в общеобразовательных учреждениях: Учебное пособие для студентов специальности 54.02.06 Изобразительное искусство и черчение и преподавателей профессиональных образовательных учреждений. – Ростов н/Д, 2016. – 259 с.

5. <https://www.psychologos.ru/articles/view/kulturno-istoricheskaya-teoriya-l.s.-vygotского>.

6. <https://voilokmaikop.ru/uz/sistema-myslительnyh-sposobnostei-kak-uroven-razvitiya.html>

РЕЗЮМЕ

Maqolada badiiy tafakkur rivojlanishining tarixiy bosqichlari, ahamiyati, ijodiy imkoniyatlari haqida fikr yuritiladi. Badiiy tafakkurni rivojlantirish bilan bog'liq nuqtai nazarlar bayon qilinadi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются исторические этапы развития художественного мышления, его значение и творческий потенциал. Описано отношение к развитию художественного мышления.

SUMMARY

The article examines the historical stages in the development of artistic thinking, its significance and creative potential. The attitude to the development of artistic thinking is described.

## TALABALARDA KO'NIKMA, MALAKA VA KOMPETENSIYANI SHAKLLANTIRISHDA BIOLOGIK MASALALARDAN FOYDALANISH

*Jumayev S.Z.*

*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti*

*Biologiya kafedrası o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** biologiya, matematik savodxonlik, biologik obyekt, biologik tushuncha, hisob-kitob, masala, mashqlar, biologik masala, daraja.

**Ключевые слова:** биология, математическая грамотность, биологический объект, биологическая концепция, расчет, задача, упражнение, биологическая проблема, степень.

**Key words:** biology, mathematical literacy, biological object, biological concept, calculation, problem, exercise, biological problem, degree.

Bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida ustuvor o'rin egallagan kuchli raqobatga bardoshli bo'lish har bir mutaxassisdan kuchli bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyaga ega bo'lishni, uni izchil ravishda oshirib borishni taqozo etadi.

Talabalarga biologik jarayon haqida ta'lim berishda o'qituvchining rahbarligida, ta'lim metodlari, vositalari, mazmuni va shakllari yordami bilan o'rganishadi va o'rganilayotgan jarayon bo'yicha bilimlar-ko'nikmaga, ko'nikmalar- malakalarga aylanadi, bu uch komponentlar natijasida esa kompetensiya shakllanadi. Bundan shuni anglab yetish mumkinki, talabalarning o'quv jarayoni bu - bilish jarayoni, talabalarning bilish jarayonidagi faoliyati esa - bilish faoliyati hisoblanadi [2].

Bilim - insonlarning tashqi muhitdan qa'bul qilgan ma'lumotlari, jarayonlarning inson tafakkurida aks etishidir. Inson kundalik faoliyati davomida tasavvurida nimaning nima ekanligiga ishoncha, bu ishonch insonning odatlangan voqealarga hamda hodisalarga (qoidalariga) zid bo'lmasa bu ishonch bilimni tashkil etadi. Insonning voqelik haqidagi ma'lumotlari bilimga aylanishining ma'lum bir bosqichlari mavjud: birinchisi ma'lumotlar voqelikka mosligi; ikkinchisi ishonchligi; uchinchisi ma'lumotlar

asoslovchi dalillar bilan asoslanishi kerak. Uchala shartga javob bergan ma'lumot bilim darajasiga chiqadi. Inson taraqqiyotida bilimsizlikdan bilimlilikka, mavhum bilimdan mukammal aniq bilimlarni hosil qilishga tomon rivojlanib borgan [3].

Malaka-oldinga qo'yilgan maqsad va xatti-harakat sharoitidan kelib chiqadigan muvaffaqiyatli harakatlar usulidir.

Ko'nikma - o'zlashtirilgan bilim va ko'nikmalar majmui bilan ta'minlangan, sub'ekt tomonidan o'zlashtirilgan harakatni bajarish usuli. U mashqlar orqali shakllanadi va harakatni nafaqat tanish, balki o'zgargan sharoitda ham bajarish qobiliyatini yaratadi.

Kompetensiya - ma'lum bir fan sohasida samarali faoliyat uchun zarur bo'lgan bilim, tajriba va ko'nikmalarning mavjudligi. Kompetensiya - bu ob'ektiv mulohazalar va to'g'ri qarorlar qabul qilish imkonini beruvchi ma'lum bir kompetensiyaga, ya'ni o'z faoliyati bo'yicha bilim va tajribaga ega bo'lishidir.

Mashq - biror bir faoliyatni o'zlashtirish uchun uni ko'p marta takrorlash. Mashqlardan ta'lim oluvchida ko'nikma va malakalarni hosil qilishda foydalaniladi. Mashqning samaraliligini ta'minlash uchun mashqlarga ongli ravishda yondashish, mashq bajarishda mavjud bo'lgan sharoitni hisobga olish, mashq bajarishdagi xato, kamchilikni aniqlashni va ularni tuzatib, to'g'ri bajarishni o'rgata olish yo'llarini bilish kerak. Bunda oddiy mashqlardan asta sekin murakkab mashqlarni bajarishga o'tish, takrorlash uchun vaqtlarni to'g'ri taqsimlashni ahamiyati katta. Mashqlar, darsda, o'quv fanidan tashkil qilinadigan, sinfdan va darsdan tashqi ishlarda o'tkaziladi. Maktabda mashqlar talabalarni mustaqil ishlashga, ijodiy qobiliyatlarini o'stirishga yordam beradi [4].

Masala - muayyan bilim va tafakkur asosida yechimi topilishi shart bo'lgan narsa, muammo; ta'lim oluvchilarga muayyan fanlardan bilim berish va ularda ko'nikmalar hosil qilish hamda bilimlarni tekshirish metodlaridan biri [4].

Tirik organizm tashqi muhitdan oziq-ovqat va suvni qabul qiladi, organizmida qabul qilingan moddaning o'zgarishi, ovqat hazm qilinish organlarida hazm qilinishi, qoldiq moddalarning hosil bo'lishi va tashqi muhitga chiqarilish jarayoni moddalar almashinuvi deyiladi. Oziq-ovqat tarkibidagi moddalarning kimyoviy, mexanik, termik o'zgarishidan moddalaridagi mavjud potentsial mexanik, elektr, hamda issiqlik energiyasiga aylanadi. Ajralib chiqqan energiya energiya to'qimalar va organlar ish bajarishiga, hujayralarning ko'payishiga, ularning eskirgan qisimlarini yangilashga, yosh oganizimning o'sishi va rivojlanishiga sarflanadi. Tirik organizmlarda moddalar va energiya almashinuvi to'xtovsiz davom etishini sababi moddalar va energiya almashinuvi jarayoni tirik organizmlarning yashash belgilaridan biri hisoblanadi. Tirik organizmlarning fiziologik hususiyatidan biri bo'lgan bu jarayonda modda va energiya yo'qolmaydi, balki bir turdan ikkinchi turga o'tadi.

Moddalar almashinuvi (metabolizm) - tirik organizmlarda boradigan hayotiy jarayonlar o'sish, ko'payish, tashqi muhitning ta'siga nisbatan doimiylikni ta'minlaydigan biologik - kimyoviy jarayonlar yig'indisidir. Organizmdagi moddalar almashinuvi jarayonida hujayra tarkibidagi moddalarda o'zgarishga uchraydi. Hujayra sitoplazmasiga kiradigan moddalar parchalanadi yoki sintezlanadi. Hujayra strukturalarini tashkil qiladigan moddalar hamda hujayralar orasidagi moddalar sintez bo'ladi, parchalanadi va yangilanadi. Masalan: odam organizmida doimo oqsil moddasining parchalanish va sintezlanish jarayoni sodir bo'ladi.

Yangi hosil bo'ladigan oqsil moddasining sintezlanishiga kerakli bo'ladigan moddaning yagona manbai bu - qa'bul qiladigan oziq-ovqat tarkibidagi oqsillardir[.]

Organizmdagi oqsil almashinuvi organizmning oqsil bilan oziqlanishiga mustahkam bog'liq. Har kuni odam jigarida 25 g, qon plazmasida 20 g hamda qondagi gemoglobinda 8 g miqdorida yangi oqsil moddasi hosil bo'lib turadi. Odam organizmida turli sharoitda kuniga 400 g gacha oqsil moddasi sintezlanadi va shuncha oqsil parchalanadi. Oqsil moddasining almashinuvi tezligi shunisi bilan xarakterga egaki, masalan, jigardagi oqsillarning yarmi 5-7 kunda tamoman yangi sintezlangan oqsil moddasi bilan almashinadi [5].

Modda va energiya almashinuvi jarayoniga oid bo'lgan masalalardan foydalanish talabalarda kompetensiyani shakllantirishga imkon beradi. O'rganuvchining o'qigan ma'lumotlarini qaytarib aytib berishi bilimni tashkil etadi. Har bir masala tarkibida berilgan son va noma'lum sonlardan iborat bo'ladi. Masalada son to'plam tarkibidagi sonni yoki topilishi shart bo'lgan miqdorning qiymatini, sonlarning munosabatlarini ifoda etadi yoki topilishi shart bo'lgan mavhum miqdor berilgan bo'ladi. Har bir masalada shart va savol bo'ladi. Masala shartida berilgan sonlar orasidagi va berilgan sonlar bilan izlanayotgan sonlar orasidagi bog'lanish ko'rsatiladi, bu bog'lanishlar tegishli arifmetik amallarni tanlashni belgilab beradi. Savol esa qaysi son izlanayotgan son ekanligini bildiradi. Masalani yechish bu masala shartida berilgan sonlar va izlanayotgan son orasidagi bog'lanishni ochib berish va bu asosda arifmetik amallarni tanlash, keyin esa ularni bajarish hamda masala savoliga javob berish demakdir.

Masalalarning turlari haqidagi masalaga to'xtalamiz: hamma biologik masalalar ularni yechish uchun bajariladigan amallar soniga qarab sodd va murakkab masalalarga bo'linadi. Yechilishi uchun bitta arifmetik amal bajarilishi zarur bo'lgan masala sodd masala deyiladi. Yechilishi uchun bir-biri bilan bog'liq bo'gan bir nechta ular bir xil amal bo'lishidan qat'iy nazar amaliy bajarish zarur bo'lgan masala murakkab masaladir. Sodd masalalarni qanday amal yordamida yechilishiga qarab (qo'shish, ayirish, ko'paytirish, bo'lish bilan yechiladigan sodd masalalar) yoki ularning yechilishi davomida shakllantiriladigan tushunchalarga bog'liq ravishda turlarga ajratish mumkin [4].

Murakkab masalalar uchun ularni ishga foydasi tegadigan qilib bunday ma'lum gruppalariga klassifikatsiyalashning yagona asosi yo'q. Matematika boshlang'ich kursida sodd masalalar va asosan 2-4 amalli murakkab masalalar qaraladi. Masala bilan savollar deb ataluvchi mashqlar arifmetik masala bilan yaqin bog'lanishda bo'ladi. Masala savollarda har masalalardek masala sharti (unda sonlar ham bo'lishi mumkin, bo'lmasligi ham mumkin) va savol bo'ladi. Masalalar yechish jarayonining o'zi ma'lum metodika talabalarning aqliy rivojlanishiga ancha ijobiy ta'sir ko'rsatadi, chunki u aqliy operatsiyalarni analiz va sintez, konkretlashtirish va abstraklashtirish, taqqoslashi, umumlashtirilishi talab etiladi. Masalan, talaba istalgan masalani yechayotganida analiz qiladi, savolni masala shartida ajratadi, yechish planini tuzayotganida sintez qiladi, bunda konkretlashtirishdan (masala shartini hayolan chizadi) so'ngra abstraklashtirishdan foydalanadi (konkret situatsiyadan kelib chiqib arifmetik amalni tanlaydi) biror bir turdagi masalalarni ko'p marta yechish natijasida talaba bu turdagi masalalarda berilgan va izlanayotgan sonlar orasidagi bog'lanishlar haqidagi bilimni umumlashtiradi, buning natijasida bu



turdagi masalalarni yechish usuli umumlashtiriladi [1].

Masalar ustida ishlash talabalarni avval bir turdagi masalalarni yechishga, so'ngra boshqa turdagi masalalarni yechishga, so'ngra boshqa turdagi masalalarni yechishga majburlashga olib kelinishi kerak emas. Uning asosiy maqsadi talabalarni turli vaziyatlardagi berilgan sonlar va izlanayotgan son orasidagi ma'lum bog'lanishlarni ularni murakkablashib borishini ko'zda tutgan holda aniqlay olishga o'rgatishdir. Bunga erishish uchun o'qituvchi bu turdagi masalalarni yechishni o'rgatish metodikasida ma'lum maqsadlarni ko'zlaydigan bosqichlarni ko'zda tutish lozim.

Birinci bosqichda o'qituvchi ko'rilyotgan turdagi masalalarni yechishga tayyorgarlik ishini olib boradi. Bu bosqichda talabalar mazkur masalalarni yechishda tegishli amallarni tanlash uchun asos bo'ladigan bog'lanishlarni o'zlashtirishlari lozim.

Ikkinchi bosqichda o'qituvchi ko'rilyotgan turdagi masalalarni yechilishi bilan talabalarni tanishtiradi. Bunda talabalar berilgan sonlar va noma'lum son orasidagi bog'lanishni aniqlash, buning asosida arifmetik amallarni tanlashni o'rganadilar, ya'ni masalada ifodalangan konkret, vaziyatdan tegishli arifmetik amalni tanlashga o'tishni o'rganadilar. Bunday ishlarni olib boorish natijasida talabalar ko'rilyotgan turdagi masalalarni yechish usuli bilan tanishadilar.

Uchinchi bosqichda o'qituvchi ko'rilyotgan turdagi masalalarni yechish usulini shakllantiradi. Talabalar bu bosqichda ko'rilyotgan turdagi istalgan masalani uning konkret mazmunidan qat'iy nazar yechishni o'rganishlari kerak, ya'ni bu turdagi masalalarni yechish usullarini umumlashtirishlari lozim. Yuqorida qayd qilingan bosqichlar ustida ishlash metodikasini mufassalroq qarab chiqamiz. U yoki bu turdagi masalalarni yechishga tayyorgarlik ko'rishi arifmetik amallarni tanlashda berilgan sonlar va izlanayotgan son orasidagi qanday bog'lanishning tayanishiga bog'liq. Shunga muvofiq ravishda maxsus mashqlar o'tkaziladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, murakkab masalalarni yechish qator sodda masalalarni yechishni o'rganishni talab qiladi, shuning uchun murakkab masalalarni yechishda talabalardan kompetensiyalarni shakllantirishga sabab bo'ladi. Masalaning har biri, ayrim turi talabalardan o'z ustida ishlashga, o'ziga xos maxsus bilimlarni egallashni talab qiladi.

Adabiyotlar:

1. Narzulla Boymurodov. "Amaliy psixologiya". Toshkent "Yangi asr avlodi", 2008.
2. Falsafa asoslari [Matn]: o'quv qo'llanma / Q.Nazarov [va boshq.]. - Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2018. - 380 b.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Ташкент: Фан ва технологиялар, 2006. -186 б.
4. Raxmatov U. E. Biologiyadan masalalar va mashq yechish. (Sitologiya genetikasi asoslari) O'quv qo'llanma "Tafakkur avlodi" nashriyoti. T.: 2020. -272 b.
5. Nuritdinov E. Odam fiziologiyasi. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus talim vazirligi jismoniy tarbiya va jismoniy madaniyat bakalavrlari uchun darslik sifatida tasdiqlangan. Toshkent "Aloqachi" 2005 90-bet

РЕЗЮМЕ

Biologiya fanini o'rganishda va o'rgatishda sonlar bilan bog'liq bo'lgan vaziyatlarga juda ko'p duch kelamiz. Bilimni mustaxkamlash va kompetensiyani shakllantirishda sonlarga bog'liq vaziyatlardan foydalanish yuqori samaradorlikni beradi. Biologik jarayonlarni o'rganishda masala va mashqlardan foydalanish natijasida o'rganuvchida tushunchani shakllantirish va shakllangan tushunchani qay darajada egallanganligini aniqlash mumkin.

РЕЗЮМЕ

При изучении и преподавании биологии мы часто сталкиваемся с ситуациями, связанными с числами.

Использование числовых ситуаций для закрепления знаний и формирования компетенций очень эффективно. В результате использования задач и упражнений при изучении биологических процессов можно определить степень, в которой учащийся овладел формированием концепции и сформированной концепции.

## SUMMARY

In the study and teaching of biology, we often encounter situations involving numbers. The use of numerical situations in the consolidation of knowledge and the formation of competence is highly effective. As a result of the use of problems and exercises in the study of biological processes, it is possible to determine the degree to which the learner has mastered the formation of the concept and the formed concept.

## GETIKADAN AMALIY MASHG'ULOTLARDA AXBOROT KOMMUNIKATSION VOSITALARDAN FOYDALANISH METODIKASI

*Усмонова Н.*

*ТДПУ*

**Tayanch so'zlar:** multimedia, mutatsiya, interaktiv texnologiya, nointeraktiv texnologiya, distant uslubi, o'quv filmi.

**Ключевые слова:** мультимедиа, мутация, интерактивная технология, неинтерактивная технология, дистанционное обучение, учебный фильм.

**Key words:** multimedia, mutation, interactive technology, non-interactive technology, distance learning, educational film.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 2020-yil 12-avgustdagi PQ-4805 Mamlakatimizda kimyo va biologiya fanlarini rivojlantirish, ushbu yo'nalishlarda ta'lim sifati va ilm-fan natijadorligini oshirish «Ilm, ma'rif va raqamli iqtisodiyot yili» Davlat dasturining ustuvor vazifalari qatorida belgilangan.

Mamlakatimizda so'nggi yillarda uzluksiz ta'limning barcha bo'g'inlarini tubdan takomillashtirish yuzasidan maqsadli ishlar amalga oshirilmoqda. Shu jumladan, «Ta'lim to'g'risida»gi qonunni yangi tahrirda 2020-yil 23-sentabrda tasdiqlandi. «Ta'lim to'g'risida»gi qonunning 6-moddasida Respublikamizda ta'lim tizimi yagona va uzluksiz ekanligi belgilab qo'yilgan. Aynan ushbu qarorning 7-moddasida uzluksiz ta'lim turlari ro'yxatida kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash tizimi o'z aksini topgan.

Hozirgi globallashuv davrida talabalar diqqatini dasrga qaratish juda ham dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Genetika va seleksiya asoslari fanini hayot bilan bog'lab o'tadigan bo'lsak talabalarni nafaqat fanga bo'lgan qiziqishini orttirishimiz balki, ularga fanlararo bog'lanishni ham o'rgatishimiz mumkin bo'ladi. Ushbu maqsadga erishishimiz uchun albatta axborot-kommunikatsion vositalardan foydalansak nur ustiga a'lo nur. Zamon shiddat bilan rivojlanayotgan davrimizda axborot kommunikatsion vositalarni dars jarayonlariga tadbir etish, o'qitish tizimimizning ajralmas qismi bo'lib bormoqda. Bu jarayon oilalarimizgacha kirib bordi.

O'qituvchining faoliyati yosh avlodning aqliy, axloqiy, ruhiy, jismoniy qobiliyatlarini uyg'un ravishda rivojlantirish maqsadida ta'lim mazmuniga binoan ularning o'quv bilish faoliyatini tashkil qilish va boshqarish sanaladi.

Axborot-kommunikatsion texnologiyalarga murojat etish ta'lim muhitlarini

kompetentlarini tarkib va imkoniyatlari qatorida yanada kengaytirdi. Ushbusharoitda o'quv axborotlari manbalari sifi ma'lumotlar bazasi va axborot-ma'lumotli tizimlar, electron darsliklar va ensiklopediyalar, internet resurslari va h.k lar bilan to'ldiriladi.

Multimedia vositalari (multimedia – ko'pvositalilik) - bu insonga o'zi uchun tabiiy muhit: tovush, video, grafika, matnlar, animatsiya va boshqalardan foydalanib, kompyuter bilan muloqatda bo'lishga imkon beruvchi texnik va dasturiy vositalar majmuidir.

Multimedia - gurkirab rivojlanayotgan zamonaviy axborotlar texnologiyasidir. Uning ajralib turuvchi belgilariga quyidagilar kiradi:

- axborotning xilma-xil turlari: an'anaviy (matn, jadvallar, bezaklar va boshqalar), original (nutq, musiqa, videofilmlardan parchalar, telekadrilar, animatsiya va boshqalar) turlarini bir dasturiy maxsulotda integratsiyalaydi. Bun-day integratsiya axborotni royxatdan o'tkazish va aks ettirishning turli kurilmalari: mikrofon, audio-tizimlar, optik kompaktdisklar, televizor, videomagnitafon, videokamera, elektron musiqiy asboblardan foydalanilgan holda kompyuter boshqaruvida bajariladi;
- muayyan vaqtdagi ish, o'z tabiatiga ko'ra statik bo'lgan matn va grafikadan farqli ravishda, audio va videosignallar faqat vaqtning ma'lum oralig'ida ko'rib chiqiladi. Video va audio axborotlarni kompyuterda qayta ishlash va aks ettirish uchun markaziy protsessor tez harakatchanligi, ma'lumotlarni o'zlashish shinasining o'tkazish qobiliyati, operativ (tezkor) va video-xotira katta sig'imli tashqi xotira (ommiy xotira), hajm va kompyuter kirish-chiqish kanallari boyicha almashuvi tezligini taxminan ikki baravar oshirilishi talab etiladi;
- «inson-kompyuter» interaktiv muloqotining yangi darajasi, bunda muloqot jarayonida foydalanuvchi ancha keng va har tomonlama axborotlarni oladiki, mazkur holat ta'lim, ishlash yoki dam olish sharoitlarini yaxshilashga imkon beradi.

Multimedia tushunchasi hayotimizga o'tgan asrning 90- yillarida kirib keldi. Multimedia — bu informatika fanining dasturiy va texnikaviy vositalari asosida audio, video matn, grafika va animatsiya effektlari asosida o'quv materiallarini o'quvchilarga yetkazib berishni mujassamlangan holdagi ko'rinishidir, degan ta'rif eng maqbuli deb hisoblaymiz.

Televizion ko'rsatuvlarda, filmlarda va hokazolarda duch kelgan biologik tushunchaga murojaat qilish to'g'risida qisqacha hisobot beradigan talabalarga qo'shimcha rag'bat berish, ulardan ma'lumotnomani, qaysi biologik kontseptsiya bilan shug'ullanganligini va nima uchun bunday bo'lganligini tushuntirishlarini so'rash muhim ahamiyatga ega. Tibbiyot, farmatsevtika, tabiatni muhofaza qilish, sog'liqni saqlash va boshqalar kabi biologiyaga oid kasblar haqida suhbatlashish bugungi kun davr talabi.

O'quv filmlari o'qituvchi tomonidan dars jarayonida qo'llanilib mavzuni to'ldirib, talabalarda obrazli xotirani mavzu bilan uyg'unlashtirish uchun xizmat qiladi. O'quv filmlaridan darsda samarali foydalanish talabalarda fanga bo'lgan qiziqishni orttiradi, mavzuning mohiyatini ochib beradi. Filmni ko'rishdan oldin talabalar mavzu boyicha nazariy bilimlarni o'zlashtirgan bo'lishlari kerak. Masalan: «Mitoz va meyo bosqichlarini o'zaro taqqoslash «mavzusida talabalar mitoz nima?, meyo jarayoni qanday hujayralarda kechadi?, mitoz va meyo jarayonlarining farqi nimada? kabi nazariy

savollarga javob topishlari zarur. Olingan nazariy bilimlarni mustahkamlash uchun ushbu mavzularni yoritib beradigan o'quv filmlari namoyish etiladi. Quyidagi havolada ssilkasi keltirilgan.

<https://utube.uz/uz/video/5c71e0b5f27db6d>

Kinofilmlar va o'quv filmlari bilan ishlaganda ma'lum bir joyida ularning ovozi o'chirilib yoki to'xtatib, talabalardan biologik jarayonlarni sharhlash so'raladi. Talabalari filmlarni ko'rish davomida ularning biologik jarayonlar bilan muvofiqligini, ularni tahlil qilish, kreativ fikrlashlarni, o'rganadilar ko'rganlaridan xulosa chiqaradilar.

Multimedia vositalari asosida bilim olishda 30 foizgacha vaqtni tejash mumkin bo'lib, olingan bilimlar esa xotirada uzoq muddat saqlanib qoladi. Agar o'quvchilar berilayotgan materiallarni ko'rish asosida qabul qilsa, axborotni xotirada saqlash 25–30 foizgacha oshadi. Bunga qo'shimcha sifatida o'quv materiallari audio, video va grafika ko'rinishida mujassamlashgan holda berilsa, materiallarni xotirada saqlab qolish 75 foiz ortadi. Bunga multimedia vositalari asosida chet tillarini o'rganish jarayonida yana bir bor ishonch hosil qildik.

O'quv filmi – o'quv dasturiga muvofiq yaratilgan va aniq mavzular asosida tayyorlangan videomateriallardir. Ular dars jarayoni bilan uyg'unlashuvi, mavzuni to'ldirib, o'qituvchi fikrini bayon etishiga yordam berishi zarur. O'quv filmlarini dars jarayonida turli mavzularda qo'llasak bo'ladi. Masalan, «Mutatsiya» filmi ko'rishdan avval talabalar mutatsiya qanday jarayon ekanligi, organizm u yoki bu belgilarining o'zgarishiga olib keluvchi genetik materialning to'satdan tabiiy yoki sun'iy irsiy o'zgarishi, hayotda uchraydigan mutatsiyalarni ko'z oldilariga keltirishlari kerak bo'ladi. Mashg'ulot davomida talabalar tomonidan insoniyatning tabiatga hisobsiz aralashuvi, tabiat qonunlarini buzishi natijasida mutatsiyalar soni va xilining jamiyatimizda ko'payishiga alohida to'xtalib o'tsak, talabalarda ekologik va tibbiy madaniyatni rivojlantirgan bo'lamiz.. Ushbu biologik jarayonlarning buzilishi barchamizga saboq bo'lmog'i zarurligini eslatib o'tamiz.

«Aqliy hujum» usuli mantiqiy fikrlashni, xotira, diqqat, idrok, nutq jarayonlari uzviyligini, tafakkur tezligi va nutqiy mahoratni mukammal darajasini namoyon etishni talab qiladi. Bundan tashqari hal etilayotgan muammo yechimiga qadar turli yondashishlar, ta'riflar keng qamrovli fikr yuritishga o'z aqliy salohiyatini qay darajada ekanligini baholay olishga sharoit yaratadi. Masalan 3- kurslarda genetika fanidan amaliy mashg'ulotlarda Biologiya o'qitish metodikasi yo'nalishi 301 va 303 guruhlarda mashg'ulotlar davomida «Mutatsion va modifikatsion o'zgaruvchanlik» mavzusini o'qitishda talabalar dars suhbat va tezkor savol-javob, aqliy hujum «metodlaridan foydalanib o'tilganda, mavzuni tushunish darajasi 70% ni tashkil etgan bo'lsa, mavzuga oid videofilmni tomosha qilishganidan so'ng 85% ga yetdi. Ikkinchi guruhda esa ushbu samaradorlik 80% ga yetdi.

Distant uslubi asosida talabalarni o'qitish hozirgi kunning eng rivojlanib borayotgan yo'nalishlaridan bo'lib, o'qituvchi bilan o'quvchilar ma'lum bir masofada joylashgan holda ta'lim berish tizimidir. O'qituvchi va talabani ma'lum bir masofada joylashganligi, o'qituvchining dars jarayonida kompyuterlar, sputnik aloqasi, kabel televideniyesi kabi vositalar asosida o'quv ishlarini tashkil qilishini talab qiladi. Zamonaviy kompyuter texnologiyalarining tez rivojlanib borishi, ayniqsa, axborotlarni uzatish kanallarining

rivojlanishi telekommunikatsiya sohasiga o'ziga xos tarixiy o'zgarishlarni kiritmoqda. ishlari yanada yuqori darajaga ko'tariladi. Distant uslubi asosida o'qitish quyidagi texnologiyalarni o'z ichiga oladi:


Interaktiv texnologiyalar:

- audiokonferensiyalar ;
- videokonferensiyalar ;
- ish stolidagi videokonferensiyalar ;
- elektron konferensiyalar ;
- ovoz kommunikatsiyalari ;
- ikki tomonlama sputnik aloqa ;

1-sxema

Nointeraktiv texnologiyalar:

- bosib chiqarilgan materiallar;
- audiokassetalar;
- videokassetalar;
- bir tomonlama sputnik aloqa;
- televizion va radio ko'rsatuvlari;
- disketa va CD-ROM lar.



2-sxema



«Video topishmoq» metodi. So'nggi yillarda pedagogik faoliyatda turli axborot vositalari yordamida ta'lim jarayoni tashkil etilishiga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'qituvchilar alohida ta'lim jarayonida turli axborot vositalarida o'rinli va maqsadga muvofiq foydalanish vazifasi turibdi. Chunonchi tarix o'qitish jarayonida Videotopishmoq metodini qo'llanilishidir. Ma'lumki, videokonferensiya uyushtirilgan vaqtda shaxslar bir-birlarini real vaqtda

ko'radi va eshitadi, ma'lumotlar bilan almashinadi. Huddi shu jarayonda qo'llanilgan videotopishmoq metodi o'qitishning samaradorligiga yordam beradi. Videotopishmoq metodida foydalanishda quyidagi harakatlar amalga oshiriladi:

- o'quvchilar e'tiboriga o'rganilayotgan mavzu mohiyatini tasviriy yoritishga yordam beruvchi izohlarsiz bir nechta videolavha namoyish etiladi; 109

- o‘quvchilar har bir lavhada qanday jarayon aks ettirilganligini izohlaydilar;
- jarayonlarning mohiyatini daftarlariga qayd etadilar;
- o‘qituvchi tomonidan berilgan savollarga javob qaytaradilar.

Videotopishmoq metodida mavzuga oid video tasvirlar mavjud bo‘ladi.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-avgustdagi «Kimyo va biologiya yo‘nalishlarida uzluksiz ta‘lim sifatini hamda ilm-fan samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» 4805-son qarori.
2. J.O.Tolipova ,A.T. G‘ofurov Biologiya o‘qitish metodikasi T-2012., 14- b
3. G.S.Ergasheva Biologiya ta‘limida interaktiv dasturiy vositalardan effektiv foydalanishni takomillashtirish T-2017.,20-25b
4. Internet ma‘lumotlari

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada genetika va seleksiya asoslari fanidan amaliy mashg‘ulotlarda axborot kommunikatsion vositalardan foydalanish afzalliklari bayon etilgan. Amaliy mashg‘ulotlarni multimedia vositalaridan foydalanib o‘tish qanday samaradorlikka erishish mumkinligi ko‘rsatib o‘tilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны преимущества использования информационно-коммуникационных средств на практических занятиях по основам генетики и селекции. Вот как собрать его для использования в мультимедийном руководстве.

SUMMARY

This article describes the advantages of using information and communication tools in practical training in the basics of genetics and selection. Here's how to put one together for use with your multimedia tutorial.

## BIOLOGIK TA'LIM JARAYONIDA MASALA VA MASHQLARDAN FOYDALANISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

*Raxmatov U.E.*

*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti "Biologiya" kafedrasida dotsenti  
v/b, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

**Tayanch so‘zlar:** ta‘lim samaradorligi, biologik ta‘lim, bilim, ko‘nikma, malaka, kompetensiya, loyihalash, masala va mashqlar, ilmiy tushunchalar, integratsiya.

**Ключевые слова:** эффективность образования, биологическое образование, знание, умение, навыки, компетенция, проектирование, задание и задачи, научные понятия, интеграция.

**Key words:** educational effectiveness, biological education, knowledge, skill, skills, competence, designing, exercise and tasks, scientific concepts, integration.

Hozirgi globallashuv jarayonida ta‘lim samaradorligini oshirishning muhim pedagogik shart-sharoitlaridan biri o‘quvchilarning kreativ fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan metodik tizimini shakllantirish sanaladi. Bunday metodik tizimni shakllantirish va amaliyotga tadbir etish jarayonida ta‘lim tizimida faoliyat ko‘rsatayotgan pedagoglar jamoasining o‘rni alohida ahamiyat kasb etadi. Ma‘lumki, biologik ta‘lim jarayonida o‘quvchilar tomonidan biologik bilimlarni egallashlarida eng samarali usullardan biri biologik masala va mashqlardan foydalangan holda mavzu mazmunini yoritib berish ekanligi sir emas. Barcha o‘quv fanlari kabi biologiya o‘quv fani o‘qituvchilari oldida turgan muhim vazifa o‘quvchilarga fanlardan zamon talablariga mos ravishda bilim berishi bilan birga, ularning kreativ fikrlashlarini

shakllantirish asnosida o'zlashtirgan bilimlarini yangi vaziyatlarda qo'llay olish, sabab - oqibatlarini mazmun mohiyatini to'liq anglash, hodisa va jarayonlarning o'xshahlik va farqli jihatlarni taqqoslash orqali ob'ektiv xulosa chiqara olish kompetensiyalarini shakllantirish dolzarb masalalardan sanaladi [3].

Biologik ta'lim jarayonida masala va mashqlardan keng va tizimli foydalanish borasida o'qituvchi va o'quvchi faoliyatining turlari hamda o'quvchilar kreativ fikrlashi asos qilib olinishi maqsadga muvofiq. O'quvchilarning mazkur sifatlarini shakllantirishda o'qituvchining ilmiy-metodik tayyorgarlik darajasiga bog'liq chunki, o'qituvchi qaysi darsda qanday tipdagi masala yoki mashqlardan foydalanishni oldindan loyihalay olishi lozim. Xususan, o'qituvchi biror mavzu bo'yicha o'quv materialini tushuntiradi va video yoki proektor yordamida shu mavzuga oid rasmlarni ko'rsatib mavzu mazmunini bayon etadi, o'quvchi esa o'qituvchi so'zlarini tinglab, idrok etadi va rasmlarni ko'zdan kechiradi. Agar o'qituvchi tanlangan mavzu mazmun - mohiyatini ochib beradigan biror masala yoki mashqlarni o'quvchilarga havola etsa, o'quvchilar tanlangan mavzu mazmunini to'liq tushunib yetadi va uning xotirasida uzoq vaqt saqlanib qoladi.

Biologiya o'quv kursida o'quvchilarga asosan bilimlarni tayyor holda yoki yangi o'zlashtirgan bilimlarni tasdiqlovchi va aniqlashtiruvchi dalil sifatida olinadigan masala va mashqlar o'quvchilarni ancha mustaqil hamda kreativ xarakterdagi izlanishlarini oshirishga imkon beradi.

Biologik ta'lim jarayonida o'qituvchi imkon qadar masala va mashqlardan tizimli ravishda foydalanishni yo'lga qo'yishi lozim. Chunki, biologiya o'quv fanlarining aksariyat mavzulariga oid bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni masala va mashqlar yechish orqali o'quvchilar ongida shakllantirishni talab etadi. O'qituvchi har bir masala yoki mashqni tanlashda uning didaktik maqsadiga va o'quv materialining xususiyatlariga qarab tanlashi hamda o'zining pedagogik amaliyotida qo'llashi bevosita biologik talim samaradorligini yuqori bo'lishiga olib keladi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari o'qituvchilari o'quvchilarda ilmiy tushunchalarni shakllantirishda qo'llaniladigan masalalar va mashqlar ixtisoslashgan xarakterga ega ekanligini hisobga olishlari muhim sanaladi. Ayrim masalalar sinfdagi barcha o'quvchilar tomonidan bajariladi, boshqalari esa biologiyadan yaxshi o'qiydigan, biologiya bilan chuqur shug'ullanishni xohlaydigan o'quvchilarga beriladi. Shuning uchun o'qituvchi masala va mashqlardan foydalanish borasida o'quvchilarning individual xususiyatlarini, o'zlashtirish darajalarini ham hisobga olishi maqsadga muvofiq hisoblanadi. O'qituvchi yuqoridagi mulohazalarni hisobga olgan holda darsning qaysi bosqichlarida biologik masala va mashqlardan foydalanishni, uni bajarish uchun qancha vaqt sarflanishini oldindan aniq bilishi kerak.

Biologik ta'lim jarayonida o'qituvchi masala va mashqlardan foydalanish uchun tanlab olish mezonlariga alohida e'tibori qaratishi lozim. Xususan: o'quvchilarning yosh xususiyatlariga ko'ra turli murakkablik darajasiga ega bo'lgan, integrativ bilimlarni taqozo etadigan, izchillilik va ilmiy hamda kreativ tushunchalarni shakllantirishga qaratilgan masalalarni tanlay olishlari muhim sanaladi [3] (1-jadval).

**Biologik masala va mashqlarning tanlab olish mezonlari va ahamiyati.**

№	Biologik masalalarni tanlab olish mezonlari	Biologik masalalardan namunalari	Ta'lim jarayonidagi ahamiyati
1	O'quvchilarning yosh xususiyati va murakkablik darajasiga ko'ra (1-2-3-4-5-darajali)	<p>Makkajo'xori o'simligi ildizining 1 mm<sup>2</sup> sathida 700 ta ildiz tukchasi bo'ladi. Hisoblanchi 1 cm<sup>2</sup> so'rish sathida qancha ildiz tukchasi bo'ladi [1].</p> <p>Olchada urug'lanish jarayonidan so'ng 800 ta urug' hosil qilgan. Darslikdan olgan bilimlaringizga asoslanib, qo'sh urug'lanish jarayonida ishtirok etgan spermiylar sonini hisoblab toping [3].</p> <p>Ma'lumki, ipak qurtining bitta urg'ochisi o'ragan pilla tolasining uzunligi 1000 m ni tashkil etadi, erkagi esa urg'ochisiga nisbatan 30 % ko'p tola o'raydi. Pilla korga tarqatilgan ipak qurti tuxumlaridan 10000 dona erkak ipak qurti chiqqan bo'lsa, ular o'ragan pilladagi tolalarning uzunligi necha m bo'ladi? [1].</p> <p>DNK molekulasining ma'lum bir fragmentida 598 ta fosfodiefir bog' bo'lsa, ushbu DNK fragmenti asosida sintezlangan oqsil molekulasidagi peptid bog'lar sonini toping [3,5].</p> <p>DNK molekulasida guanin va sitozin nukleotidlari orasida uchta, adenin va timin nukleotidlari orasida ikkita vodorod bog'i mavjud. Ma'lum bir DNK molekulasida 1170 ta vodorod bog'lari bo'lsa, ushbu fragmentda umumiy nukleotidlarning 20 % ini adenin tashkil qilsa, undagi timin va sitozin nukleotidlarining soni nechaga teng bo'ladi? [3,4].</p>	Biologik ta'lim samaradorligi ortishiga xizmat qiladi.




2	Kimyo, fizika, matematik bilimlar bilan integrallashgan masalalar	Fayyozaning bir kecha-kunduzgi ovqati tarkibida 100 g oqsil, 80 g yog', 460 g uglevod va 10 g tuz is'temol qildi. Ovqat tarki-bidagi moddalardan ajralgan energiya miqdorini kkal da aniqlang?	Biologik tushunchalarni integrativ yondashuv shakllanadi. Biologik ta'lim samaradorligi ortishiga xizmat qiladi.
		Tirik organizm hujayrasida 8 mol glyukoza parchalandi. Shundan ikki moli to'liq parchalandi. Jami qancha ATF hosil bo'ldi?	
		Muslimaning bir sutka davomida qabul qilgan ovqati ratsionida yog' va oqsilning miqdori teng, uglevod miqdori oqsil miqdoridan 4,5 marta ko'p. To'qima va organlar hayotiy jarayonlarining normal o'tishi va ish bajarishi uchun 2548 kkalni tashkil etgan bo'lsa, uning ovqat ratsionidagi yog'ning (a) miqdori (gramm) va uglevodning parchalanishidan hosil bo'ladigan energiya (b) miqdorini (kkal) aniqlang?	
3	Izchillilik prinsipiga asoslangan masalalar	Nuklein kislotalar molekulasida nukleotidlar o'zaro fosfodiefir bog'lari orqali bog'lanadi. i-RNK molekulasida 289 ta fosfodiefir bog' bo'lsa, ushbu i-RNK sinteziga asos bo'lgan DNK fragmentini bir zanjirdagi nukleotidlar sonini toping.	Biologik ta'lim samaradorligi ortishiga xizmat qiladi.
		Nuklein kislotalar molekulasida nukleotidlar o'zaro fosfodiefir bog'lari orqali bog'lanadi. i-RNK molekulasida 289 ta fosfodiefir bog' bo'lsa, ushbu i-RNK sinteziga asos bo'lgan DNK fragmentini qo'sh zanjirdagi nukleotidlar sonini toping.	

4	Ilmiy tushunchalarni shakllantirishga qaratilgan masalalar	Ma'lum bir oqsil bo'lagida 41 ta peptid bog' mavjud. Shu oqsil haqida axborot saqlovchi DNK dagi 3-6-7 juft nukleotidlarning delesiya-sidan so'ng hosil bo'lgan oqsildagi aminokislotalar sonini aniqlang.	Xromasoma mutasiyasi haqidagi ilmiy tushunchalar shakllanadi.
		Ma'lum bir oqsil bo'lagida 41 ta peptid bog' mavjud. Shu oqsil haqida axborot saqlovchi DNK dagi 3-6-7 juft nukleotidlar inversiyasidan so'ng hosil bo'lgan oqsildagi aminokislotalar sonini aniqlang.	
5	Kreativ tushunchalarni shakllantirishga qaratilgan masalalar	Bahoraning bir kecha-kunduzdagi ovqat rasionida oqsil miqdori uglevod miqdoridan 2,5 barobar kam, yog' miqdori esa oqsil miqdoridan, 1,25 barobar ko'pligi ma'lum bo'lsa, qo'shimcha va tushki ovqatidan ajralgan energiya 1142,9 kkal ga teng bo'lsa, Muslimaning ovqat rasionida uglevod va oqsillarning umumiy miqdorining (g) qanchaligini toping? (Rasional ovqatlanishni maksimal foizida hisoblang)	Kreativ tushunchalarni shakllantirishga asos bo'ladi. Biologik ta'lim samaradorligi ortishiga xizmat qiladi.

Biologiyadan masalalarni tanlash jarayonida o'qituvchi dastlab o'quvchining yosh xususiyatini hisobga olgan holda tanlashida quyidagi jihatlariga jiddiy ahamiyat berishi lozim. Birinchi darajali murakkablikka ega bo'lgan masalalar 11-12 yosh o'quvchilar uchun tavsiya etilib, ular biologiya (botanika darsligi) dan, 13-14 yosh o'quvchilarga biologiya (botanika, zoologiya darsliklaridan) birinchi va ikkinchi darajali, 15-18 yosh o'quvchilarga (botanika, zoologiya, odam va uning salomatligi, umumiy biologiya darsliklari bo'yicha) asosan uchinchi va to'rtinchi, beshinchi murakkablik darajasidagi masalalarni tanlab olishlari tavsiya etiladi (1-jadval). Shu bilan birga masalalar tanlaganda oddiydan murakkabga tomon qiyinlik darajasi ortib borish tartibida tanlashi lozim [3].

Ta'lim-tarbiya jarayonida o'qituvchi yuqoridagi masalalar bilan birga, biologik bilimdonlikni shakllantirishga asos bo'ladigan biologik ob'ektlarni tanib olishga qaratilgan mashqlarni tanlay olishlari zarur [1]. Xususan: berilgan jadvaldagi to'pgul sxemalarini nomini aytib va bu to'pgullar qaysi o'simlik uchun xos ekanligini aniqlab, mashqni bajaring (2-jadval).



Biologiyaga oid mashqlardan sistematik tushunchalarni shakllanishiga yordam beradigan mashqlarni tanlab olish orqali o'qituvchi o'quvchilarning sistematik tafakkurini shakllanishiga zamin yaratadi [1]. Masalan, darslikdan olgan nazariy bilimlaringizga asoslanib, quyida berilgan hasharotlarni o'z turkumlariga mos holda ajratng (3-jadval).

№	Hasharot nomi	№	Hasharot nomi	№	Hasharot nomi
1	Iskabtopar	9	Bo'ka	17	Tut ipak qurti kapalagi
2	Qichitqio't kapalagi	10	Kulrang satr	18	Yashil temirchak
3	Chirildoq	11	Podalariy	19	Yashil go'sht pashshasi
4	Chigirtka	12	Chivin	20	Zorka
5	So'na	13	Maxoan	21	Tok arvoh kapalagi
6	Appolon	14	Poliksina	22	Moviy kapalak
7	Tovusko'z	15	Katta sadafdor	23	Kulrang o'laksa pashsha
8	Uy pashshasi	16	Sariq kapalak	24	Do'lana kapalagi

To'g'ri javob:	To'g'ri qanotlilar	Ikki qanotlilar	Tangacha qanotlilar
O'quvchi javobi:			
O'qituvchi javobi:	3,4,18,	1,5,8,9,12,19,23	2,6,7,10,11,13,14, 15,16,17,20,21,22,24

O'qituvchi yuqorida namuna sifatida keltirilgan masala va mashqlardan ta'lim-tarbiya jarayonida tizimli ravishda foydalanishni yo'lga qo'yishi biologik ta'lim samaradorligini o'ttirishiga qo'shgan ulkan hisssasi bo'ladi.

O'qituvchi yoki o'quvchi biologik masala va mashqlar yechish uchun:

- o'quv material mazmunini puxta egallagan bo'lishi;
- avval o'zlashtirgan bilimlaridan yangi vaziyatlarda qo'llay olish ko'nikmalariga ega bo'lishi;

- kreativ fikrlashga ega bo'lishi;
- fanlararo bog'lanishlarni amalda qo'llay olishi;
- ilmiy va ommabop materiallardan mustaqil foydalanish yo'llarini bilishi;
- biologiya o'quv kursining barcha bosqichlaridan masala va mashqlarning zanjirini tuzishi hamda uzluksiz ravishda o'z ustida ishlashi lozim [3].

## Adabiyotlar:

1. G.Shaxmurova, I.Azimov, U.Raxmatov Biologiyadan masalalar va mashq yechish. - "Sano-standart" nashriyoti, T.:2017.-260 b.
2. B.Aminov,T.Tilavov, O.Mavlonov. Odam va uning salomatligi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinf uchun darslik. "O'qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi. T.: 2019.-192 b.
3. U.Raxmatov Biologiyadan masalalar va mashq yechish. (Sitologiya genetika asoslari) O'quv qo'llanma "Tafakkur avlodi" nashriyoti. T.: 2020. -272 b.
4. Zikryaev A., To'xtaev A., Azimov I., Sonin N. Biologiya (Sitologiya va genetika asoslari): 9-sinf uchun darslik. -T.: "Yangiyo'l poligraph service", 2019. -192 b.
5. G'ofurov A. Va boshqalar. Biologiya: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 10-sinf uchun darslik. -T.: «Sharq», 2017. - 236 b.

## РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada biologik masala va mashqlardan foydalanish metodikasi bayon etilgan bo'lib, biologik ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladigan masala va mashqlardan foydalanish va tanlab olish mezonlari bayon etilgan.

## РЕЗЮМЕ

В этой статье описаны методы использования биологических заданий и задач, а также критерии использования и выбора заданий и задач, которые служат для повышения эффективности биологического образования.

## SUMMARY

This article describes methods of using biological exercises and tasks, as well as criteria for their application and selection, which serve to increase the effectiveness of biological education.

## ГРАФИК ФАНЛАРНИ ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ГРАФИК ДАСТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Насриддинова У.А.*

*п.ф.ф.д. (PhD), доцент Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти*

**Таянч сўзлар:** интеграцион ёндашув, фаолият, график фанларни интеграцияси, электрон таълим ресурслари, PowerPoint, AutoCAD ва 3DS MAX график дастурлари.

**Ключевые слова:** подход к интеграции, деятельность, интеграция с наукой о графике, электронные учебные ресурсы, PowerPoint, графика AutoCAD и 3DS MAX.

**Key words:** approach to integration, activities, integration with the science of graphics, e-learning resources, PowerPoint, AutoCAD graphics and 3DS MAX.

Мамлакатимизда график фанларни ўқитиш самарадорлигига бўлган эътибор компьютер технологиялари ривожланиши ва глобаллашувига муҳим ўзгаришлар киритиш, илгор технологиялар тараққиётини белгилаб беришдаги аҳамиятидан келиб чиқиб янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг илгор университетларида графику фанлар таълимини визуаллаштириш, турли эффеклар билан ишлаш ва олинган натижалар барқарор тараққиёт таълимида CAD устаси, визу-

ализатор, аниматор каби соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун муносиб шароит яратиш, бўлажак мутахассисларнинг лойиҳалаш маданиятини ривожланишига йўналтирилган виртуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда[1,2].

Жаҳон микёсида график фанларни ўқитиш соҳасида «Animation and graphics», «Construction of 3D modeling» ва «Design of graphics» каби инновацион ёндашувларни қўллаш, фаннинг методик таъминотини такомиллаштириш, талабаларда фазовий график тасаввурни ривожлантириш ва лойиҳалаш малакасини шакллантиришнинг визуал методларини амалиётга кенг тадбиқ этиш йўналишларида самарали илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда илгор хорижий тажрибалар асосида бўлажак мутахассисларнинг креатив қобилиятини интеграцион ёндашув асосида шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишга асосланган таълим муҳитини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Шу боис талабаларда ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини график фанларни интегротив ёндашув асосида ўқитишда замонавий график дастурлардан фойдаланиш таълим олувчиларнинг профессионал лойиҳалаш маданиятини фаоллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади[3].

Олимлар педагогикадаги интегратсион ёндашувни турлича изоҳлайдилар. И.А. Зимняя, Э.В.Земтсова интеграцион ёндашувни «Ҳеч бўлмаганда битта хусусиятнинг умумийлиги билан бирлаштирилган объектлар, ходисалар, жараёнлар мажмуасининг яхлит кўриниши, натижада унинг янги сифати яратилади» деб таърифлайди. В.М. Лопаткиннинг бироз бошқача позитсияси унинг фикрича, интегратсион ёндашув «дунё тасвирининг яхлитлигини таъминлайдиган восита» одамнинг назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда тизимли фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради» мамлакатимизда ҳам таълим жараёнига интеграцион ёндашувни қўллаш ва бу билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилган булардан Д.О.Химматалиев, А.Муслимов ва бошйаларни илмий тадқиқот ишларини мисол ёилиб келтиришимиз мумкин[4].

Интеграцион ёндашув - куйидаги вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради: ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини очиб беради; талабаларнинг шахсияти; касбий маҳоратини шакллантиради; ўз-ўзини тарбиялаш, ўзини ривожлантириш, сотсиализатсия қилиш учун психологик-педагогик шароитлар яратади. Ташкилий -услубий компонент ўқитиш усулларини (баҳслар, лойиҳа усули, модератсия, маслаҳат, ишбилармонлик ўйинлари, мунозаралар, давра суҳбатлари, фестиваллар, танловлар, конференциялар, касса технологиялари ва бошқалар) интеграцияни ўз ичига олади. Масалан, мунозара - талабада аниқ қизиқиш уйғотадиган таълим потенциалига эга бўлган коллектив фаолият шакли. Ўқитувчилар ўқув машғулотларини ташкил этишнинг ушбу шаклидан фойдаланадилар (лаборатория машғулотлари учун). Ўйиннинг бу шакли ўқувчини тарбиялашда катта аҳамиятга эга, чунки у қўллаб ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш муаммоларини ҳал қилишга имкон беради; тадқиқот қобилиятларини ривожлантириш. Ўқитишни ташкил этишнинг бу шакли сизга ўз-ўзини таҳлил қилиш ва автодидактика усулларидан фойдаланиш, турли хил ахборот манбалари билан ишлаш, уни танқидий таҳлил қилиш, гуруҳда ишлаш ва х.к.ларни яратишга имкон беради[5].



1-шакл. График фанларнинг бир-бирига боғлиқлик графиги


Фаолият-амалий компонента таълим шакллариининг интеграциясини ўз ичига олади, бу танкидий фикрлаш ва ижодкорликни ривожлантиришга, шахснинг шахсий муҳим ва касбий фазилатларини шакллантиришга ёрдам берадиган ижодий вазифалардан фойдаланишни осонлаштиради. Интегратор ёндашув - бу таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадлари, тамойиллари ва мазмуни бирлигининг ифодасидир, натижада асосий ваколатлар пайдо бўлади. Замонавий шароитда фан ва илмий билимларнинг интеграцияси тенденциядан қолипга айланади.

Ижтимоий характерга эга бўлган ишбилармонлик педагогик ўйини талабалар орасида машҳур бўлиб, бу талабаларни касбий фаолият аналогларига киритиш имконини беради; атрофдаги воқеликка муносабатни шакллантиришга, унга тақлид қилиш орқали касбий фаолият мазмунини ривожлантиришга қўмаклашиш.

График фанларни интеграцияси- қатор график фанларни узвий ва назарий боғлиқлигидан келиб чиқиб, бирини ўқитишда иккинчисидан фойдаланиш, уларни назарий асосларини амалий жараёнда қўллаш бунда талабанинг касбий фаолиятини аниқ ихтисослаштирилган йўналишда олиб боришини ташкил этишдан иборат.

График фанларни ўзаро боғлиқликда ўқитиш дарс самарасини оширибгина қолмай талабаларнинг фанга нисбатан қизиқишларини ошириш, фанни мақсад ва моҳиятини тез фурсат ичида тушуниб уни чуқур ўзлаштириш ва аниқ соҳа йўналишида ижодий фаолият олиб бориш каби ижобий натижаларни беради.

Бу соҳада «Мухандислик ва компьютер графикаси» фанини «Компьютер графикаси» фани ва унинг элементларидан фойдаланиб тушунтириш жараё-




2-шакл. Тўғри чизиқ анализи мавзуси мисолида  
фанлар билан ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш схемаси

нини мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан сиртни ҳосил қилиш жараёнини оддий доскада чизиб тушунтириш билан бирга, график дастурлар AutoCAD, 3DS MAX, СолидВоркс дастурларидан фойдаланиб чизиб тушунтирилса унинг кўргазмалилиги, вақтдан унумли фойдаланиш, бир вақтни ўзида фойдаланилаётган график дастурни ўзлаштириш, сиртни турли қийматлар асосида ҳосил қилиш имкониятининг мавжудлиги, сиртларни турларини қуриш каби хусусиятлари борлигини инобатга олсак интеграцион ёндашув график фанларни ўқитишда жуда муҳим ва самаралидир.

Бундан ташқари юқорида келтирилган фанларнинг бир-бирига боғлиқликда ўқитиш жараёнининг яна бир қанча мисоллар ёрдамида акс эттиришимиз мумкин.

Аввало уларнинг асосий ташкил этувчи омилларини келтириб ўтамиз:


- чизма конун-қондаларини билишнинг муҳимлиги (Чизма геометрия, Муҳандислик графикаси);
- график дастурлар AutoCAD, 3DS MAX, СолидВоркс, Ревит дастурлари «Чизма геометрия» ва «Муҳандислик графикаси» конун-қондаларига асосланганлиги;
- амалий масалаларни бажаришда чизма ва компьютер технологияларининг ўзаро боғлиқликда бугунги кундаги аҳамиятининг ривожланиши;
- илмий тадқиқот ишларини бажаришда чизмага оид фанлар(муҳандислик ва компьютер графикаси, амалий геометрия, муҳандислик фанларининг методологияси) билан компьютер графикасига оид фанлар(компьютер графикаси, архитектура элементларини лойиҳалаш, интерьер дизайн, муҳандислик графикаси, дизайн ва компьютерли конструкциялаш) нинг ўзаро боғлиқликдаги муаммоларини ечимини топишнинг долзарблиги;



1-расм. Повер Поинт дастурида «Тўғри чизик анализи» га оид электрон таълим ресурсидан наъмуна


Республикамызда бу соҳадаги универсал мутахассисларни етишмаслиги каби-лар график фанларни ўқитиш жараёнига интегратив ёндашишни талаб этади.

Интеграцион ёндашув асосида фанларни бирини ўрнини иккинчиси босиши эмас балки, ушбу фанларни қизиқарли олиб бориш, талабани график фаолиятини кенгайтириш, пухта олинган график билимни мустаҳкамлаш ва ижодий фаолиятга йўналтириш туради. Қуйида «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси»нинг «Компьютер графикаси» билан ўзаро боғлиқлигини ақс эттирувчи мисол билан танишамиз. «Тўғри чизик анализи» мавзусини ўрганишдаги боғлиқликни амалга оширишнинг афзалликлари. 2-шакл.



2-расм. 3DS MAX дастурида Гидротехник иншоотлардан бири «Аппарел май-донча» ни лойиҳалаш жараёни ақс этган электрон таълим ресурсидан наъмуна





*AutoCAD график дастурида «Болтли бирикма мавзусига оид электрон таълим ресурсидан наъмуна*

Тажрибалар шунни кўрсатмоқдаки доскада чизма қоидаларини тушунтириш ва топшириқни бажариш жараёни талабаларга бир оз зерикарли бўлсада ҳаққиқий муҳандис билиши лозим бўлган билимлар мажмуасидир. Шу жараёнини осонлаштириш яъни билимларни мустаҳкамлаш, мустақил таълимни амалга оширишда ва кейинги босқичга талабани тайёрлашда компьютерда чизиш ва бажарилган топшириқларни электрон кузатиш восита бўлиб хизмат қилмоқда[6].

Қуйида Муҳандислик ва компьютер графикаси фанини ўқитиш жараёнида AutoCAD ва 3DS MAX график дастурларидан фойдаланиб топшириқларни бажариш ва уларни кетма-кетлигини кузатиш ҳамда ушбу график дастурларни ўрганиш имкониятини берувчи электрон таълим ресурсларидан наъмуналар келтирилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек Power Поинт дастурида «Тўғри чизик анализи» мавзуси бўйича талабалар топшириқни бажариш кетма-кетлигини ўрганишлари мумкин. Ушбу ресурсни афзаллиги мустақил таълимда ҳам фойдаланиш имкониятини мавжудлигидан иборат. 1-расм.

2-расмда 3DS MAX дастурида Гидротехник иншоотлардан бири «Аппарел майдонча» ни лойиҳалаш жараёни акс этган. Бу орқали талабалар Чизма қоидаларига эътибор бериш ҳамда 3DS MAX дастурида ишлаш кўникмасига эга бўлибгина қолмай, топшириқни бажариш жараёнини ҳам ўзлаштирадilar.

Доскада ушбу топшириқни бажариш жараёнида талабалар назарий билимларга эга бўладилар бунга қўшимчи равишда юқоридаги электрон таълим ресурси талабаларда фанга кизиқишни оширади ва ижодий фаолиятни шакллантиради[7,8].

3-расмда ҳам «Муҳандислик ва компьютер графикаси» фанига оид «Болтли бирикма» мавзусига оид AutoCAD график дастурида бажарилган электрон таълим ресурсидан наъмуна келтирилган. Бу орқали талабалар дастурни ўзлаштириш ва буйруқларидан фойдаланиш ҳамда топшириқни бажариш жараёнини ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

Келтирилган график дастурларнинг ўз имкониятлари мавжуд улардан фойдаланишда бўлажак мутахассисларнинг ихтисослик йўналишига эътибор бериш талаб қилинади. Чунки айнан мутахассислик соҳасида фойдаланиладиган график дастурлар келажакда уларнинг амалий иш фаолиятларида ҳам ишлаб чиқариш жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, график фанларни ўзаро интеграциялашган ҳолда тушунтириш уларни мураккаблигидан келиб чиқиб, талабалар томонидан тезроқ ўзлаштириш, фанга нисбатан қизиқиш ҳамда бу соҳада аниқ мақсадни амалга ошириш жараёнини жадаллаштиради.

График фанларни ўрганишда интеграциялашган ёндашувдан фойдаланиш натижаси: таълим жараёнини оптималлаштириш; таълим ва билиш фаолиятини тизимлаштириш; асосий ваколатларни шакллантириш. Интеграциялашган ёндашувга мурожаат қилиш, охир -окибат, фуқаро шахсининг айрим фазилатларини тарбиялашга олиб келади. Шундай қилиб, интеграция янги таълимнинг истиқболли услубий йўналишларидан биридир.

#### Адабиётлар:

1. Насриддинова У.А. Компьютер графикаси фанини ўқитиш методикасининг замонавий муаммолари ва ечимлари. Монография.– Т.: Наврўз нашриёти, 2015.– Б 172.
2. Насриддинова У.А. Ўқитишнинг замонавий усули // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2012. №5. – Б. 26-27. (13.00.00; №3)
3. Насриддинова У.А. Использование оптимальных способов математического статистического анализа при оценке результатов педагогического эксперимента // Преподаватель XXI век. – Москва, 2017. №1. – С. 222-227. (13.00.00; №13)
4. Насриддинова У.А. Ўқувчи ва талабалар қобилиятини аниқлашда автоматлаштирилган «Анкета» дастуридан фойдаланиш // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2013. №4. – Б. 64-67. (13.00.00; №9)
5. Насриддинова У.А. Лойиҳалаш жараёнида чизмаларга оид давлат стандартларини автоматлаштириш бўйича методик тавсиялар // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2013. №3. – Б. 78-81. (13.00.00; №15)
6. Насриддинова У.А. Талабаларнинг фазовий график тасаввурини ривожлантиришда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишнинг назарий асослари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. №1/3. – Б. 193-196. (13.00.00; №15)
7. Литвинова, Н.Б. Формирование профессионально значимых качеств при изучении инженерной графики. [Текст] / Н.Б.Литвинова// Вестник Поволжской государственной социально-гуманитарной академии: факультет начального образования.- Самара: изд. ПГСГА, 2010. -С.110-112 (0,2 п.л.).
8. Литвинова, Н.Б.Современные проблемы совершенствования графической подготовки в технических вузах. [Текст] / Н.Б.Литвинова// Инновационные подходы к формированию методологической культуры педагога в системе 2-х уровневое образования: м-лы научно-практ. конф./отв. ред.М.Г.Резниченко - Самара: изд. ПГСГА, 2010.- С.98- 101(0,2 п.л.).

#### РЕЗЮМЕ

Маколада интеграция тушунчаси ва у билан боғлиқ педагогик фаолият ёритилган. График фанларни интеграцияси ўзаро боғлиқлик шакли келтирилган. Бундан ташқари чизма фанларининг компьютер технологиялари билан боғлиқлиги график дастурлардан фойдаланиш асосида ўқув жараёнидаги афзаллик ва камчиликларни беvosита интеграциялашув орқали бартараф этиш омиллари келтирилган. Замонавий график дастурлар PowerPoint, AutoCAD ва 3DS MAX дастурларининг имкониятлари таққосланиб электрон таълим ресурсларидан таълим жараёнида фойдаланиш жараёни мисолида ёритилган. Интеграцион ёндашув нафакат педагогик жараёнда балки график таълим билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнида ҳам bevosита бўлажак мутахассислар фаолиятини ташкил этишда муҳимлиги ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается понятие интеграционной и сопутствующей педагогической деятельности. Интеграция графических наук представлена во взаимозависимости. Кроме того, связь наук о рисовании с

компьютерными технологиями основана на использовании графических программ для преодоления преимуществ и недостатков процесса обучения посредством прямой интеграции. Сравняются возможности современных графических программ PowerPoint, AutoCAD и 3DS MAX и проиллюстрированы на примере процесса использования электронных обучающих ресурсов в учебном процессе. Важность комплексного подхода не только в педагогическом процессе, но и в производственном процессе, связанном с графическим образованием, напрямую отражается на организации деятельности будущих специалистов.

SUMMARY

The article reveals the concept of integration and accompanying pedagogical activity. The integration of graphic sciences is presented in interdependence. In addition, the link between the drawing sciences and computer technology is based on the use of graphics programs to overcome the advantages and disadvantages of the learning process through direct integration. The possibilities of modern graphics programs PowerPoint, AutoCAD and 3DS MAX are compared and illustrated by the example of the process of using e-learning resources in the educational process. The importance of an integrated approach not only in the pedagogical process, but also in the production process associated with graphic education, is directly reflected in the organization of the activities of future specialists.

«INSON-KIYIM» TAMOYILI ASOSIDA AVTOKORXONANING MAHSUS KIYIMLARINI YARATISH

*Mo'minova M.U.*

*Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti*

*«Libos va gazlamalar» magistri*

*Sharipova G.S.*

*Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti*

*«Libos dizayni» kafedrası dosenti*

**Tayanch so'zlar:** avtokorxonona, maxsus kiyimlar, «inson-kiyim», dizayn, qulaylik, texnologiya.

**Ключевые слова:** автобаза, спецодежда, «человек-одежда», дизайн, комфорт, технологии.

**Key words:** carpool, workwear, «man-clothing», design, comfort, technology.

Insonning zamonaviy dunyoda texnik yangiliklar yaratib, sanoat va ishlab chiqish jarayonida faol xarakter qilar ekan, doimo o'zi uchun qulay va xavfli va zararli sanoat omillaridan himoyalaniшни ta'minlovchi maxsus kiyimlarni yaratish - ergonomik, eksplatatsion va estetik talablarga javob berishi kerak. Ko'pincha bu talablarning amalda esa ziddiyatlarga duch kelish kuzatiladi. Insonlarning ishda xavfsizligini ta'minlash, zararli narsalardan himoya qilish uchun maxsus kiyimlar assortimenti sifatini maqsadli takomillashtirish, ehtiyojlar doirasini yetarli darajada qondira olish har doim ham o'zini oqlay olmaydi. Inson organizmiga maxsus kiyimning xavfli va zararli ta'sirini kamaytirish shartlari, ishlab chiqarish omillari va uning yuqori samaradorligini saqlash lozim.

Aniq kasbdagi ishchilar uchun maxsus kiyimlarning sifati ko'p jihatdan mehnat sharoitini bilish bilan belgilanadi. Ishchilarning mehnat sharoitlarini o'rganishda birinchi navbatda quyidagilarga e'tibor berish: ishlab chiqarish omillarining tabiati va ularning ta'sir darajasi (butun yuzaga yoki mahalliy hududlarda); ishning jiddiyliги; xarakterli harakatlar; meteorologik sharoitlar (harorat va namlik, shamol tezligi); ish va dam olish sharoitlari; standart xizmat muddati (ish kiyimlari, xavfsizlik poyafzallari va xavfsizlik

qurilmalarining erkin berilishi me'yorlariga muvofiq)) ; estetik talablar(rang sxemasi, korxonaning sanoat ichki rioya) zarur.

Ergonomik talablar asosida yaratiladigan mahsus kiyimlar «inson-kiyim» dinamik jarayonlarda namoyon bo'lganligi sababli, asosiy ergonomik dizaynning asosiy talabi ish kiyimlarining dizayn parametrlarini tanlashda hal qiluvchi omil etib, bu ishchining o'ziga xos ishlab chiqarish sharoitida xarakterli va ekstremal harakatlariga dinamik muvofiqligini ta'minlashdan iboratligidir.

Bu omillarning barchasini hisobga olgan holda maxsus kiyimlar ishlab chiqiladi. Masalan, meteorologik ma'lumotlarga muvofiq, jismoniy ishning jadalligi, ish joyida sarflangan vaqt, materiallar tanlanadi va ish joyida inson issiqlik almashinuvi uchun mo'tadil sharoitni ta'minlovchi kiyim konstruksiyalari ishlab chiqiladi. Ishlab chiqarish omillari va shaxs harakatlarining xususiyatiga muvofiq materiallar tanlanadi va bu omillardan zarur himoya va harakat erkinligini ta'minlovchi kiyimni loyihalash ishlab chiqiladi. Tanlangan materiallar va dizayn shuningdek, maxsus kiyimning eskirish muddatini va insonning ish qobiliyatini belgilaydi.

Materiallar himoya, operatsion va ergonomik talablarga eng yaxshi javob beradigan tarzda tanlanadi. Buning uchun laboratoriyada himoya xususiyatlari bilan birga kuch, qarshilik, qattqlik, nafas olish, namlik o'tkazuvchanlik, vazn va boshqalar kabi ko'rsatkichlar belgilanadi.

Tabiiki, har qanday ish kiyimi ma'lum darajada insonning harakatini cheklaydi. Biroq, har qanday holatda ham, u inson organizmiga kiruvchi ta'sir ko'rsatmasligi kerak, chunki bu ishlash darajasining pasayishi bilan bog'liq. Bu holda kiyim, o'z navbatida, bir qator o'zgarishlarga uchraydi: harakatlanuvchi, ko'ndalang qarshilikning ortib boruvchi kuchlari kiyimning cho'zilishiga, egilishiga yoki qisqarishiga sabab bo'lgunga qadar inson tanasiga nisbatan sirpanadi. Deformatsiyalanganda kiyim inson tanasining qismlariga turli kuchlar bilan ta'sir qiladi (uning tanasini bosadi). Shuning uchun ishchi jismoniy energiyaning kam miqdorda sarflaydigan, qulayliklarga ega bo'lgan turli harakatlarni bajarishga imkon beradigan maxsus ish kiyimlarining dizaynini yaratish kerak.

Bugungi kungacha respublikamizda avtomobil ishlab chiqaradigan kompaniyalar sanoqli edi. Fan-texnika taraqqiyoti shiddat bilan o'sib bormoqda va ishlab chiqarish korxonalari kundan kunga ko'paymoqda. Bular qatorida avtomobil ishlab chiqaruvchi korxonalar ham ko'payib bormoqda. Avtomobil iste'molining o'sishini hisobga olgan holda, dunyoda, shu jumladan ichki bozorlarda, ishchilarni maxsus kiyim bilan ta'minlash muammosini har tomonlama o'rganish dolzarbligi aniq bo'lib qolmoqda. Xavfli va zararli sanoat omillaridan himoyalaniшни ta'minlovchi maxsus kiyim ergonomik, eksplatatsion va estetik talablarga javob berishi kerak yuqoridagi barcha talablarga javob beradigan maxsus kiyimlarni yaratish beshta asosiy bosqichdan iborat:

- 1) texnik talablarni tahlil qilish va ishchilarning mehnat sharoitlarini o'rganish;
- 2) muayyan ishlab chiqarish sharoitlariga eng yaxshi javob beradigan materiallarni tanlash (zararli va xavfli ishlab chiqarish omillariga ta'sir qilish, meteorologik sharoitlar) ;
- 3) ishchilar dinamikasini hisobga olgan holda kiyim dizaynini ishlab chiqish, zararli yoki xavfli ishlab chiqarish omillariga va meteorologik sharoitlarga ta'sir qilishni mahalliyashtirish;
- 4) laboratoriya va ishlab chiqarish sharoitida maxsus kiyimni baholash;

5) maxsus kiyimlarni ommaviy yoki ketma-ket ishlab chiqarish uchun me'yoriy-texnik hujjatlarni ishlab chiqish yaratilayotgan kiyimga qo'yilgan ergonomik talablar bo'lib, asosan «inson-kiyim» tamoyili asosida yaratiladi.

Maxsus kiyimlarning moslashtirilgan variantlarini yaratish bo'yicha tadqiqotlar avtomobil ishlab chiqaradigan korxonada ishchilari uchun yaxshilangan parametr ko'rsatkichlari, yangi zamonaviy materiallarning texnik parameterlari va zamonaviy korxonalarda ishchilar mehnatini intensivlashtirishi lozim. Xamda ushbu maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalarni aniqlandi va yechilisi dolzarb etib belgilandi:

1. Avtokorxonada ishchilari uchun mavjud bo'lgan maxsus kiyimlarni o'rganish va uni ishlab chiqarishda ishlatiladigan maxsus materiallar, ish kiyimlarini optimallashtirish parametrlarini ishlab chiqish.

2. Texnologik operatsiyalar xususiyatlarini tizimlashtirish va tahlil qilish, hamda taklif modellar ishlab chiqish.

3. Tizim elementlarining biokinematik o'zaro ta'sirini o'rganish, ergonomik tamoyillarga asoslangan «inson-kiyim» jarayon uchun dastlabki ma'lumotlarning tuzilishini shakllantirish, maxsus kiyimlar dizaynini ishlab chiqish.

4. «UzAuto Motors» Aj ishchilari uchun maxsus kiyimlar dizaynini optimallashtirish, ob'yektga yo'naltirilgan yondashuv va axborotni birlashtirish, dizayn texnologiyasi.

5. Texnologik ish turlarini tanlash va asoslash. Ergonomikani o'rganish uchun «UzAuto Motors» ishchilarining asosiy ish jarayonida maxsus kiyimlarning eng kirlangan zonalarini aniqlash.

6. To'plamni o'rganish, ishlab chiqish, hamda ishlab chiqarish.

Quyidagi holatlar faol xarakat qiladigan avtokorxonada ishchilari maxsus kiyimlarining «orginal» dizayni va texnologik yechimlariga oid loyihalash va baholash bo'yicha uslubiy materiallar hali to'g'ri tizimlashtirilmaganligi va ularning o'ziga hos bo'lgan yechimli kiyimlarni to'liq tadqiq etish lozimligini keltirmoqda. Asosan, bu yechimlar malakali dizaynerlarning dizaynerlik ixtirolari natijasi bo'lib qolmoqda. Bu loyihalash metodlari ish kiyimlari mahsulotlarining badiiy ifodaliligini, ularning tasviriy va ergonomik mukammalligini ta'minlash vositasi sifatida qaralmaydi.

Ratsional (antropodinamik muvofiqlikni ta'minlash nuqtai nazaridan) ishchi kiyimlarining tarkibiy va texnologik yechimlarini, turli utilitar maqsadlarda kiyimning kesilishini yanada funksional va kompozitsion tizimlashtirishning dolzarbligiga shubha yo'q. Birgalikda, bu tizimlashtirilgan yechimlar turli maqsadlar uchun mahsulot, kolleksiyalar va assortiment guruhlarining ergonomik dizaynida potensial foydalanish (mafkuraviy yoki parametrik qarz olish, ijodiy qayta ishlash va o'zgartirish) uchun yetarlicha vakillik bilim bazasini shakllantirish uchun asos bo'lishi mumkin.

Belgilangan vazifalarni amalga oshirish uchun quyidagi vazifalar amalga oshirilsa, aniq ko'zlangan natijalarga erishish mumkin:

Dinamikani o'rganish uchun eksperimental stand ishlab chiqiladi, bunda maxsus kiyimning informatsion nuqtalar, bosim va kuchlanish deformatsiyalari qiymatlari ortadi.

1. Texnologik ishlov berish dizayni va xususiyatlari mavjud maxsus kiyimlarni tadqiq etish orqali ishlab chiqilsa;

2. Avtokorxonada ishchilari uchun maxsus kiyimlar to'plami jaxon andozasiga mos tadqiq etilsa;

3. Maxsus kiyimlarni loyihalash bo'yicha mutaxassislarining ish natijalaridan unimli foydani. Quyidagi natijalarga erishish mumkin.

So'nggi yillarda ish kiyimlarining bu xususiyatlarini yaxshilashga katta e'tibor berilmoqda. Tabiiyki, har qanday ish kiyimi ma'lum darajada insonning harakatini cheklaydi. Biroq, har qanday holatda ham, u inson organizmiga kiruvchi ta'sir ko'rsatmasligi kerak, chunki bu ishlash darajasining pasayishi bilan bog'liq. Shu sababdan maxsus ishchilar kiyimining dizaynini yaratishda, asosiy talab uning ergonomik talabi bo'lib, asosan kiyimlar «inson-kiyim» tamoyili asosida rivojlantirilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. E.B.Koblyakova, I.A.Tuzova, E.K.Volkova. Marketingovie issledovaniya dlya formirovaniya strukturi promishlennoy Kollektсии kostyumov // shveytnaya prom-st- 1997, №3,- s.33-36.
2. I.A.Tuzova, E.B.Koblyakova, I.V.Mistyukova. Osnovnie printsipti razrabotki avtomatizirovannoy podsystemi proektirovaniya rasonalnoy strukturi promishlennoy Kollektсии // shveytnaya prom-st. 1998, №4- S.34.
3. Jaxova O N. Dizayn-metod formirovaniya assortimenta odejdi v shveytnoy promishlennosti. Chast 1. Teoriya metoda. M.,1992.
4. Voropaeva N.K. Razrabotka metoda proektirovaniya firmennoy proizvodstvennoy odejdi: Avtoref. dis. kand. texn. nauk- M., MGALP, 1999 18 s.
5. Perechen professiy i doljnostey dlya besplatnoy vidachi siz. AOOT «KINEF», 1995- 145 s.
6. Tipovye otraslevie normi besplatnoy vidachi spetsialnoy odejdi, spetsialnoy obuvi i drugix siz rabochim i slujatshim ximicheskix proizvodstv. VIP.1. Chast 1. -M., 1982.
7. Munipov V.M. Sovremennoe sostoyanie i tendentsii razvitiya ergonomiki. -M.: VNIITE, 1978.- 71 s.

РЕЗЮМЕ

Avtokorxonada maxsus kiyimlar loyihasi hozirgi iqtisodiy rivojlanish jarayonlarida korxonada ishchilarining sifatli va qulay mehnat qilishining asosiy garovidir. Maqolada maxsus kiyimlarni «inson-kiyim» tamoyili asosida yaratishga oid tavsiyalar va ko'rsatmalar berilgan va tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ

Проект спецодежды для автобазы является главной гарантией качественного и комфортного труда работников предприятия в современных процессах экономического развития. В статье даны и проанализированы рекомендации и указания по созданию спецодежды по принципу «человек-одежда».

SUMMARY

The project of workwear for the carpool is the main guarantee of high-quality and comfortable work of the company's employees in the modern processes of economic development. The article provides and analyzes recommendations and guidelines for the creation of workwear on the principle of «man-clothing».

## ГЕНДЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”ГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ

*Тожибоева Х.М.*

*Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (ЎзПФТИ) докторанти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим*

**Таянч сўзлар:** гендер ёндашув, гендер маданият, оммавий маданият, миллий маданият, ўсмир ёшдаги ўқувчилар, қиз болалар, ўғил болалар, ижтимоий роллар, педагогик омиллар, гендер зиддиятлар, ҳулқ-атвор меъёрлари, кадрятли йўналишлар, гендер онг, оммавий маданият кўринишлари.

**Ключевые слова:** гендерный подход, гендерная культура, массовая культура, национальная культура, школьники-подростки, девочки, мальчики, социальные роли, педагогические факторы, гендерные конфликты, нормы поведения, ценностные ориентации, гендерное сознание, взгляды популярной культуры.

**Key words:** gender approach, gender culture, popular culture, national culture, adolescent students, girls, boys, social roles, pedagogical factors, gender conflicts, behavioral norms, value orientations, gender consciousness, popular culture views.

Мамлакатнинг тарихий ривожланиш даврида маданият миллатнинг маънавий тажрибасини сақлаб, тўплаб ва авлодларга етказиб келганлиги, халқимизнинг бирдамлигини, ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини тарбиялаганлигини эътироф этган ҳолда, маданиятнинг устуворлигига урғу бериш, жамият ҳаёти сифатининг янада юкори даражасини таъминлаш, унда фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлишига эришиш, маънавийлиги, масъулияти, мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори[1] қабул қилинди. Мазкур қарорда Ўзбекистонда миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг муайян вазифалари белгиланган.

Оммавий маданият – жамиятнинг оммавий истеъмолчи ривожланиши даражаси ва дидига мос бўлган маънавий кадрларнинг мажмуидир. У мазкур жамият шаклланиган даврда, XX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган. “Маданият индустрияси” тушунчаси юзага келиб, у нафақат замонавий техникадан фойдаланишни, балки ишлаб чиқариладиган маҳсулот – китоблар, фильмлар, машҳур мусиканинг стандартлаштирилишини кўрсатади. Нагизда маданий матнлар бир вақтда турли ижтимоий қатламлар ва ижтимоий гуруҳлардан бўлган жуда кўп сонли инсонлар учун очиб бўлиб қолди.

“Педагогика” энциклопедиясида “Оммавий маданият(арабча оммавий – умумга, умумхалққа тегишли, оид)– 1. Халқмаданияти, урф-одатлари, маросимлари, санъати ва шу кабиларни ифодаловчи тушунча. 2. ОАВ ривожига б-н боғлиқ ҳодиса. 3. Оммавий ишлаб чиқариш. 4. Маданиятнинг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли” тарзида талқин этилади[2; 49-б.].

“Оммавий маданият” атамаси илк бор америкалик олим Д.Макдональд томонидан 1944 йилда қўлланилган. “Оммавий маданият”да кадрларнинг тарқалганлиги ва умумтомонидан фойдаланилиши, уларни ўзлаштиришнинг энгиллиги, алоҳида ривожланган, нозир дид ва идрокни талаб этилмаслиги таъкидланади[3; 11-б.].

XX ҳамда XXI аср интеграцион жараёнларнинг ривожланиши ва чуқурлашиши билан ифодаланади. Интеграция ҳамда глобаллашувнинг ифодасидан бири оммавий маданиятнинг бутун инсоният миқёсида мустаҳкамланиши ҳисобланади.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш ҳолатлари энг кўп учрайдиган ҳодисалардан бири ҳисобланиб, оммавий маданият тарафдорлари шу йўл билан ўсмир ёшдаги ўғил болалар онгини захарламоқдалар. Уларнинг характерида тажовузкорликнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Аксарият ўсмир ёшдаги ўғил болалар келажакда анъанавий оила қуришга қарши бўлмоқдалар. Уларнинг аксарияти оилавий ҳаётда бажарадиган роллари аниқ тушунмаяптилар ёки буни эскилик сарқити сифатида баҳолайдилар. Эркин оилавий ҳаёт ғоясини қўллаб-қувватловчи ўсмирлар гуруҳи шаклланимоқда. Бу эса келажакда оилавий кадрларнинг кадрсизлишига сабаб бўлади.

Шахснинг шаклланишида ўсмирлик даври алоҳида аҳамиятга эга. Ўсмирлик даврининг чегараси психологлар томонидан аниқ белгилаб берилмаган. У ўсмирнинг ривожланиш даражаси ва онтогенез билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Илк ўсмирлик даври 10 ёшдан бошланиб, 14 ёшгача давом этади. Катта ўсмирлик

ёши эса 14-16 ёш даврига тўғри келади. Аксарият психологлар ўз тадқиқотларида ўсмирлик даврининг мураккаб, зиддиятларга бой давр эканлигини таъкидлаганлар. Ўсмирлик даври учун характрли хусусиятлардан бири ўзини катталардек ҳис этишидир. Бу даврда ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини баҳолаш ривожланади. Ўсмир ўзига шахс сифатида қизиқиш билдириб, лаёқатлари ва имкониятларини юкори баҳолайди.

Бугунги кунда ота-она ва фарзандлар орасидаги зиддиятларнинг аксарияти ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар иштирокида вужудга келмоқда. Ўсмир ёшдаги ўғил болалар хатти-ҳаракатларида ўзбекона кадриятларнинг ўрни тобора камайиб бормоқда.

Маданият нуқтаи назаридан ёндашганда қиз болалар билан ўғил болаларнинг мавқеи тенг бўлгани ҳолда уларнинг ҳар бири гендер ўзига хослигини намоён қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Бундай ёндашув уларнинг ижтимоийлашувини таъминлайди. Акс ҳолда ўғил ва қиз болалар орасида зиддиятлар вужудга келади. Менталитетга хос стереотиплар шаклланимай қолади. Шу билан бир қаторда ўғил ва қиз болаларда жинсга хос ролларнинг тақсимланиши мураккаблашади. Ўғил ва қиз болаларда миллий маданиятга хос бўлган дунёқараш ва ролларнинг шаклланиши натижа-сида уларнинг муваффақиятли ижтимоийлашуви амалга ошиб, жамиятдаги мавқеи ортади.

Бугунги кунда қиз болалар тадбиркорлик ва бизнес соҳасида ўзларини намоён қилмоқдалар. Бу ўз навбатида уларнинг жамиятдаги мавқеи ортишига сабаб бўлмоқда. Мазкур вазиятда қизларга хос бўлган маданий дунёқарашни шакллантириш янада устивор вазифа бўлиб қолмоқда. Оммавий маданият ўғил ва қиз болалар орасидаги ижтимоий-маданий фарқларни инкор қилиб келмоқда. Оилавий муносабатларда ҳам миллий маданият ва менталитетга хос бўлмаган стереотипларни тарғиб қилмоқда. Масалан, космополитизм, бир жинслиларнинг никоҳи, акселерация, либослар ва соч турмакларидagi фарқларнинг йўқолиб бораётганлиги, анъаналар ва урф-одатларга эскилик саркити сифатида қараш, оилани кадрият сифатида баҳоламаслик кабилар шулар жумласидандир.

Улар тарғиб қилаётган санъат намуналари, жумладан, китоблар, рок мусиқалари, кинофильмлар ёшларни жазавага тушириб, ўзлигини йўқотишга қаратилган. Хорижий фильмларни томоша қилиш, ундаги жангарилик руҳидан завқланиш нафақат ўғил болалар, балки қиз болаларга ҳам хос бўлмоқда. Ўғил ва қиз болалар ҳулқ-атворида маданий ёндашувлар оммавий маданият тасъири остида жуда паст даражада намоён бўлмоқда.

Ўзбек халқи маданиятида ўғил болаларда мардлик сифатларини, қизларда эса аёлларга хос сифатларни шакллантиришга хизмат қиладиган маданий анъаналар ва урф-одатлар мавжуд. Ушбу анъана ва урф-одатларга амал қилиш тажрибасининг борган сари камайиб боришида оммавий маданиятнинг ҳиссаси улкан. Шу билан бир қаторда хорижий давлатларга кетган ва хорижий таълим муассасаларида тахсил олаётган кўплаб ўғил ва қиз болалар муҳит таъсирида ўзларининг маданий дунёқарашларини ўзгартиришга мажбур бўлмоқдалар. Чунки улар ҳар қандай шароитга мослашиб, яшаш ва билим олишга мажбур бўлмоқдалар. Ўғил болалар эса қизларга хос кадриятлар тизимини ўзлаштирмоқдалар.

Ўзбек халқининг эртақларида ўғил болаларнинг ёшлиқдан бошлаб, мардлик, жасурлик сифатларини эгаллашлари ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур эртақ ва дostonларда қиз болалар ҳам нафосат ва мардликнинг уйғунлашган кўринишларини намоён этадилар. Кўриниб турибдики, ўғил ва қиз болалар бугунги кунда ўзбек халқига хос ижтимоий маданий ҳулқ-атвор стереотипларини эгалламагнлар. Уларда оммавий маданиятнинг салбий таъсири кучли тарзда намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам



оммавий маданиятга қарши қурашчанлик кўникмаларини шакллантиришда гендер ёндашувни қўллаш ўзига хос аҳамият касб этади.

Кузатишларимиз шунни кўрсатмоқдаки, ўғил болалар юмшоқ табиатлилиқ, итоат-корликни тарғиб этувчи санъат асарларини кўпроқ қизиқмоқдалар. Хотин-қизларга эса хорижий фильмларни томоша қилиш хуш ёқади. Бундай ўғил-қизлар Ўзбекистон жамиятида янги ўзбекларнинг шаклланишига сабабчи бўлмоқдалар. Бундай йигит-қизлар реал мавжудликдан кўра виртуал мавжудликни афзал кўрадилар.

Ўғил болаларда мардлик сифатларининг йўқотилганлиги оммавий маданиятнинг оммалашуви ва ўсмир ёшдаги ўқувчилар орасида кенг ёйилишини жадаллаштирмоқда. Ўзининг менталитетга хос сифатларини йўқотаётган қизлар эса юқори даражадаги ижтимоий мавқеини эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар иккала гендер тип бири-биридан муаммоларнинг мавжудлик даражаси билан фарқланмоқдалар. Оммавий маданиятни тарғиб қиладиган фильмларда қаҳрамонлар қатта қийинчиликларга дуч келмайдилар, улар мардлик сифатларини намоён қилмайдилар, балки мешчанларга хос ҳаёт тарзида яшайдилар ва шундай ҳаёт тарзини тарғиб қиладилар.

Бугунги кунда ўзбек қизлари амал қиладиган кадриятлар тизими бир қадар мураккаб характерга эга. Уларнинг ишчанлиги, фаоллиги жамиятда яшаб қолишга йўналтирилган бўлиб, оммавий маданият таъсирида шаклланмоқда. Қизлардаги ҳақиқий ижтимоий фаоллик эса камдан-кам ҳолатларда намоён бўлмоқда[4].

Ўзбекистон жамиятида миллий менталитетни сақлаб қолган, миллий маданий дунёқарашга эга бўлган ўғил ва қиз болаларнинг шаклланиши уларни жасорат, сафарбарлик кўрсатишга ундайди. Бу ўз навбатида тарихий-маданий тажрибани самарали ўзлаштириш натижасида вужудга келади. Оммавий маданият ўғил ва қиз болалар онгига таъсир кўрсатиб, реал ва нореал ҳолатлар бири-бирини инкор қилади. Ўз ҳаётидан ва турмуш тарзидан узоқлашиш ўғил ва қиз болаларнинг бошқа кадриятлар тизимини ўзлаштиришларига сабаб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда ўғил ва қиз болаларга хос бўлган ижтимоий ахлоқ меъёрлари ўзгармоқда. Бу эса ёшларда ўзликни англаш туйғусини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Хос маданият таъсирида ўғил ва қиз болалардаги кадриятлар тизими такомиллашса, оммавий маданият таъсирида мазкур кадриятлар ўзгариб, миллий мансублигини йўқотиб боради. Улар кўпроқ оломон маданияти сифатида намоён бўлади.

Ўз мавқеини аниқлаш муаммоси ўғил ва қиз болалар учун тобора ўткирлашиб, толерантлик сифатлари намоён бўлмайди. Бугунги кунда бачабозлик оммавий маданият таъсирида кенг тарқалаётган хавфли ҳодиса сифатида намоён бўлмоқда. Бачабозлар аксарият ҳолларда эстрада хонандалари ёки таниқли шахслар орасидан чиқиб, кўплаб ўсмир ёшдаги ўғил болалар эътиборини жалб қилмоқда. Бачабозлик рухий ҳаётнинг энг мураккаб кўриниши бўлиб, ўзбек халқи менталитети учун ёт ҳодиса ҳисобланади. У ўзбек халқининг барча вакилларида ўзига нисбатан нафрат ҳиссини уйғотади. Бироқ ўсмирлар руҳиятига турли воситалар: кинофильмлар, романлар, рекламалар, мультфильмлар, клиплар орқали салбий таъсир кўрсатиш асосида мазкур ҳодисани тарғиб қилмоқдалар.

Ўғил ва қиз болаларга хос гендер типлар ўзларига хос бўлмаган кадриятлар тизимини оммавий маданият таъсирида ўзлаштирмоқдалар. Бу эса ўз навбатида шахслараро муносабат ва жамиятнинг маънавий-маданий ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ёшлар хулқ-атворида руҳсат беришнинг етакчилик қилишига асос яратмоқда.

Маълумки, гендер маданияти ижтимоийлашишнинг асосий шартларидан бири бўлиб, ижтимоий маданий жараёнларда ўғил ва қиз болаларнинг иштирок этишини

таъминлайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар гендер маданият тушунчасига эҳтиёткорлик билан ёндашдилар. Мазкур тушунча кўп жиҳатдан шахснинг ижтимоий маданий жараёнларда иштирок этиб, маданий бойликларни ўзлаштиришига боғлиқ, маскулинлик ва фемининлик ҳар доим гендер тадқиқотлар моҳиятини ҳар доим ҳам бирдай англаш имкониятини бермайди.

Педагогика, психология, социологияга оид замонавий ёндашувлар, илмий қарашлар гендер маданиятининг ўзига хос жиҳатларини очиш, ижтимоий маданий муҳитда шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлашга йўналтирилгандир. Шунга қарамаздан, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда гендер ёндашув асосида оммавий маданиятга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишида етарлича илмий изланишлар амалга оширилмаган[5].

Гендер ёндашув асосида ўсмирларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш сифатли гендер тафаккурни тақозо этади. Бундай гендер тафаккур эса эмперик материаллар етарли бўлган вазиятда вужудга келади.

Юқорида кўрсатилган далилларнинг барчаси ўсмир ёшдаги ўқувчиларда гендер ёндашув асосида “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш, ушбу мақсадга йўналтирилган педагогик жараёнда маданиятшуносликка асосланган ёндашувга таяниш, ушбу ёндашув доирасида ўсмир ёшдаги ўқувчиларни ижтимоийлаштиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш каби муаммоларнинг ечими алоҳида долзарблик касб этаётганлигини кўрсатади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори. Lex.uz
2. Педагогика: энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. 424-бет. Б.49
3. Алексашкина Л.Н. Новейшая история XX век, М., Мнемозина. 2000. Б.11
4. Тожибоева Х.М. Strategies for the formation and development of skills struggling for «mass culture» in the subjects of continuing education// JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS. ISSN- 2394-5125. VOL 7, ISSUE 19, 2020. P.4018-4022.
5. Сафарова Р.Г. ва б. Ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик механизмлари. - Монография. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2018 йил, 192 бет.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш ҳақида фикр юритилган бўлиб, унда таълим-тарбия ва педагогика фанида аниқ белгиланган мақсадларга эришишга йўналтирилган асосий ҳаракатларнинг узок муддатли дастурига амал қилиш зарурлиги таъкидланган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается формирование иммунитета против «массовой культуры» у школьников-подростков на основе гендерного подхода, подчеркивается необходимость придерживаться долгосрочной программы ключевых действий, направленных на достижение четко определенных целей в образовании и педагогике.

#### SUMMARY

This article discusses the formation of immunity against «mass culture» in adolescents on the basis of a gender approach, emphasizing the need to adhere to a long-term program of key actions aimed at achieving clearly defined goals in education and pedagogy.

## ХОРАЗМ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Матязов А.Р., Абдудаева С.С.*

*К.Бехзод номидаги МРДИ “Бадий кул ва меъморий  
ёдгорликлар бегазани таъмирлаш” кафедраси ўқитувчилари*

**Таянч сўзлар:** меъморий обидалар, тарих, Ичанқалъа, моддий ва маданий мерос, музей.

**Ключевые слова:** памятники архитектуры, история, замок Ичан, материально-культурное наследие, музей.

**Key words:** architectural monuments, history, ichan castle, material and cultural heritage, museum.

“Фукарлар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий Меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”. Ватанимиз бетақдор тарихий обидалар ва маданий мерос объектларига бой. Аммо уларни борлигининг ўзи старли эмас. Агар қаровсиз қолса, зиён-заҳмат етиши тайин. Шу боис, уларни ҳар тарафлама муҳофаза қилиш, келажак авлодларга безавол етказиш асосий вазифа ҳисобланади. Дунёнинг Қадимий шаҳарларидан бири бўлган Хива асрлар оша инсониятнинг маънавий ва моддий маданияти тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бежизга Хивани Халқаро сайёҳлик маркази ва бутун дунёда очик осмон остидаги музей сифатида эътироф этилмаган. Бу шаҳар худудида милоддан аввалги VI-V асрдан то XIX аср бошларигача бўлган даврга оид 122 дан ортиқ археологик ёдгорликлар ва меъморий обидалар сақланган бўлиб, улар Давлат муҳофазасига олинган.

Хива ўзининг тарихий ўтмиши, меъморий обидаларининг яхлит тарзда сақланиб қолганлиги билан қадимий шаҳарлар орасида алоҳида ўрин тутди. Ичан қалъа – Ўрта Осиёдаги йирик ва ноёб меъморий ёдгорлик бўлиб унинг ўтмиш тарихи, меъморий обидалари дунёнинг энг қадимги маданий воҳа бўлиб, Хоразмнинг тарихий-маданий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ.

Бетақдор Хива шаҳри шарқ халқларини қадимий маданияти бешиги Хоразмнинг кўп асрлик меъморий қурилиш анъаналарини мерос қилиб олган Хоразм меъморлари санъати ва меҳнатининг ижодий маҳсулидир. Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО нинг Канадада бўлиб ўтган 14-сессиясининг махсус қарори билан Марказий Осиёда биринчилардан “Бутун жаҳон мероси” сифатида рўйхатга олинган. 1997 йилда ЮНЕСКО раҳномолигида мамлакатимизнинг азим, буюк шаҳарлари ҳисобланган Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейларининг дунё миқёсида кенг нишонланиши бу шаҳарларнинг бутун дунёда кенг эътироф этилганидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, Буюк Ипак йўлида жойлашган Хивадан кўплаб бадий хунармандчилик намуналари, дунёга машҳур олимларнинг нодир қўлёзмалари бутун дунёга тарқалган. Хозирда ҳам ушбу асори атиқалар Америка, Европа ва Осиёнинг энг йирик музейлари экспозицияларини безаб турибди. Ўзбекистоннинг энг қўхна музейларидан бири булган “Ичан-Қалъа” тарихий меъморий Давлат музей-қўриқхонаси 26 гектар майдонда жойлашган бўлиб, “Ичан-Қалъа”нинг қўхна деворлари билан ўралган. Музей – қўриқхона худудида 54 та мангуликка дахлдор тарихий меморий обидалар 360 хонадон 2600 аҳоли истиқомат қилади. Хива Ичан-Қалъа тарихий меъморий Давлат музей қўриқхона экспозициялари Ичан-Қалъа худудидаги тарихий меъморий обидаларда жойлашган. 1920 йил 27 апрелда Хива Давлат музейи сифатида ташкил топган бу даргоҳ 1924 йилдан 1967 йилгача Хоразм инқилоби тарихи

музейи, 1967 йилдан эса Марказий Осиёда биринчи Хива тарихий меъморий музей – кўриқхона сифатда фаолият кўрсата бошлаган. Унинг 69 та залида жойлашган 14 мустақил экспозиция Хоразм ва Хива тарихини маълум бир даврларини акс эттириб унинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини очиб беради.

Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан 1984-1993 йилларда ўтказилган илмий тадқиқотлар даврида шаҳарнинг ёши аниқланган. Хива шаҳрида ўтказилган археологик қазилма ишлари шуни кўрсатадики, “Ичан қалъа” худуди эраמידан аввалги V асрда пайдо бўлган. Шаҳарнинг энг пастки қатламида топилган ашёлар (сопол буюмлар ва қалин паҳса деворлар) шундан далолат беради. Шаҳар деворлари остидан топилган маданий қатлам, сопол буюмлар ва қатта ҳажмдаги хом ғиштлар шаҳарни 2500 ёшда эканини тасдиқлайди.

Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, 712 йилда Хивани араблар истило қилишган, IX аср бошларида Хоразм сомонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда у мустақкам девор билан ўралган. 1128 йилдан 1220 йилгача шаҳар Хоразм шоҳларнинг буюк забардаст сулоласи Ануштегинийлар даврида Хоразм хунармандчилик маркази бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Шаҳарга 1221 йилдан мўғуллар империяси ҳукмронлик қилган. Шундан кейин 1388 йилдан бошлаб Хива темурийлар давлати қўл остига бўлган. XVIII асрнинг бошидан 1924 йилгача шаҳар Хива хонлигининг пойтахти бўлиб, ҳар томонлама ривожланган. Турли маъмурий ва маиший бинолар бунёд этилган. 1616 йилда Араб Муҳаммадхон томонидан биринчи мадраса қурилганлиги хоннинг халқ орасидаги мавқеини мустақкамлаган. Ундан кейин Хўжам Бердибий (1688 йил) ва Шерғоziхон (1719 йил) мадрасалари қурилган. Шаҳар ободонлаштирилиб, савдо-сотиқ кенг ривожланган. Лекин, бу юксалиш узоқ давом этмади. Мамлакат эрон босқинчиларининг ҳужумлари остида қолади. 1740 йили эрон шоҳи Нодиршоҳ Самарқанд ва Бухорони забт қилгач, Хива хонлигига ҳужум бошлайди ва 1740 йилда кеч кузда Хива шаҳрини ишғол қилади. Нодиршоҳ ҳужуми натижасида Хива шаҳри бутунлай вайрон қилиниб, мамлакат эронга қарам бўлган ўлкага айланганди. Шундан кейин мамлакатда бир неча айиллар кўчманчи туркман ёвмутзодагонлари ҳукмронлик қилдилар. Улар билан маҳаллий ўзбек зодагонлари ўртасида давлатни қўлга олиш учун бўлган қонли курашлар натижасида мамлакат вайрон бўлди ва халқ эса чидаб бўлмас даражада қашшоқлашди. Ниҳоят, қонли урушлар, ўзаро низоларга барҳам берилди. XIX асрнинг бошларига келиб Авазбек Иноқнинг ўғли Элтузархон (1804-1806) навбатдаги қўғирчоқ хонни тахдан ағдарди ва ўзини хон деб эълон қилди. Айни пайтда у қўғирчоқ сулоласига асос солди. Шундан эътиборан, Хивани қўғирчоқ сулоласидан бўлган хонлар 1920 йилгача, яъни совет босқинига қадар идора қилишди. Иноқлар ҳукмронлиги давридаёқ, Хива шаҳрининг ҳароба деворлари қайта тикланди. Шаҳар ичкарисида бир неча маъмурий бинолар қўҳна Жомъе масжиди, Муҳаммад Амин Иноқ, Фозилбой мадрасалари қурилди. Шу даврда хоннинг саройи, қўшини, қурол-яроғ, ўқдори оморлари Арк (Кўҳна арк) да жойлашган эди. Хон арки шаҳарнинг энг қадимий қисми бўлиб, XVIII асрда Ичанқалъанинг бутун ғарбий томонини эгаллаб олган эди, бу эрдаҳон девонхонаси, кўринишхона (қабулхона), хоннинг ҳарамиди, ёзғи ва кишки масжидлари ҳамда зарбхона жойлашган эди. XVIII асрга келиб шаҳар кенгайди, у икки қисмдан, яъни Ичанқалъа шаҳристон (ичкишаҳар) ва Дешонқалъа работ (ташкишаҳар)дан иборат бўлган. Шаҳар теварағида эса ўнлаб қишлоқлар жойлашган эди. Ичанқалъа ўзига хос яхлит меъморий иншоотлардан иборат бўлиб, баланд паҳса девор билан ўралган, тўртта дарвозаси – Ота дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза ва Боғча дарвоза тўрт томонга қаратиб қурилган. Ичанқалъа деворлари вақт ўтиши билан бир нечабор бузил-

ган ва қайта таъмирланган. Девор айланасининг узунлиги қарийиб 2200 метргача, баландлиги 7–8 метрга, пойдеворининг қалинлиги эса 5–6 метрга тенг. Ичанқалъа тўғри тўрт бурчак шаклида қурилган бўлиб, узунлиги 650 метр, эни 400 метр, яъни 26 гектар майдонни эгаллайди. Ичанқалъа музейлар экспозициясида XIX–XX асрга оид ганч ўймакорлик санъати, чилангар усталар ва қуллоллар меҳнати намуналари, заргарлик буюмлари ва қурол-ярғоқ намуналари сақланади. Шунингдек, турли нақш ва ёзувлар билан безатилган мрамар плиталар ва устунлар, тўқимачилик намуналари, миллий либослар, чарм махсулотлари ҳам ўзига хос ахамиятга эга. VIII асрга келиб Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олинishi оқибатида мамлакатга ислом дини кириб келади. Айни шу даврда Хоразм маданиятида радикал ўзгаришлар содир бўла бошлади. Янги ғоялар таъсирида шаҳарларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди янги диний-маданий, маъмурий бинолар ва қарвон саройлар қурила бошланди. IX–X асрлардан бошлаб маданий ҳаётда архитектура ва хунармандлик биринчи ўринга кўтарилди ва айни пайтда эски ғоялар билан боғлиқ бўлган маданият яъни тасвирий санъат, хайкалтарошлик каби йўналишлар аҳоли турмуш тарзидан узоклашиб кетди. Санъат таркиби ва мазмуни жихатдан тубдан ўзгарди, ифодалаш (борлиқни ва мавжудотларни ифодалаш) санъати деярли йўқолиб кетди, унинг ўрнига геометрик нақшларга асосланган текис орно-ментал услуб кириб келди. Наққошлик санъати Хоразм бадий хунар-мандчилигининг асосига айланди. XII–XIII асрларда наққошлик санъатида бутун ўрта осий маданиятига таъсир ўтказувчи жараёнлар содир бўла бошлади. Айни шу даврга келиб сопол ва шиша буюмлардан фойдаланиш оммалашди. XV–XIII–XIX асрларда Хоразмшоҳлар империяси вужудга келади. Империя Кавказдан тортиб то Хиндистон чегараларигача бўлган ҳудудни эгаллаб олади. Айни шу даврга келиб ҳудуд иқтисодиётида юқори ўсиш суръатлари кузатилади. Сув йўллари такомиллаштирилиб экин майдонлари кўпайтирилади, Мовароуннаҳр ва Хуросон билан савдосотик жонлантирилади. Илм-фан, маданият ва санъат тез суръатларда ривожланди, ранго-ранг устунлар ва ганч ўймакорлик намуналари билан безатилган байрам, тадбирлар ўтказиш учун махсус ва диний маъассасалар учун бинолар қурила бошланди. Империянинг келгуси ривожланишига Чингизхон армиясининг ҳужуми сабаб бўлди. Бу талончилик оқибатида ҳудуд иқтисодиёти буткул издан чиқди. Бироқ XIII ўрталаридаёқ Хоразмнинг иқтисодий ҳаёти яна изга туша бошлади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишларича Урганч яна пойтахтга айланади ва унда «чиройли бозорлар, кенг кўчалар, кўплаб бино ва иншоотлар» қурила бошланган. XIV асрга келиб бадий санъатда сопол буюмлар яшаш янада такомиллашди шакллар хилма хиллиги ва сифат даражаси яхшиланди.

Бу давр керамикаси турли бадий ва технологик ўзгаришлари билан ажралиб туради. Ўсимликлар рамзини келтирилган асосий безак мотиви бироз кенгайди. Эрон ва Хитой хунармандчилиги таъсирида хайвонот олами шакллари билан фойдаланила бошланди. Бўялган сопол Архитектура ёдгорликларида янада кенгрок фойдаланила бошланди. Асосий ранглар палитраси кўк ва мовий ранглари ташкил этган. XIV аср охирида Хоразм Амир Темур давлати таркибига кирган. XV асрга келиб Хоразмнинг қурувчи-уста ва хунармандлари Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабз шаҳарларига Оқ Сарой, Жаҳонгир (Ҳазрат Имом) ва Чашма Айюб саройлари каби Шарқ архитектура дурдоналарининг қурилишига олиб кетилган. Шу тарихи Хоразмнинг бой маданияти бутун Ўрта Осиёга тарқалган.

Маданий мерос халқ мулкидир, уни сақлаш, асраб авайлаш, келажак авлодларга асл ҳолида етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Айниқса ўсиб келатган ёш авлодни ватанимиз ҳалқимизнинг меросига ҳурмат, фахр ва ғурур

туйғуларини шакллантириб тарбиялаш биз ўқитувчи ва мураббийларни олдимизда турган энг муҳим вазифа эканлигини эътироф этиш жоиз. Ўсиб келаётган ёш авлодни кўпроқ музейларга, кўрғазмаларга ва тарихий обидаларга бориб яқиндан танишишлари моддий ва маданий меросга бўлган қизиқишини, муҳаббатини уйғотади.

Адабиётлар:

1. Зоҳидов П. Ш., Аванесов Р. Х. Хива. Ўзбекистон, – Т.: 1994. 37-65 б.
2. Холматов Б.Қ. Наққошлик – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 84б.
3. Е.В.Лебедева, П.М. Черемных “Искусство художника-оформителя”. – М.: 1981 162 с.
4. Ғуломов К.М. Амалийсанъат. Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 90 б.
5. Ғуломов К.М. Ашёларга бадиий ишлов бериш. – Т.: Билим, 2004. – 80 б.
6. Ғуломов С.С., Булатов С.С. «Шаркона уста шогирд одоби» Ўз.РОЎМТВ ўқув адабиётлари, журнал ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш маркази, 2000. – 120 б.
7. Имомназаров М. “Маънавиятимизнинг тақомил босқичлари”. – Т.: Шарк, 1996, – 46 б.
8. Мирзааҳмедов М.Х. Ёғоч ўймакорлиги. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 62 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жаҳон миқёсида очик осмон остидаги музей сифатида эътироф этилган Халқаро сайёҳлик марказларидан бири бўлган Хива шаҳри обидалари ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим омилли эканлиги ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается тот факт, что памятники Хивы, одного из международных туристических центров, признанного во всем мире музеем под открытым небом, являются важным фактором духовно-нравственного воспитания подрастающего поколения.

SUMMARY

This article discusses the fact that the monuments of Khiva, one of the international tourist centers, recognized as an open-air museum around the world, are an important factor in the spiritual and moral upbringing of the younger generation.

## ДИЗАЙН ОДЕЖДЫ: АКТУАЛЬНОСТЬ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

*Шарипова Г.С.*

*доцент, Национального института искусств и дизайна имени*

*Камолитдина Бехзода*

*Азамова С.А.*

*магистрант, Национального института искусств и дизайна*

*имени, Камолитдина Бехзода*

**Таянч сўзлар:** real sanoat, dizayn taʼlimi, kontseptual fikrlash, fanlararo amaliyotlar, diqqatni oʻzgartirish.

**Ключевые слова:** настоящая индустрия, дизайнерское образование, концептуальное мышление, междисциплинарные практики, смещение фокуса.

**Key words:** present industry, design education, conceptual thinking, interdisciplinary practices, shifting focus.

В модном дизайне всегда было несколько расплывчатых определений качества и совершенства. В дизайнерском сообществе, а также в обществе в целом, модный дизайн часто рассматривается как капризный указ о вкусе, который вращается вокруг фриктивности или простого ремесла. Однако есть много модельеров, которые занимаются высоко концептуальными практиками, более близкими к искусству. Маркетинг используется модельерами в качестве стратегии для достижения

коммерческого успеха, позволяющего им финансировать теоретические работы, созданные с интеллектуальной точки зрения. Возникает раскол между тем, что продается, и тем, что видно на подиуме. Хотя эти интеллектуальные практики важны для развития дизайна одежды, они в конечном итоге трагятся впустую как теоретические идеи и не используются для практических инноваций.

Индустрия моды с доходом в несколько миллиардов долларов является источником невероятного количества отходов и загрязнения окружающей среды, а также виновниками тяжелых условий труда для малообеспеченных сообществ во всем мире. Растет количество литературы, посвященной экологическим вопросам, адресованной индустрии моды, без обсуждения того, как создать средства изменения в учебной программе по дизайну одежды. Учебным заведениям и педагогам следует рассмотреть возможность изменения учебной программы, поощрения взаимного обогащения специальностей и сосредоточения внимания на дизайнерских инновациях, чтобы лучше приспособиться к широким изменениям в нашем обществе, обусловленным средствами массовой информации,

Нынешняя индустрия моды находится в состоянии переизбытка от количества одежды, которое производится ежегодно, до количества подающих надежды студентов, которые поступают на программы моды. Романтика и загадочность модной индустрии усиливаются за счет акцента на показах мод, дизайнеров как знаменитостей и желания манипулировать саморепрезентацией потребителей. Избыток одежды и быстрая смена тенденций - результат гибридизации культур и более глобальной эстетики, которая открывает новые возможности для создания «уникального образа». Потребители попадают в петлю чрезмерного потребления, никогда не находя того, что им нужно, и продолжают покупать то, что на самом деле не нужно. Это перенасыщение производством часто приводит к потере розничных продаж, поскольку потребители не хотят тратить большие суммы денег на то, что может быстро выйти из моды.

Тенденцией моды стала быстрая смена стиля и имиджа, направленная на максимизацию прибыли; производители вынуждены выбирать варианты в слаборазвитых странах, которые часто прибегают к неравенству в оплате труда и условиях труда. Освобождаются традиционные производственные центры, такие как швейный район в Нью-Йорке и текстильные центры в Соединенных Штатах и Италии, из-за наличия менее дорогих вариантов, наводняющих рынок. Креативные дизайнеры все меньше и меньше становятся частью производственного процесса, который предполагает два раза в год посещение фабрики техническим дизайнером или компьютеризированную систему управления производственным дизайном. Ремесло и художественное мастерство в одежде, которые приносят удовлетворение, часто теряются, поскольку производство должно быть усовершенствовано, чтобы снизить затраты и упростить управление. Результатом является нисходящая спираль чрезмерного потребления и все же недостаточное удовлетворение тем, что покупается.

В настоящее время главная привлекательность дизайнерских коллекций - это сосредоточенность на процессе. Одежда теперь должна иметь контекст или специализированное содержание и рассказывать повествование; это дает стремление потребителю и увеличивает уникальность бренда. Поскольку потребители зава-

лены новой информацией и изображениями, дизайнеры должны соревноваться друг с другом, чтобы их заметили. Чрезмерная гомогенизация брендов заставляет потребителей стремиться к усиленному индивидуальному стилю бренда, который помогает определить их воспринимаемую идентичность. Это приводит к повышенному спросу на более креативные, инновационные, концептуальные продукты, все больше с моральным или социальным компонентом. Первичная директива преподавателей будет заключаться в том, чтобы дать ученикам возможность использовать достижения далеко идущего будущего и отказаться от привычных практик прошлого.

Необходимость кардинального сдвига в подходе к методологиям индустрии моды 21 века и всех ее производств является аргументом в пользу изменения практики. Что еще предстоит определить, так это практические применения, которые станут катализатором изменений в среде проектирования, производства, производства и распространения. Эти изменения зависят от того, вырвется ли образовательная система по дизайну одежды из нынешнего контекста, который в значительной степени остался неизменным с момента ее создания, поскольку стандартная профессиональная подготовка для индустриальной эпохи больше не актуальна в качестве основного направления дизайнерского образования. Уместной аналогией может быть то, что архитектор - это не плотник и не кладовщик кирпича, точно так же, как модельер - не швея или вязальщица. И наоборот, эстетическая энергия, которая в настоящее время сосредоточена на концептуальных вещах для маркетинговых целей, была бы более полезна для решения проблем 21 века. Классы в настоящее время разрабатываются в рамках наших собственных учебных программ колледжей, чтобы создать междисциплинарную среду, в которой процесс исследований и разработок, задействующий аналитическое мышление, является основной целью обучения, а не конечным продуктом. Подсказки, сфокусированные на переоценке потребностей, использования и потребления продукта, будут включать гипотетические проблемы, сфокусированные на экологических, устойчивых и социальных проблемах. Студентам будет предложено подумать об альтернативных решениях для гомогенизации массового рынка, таких как экспериментальное участие в дизайне, при котором потребитель выбирает варианты дизайна для создания личного продукта. Еще одним стимулом может быть разработка многофункциональной одежды, которая продлит срок ее службы и может вызвать большую лояльность со стороны потребителя.

По мере того, как учебные заведения формулируют и создают педагогику, отражающую современные сдвиги в практике дизайна, современная индустрия моды должна развиваться, чтобы лучше служить сообществам дизайнеров и производителей, потребителям и всей планете. «Хороший дизайн» будет зависеть от того, как мы воспитываем учащихся, чтобы они использовали годы их формирования; один, в котором упор делается на аналитический и основанный на исследованиях процесс проектирования для создания инноваций в ранее предписанных системах. Интеллектуальные, аналитические и концептуальные соображения посредством исследований и экспериментов должны быть на первом месте в учебной программе колледжа по дизайну, но должны быть основаны на идеях практического применения.



## Литература:

1. Андросова Э.М. Основы художественного проектирования костюма: Учеб.пособ. - Челябинск: 2004;
2. Афанасьева Н.В., Кузьмичев В.Е. Женская мода в России XX - XXI веков: Костюм - фигура - конструкция: Учеб. пособ. - Самара: 2005;
3. Сабилло Н.И. Художественная форма как система изобразительно-выразительных средств в проектировании костюма: Учеб.пособ. / Автор-сост. Н.И.Сабилло. -Самара: 2007.
4. Gregg-Duggan,G. (2006). The greatest show on earth: A look at the contemporary fashion shows and their relationship to performance art in Jan Brand & Jose Teunissen (Eds.) The power and meaning of fashion: About design and meaning. Netherlands: ArtEZ Press.
5. Hawley, J. (2008) Economic impact of textile and clothing recycling in Janet Hethorn and Connie Ulasewicz (Eds.) Sustainable fashion why now: A conversation about issues, practices and possibilities. New York: Fairchild Books, Inc.
6. Luke, R. (2008) Popular Culture, Marketing, and the Ethical Consumer in Janet Hethorn and Connie Ulasewicz (Eds.) Sustainable fashion why now: A conversation about issues, practices and possibilities. New York: Fairchild Books, Inc.

## РЕЗЮМЕ

Biz endi madaniyatimizning yangi chorrahasida turibmiz, bu erda moda va kiyim dizaynining eski ta'riflari va g'oyalari endi bizning kimligimizni va o'zimiz haqimizda nima demoqchi ekanligimizni aniqlay olmaydi. Modernizm o'zining dastlabki boshlanishini boshidan kechirganlar uchun aniq belgilanmagan va shunga o'xshab, hozirgi zamonda yashayotganlar 21-asrning yo'nalishini aniq bashorat qila olmaydi. Bizning yangi davrimizning yaqqol tarkibiy qismlaridan biri shundaki, barcha mahsulotlar, kiyim-kechak yoki boshqa narsalarni sotishda estetika va «muhandislik ob'ekti» tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

## РЕЗЮМЕ

Сейчас мы находимся на новом перекрестке в нашей культуре, в котором старые определения и идеи дизайна моды и одежды больше не могут определять, кто мы есть и что мы хотим сообщить о себе. Модернизм не был четко определен для тех, кто пережил его первоначальное зарождение, и аналогично, те, кто живет в настоящем, не могут точно предсказать направление 21-го века. Одним из очевидных компонентов нашей новой эпохи является то, что эстетика и «спроектированный объект» становятся все более важными в маркетинге всех продуктов, одежды или чего-либо еще.

## SUMMARY

We are now at a new crossroads in our culture, where the old definitions and ideas of fashion and clothing design can no longer define who we are and what we want to communicate about ourselves. Modernism has not been clearly defined for those who have experienced its initial birth, and similarly, those who live in the present cannot accurately predict the direction of the 21st century. One of the obvious components of our new era is that aesthetics and «engineered object» are becoming increasingly important in the marketing of all products, apparel, or whatever.



## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

### БОЛАЛАРНИ МЕХНАТ ВА ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

*Ҳўжакулов А. Э.*

*Қариши давлат университети ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** касб-хунар, кадрят, оила, моддий неъматларни тежаш, фаровон ҳаёт кафолати, миллий маданий мерос, кадрятлар билан таништириш, иқтисодий муносабатлар.

**Ключевые слова:** профессия, ценность, семья, материальное благополучие, залог благополучной жизни, национальное культурное наследие, ознакомление с ценностями, экономические отношения.

**Key words:** profession, value, family, material welfare, guarantee of a prosperous life, national cultural heritage, familiarization with values, economic relations.

Бола ҳаётининг муҳим кўриниши сифатида иқтисодий муносабатларни тўғри ташкил этиш масалалари қадимги ёзма манбалардан бири “Авесто”да ҳам алоҳида ургу берилади. Мисол учун асарда келтирилган “Ард Яшт” нинг 17-бобида кўп меҳнат қилиш натижасида инсон моддий маблагга, уй жойга, қийим-кечакка, оила ва фарзандларга эга бўлади, улар эса инсоннинг бахт саодати, иқболини белгилайди, деб талқин этилади. “Авесто”да моддий фаровонликка эришиш йўллари ҳам кўрсатиб берилади. Жумладан, улар қуйидагилардан иборат:

1. Болани ёшлиқдан меҳнат қилишга ўргатиш;

2. Болани ёшлиқдан маълум хунар сирларидан хабардор қилиб бориш. Болани меҳнатга, хунарга ўргатишда эса унинг кўчат ўтказиш, ерга ишлов бериш, чорвани парваришlash ҳамда уй-рўзгор буюмларини ясашга ўргатиш муҳим деб ҳисобланади. Болани ёшлиқ пайтиданок дарахт ўтказиш, уй-рўзгор қуроолларини яшаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт деб кўрсатиб ўтилган. Тарихий манбаларда иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг маънавий-ахлоқий мезонлари тўғрисида кенг тўхталади. Жумладан, Шарқнинг улуғ мутафаккирларидан бири Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида муайян йўналишларда иқтисодий муносабатларни ташкил этиш (халқ орасида кенг тарқалган сўзлашув услубига кўра “тирикчилик қилиш”)нинг энг муҳим воситаси бу касб-хунар эгаллаш эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Абу Наср Форобий касб-хунар асос (сир)ларини ўрганишда қизиқиш, шижоат, ғайрат, сабр-тоқат ва иродани ўзларида тўлақонли намоён эта олган шахсларгина муайян касб-хунар ёки меҳнат фаолияти йўналишида назарий, амалий билимларни эгаллаб боришлари ҳамда касбий фазилатларни эгаллашлари узоқ муддатли, кўп босқичли ва муракаб жараён эканлигини илмий жиҳатдан асослаб бера олган.

Шу билан бирга аллома қарашларининг педагогик аҳамияти шундаки, болалар улғайгунларига қадар уларнинг у ёки бу касб, ҳунар асосларини ўрганиш бўйича қобилиятга эгалликлари аниқланиб борилади. Бинобарин, “ёшлар.... касб-хунар, иш тажриба, жаҳд ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларида сингдирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллай борадилар ҳамда юқориди айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларнинг ҳаммасида мантқиқий фикрлаш йўлини ишлатилишга одатланадилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар камолотга етгунча ана шу фазилатлар аниқланади ва тарбия қилинади”.

Маълумки, болалардаиктисодий муносабатларга тайёрлашда самарали йўлларнинг танланиши муҳим аҳамият касб этади. Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобой ўз даврида иктисодий муносабатлар жараёнида ҳал қилувчи омил – амалий фазилатлар (касб ёки ҳунар йўналишлари бўйича эгалланган кўникма ва малакалар)га эга имконини берадиган қўйидаги йўлларни таклиф қилади. Биринчидан, “... қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, касд-интилиш ҳаракатга келтирилади.

Иккинчидан, “мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа сахройи халқларга нисбатан ишлатилади. Чунки улар ўз истақларича сўз билан ғайратга қирадиганлардан эмаслар. Улардан бирортаси назарий билимларни ўрганишга киришса, унинг фазилати яхши бўлади. Касб-хунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиши бўлмаса-да, бундай одамларни мажбур этмаслик керак. Чунки шаҳар халқларига тарбия беришдан мақсад – уларни фазилат эгаси қилиш ва санъат аҳлларига айлантиришдир”.

Аллома касб-хунарнинг асосий сирларини ўзлаштиришга ихтиёрий равишда киришган кишиларни “ҳақиқий фазилат эгалари”, дея тарифлайди. Касб-хунарни эгаллашга ва камолатга эришишга ўз ихтиёрларича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари, ҳақиқий санъат аҳллари маданиятли кишилардир.

Шарқ мутафаккирларидан яна бири Абу Райҳон Беруний ҳам инсонга хос ҳаёт тарзи у мансуб бўлган жамоада, жамиятда қарор топан ижтимоий, иктисодий ва маданий муносабатларга бевосита меҳнат, олди-сотди муносабатлари, уларнинг мазмунига боғлиқлигига эътиборини қаратади. Одамларнинг биргаликдаги турмушигина инсонни ҳақиқий қудратига эришишига, унинг эҳтиёжларини қондиришга олиб келмайди, бунинг учун яна меҳнат ҳам қилиши зарурдир. Инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат. Шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади. Аллома ўз асарларида иктисодий муносабатлар бевосита меҳнат ҳамда касбий фаолият (хунарамандчилик)нинг йўлга қўйилиши билан боғлиқлигини, шу боис болага ёшлиқдан хунар ўргатиш зарурлигини айтиб ўтади ҳамда бу ўринда хунар ўргатишнинг йўллари, методларини кўрсатади. Мутафаккирнинг фикрича, болага хунар асосларини ўргатишнинг энг самарали йўли – бу ворислик, сулола анъаналарига риоя этиш, шахсий намуна кўрсатиш дея таъкидлайди.

Абу Райҳон Берунийнинг “Минералогия” асарида “хунарамандчиликни йўлга қўйиш, шогирд тайёрлаш жараёни, усталарнинг хунар ўргатиш методлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар баён этилган. Бунда ҳозирги педагогика фани тили билан айтганда, шахсий намуна методидан фойдаланилгани, иш жараён бевосита ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан устахонанинг ўзида бажарилгани шогирдларнинг малакали уста бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Хунар ёки касб эгаси бўлиш ижтимоий эҳтиёжлардан биридир. Зеро, айнан касб-хунарли киши ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлади. Шу

сабабли инсонлар жуда қадимдан касб-хунарларни тирикликнинг муҳим воситаси, фаровонликнинг кафолати сифатида эъозлаб келишган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий кадриятларни қайта тиклаш, миллий маданий меросни ва иқтисодий билимларни ёш авлодга ўргатиш, уларни жаҳон илм-фани, маданиятига бебаҳо улуш бўлиб қўшилган асарлар билан таништириш имкониятига эга бўлди. Ана шундай асарлардан бири – бу Шарқ мутафаккирларидан бири, фикх илмининг билимдони Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари саналади. Мазкур асар ислом қонуншунослиги – “Фикх” асослари моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади. Иқтисодий муносабатларнинг таркибли кечишида эса муайян қонун-қоидалар, фаолият шартларига риоя қилиш талаб этилади. Шу боис Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини ўрганиш орқали иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий моҳиятидан хабардор бўлиш имконияти мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, болаларда миллий маданий мерос намуналари, иқтисодий билим ва кўникмаларни яхши ўзлаштириши, уларга ушбу мавзулар борасида амалий ва назарий билим ва тушунчаларни етказиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Уларда асосий эътибор, касб-хунар ўрганиш, меҳнат қилиш ҳамда меҳнат натижаси бўлган моддий нёзматларни тежаш фаровон ҳаёт кафолати эканлиги алоҳида уқтирилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 2005. 363-366-бетлар.
2. ҲошимовК, НишоновА.С. ва бошқ. Педагогика тарихи.- Тошкент, 1996.19-бет.
3. Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдлик. Тузувчилар: К.Ҳошимов, С.Очил.-Тошкент,1995. 35-39-бетлар.
4. Шарофиддинов О. Ҳадислар-болаларга.- Тошкент, 200450-бет.
5. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри.- Тошкент, 1993. 185-186-бетлар.
6. Иқтисодий таълимотлар тарихи.Маърузалар матни.-Тошкент: Молия институти, 2005. 29-бет.
7. Набиев Ғ.Ўсмир-ўқувчиларни иқтисодий муносабатларни ташкил этишга тайёрлаш. – Тошкент, 2011. 20--23-бетлар.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада болаларнинг миллий маданий мерос намуналаридан иқтисодий муносабатларни ташкил этишда амал қилишлари зарур бўлган шартлар ҳусусида сўз юритилади. Болаларда асосий эътибор, касб-хунар ўрганиш, меҳнат қилиш ҳамда меҳнат натижаси бўлган моддий нёзматларни тежаш фаровон ҳаёт кафолати эканлиги алоҳида ўқтирилади ҳамда тарбияланувчиларни миллий маданий мерос ва кадриятлар билан таништиришнинг иқтисодий муносабатларини тўғри тушуниш, иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш кўникмаларини ўзлаштиришга хизмат қилишлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждаются условия, которым должны следовать дети, чтобы создавать экономические отношения на примерах национального культурного наследия. В дошкольной организации подчеркивается, что акцент на профессиональном обучении, работе и сохранении материальных выгод от труда является залогом процветающей жизни и помогает учащимся лучше понимать экономические отношения и способность эффективно организовывать экономическую деятельность. - Теоретически обосновано.

#### SUMMARY

This article discusses the conditions that children must follow in order to create economic relationships from the examples of national cultural heritage. The preschool organization emphasizes that the emphasis on vocational learning, work and saving the material benefits resulting from labor is a guarantee of a prosperous life and helps students to better understand economic relations and the ability to effectively organize economic activities. - Theoretically based.



## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

### МАТЕМАТИК МАСАЛАЛАРНИНГ АНАЛИТИК ВА ДАСТУРЛАШ ЁРДАМИДАГИ ЕЧИМЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ

*Бозоров А.А.*

*ҚаршиДУ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** энг кичик квадратлар усули, функциянинг экстримуми, дастурлаш асослари, бир миллион дастурчи, энг кичик қиймат, қийматлар жадвали, тенгламалар сестемаси.

**Ключевые слова:** метод наименьших квадратов, крайние значения функции, основы программирования, миллион программистов, наименьшее значение, таблица значений, система уравнений.

**Key words:** least squares method, extreme values of a function, programming basics, million programmers, least value, table of values, system of equations.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида илм-фани ривожлантиришга қаратилган эътибор янада кучайиб бормоқда. Чунки, ҳар қандай янгилик ва кашфиётлар илм-фан ва технологиялар асосида пайдо бўлмоқда. Бу борада математика, дастурлаш асослари каби фанларнинг ўрни салмоқли ҳисобланади.

Жумладан бу фанларнинг жамият ривожига тутган ўрни бекиёс. Шу сабабдан ўқувчиларнинг математика ва дастурлаш асослари каби фанларга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳамда тафаккурини ривожлантириш учун ўқитишнинг услубий асосларини такомиллаштириш ва бўлажак математиклар учун дастурлаш фанининг амалий аҳамиятини ошириш зарурияти сезилмоқда.

Мақоланинг мақсади талабаларнинг математика фанига қизиқишларини ортиришда турли дастурлардан фойдаланиш, дастурлаш тилларидан математик масалалар ечиш учун дастурлар тузиш талабаларда ижодкорлик қобилиятини ортиради.

Ҳозирги даврда таълимнинг жадал ривожланиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу ҳолатда талабаларга математик масалаларнинг ечимларини анъанавий усулларда беришнинг ўзи етарли бўлмайди. Сабаби, бугунги кун талабалари анча йўқори.

Талабаларни “Бир миллион ўзбек дастурчилари (One Million Uzbek Coders)” лойиҳаси иштирокчиси, бўлишга ўндаш. Шунингдек талабаларга математик масаларнинг ечишда йўлларининг дастурлаш тилларидан фойдаланиш бўйича кўрсатма бериш зарур.

Шу мақсадда қуйида математик масаларнинг ечимларини келтирамыз ва ечимларини топиш дастурини ҳам келтирамыз.

#### **1-масала.**

Таъриба натижасида  $x$  эркин ўзгарувчининг бир қатор қийматларига  $y$  функциянинг қийматлари жадвали олинган бўлсин. Бу жадвалга кўра, текисликдаги

$x$	$x_1$	$x_2$	.....	$x_n$
$y$	$y_1$	$y_2$	.....	$y_n$

$M_i(x_i; y_i)$  ( $i = \overline{1, n}$ ) нукталар тупламини аниқлаш мумкин. Бу нукталар туплами қуйида

келтирилган бир ўзгарувчи функцияларнинг бирортасига тегишли графигилардан бирига яқин келиши ёки устма-уст тушиши мумкин. Буни аниқлашда энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиш қўл келади. а)  $y = a \cdot x + b$ ; б)  $y = \frac{1}{a \cdot x + b}$ ; в)  $y = a \cdot \ln x + b$ ; д)  $y = a + \frac{b}{x}$ .

Бундан сўнг  $M_i(x_i, y_i)$  ( $i = \overline{1, n}$ ) нукталар тўпламига энг яқин келадиган функциянинг  $a$  ва  $b$  коэффциентларни топиш керак. Юкоридаги келтирилган 1-4 функцияларни  $f_j(x_i)$   $j = (1-4)$  билан белгилаб, ушбу  $f_j(x_i) - y_i$  айирмани  $x_i$  нуктадаги четланиш деб оламиз.  $a$  ва  $b$  коэффциентларни  $S(a, b) = \sum_{i=1}^n (f_j(x_i) - y_i)^2$  йиғиндининг энг

кичик қийматга эга бўлишлик шартидан аниқлаймиз, яъни  $\begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a} = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial b} = 0 \end{cases}$   $S(a, b)$  функциялари

экстремумларининг зарурий шартларидан тегишли тенгнамалар системаларни ҳосил қилиб, бу системалар ёрдамида  $a$  ва  $b$  коэффциентларни топамиз [3].

$$\text{а) } y = a \cdot x + b; \text{ учун } S(a, b) = \sum_{i=1}^n (a \cdot x_i + b - y_i)^2 \Rightarrow \begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a} = 2x_i \sum_{i=1}^n (a \cdot x_i + b - y_i) = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial b} = 2 \sum_{i=1}^n (a \cdot x_i + b - y_i) = 0 \end{cases} \Rightarrow$$

$$\begin{cases} \left( \sum_{i=1}^n x_i^2 \right) \cdot a + \left( \sum_{i=1}^n x_i \right) \cdot b = \sum_{i=1}^n x_i y_i \\ \left( \sum_{i=1}^n x_i \right) a + n \cdot b = \sum_{i=1}^n y_i \end{cases} \text{ системага эга бўламиз;}$$

$$\text{б) } y = \frac{1}{a \cdot x + b} \text{ учун } S(a, b) = \sum_{i=1}^n \left( \frac{1}{a \cdot x_i + b} - y_i \right)^2 \Rightarrow$$

$$\begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a} = -2x_i (a \cdot x_i + b)^{-2} \sum_{i=1}^n \left( (a \cdot x_i + b)^{-1} - y_i \right) = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial b} = -2(a \cdot x_i + b)^{-2} \sum_{i=1}^n \left( (a \cdot x_i + b)^{-1} - y_i \right) = 0 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} \left( \sum_{i=1}^n y_i x_i^2 \right) \cdot a + \left( \sum_{i=1}^n x_i y_i \right) \cdot b = \sum_{i=1}^n x_i \\ \left( \sum_{i=1}^n y_i x_i \right) \cdot a + \left( \sum_{i=1}^n y_i \right) \cdot b = n \end{cases} \text{ системага}$$

эга бўламиз;

$$\text{в) } y = a \cdot \ln x + b; \text{ учун } S(a, b) = \sum_{i=1}^n (a \cdot \ln x_i + b - y_i)^2 \Rightarrow$$

$$\begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a} = 2 \ln x_i \sum_{i=1}^n (a \cdot \ln x_i + b - y_i) = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial b} = 2 \sum_{i=1}^n (a \cdot \ln x_i + b - y_i) = 0 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} \left( \sum_{i=1}^n \ln^2 x_i \right) \cdot a + \left( \sum_{i=1}^n \ln x_i \right) \cdot b = \sum_{i=1}^n y_i \ln x_i \\ \left( \sum_{i=1}^n \ln x_i \right) \cdot a + n \cdot b = \sum_{i=1}^n y_i \end{cases} \text{ системага эга}$$

бўламиз;

$$\text{д) } y = a + \frac{b}{x}; \text{ учун } S(a, b) = \sum_{i=1}^n \left( a + \frac{b}{x_i} - y_i \right)^2 \Rightarrow \begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a} = 2 \sum_{i=1}^n \left( a + \frac{b}{x_i} - y_i \right) = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial b} = 2 \frac{1}{x_i} \sum_{i=1}^n \left( a + \frac{b}{x_i} - y_i \right) = 0 \end{cases} \Rightarrow$$

$$\begin{cases} n \cdot a + \left(\sum_{i=1}^n \frac{1}{x_i}\right) \cdot b = \sum_{i=1}^n y_i \\ \left(\sum_{i=1}^n \frac{1}{x_i}\right) \cdot a + \left(\sum_{i=1}^n \frac{1}{x_i^2}\right) \cdot b = \sum_{i=1}^n \frac{y_i}{x_i} \end{cases} \text{системага эга бўлаимиз.}$$

Энди тенгламалар системалардаги  $a$  ва  $b$  номаълумлар олдидаги коэффициентлар ҳамда озод ҳадларни ҳисоблаш учун *delphi* дастурлаш тилида, ёзилган қисм дастурларини келтираимиз [1,4].

1)  $\sum_{i=1}^n x_i^2, \sum_{i=1}^n x_i y_i$  ларни ҳисоблаш.

```
function summa1(z1,z2:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+z1[t]*z2[t];
summa1:=s;
end;
```

2)  $\sum_{i=1}^n x_i, \sum_{i=1}^n y_i$  ларни ҳисоблаш.

```
function summa(z1:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+z1[t];
summa:=s;
end;
```

3)  $\sum_{i=1}^n y_i \cdot x_i^2$  ни ҳисоблаш.

```
function summa2(z1,z2:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+z1[t]*z2[t]*z2[t];
summa2:=s;
end;
```

4)  $\sum_{i=1}^n \ln^2 x_i$  ни ҳисоблаш.

```
function summaln2(z1:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+ln(z1[t])*ln(z1[t]);
summaln2:=s;
end;
```

5)  $\sum_{i=1}^n \ln x_i$  ни ҳисоблаш.

```
function summaln(z1:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+ln(z1[t]);
summaln:=s;
end;
```

6)  $\sum_{i=1}^n y_i \ln x_i$  ни ҳисоблаш.

```
function summalnxy(z1,z2:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+ln(z1[t])*z2[t];
summalnxy:=s;
end;
```

7)  $\sum_{i=1}^n \frac{1}{x_i}$  ни ҳисоблаш.

```
function summa_x(z1:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+1/z1[t];
summa_x:=s;
end;
```

8)  $\sum_{i=1}^n \frac{1}{x_i^2}$  ни ҳисоблаш.

```
function summa_x2(z1:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+1/(z1[t]*z1[t]);
summa_x2:=s;
end;
```

9)  $\sum_{i=1}^n \frac{y_i}{x_i}$  ни ҳисоблаш.

```
function summa_yx(z1,z2:vector):real;
var s:real; t:integer;
begin
s:=0;
for t:=1 to n do s:=s+z2[t]/z1[t];
summa_yx:=s;
end;
```


Қуйида тажриба натижалари сифатида олинган  $x$  ва  $y$  ларга қийматлар асосида топилган  $a$  ва  $b$  коэффицентларнинг юқорида келтирилган 4 та функцияга мос графикларини намоиш этамиз.

$X$	0	1	2	3	4	5
$Y$	5.1	4.7	4.4	4.5	4.3	4


Қуйидаги чизмаларда  $y_i$  билан тажриба натижасида аниқланган сон қийматларига асосланиб чизилган нуқталарни,  $y_f$  билан эса тажриба натижаларида олинган сон қийматларини энг кичик квадратлар усули ёрдамида маълум аналитик функцияларга қиёслаш учун ҳисоблаб топилган  $a$  ва  $b$  коэффицентлар асосида чизилган функция график тасвирланган.




1)  $y = ax + b$  учун ҳисоблаб топилган  $a = -0,22$  ва  $b = 5,29$  қийматларда




2)  $y = \frac{1}{ax+b}$  учун ҳисоблаб топилган  $a = 0,010$  ва  $b = 0,185$  қийматларда



3)  $y = a \ln x + b$  учун ҳисоблаб топилган  $a = -0,64$  ва  $b = 5,23$  қийматларда



4)  $y = a + \frac{b}{x}$  учун ҳисоблаб топилган  $a = 3,98$  ва  $b = 1,34$  қийматларда



Натижалардан кўринадики тажриба натижалари сифатида аниқланган сон қийматлари асосида чизилган нуқталар билан  $y = a + \frac{b}{x}$  функциянинг графиги жудда яқин келган иккинчи томондан функциянинг графиги нуқталари билан тажриба натижалари сифатида аниқланган сон қийматлари асосида чизилган нуқталар орасидаги масофа минимум қиймати эга бўлган.

Хулоса. Олинган натижалардан кўриш мумкинки, маслаларнинг ечимлари ва графикларини арифметик усуллар ёрдамида олиш билан бирга талабаларга дастурлардан фойдаланиб олиш усулларини ҳам ўргатиш бўлажак математика фан ўқитувчилари учун зарур экан.

Адабиётлар:

1. A. R. Azamatov, B. Boltayev. Algoritmash va dasturlash asoslari. o'quv qo'llanma. T. : "Cho'lpon", 2010 y.
2. М. Ашуrow, М. Мирмахмудов, Ш. Сапаев. Замоновий дастурлаш тиллари фанидан лаборатория ишлари. Т. : ТДПУ, 2008 й.
3. Гмурман В.Е. Эхтимоллар назарияси ва математик статистика. Т.: Ўқитувчи, 2001
4. Фаронов В. В. Программирование на языке высокого уровня Delphi. Учебник. М. : "Питер", 2003 г.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада математик масалаларни дастурлар асосида ечиш усуллари келтирилган. Талабаларга математик масалаларнинг аналитик ва дастурлар асосидаги ечимлар умумлаштириш методларини ўқув жараёнида қўллашда анъанавий ёндашиш, муаммоли ёндашиш ва ижодий ёндашувлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье представлены методы решения математических задач на основе программ. Студенты знакомятся с традиционным решением проблем и творческими подходами в применении методов обобщения аналитических и программных решений математических задач в процессе обучения.

SUMMARY

This article presents methods for solving mathematical problems based on programs. Students become familiar with the traditional approach, problem solving and creative approaches in applying methods of generalizing analytical and software solutions to mathematical problems in the learning process.

## IKKINCHI TARTIBLI DIFFERENSIAL TENGLAMALARNI DASTURIY VOSITALARDAN FOYDALANIB YECHISH USHLUBLARI

*Hayitov B. Y.*

*TATU Qarshi filiali "Dasturiy injiniring" kafedراسi o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** dasturlash, differensial, bir jinsli, dastur kodi, kompilyatsiya, kasbiy faoliyat, integratsiya, algoritmlar, differensial tenglama, chiziqli.

**Ключевые слова:** программирование, дифференциал, однородный, программный код, компиляция, профессиональной деятельности, интеграция, алгоритм, дифференциальные уравнение, линейный.

**Key words:** programming, differential, homogeneous, program code, compilation, professional activity, integration, algorithm, differential equation, linear.

Muhammad al-Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Abu Rayhon Beruniy, Mirzo Ulug'bek singari ulug' ajdodlarimiz tamal toshini qo'yan matematika fani ilm-fan va texnikaning zamonaviy tarmoqlari jadal rivojlanishi munosabati bilan hozirgi kunda yanada katta ahamiyat kasb etmoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, tibbiyot, biologiya, raqamli iqtisodiyot va boshqa ko'plab sohalarda uning roli ayniqsa ortdi. [1,2]


Bugungi kunda barcha sohalarda bo'lgani kabi, ta'lim sohasiga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Har bir fanni zamonaviy axborot texnologiya vositalari hamda ta'lim metodlaridan foydalanib o'qitish davr talabiga aylanib bormoqda [2,3]. Bu borada matematika fanini o'qitishda ta'lim texnologiyalari va dasturiy vositalardan foydalangan holda o'qitish juda muhim va dolzarb hisoblanadi. Xususan ikkinchi tartibli chiziqli bir jinsli o'zgarmas koeffitsiyentli differensial tenglamalarni yechimini topishning usullari va bu yechimni dasturiy vosita orqali yechimini topish talabalarni kasbiy faoliyatga tayyorgarligini hamda mavzu bo'yicha bilim va ko'nikmalarini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi. [8]

Ta'lim metodlaridan foydalangan holda aniqlansa, talabani tasavvurida, differensial tenglama yechimini topish va ikkinchi tartibli o'zgarmas koeffitsiyentli, bir jinsli, chiziqli differensial tenglama yechimini dasturiy vositalar orqali topish talabalarda bilim va ko'nikmalarni oshishiga xizmat qiladi.

Ikkinchi tartibli chiziqli bir jinsli o'zgarmas koeffitsiyentli differensial tenglamani qaraylik, bu yerda  $p$ ,  $q$  - o'zgarmas haqiqiy sonlar. [6,10]

$$y'' + py' + qy = 0 \quad (1)$$

(1) tenglamaning yechimini topishni algoritmi va FSMU ta'lim metodidan foydalangan holda amalga oshiramiz:



### 1-rasm. “SWOT-tahlil” metodi

Kuchli tomonlari (*Strength*)-differensial tenglamani yechishda dasturlash amaliy bajarishni yengillashtiradi, vaqt, iqtisodiy, ekologik samara beradi, kasbga yo'naltirilgan ta'limni amalga oshirish mumkin;

Kuchsiz tomonlari (*Weakness*)-barcha mavzularni dasturlash bo'yicha algoritmlab bo'lmamasligi, dasturiy va matematik apparatning keshishmasligi;

Imkoniyatlari (*Opportunity*)-dasturiy mahsulot yaratishga o'rgatish, masofaviy va mustaqil ta'limni amalga oshirish imkoniyati;


To'siq (*Threat*)-differensial tenglamalarni o'qitishda talabalarning ixtisoslik fanlaridan bilim darajasini pastligi, auditoriya dasturiy muhitga mos emasligi, fan dasturini amalga oshirishda dasturiy apparatga yetarlicha e'tibor berilmaganligi.

Bu metod orqali murakkab, ko'ptarmoqli, mumkin qadar, muammoli tavsifdagi mavzularni o'rganishga qaratilgan. Metodning mohiyati shundan iboratki, bunda mavzuning turli tarmoqlari bo'yicha bir xil axborot beriladi va ayni paytda, ularning har biri alohida aspektlarda muhokama etiladi. [7,11]

Shulardan kelib chiqib, talabalarni loyihalash faoliyatiga tayyorgarligini fanlararo integratsion o'qitish asosida differensial tenglamaning yechimini C++ dasturlash tilida topishni ko'rsatib o'tamiz. Buning uchun quyidagi algoritmik ketma-ketlik bajarilishi kerak:

- 1) Blok sxemani tuzish;
- 2) Algoritmash;
- 3) Dasturlash;

Demak ikkinchi tartibli chiziqli bir jinsli o'zgarmas koeffitsiyentli differensial tenglama yechimini topishning algoritmini keltiramiz (1-rasm):



1-rasm. Differensial tenglamani yechish algoritmi

C++ dasturlash tilida dastur kodlari quyidagicha kiritiladi:

```

#include<iostream>
#include<cmath>
using namespace std;
int main(){
    float p,q;
    cout<<"Biz quydagi O'zgarmas koeffitsiyentli differensial tenglamani qaraylik"<<endl;
    cout<<"y''+py'+q=0 (1)"<<endl;
    cout<<"tenglamaga ikkinchi tartibli chiziqli bir jinsli o'zgarmas koeffitsiyentli
differensial tenglama deyiladi, bu yerda o'zgarmas haqiqiy sonlar.\n Ushbu"<<endl;
    cout<<"y^2+py+q=0 (2)"<<endl;
    cout<<"p="; cin>>p;
    cout<<"q="; cin>>q;
    float c1,c2,x;
    float d=p*p-4*q;
    float alfa,beta,y;
    if(d>=0){
        float x1=(-p+sqrt(d))/2;
        float x2=(-p-sqrt(d))/2;
        if(x1!=x2){
    
```

```

        cout<<"y=C1*exp("<<x1<<"*x)+C2*exp("<<x2<<"*x");
    else {
        if(x1!=0)
            cout<<"y=exp("<<x1<<"*x)*(C1+C2*x)";
            else cout<<"y=C1+C2*x";}}
    else {
        alfa=-p/2;
        beta=sqrt(-d)/2;
        if(beta!=0)

        cout<<"y=exp("<<alfa<<"*x)*(C1*cos("<<beta<<"*x)+C2*sin("<<beta<<"*x))";
            else cout<<"y=exp("<<alfa<<"*x)*C1";
    }
}

```

Kompilyatsiya jarayonidan so'ng quyidagi natija kelib chiqadi [5,9] (2-rasm):

```

Biz quyidagi O'zgarmas koeffitsiyentli differensial tenglamani qa
y''+py'+q=0 (1)
tenglamaga ikkinchi tartibli chiziqli bir jinsli o'zgarmas koeff
garmas haqiqiy sonlar.
Ushbu
y^2+py+q=0 (2)
p=5
q=6
y=C1*exp(-2*x)+C2*exp(-3*x)
-----
Process exited after 12.22 seconds with return value 0
Для продолжения нажмите любую клавишу . . .

```

## 2-rasm. Konsol oynada natija.

“Dasturiy injiniring” bakalavriat ta’lim yo’nalishi talabalarni kasbga yo’naltirib oqitishda motivatsion, kognitiv, faoliyatli va refleksiv mezonlardan hamda metodologik, kompetensiyaviy yondashuvlardan, shu bilan birga fanlararo integratsiya tamoyilidan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Bu esa talabalar uchun qiziqarli va tushunarli bo’libgina qolmasdan ta’lim jarayonini zamonaviylashtirishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi” to‘g‘risidagi PF-5847 son Farmoni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi “Oliy t
3. a’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2909-son Qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 iyuldagi “Oliy ma’lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 3151- son Qarori.
5. Алексеев Е.Р., Чеснокова О.В. Решение задач вычислительной математики в пакетах Mathcad, Matlab, Maple (Самоучитель). – М.: ИТ Пресс, 2006. – 496 с.
6. Xurramov Sh.R. 2-qism. Oliy matematika. T.: «Fan va texnologiya», 2015y.
7. Turayev S.J. Kasbiy pedagogika uslubiy qo‘llanma. Qarshi-2020. 100-b.
8. Turayev S.J. Ta’limda axborot texnologiyalari uslubiy qo‘llanma. Qarshi-2020.
9. Жесс Либерти, “Освой самостоятельно C++ за 21 день”, - С.П., 2000.
10. Данко П.С., Попов А.Г., Кожевникова Т.Я. Высшая математика в упражнениях и задачах. Седмoe издание. - М.: Вшшая; школа, 2015
11. Tolipov O‘. Q., Usmanboyeva M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot. - Toshkent: “Fan”. 2005.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada ikkinchi tartibli chiziqli bir jinsli o'zgarmas koeffitsiyentli differensial tenglamalarni ta'lim texnologiyalari va dasturiy vositalardan foydalanib yechish usullari keltirilgan, shuningdek, “Dasturiy injiniring”

bakalavriat ta'lim yo'nalishi talabalarini kasbiy faoliyatga tayyorlashda matematika va dasturlash fanlarini integratsiyalash samarali ekanligi ko'rsatilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены методы решения дифференциальных уравнений с линейными однородными переменными коэффициентами второго порядка с использованием образовательных технологий и программных средств, а также показано, что интеграция математических и программных дисциплин эффективна при подготовке студентов бакалавриата направления образования «Программная инженерия» к профессиональной деятельности.

SUMMARY

This article presents methods for solving differential equations with linear homogeneous variable coefficients of the second order using educational technologies and software, and also shows that the integration of mathematical and software disciplines is effective in preparing undergraduate students of the field of education «Software Engineering» for professional activity.

## ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНГ АХАМИЯТИ

*Худайбердиев Ш.К.*

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали катта ўқитувчи*

**Таянч сўзлар:** янги ахборот технологиялари, компьютер технологиялари, мультимедиа, мультимедиа технологиялари, гиперматн, гипермедиа, мультимедиади компьютерлар.

**Ключевые слова:** новые информационные технологии, компьютерные технологии, мультимедиа, мультимедийные технологии, гипертекст, гипермедиа, мультимедийные компьютеры.

**Key words:** new information technologies, computer technologies, multimedia, multimedia technologies, hypertext, hypermedia, multimedia computers.

Янги ахборот технологиялари (ёки компьютер технологиялари) - таълим жараёнини етарли миқдордаги замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш, уни ташкил этишнинг услубий ва ахборот манбаини тайёрлаш, таълим беришнинг янги шакллари топиш, ўргатиш жараёнига янгича ёндошишдир.

Компьютер технологиялари таълимга кўшимча қисм бўлиб эмас, балки бутун таълим жараёнининг самарадорлигини сезиларли даражада оширадиган ажралмас қисм бўлиб кириши керак. Бу вазифани амалга оширишда янги ахборот технологияларининг жадал ривожланиб бораётган йўналиши - мультимедиа технологиялари ёрдамга келиши керак. Бугунги кунда мультимедиа технологияларининг ижтимоий ҳаётнинг ишлаб чиқариш, бизнес, фан, таълим, маданият каби барча жабҳаларига кириб борганлиги ҳеч кимга сир эмас.

«Мультимедиа» сўзи ўтган асрнинг 90-йилларида оммалашди. Бу инглизча (multimedia) сўз бўлиб, у мулоқот режимида матн, графика, видео ва мультипликациядан фойдаланишга имкон берувчи кўп компонентли муҳит маъносини билдиради.

Мультимедиа технологияси пайдо бўлишига, 1945 йилда америкалик олим Ваннивер Буш томонидан таклиф қилинган «MEMEX» хотираси ташкилотининг концепцияси, ғоявий шароит яратган. Унда ахборотни, унинг расмий белгиларига (тартиб рақами, индекслари ёки алфавити ва ҳ.к.) қараб эмас, балки унинг маъносига мос тарзда излаш эътиборга олинган. Бу ғоя аввал гиперматн (матнли материалларнинг комбинациялари билан ишлаш) тизими кўринишида, кейин гипермедиа (графика, товуш, видео ва анимациялар комбинациялари билан ишлаш) тизими ва,

нихоят, бу икки тизимни бирлаштирган мультимедиа кўринишида ўзининг ифодасини ва компьютерда амалга оширилишини топди.

XX асрнинг 80-йилларида мультимедиа технологияларининг ижтимоий (гуманитар) соҳаларга қўллашга бўлган қизиқишнинг кучайиши машҳур америкалик компьютерчи-тадбиркор Билл Гейтс исми билан боғлиқ, чунки маълумотларнинг хизматдаги музей инвентар базаси асосида, ҳамма “муҳит”ларни: тасвирлар, товуш, анимация, гиперматнли тизимни («National Art Gallery. London») яратиш ва амалиётга муваффақиятли қўллаш ғояси унга тегишли эди.

«Мультимедиа» фақат рақамли ахборот билан эмас (дастлабки оддий компьютерларда шундай бўлган), балки ҳар хил турдаги ахборотлар билан ишлаш имкониятининг мавжудлигини билдиради. Мультимедиали компьютерлар товушни (музыка, нутк ва б.), шунингдек видеоахборотни (видеороликлар, анимацион фильмлар ва б.) ҳосил қилади. Видеоэффектлар, алмашинувчи компьютер слайдлари, мультфильмлар, видеоклиплар, тасвирлар ва матнларнинг сжиши, ранг ва тасвир масштабининг ўзгариши, унинг жимирлаши ва аста-секинлик билан йўқолиши ва б.ни кўрсатиш билан ифодаланиши мумкин.

Электрон таълим ресурсларидан, мультимедиа-дастурларидан фойдаланиш компьютернинг: хотира сифимига, товуш ҳосил қилувчи қурилмасига, CD-ROM ёки DVD-ROM учун дисководнинг тезлик режимига катта талабларни қўяди. Шундай экан, мультимедиали компьютер – бу қувватли процессорга, катта оператив хотирага, колонкали ва микрофонли товуш картасига, CD ёки DVD-ROM дисководларга эга, сканер ва рангли пуркагичли принтер уланадиган компьютердир.

Мультимедиа-технологиялари информатиканинг энг истикболли ва оммабоп йўналишларидан бири. Мультимедиа-технологиялари “бошқаришнинг интерфаол интерфейси ва бошқа механизмларини ўз ичига олган, товуш, видео, анимация ҳамда бошқа визуал эффектлар (Simulation) ҳамкорлигида келадиган тасвирлар, матнлар ва маълумотларнинг коллекцияси”га эга маҳсулотни яратишни мақсад қилиб олган технологиялардир. Бу таъриф янги технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш муаммолари билан шуғулланувчи йирик Европа Комиссияси томонидан 1988 йилда берилган эди.

Мультимедиали технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини ташкил қилишда қуйидагиларнинг мавжудлиги талаб қилинади:

- ▶ маълум конфигурациядаги аппарат асбоблари;
- ▶ сертификатланган махсус дастурий маҳсулотлар;
- ▶ талаб даражасидаги мутахассислар.

Таълимнинг мультимедиа воситалари, ўқитувчига, ахборотнинг анъанавий манбаларига нисбатан катта ҳажмдаги ахборотлар массивини беришга, нафақат матнни, графикларни, схемаларни, товуш, анимация ва ҳ.к.ларни интегрир қўринишда кўргазмали қилиб улаб беришга, балки билиш мантиқига ва аниқ бир таълим олувчининг қабул қилиш даражасига мос келиш тарзидаги кетма-кетликда ахборотни танлаб олишга ҳам имкон берувчи, келажги катта ва юқори самарадорликка эга асбоблардир. [2]

Таълимда интерфаол услубларни қўллаш самарадорлиги аллақачон ўрганилган ва исботланган. Маълумки, интерфаол асбоблар маълумотларни ўзлаштириш даражасини 90% гача оширади. Замонавий мультимедиа асбобларидан фойдаланиб ўтиладиган интерфаол таълимнинг услубиёти катта ҳажмдаги билимларни бериш ва таълим олувчилар эътиборини зарурий бир нуқтага қаратиш бўйича янги имкониятлардан фойдаланишга йўл очади.



Мультимедиа асбоблари маърузани, кейинчалик фойдаланиш учун, ёки онлайн узатиш учун видео ёзиш имкониятини ва бошқа жуда кўплаб имкониятларни беради. Улар ёрдамида тест натижалари бир зумда қайта ишланади, сақланади ва узатилади. Бунда ўқитувчилар таълимнинг ҳар хил услубларини қўллаш учун чегарасиз имкониятларга эга бўлишади: ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш, гуруҳ бўлиб ишлаш, ақлий ҳужумлар, интерфаол тестлаш ва сўровлар, видео роликларни, тақдимотларни, Интернет маълумотларини ва ҳ.к.ни кўрсатишади. Бунда таълим жараёнида ишлатилган маълумотларни осонгина сақлаш, кўпайтириш, кўп марта, шу жумладан, масофадан туриб, ишлатиш мумкин бўлади. Мультимедиа аппарат асбоблари ва улардан фойдаланиш шароитлари билан танишамиз.

Кўп функционалли ўқув аудиториялари махсус мультимедиа аппаратлари билан жиҳозланган бўлади. Аудитория деворларига аудио тизим, видеоалоқа тизими камераси, экран+проектор/видеодевор, интерфаол проектор, стол устида документ-камера ўрнатилган бўлади. Оператор столида унинг компьютери бўлади. Шунингдек хонада интерфаол трибуна, интерфаол доска иш олиб боради. Столлар устида конференц тизим ўрнатилган бўлади, қатнашувчилар қўлида видеони Wi-Fi бўйича трансляция қилиш учун планшет, смартфон бўлади. Мультимедиа қурилмалари аудиториянинг қўшимча тизимларига синхрон таржима, тестлаш/сўровлар, видео, ёзув, онлайн трансляцияни эгаллаган тизимлар қиради.

Мультимедиа ва интерфаол жиҳозлар энг асосий вазифани муваффақиятли ҳал қилишга – таълим жараёнини ёрқин, кўرғазмалли, берилиб кетадиган ва интерфаол қилиб ўтказишга шароит яратади. Бу эса ўрганилаётган фанга эътиборни қаратишга, кизиқишни уйғотишга, шунингдек, инсон миясининг қўшимча имкониятларини - ахборотларни яхшироқ эслаб қолиш ва ўзлаштириш учун ишга солишга имкон беради.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, мультимедиа анча катта ривожлантирувчи потенциалга эга дидактик восита бўлишига қарамадан, уни замонавий таълимга қўллаш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд экан.

Мамакатимиз таълимидаги замонавий ҳолат билан мультимедиа таълим амалиётига оз ва кам самара берадиган қилиб қўлланилиш сабабларини асослаб тушунтириш мумкин: ўқув юртлирида компьютар базаларини яратиш ва янги дидактик воситаларни педагогик мақсадларда қўллашни ўрганиш муаммолари талаб даражасида ўрганилмаябди, машғулотлар ўзбек тилидаги мультимедиа дастурий маҳсулотлар, электрон дарсликлар билан етарли даражада таъминланмаябди, фан ўқитувчилари бу соҳада етарли даражадаги изланишларни олиб боришмаябди, дастурчилар билан педагогларнинг электрон таълим ресурсларини тайёрлаш бўйича биргаликдаги ишлари сўст борабди.

Мультимедиа қўллаш бўйича ҳамма чет эл лойиҳалари ва тадқиқотлари янги дидактик воситанинг юқори таълим потенциали тўғрисида гувоҳлик беришади, аммо мультимедиа қўллаб ўқув жараёнини керакли тарзда ташкил қилинмаслиги унинг имкониятларини амалга оширишни қийинлаштиради. [1]

Бу ерда энг аввало информацион технологиянинг таълимдаги родини тушуниш учун, унинг моҳиятини аниқлаб олиш керак. Замонавий тушунчада таълимнинг

информацион технологияси (ТИТ) – бу ахборот билан ишлашда махсус усуллар, дастурий ва техник воситалардан (кино, аудио- ва видеовоситалар, компьютерлар, телекоммуникация воситалари) фойдаланувчи педагогик технологиядир.

Демак, ТИТ ни, ўқитувчи фаолиятида, билимларни беришнинг, таълим олувчи (ўқувчи) фаолиятида, билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришнинг янги имкониятларини яратувчи, ўқув тарбиявий жараёнининг боришида ўқувчини шахс сифатида ҳар томонлама ривожланишига таъсир кўрсатувчи ахборот технологияларининг иловаси сифатида тушуниш керак.

Таълим тизими ҳамма вақт ўқув жараёнига энг кенг доирадаги дастурий маҳсулотларга таянадиган ахборот технологияларини қўллаш учун очик эди.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан АҚШ, Канада, Ғарбий Европа, Австралия, Япония, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларда айнан таълим эҳтиёжлари учун, ўқув-тарбиявий жараёнининг турли томонларини қўллаб-қувватлаш учун кўплаб махсус компьютер тизимлари ишлаб чиқилган эди.

ТИТ да ишлатиладиган мультимедиади дастур таъминотининг бир неча категориялари ичидан, ўқув-тарбиявий жараёнда қўллаш нуқтани назаридан, ўргатувчи ва машқ килдирувчи тизимлар бизда кўпроқ қизиқиш уйғотди.

Мультимедиани ўқув жараёнига самарали қўллаш учун қуйидаги шартларнинг бажарилишига риоя қилдик:

- ▶ машғулотни мультимедианинг дидактик имкоиятларига мос тарзда ташкил этдик;
- ▶ педагогик мультимедиади дастурларни оптимал танлаш ва уларни машғулотларнинг мақсадлари, ўқувчиларнинг тайёрлик даражаси, ўзлаштирилиши керак бўлган материалнинг хусусиятлари билан мос тарзда бирлаштирдик;
- ▶ мультимедиани қўллашнинг умумфан ва дидактик қоидаларига риоя қилдик.

Ўтказилган мультимедиади дарснинг боришини кузатиш натижасида мультимедиа технологияларининг қуйидаги техник-педагогик ва дидактик имкониятларини аниқладик:

- ▶ ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш заруриятдан эмас, балки уларнинг хоҳишидан келиб чиққан ҳолда амалга ошди;
- ▶ мультимедиа хурсандчилик билан қабул қилинди, хурсандчилик эса ўз навбатида ўқув фанига қизиқишни кучайтиради
- ▶ бошқа ўқувчилар орасида ўз-ўзига баҳо бериш имконияти туғилди;
- ▶ ўз фаолиятини баҳолашнинг янги объектив мезони олдинга чиқди: ким кўп билса ва ўз билимларидан фойдалана олса, ўша ютади;
- ▶ ўз хаёлларига (фантазиясига) эркинлик бериш имконияти туғилди, кулгили бўлиб қолишдан, ёмон баҳо олишдан ва х.к. лардан қўрқиш тўсиқлари йўқолди;
- ▶ бутун жамоанинг ҳамкорлиги ва соғлом мусобақа атмосфераси яратилди;
- ▶ ўқувчилар мустақил тарзда қийинчиликларни енгишга интилишди;
- ▶ предметлараро алоқадан фойдаланишнинг имконияти бўлди.

Демак мультимедиадан фойдаланиш дидактик масалаларни катта таълим самардорлиги билан ечишга, таълим самарадорлигини кўтаришга, ўқув материални ўрганиш учун ажратилган вақтнинг сезиларли тежалишига, натижада қаралаётган муаммо ва саволлар доирасини кенгайтиришга, чуқурлаштиришга имконият беради.

Мультимедианинг аниқланган техник-педагогик ва дидактик имкониятлари асосида биз ўқув муассасасининг таълим жараёнида амалга ошириши мумкин бўлган

потенциал функцияларини ажратамиз. Уларга тушунтирувчи, информацион, эвристик, тизимлаштирувчи, мотивлаштирувчи ва ривожлантирувчи функцияларини киритамиз. [3]

Ўқув фаолиятини шакллантиришда мультимедиадан дидактик восита сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги, ўқувчилар томонидан ўқув фаолиятининг ўзлаштириш модели билан мос ҳолда, у ёки бу шаклдаги мультимедиага эга бўлган ўқув машғулотлари тизимини қуришга ҳам боғлиқ экан, деган хулосага келдик.

Мультимедианинг хусусиятлари, ўқувчида режалаштириш, иш қобилиятини ривожлантириш, рефлексия, ўз-ўзини баҳолаш, мавҳум ва кўргазмали-тасвирий фикрлаш, назарий ва амалий билимларни шакллантириш, мультимедиа технологиясини ўзлаштиришнинг техник кўникмалари ва аудио-визуал медиамаҳсулотлар соҳасида уларнинг умумий маданияти ҳамда билиш қобилиятларининг ривожланишига имкон беради.

Биз, ўқув фаолиятини шакллантиришда мультимедиани дидактик восита сифатида ишлатиш самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятининг ўзлаштириш моделига мос тарзда, у ёки бу шаклдаги мультимедиага эга дарс жадваллари тизимини қуришга ҳам жуда боғлиқ эканлигини аниқладик.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ўқув юртларида таълимнинг анъанавий методларини такомиллаштириш, дарсларни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, дастурий ва техник воситалар билан ўтишга бўлган интилиш борган сари кучайиб бормоқда.

Ўқувчилар ўзлаштириши керак бўлган маълумотлар ҳажмининг қўплиги уларни анъанавий йўл билан ўзлаштиришни қийинлаштиради. Қолаверса оғзаки нутқ билан ўтилган мавзулар ўқувчиларни зериктиради, фикран мавзудан четлашишга йўл очади. Компьютер билан ишлашда бу ҳол мустасно, дарс учун зарур бўлган кўргазмалилик монитор орқали реал ҳолатда бериб борилади, фойдаланувчига чалғиш учун имконият бўлмайди. Ўрганувчи ҳамма ишни – ўқишни, тинглашни, топширик бажаришни, тест топширишни ва ҳ.к.ларни иштиёқ, хоҳиш, қизиқиш билан бажаради.

Ўқитувчи эса керакли электрон дарсликлар билан ишлашни ўрганиши, улар бўйича керакли ҳолатларни танлаб олиши, аудиторияни бошқариб бориши, ўрганувчилар диққатини керакли нуқталарга жалб эта олиши, таълим олувчиларнинг эгаллаётган билимларини назорат қилиб бориши ва ҳ.к шунга ўхшаш ишларни бажариши, ўрганувчиларнинг мурожаат марказида бўлиши керак. Бу ўқитувчига ўз фани бўйича чуқур билимларга эга бўлишдан ташқари, замонавий компьютер технологияларини ҳам билишдек қўшимча маъсулиятни юклайди. Бу оғир иш, аммо у ўзини оқлайди. Компьютерни дарсда қўллаш – ўқувчиларга билиш, ўқитувчи учун эса ўқувчилари фикрлашининг ривожланаётганини, билимлари кўпаяётганлигини кўриш шодлигини беради.

Мамлакатимизда бугунги кунда, мультимедианинг таълимда қўллашнинг ҳар хил томонлари фаол ўрганилаябди, мультимедиа технологияларининг техник ва психологик-педагогик хусусиятлари ажратилаябди, уларнинг ўқув юртларида бир мақсадга қаратилган унумли қўлланилиш зарурияти таъкидланаябди.

Биз замонавий ахборот технологиялари, шу жумладан мультимедиа ҳам, таълим олувчиларга ахборотнинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланишга, ҳодиса ва жараёнларнинг концептуал ва математик моделларини қўллаш билан таълимнинг, унинг самарадорлигини кўтаришга имкон берадиган, тубдан янги шакл ва усулларини қўллашга йўл оча олади, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Woolley Benjamin. Virtual Worlds: A Journey in Hype and Hyperreality. – Oxford: Blackwell, 1992; Cotto Bob, Richard Oliver. Understanding Hypermedia: From Multimedia to Virtual Reality. – London: Phaidon Press, 1993.

2. Егорова Ю.Н., Морозов М.Н., Кириллов В.К. Мультимедиа технология как комплексное средство повышения качества обучения в общеобразовательной школе//Материалы Региональной научно - практической конференции Чебоксары, ЧТУ им. И. Н. Ульянова, 2009 г. - С. 122 - 125.

3. Половина Г.Б. Интеграция мультимедийных технологий с традиционными учебными дисциплинами в системе повышения квалификации учителей-предметников // Информатика и образование 2009. №5.

РЕЗЮМЕ

Мақолада электрон таълим сифатини оширишда қўлланиладиган мультимедиа технологияларининг ахамияти. Мультимедиа ҳақида умумий маълумотлар, шунингдек электрон таълим ресурсларини яратишда мультимедиа технологиялари ва воситаларидан фойдаланиш босқичлари ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен обзор мультимедийных технологий, используемых при повышении качества электронного обучения. В мультимедийном секторе разработаны общие сведения, а также этапы использования мультимедийных технологий и средств при создании электронных учебных ресурсов.

SUMMARY

The article presents an overview of multimedia technologies used to improve the quality of e-learning. In the multimedia sector, general information has been developed, as well as the stages of using multimedia technologies and tools in creating e-learning resources.

## БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРГА ФИЗИКА ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ

Тураев С.Ж.

ТАТУ Қарши филиали доценти, PhD

**Таянч сўзлар:** физика, ўқитиш, таълим методлари, бўлажак муҳандислар, муаммоли маъруза дарс, ўқув материали, қийинлик даражаси.

**Ключевые слова:** физика, преподавание, методика обучения, будущие инженеры, проблемный курс лекций, учебный материал, уровень сложности.

**Key words:** physics, teaching, teaching methods, future engineers, problematic course of lectures, educational material, level of complexity.

Тегишли ўқитиш методини мақсадга мувофиқ танлаш ёки уларни бирлаштириш ўқитувчига талабаларнинг муайян хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ дидактик вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини фаол шаклда ўтказишнинг айрим намуналарини кўриб чиқамиз.

Муаммоли маъруза дарс бошида маълум бир муаммо ёки бир қанча муаммоларни белгилашни ўз ичига олади, бу маъруза давомида олинган билимлар асосида ҳал қилиниши керак. Шунга таъкидлаш лозимки, маърузада қўйилган муаммолар талабалар учун қийинлик даражаси бўйича берилган бўлиши, уларнинг бевосита ривожланиш зонасида ётиши, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олиши ва янги материални ўзлаштириши учун аҳамиятли бўлиши керак [1].

Охириги йилларда кўпинча маърузаларнинг бу тури мультимедиа презентациялардан фойдаланилганда кузатилади, слайдларда барча энг муҳим нарсалар акс этади, шунингдек, видеомаърузаларни ўз ичига олади. Ва албатта биз компьютер технологиялари жадал ривожлантириш даврида вояга етган авлодга таълим ва таъбия бераётганимизни унутмаслигимиз керак.

«Бинар маърузалар» да муаммоли мазмундаги ўқув материали талабаларга нафақат ўзаро, балки аудитория билан ҳам икки ўқитувчи ўртасида жонли мулоқотда

берилади. Таълим жараёнини ташкил этишнинг бу жуда кам учрайдиган шакли билан реал касбий вазиятларни, икки мутахассис томонидан турли нуктаи назардан кўриб чиқилган назарий масалаларни муҳокама қилишни, масалан, назарийётчи ва амалиётчи, муайян фикр тарафдори ёки рақибини симуляция қилиш мумкин ва ҳоказо [2].

Дарсларни ўтказишнинг камдан-кам учрайдиган интерфаол шакли-олдиндан режалаштирилган хатолар (маъруза - провокация) билан тўлдирилган маъруза бўлиб, талабаларнинг касбий вазиятларни тез таҳлил қилиш, экспертлар, оппонентлар, тақризчилар сифатида ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантириш ва тақдим этилган маълумотларга танқидий муносабатни шакллантириш учун мўлжалланган [3].

Маърузага тайёргарлик жараёнида ўқитувчи мазмуний, услубий ёки хулқий характердаги маълум бир хатоларни кўяди. Талабалар бу хатолар рўйхати ҳақида фақат маъруза охирида билиб оладилар. Бундан ташқари, материални тақдим этиш давомида талабалар ҳам, ўқитувчилар ҳам йўл кўядиган энг кенг тарқалган хатоларни танлаб олиш керак, улар диққат билан яширинган бўлиши ва сиртда ётмаслиги керак. Бирок, бу ўқитувчидан маъруза мазмуни бўйича фикран ва пухталиқ билан ишлаш, шунингдек, маъруза кўникмаларини юқори даражада билишни талаб этади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, режалаштирилган хатолар билан маърузалар талабалар ўртасида юқори ақлий ва ҳиссий фаолликка сабаб бўлади, чунки улар илгари олинган билимлардан амалиётда фойдаланиш имконига эга, хатоларни яқуний таҳлил қилиш жараёнида эса талабаларнинг назарий фикрлаши ривожланади.

Аниқ вазиятларни таҳлил қилган маърузада тингловчиларга озғакки ёки жисмоний тажрибани намойиш этиш орқали ёки жуда қисқа видеоёзувда маълум бир вазият тақдим этилади. Унинг тақдимоти бир томондан жуда қисқа бўлиши ва иккинчи томондан тақлиф этилаётган ҳодисани баҳолаш учун етарли маълумотларни ўз ичига олиши керак [4].

Физика фанидан бундай маърузаларни ўтказишда аввал унинг моҳиятини тушунтирмасдан муайян физик экспериментни намойиш этиш, сўнгра аудитория билан муҳокама жараёнида уларни етакчи саволлар ёрдамида тўғри хулосага олиб келиш мақсадга мувофиқдир.

Маърузани ўтказишда талабаларга ушбу мавзу бўйича ўқитувчига ёзма равишда саволлар бериш тақлиф этилади. Саволлар мавзу эълон қилингандан 2-3 дақиқа ўтгач шакллантирилади, сўнг ўқитувчи саволларни сениматик мазмуни бўйича 3-5 дақиқа давомида тартиблайди ва шундан сўнггина маъруза қила бошлайди [3]. Шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчи аниқ саволларга жавоб бермайди ва тегишли жавобларни шакллантирадиган мавзунини изчил, мантиқий ривожлантириш шаклида ўтказилади. Маъруза якунида ўқитувчи саволларга яқуний баҳо беришни тингловчиларнинг билим ва кизиқишларини акс эттириш сифатида олиб боради.

Маърузада талабаларни билиш фаолиятига жалб этиш фикр жараёнларини фаоллаштирувчи саволни тўғри шакллантириш ва саволга жавоб кутиш талаба диққатини жамлаш зарурати билан эришилади. Маърузада иштирак этиш тажрибаси талабаларга нафақат савол бериш, балки уларга аниқ ва малакали жавоб бериш, мулоқот давомида юзага келадиган қийин вазиятлардан чиқиш йўлини топиш, муайян нуктаи назарни исботлаш ва рад этиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва бошқаларнинг фикрларига чидамли бўлиш имконини беради [5].

Давлат таълим стандартига кўра (ДТС), «фаол ва интерактив шаклларда дарс нисбати, дастурнинг асосий мақсади (миссияси), талабалар контингенти ва аниқ фанлар мазмунига кўра, одатда таълим жараёнида улар камида 20 фоиз бўлиши керак.

Маъруза типдаги машғулотлар аудитория дарсларининг 40 фоизидан ортигини ташкил қила олмайди»[1]. Демак, фаол ва интерфаол шакллarda ўтказиладиган ўқув машғулотлари вақти расман тартибга солинади.

Бизнинг фикримизча, маъруза материаллари бўйича фаол ишларни ташкил қилиш учун ижтимоий тармоқлар (Telegram, Facebook, Instagram)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Гуруҳ модераторлари гуруҳ талабалари орасидан тайинланади.

Шу тариқа биз аудиторияда вақтни тежаб, назарий материал бўйича ишларни дарсдан ташқари вақтга кўчиришимиз ва ўрганилаётган мавзунинг энг мураккаб ва муҳим нукталарига эътибор қаратишимиз мумкин. Бундан ташқари, ўқув материаллини тақдим этишнинг бу шакли бакалаврларни ўқитишга индидуал ва табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш имконини беради, яъни талаба мавзуни кулай идрок этиш учун зарур бўлган маъруза материаллини кўп марта кўриши мумкин.

Амалий машғулотларни ҳам фаол шаклда ташкил этиш мумкин. Буларга куйидагилар киради:

- Лойиҳалаш методи - «талабаларнинг мустақил режалаштирилган ва аста-секин мураккаброқ амалий вазифаларни бажариш жараёнида билим ва кўникмаларни эгаллайдиган таълим тизими».

Лойиҳа методида муҳим муаммони амалий ёки назарий ҳал қилиш учун тадаблар томонидан мустақил, лекин ўқитувчи раҳбарлигида бажариладиган ишларнинг мураккаб тадқиқот, лойиҳалаш, графика ва бошқа турларини кўриб чиқиш мумкин [4].

Шуни таъкидлаш лозимки, лойиҳалаш методи ҳам фаол, ҳам интерфаол таълим методларига тегишлидир.

Портфолио-талабаларнинг ўқув-билув фаолияти натижалари билан ишлаш технологияси ёки «талабаларнинг касбий ривожланиши ёки ўқув дастурига мувофиқлиги нуктаи назаридан муайян вақтда баҳоланадиган асарлар тўпламидир» [5].

Ўйин методи – муайян амалий вазиятларни ёки талабаларнинг тайёргарлик даражаси билиш даражасини эмас, балки «пассив ҳолатдан – билимдан – фаолликка – фаолликдан кўникмага ўтказиш» имконини берувчи муносабатлар тизимини қайта яратишда талабаларнинг биргаликдаги фаолиятининг фаол шаклидир [4].

- Тренинг-муайян тизимда мавзу бўйича бир-бири билан бирлаштирилган турли машқ ва ўйинлар мажмуаси бўлиб, талабаларнинг фаол ижтимоий позициясини бошқари билан самарали ҳамкорликни, янги касбий билим, кўникма ва малакаларни шаклланишига имкон беради.
- Кейс-технология – профессионал соҳада пайдо бўладиган ноаниклик билан тавсифланиб аниқ амалий вазиятларни таҳлил қилишда қўлланилади.

Маърузада келтирилган назарий материални ўзлаштириш даражасини текшириш имконини берувчи кириш назорати ўтказилгандан сўнг талабаларга физикавий масалаларни индидуал суръатда (якка тартибда ва жуфтликда), доскадаги тўғри ечимларни таҳлил қилган ҳолда ёки таҳлил қилмаган ҳолда ҳал қилиш тақлиф этилади. Амалий дарс якунида ўқув материаллининг жорий сифат назорати табақалаштирилган вазифалар ёрдамида ташкил этилади ва мураккаблик даражаси қанчалик юқори бўлса, бу физик масалани ҳал қилиш учун мантикий операцияларни бажариш керак ва мураккаблик даражасини танлаш талабалар учун мустақил ва ихтиёрийдир.

Интерфаол таълим бошқалардан бироз фарқ қилади, бу фарқлар ва интерактив таълим нима эканлигини батафсил кўриб чиқамиз.

Интерфаол ўқув курсларида ўқитувчилар интерактив доска ёрдамида интерак-

тив ўқитиш усулларидан ёки компютер тақдимотлар ёрдамида ўқув материалларини тақдим этишни афзал кўришди (86% атрофида).

Интерфаол (interaction-ўзаро таъсир) деб маълум гуруҳ ичида талабаларнинг ўзаро муносабатига асосланган ўқитиш усуллари тушунилади.

Интерфаол таълим - «ўқувчининг ўқув муҳити, ўқув тажрибаси майдони бўлиб хизмат қиладиган ўқув муҳити билан ўзаро муносабатига асосланган ҳолда ўрганиш» ёки «мулоқот орқали биргаликдаги фаолиятда билим олинadиган қўшма таълим жараёни сифатида тушунилади» [2].

Ўқитишнинг психологик назариясида интерфаол таълим инсон муносабатлари психологиясига асосланади. Интерфаол таълим технологиялари ўқув фаолиятининг субъектлари сифатида ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнида билим олиш, кўникама ва малакаларни шакллантириш йўллари сифатида қаралади. «Интерфаол таълимнинг моҳияти шундаки, у нафақат идрок, хотира ва диққат жараёнларига, балки биринчи навбатда ижодий фикрлаш, хулқ-атвор ва мулоқотга асосланади» [2].

«Ақлий ҳужум» - «бу жамоа аъзолари ғоя муаллифига саволлар бериши, мисол ва қарама-қаршиликлар муаммони ечишнинг жамоавий усулидир. Ўқитувчи дарс давомида муаммони вазиятлар яратади. Уларни муҳокама қилиш жараёнида талабалар муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этадилар» [1].

Синектика методи-қиёслаш ва ўхшатишларни жалб қилиш усули бўлиб, инсоннинг тафаккур кенглиги, тасаввурининг тўлиқлиги ва битмас-туганмас тасаввурни талаб қилувчи ғояларни ишлаб чиқаришнинг такомиллашган методидир. Метод аналогия ва метафоралардан фойдаланишга қаратилган операцион механизмларда ўқитишни ўз ичига олади.

Кейс методидан фойдаланиш натижаси нафақат билим, балки касбий малакани шакллантиришга йўналтирилган касбий кўникмалар ривожланади.

Шундай қилиб, талаба биринчидан, ўқув мунозарасини ўтказиш вариантларининг хилма-хиллигига асосланиши ва қисман акс этиши, иккинчидан, уни ўтказиш усулларининг ўзига хос хусусиятларини билиши лозим.

Оқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ўқув мунозарасини тайёрлаш ва ўтказиш жараёни талабалар ва ўқитувчилар учун жуда кўп вақт талаб этади. Бинобарин, бу ихтисосликка нисбатан бакалаврият ўқув режаси давомийлигининг камайишига, шунингдек, алоҳида фанларни ўрганиш ва ўқув ахборотларини ихчамлаштириш учун сарфланадиган вақтнинг қисқаришига мос келмайди.

#### Адабиётлар:

1. Смолкин, А.М. Методы активного обучения: [Метод. пособие для преподавателей и организаторов проф. и экон. обучения кадров] / А. М. Смолкин. – М.: Высш. шк., 1991. – с. 175
2. Психология и педагогика /Под ред. Абульхамовой К.А., Васиной Н.В., Лаптева Л.Г., Сластикина В.А. – М.: «Совершенство», 1998.
3. Турсунов К.Ш., Тошпўлатов Ч.Х. Физика таълими технологияси. Методик қўлланма. –Қарши, Насаф, 2012.
4. Turaev S.J. Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics, Scientific Bulletin of Namangan State University: 2019.
5. Тураев С.Ж. Формирование научно-практических навыков студентов с привлечением к научному проекту №1/1-Ф и применением технологий программирования. Преподаватель XXI век. –М: 2018. -С. 88–92. <http://prepodavatel-xxi.ru/sites/default/files/10.pdf>

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларга физикадан таълим методлари-дан самарали фойдаланиш услублари келтириб ўтилган. Бундан ташқари бўлажак муҳандисларга маъруза,

амалий, лаборатория ва амалий машгулотларда таълим методларидан фойдаланиш орқали конструкциялаш, лойihalаш каби касбий фаолиятини ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются методы эффективного использования методики обучения физике будущих инженеров в высших учебных заведениях. Кроме того, потенциальным инженерам были показаны пути развития их проектирование и конструирование профессиональной деятельности, такие как через использование образовательных методов в лекционных, практических, лабораторных и практических занятиях.

SUMMARY

In this article, the methods of effective use of the methods of teaching physics to future engineers in higher education institutions are discussed. In addition, potential engineers have been shown ways of developing their professional activities such as design, construction, through the use of educational methods in lectures, practical, laboratory and practical training.

## ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA KOMPETENTLI DASTURCHILARNI TAYYORLASH METODIKASI

*Ruzimurodov I.N.*

*TATU Qarshi filiali assistenti*

**Tayanch so'zlar:** dasturiy mahsulotlar yaratish usullarini, dasturlash tilidan foydalanib, dasturiy vosita, integratsiya, kompilyatsiya, kasbiy kompetentlik.

**Ключевые слова:** методы создания программных продуктов, использование языка программирования, инструмент программирования, интеграция, компиляция, профессиональная компетентность.

**Key words:** methods of creating software products, using a programming language, programming tool, integration, compilation, professional competence.

Ta'lim jarayonida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning muhimligi nuqtai nazaridan dasturlash muhitida kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan o'quv kurslarini loyihalashning samarali usullarini ishlab chiqish lozim. Mazkur usulning samaradorligi bilan biz an'anaviy ta'limga nisbatan elektron ta'lim jarayonida dasturlash muhitidan foydalanib kasbiy komponentlarini (kognitiv, aksiologik, motivatsion-qadriyatli va reflektor-baholash) rivojlantirish darajasini statistik jihatdan sezilarli darajada oshirishni nazarda tutamiz.

Elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib mustaqil ta'lim trayektoriyasini qurish asosida "Dasturiy injiniring" bakalavriat ta'lim yo'nalishi talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish metodikasining tarkibiy qismlari ishlab chiqilgan. Jarayon komponenti talabaning individual xususiyatlariga asoslangan holda mustaqil ta'lim makonini yaratadigan va kasbiy faoliyatda matematik tahlil va modellashtirish usullarini qo'llashga tayyorlikni rivojlantirishga yo'naltirilgan o'qitish vositalari, shakllari va usullarini birlashtiradigan elektron o'quv kursini o'z ichiga oladi. Baholash komponenti kasbiy kompetentlikning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda ishlab chiqilgan diagnostik materiallarni o'z ichiga olib, elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib o'qitish jarayonida uning shakllanish dinamikasini ochib beradi.

Elektron o'quv kursida talabalarining kasbiy kompetentligining tarkibiy qismlarini rivojlantirishga imkon beruvchi elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib kasbiy faoliyat jarayonida ishlashning asosiy tamoyillarini ko'rib chiqamiz:

maqsadlilik tamoyili-talabalarining ta'lim jarayonida maqsadli idrokini rivojlantirish;  
mazmunning o'zgaruvchanligi va dolzarbligi tamoyili-ta'lim mazmuni turli shakllariga



ega bo'lib, kasbiy faoliyat doirasida uning mazmuni talabalar uchun dolzarb hisoblanadi; davriylik tamoyili-taqdimotning turli shaklida taqdim etilgan o'rganilayotgan mavzu materialiga avtomatlashtirilgan holda qaytish;

individuallashtirish tamoyili-ta'lim jarayonini elektron muhitda individuallashtirishni ta'minlash, talabaga mustaqil ta'lim trayektoriyasini qurish va o'quv materiallarining individual makonini rivojlantirish imkonini beradi.

Bu tamoyillarning uyg'unligi elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib olib borilayotgan ishlarning o'ziga xos va xususiyatlarini aks ettiradi hamda ta'lim tizimining diqqat-e'tiborini talabaga qaratgan holda shaxsga yo'naltirilgan yondashuv asosida matematika mashg'ulotlarini amalga oshirish imkonini beradi. Ishlab chiqilgan elektron kurs taklif etilgan tamoyillar va ta'limni boshqaruv tizimlari funksional imkoniyatlarini foydalanish asosida nazariy materiallar har biri uchun individual trayektoriya qurish talabalar mustaqil xususiyatlarini amalga oshirish imkonini beradi.

Mustaqil ta'lim trayektoriyasini qurish asosida kasbiy kompetentlikni shakllantirish uchun elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib individuallashtirish tamoyili amalga oshiriladi. Dasturlashtirilgan ta'lim nazariyasi AQShda XX asrning o'rtalarida B.F.Skinner tomonidan rivojlana boshladi. Dasturlashtirilgan ta'lim o'quv dasturida nazariy material va ko'nikmalarni kompyuter vositalari yordamida o'qitish mustaqil va individual o'zlashtirish sifatida qaraladi. Bugungi kunda dasturlashtirilgan ta'lim elektron qurilma yordamida dasturlashtirilgan o'quv materialini nazorat ostida o'zlashtirishni nazarda tutadi. Dasturlashtirilgan materiallar o'quv axborotlarining bir qator kichik bo'limlari bo'lib, ma'lum mantiqiy ketma-ketlikda xizmat qiladi. Dasturlashtirilgan ta'lim xususiyatlari quyidagilarni ichiga oladi, deb: aniqlik, nazariy materiallar aniq taqdim etish, berilgan savollar to'g'ri javobni bevosita ko'rsatish, nazariy materiallarni o'zlashtirish darajasi. Shunday qilib, dasturlashtirilgan ta'limning birinchi versiyalari elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalangan holda chiziqli algoritm bo'ylab yagona harakatni ifodalaydi.

Elektron ta'lim, masofaviy ta'lim texnologiyalari va ta'limni boshqarish tizimlarining keng miqyosda tarqalishi bilan bog'liq holda, dasturlashtirilgan ta'lim texnologiyasini ishlab chiqish kibernetik yondashuvdan shaxsga yo'naltirilgan yondashuvga o'tishdir. Biroq hozirgi vaqtda elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib ta'lim olish jarayonida talabalarning individual xususiyatlarini hisobga olish masalasi ochiq qolmoqda. O'qitish tizimlarida individual xususiyatlarni amalga oshirishning mavjud yagona namunalari asosan cheklangan miqdordagi parametrlardan foydalanishga va kompetentli yondashuvi doirasida talabalar kompetentligining asosan kognitiv komponentini rivojlantirishni baholashga qaratilgan.

Metodik materiallarni tahlil qilish asosida elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib individual ta'lim trayektoriyalarini qurish uchun quyidagi mezonlar ishlab chiqildi:

individual xususiyatlarni hisobga olish mezonlari-elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib ishlash jarayonida talabaning individual xususiyatlarini hisobga olish va nazariy materiallarni o'zlashtirish darajasiga, motivatsiya darajasiga va elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalana olishdagi faollik darajasiga qarab mazmun o'zgaruvchanligining ta'minlanishi;

rivojlanish mezoni-individual ta'lim trayektoriyasi aqliy qobiliyatlarning sifat va miqdoriy ko'rsatkichlarini, shu jumladan, matematik ko'rsatkichlarni ishlab chiqishga ko'maklashadi, ularning kasbiy faoliyat jarayonida qo'llanilishiga e'tibor qaratadi;

ta'lim jarayonini intensivlashtirish mezoni-individual ta'lim trayektoriyasi ta'lim

sikllari va bosqichdan bosqichga o'tish muddatlarini, bosqichlar davomiyligida talabning salohiyatini maksimal darajada ro'yobga chiqarishga ko'maklashadi [1];

teskari aloqa mezonini o'quv jarayonida mustaqil ta'lim trayektoriyasini qurish asosida talabaga dasturlash muhitidagi joriy va bo'lajak harakatlar, ularning natijalari va o'quv faoliyatining har bir qadamidagi sabablari haqida ma'lumot beradi.

Kasbiy kompetentlikni elektron muhitda rivojlanishini ta'minlovchi kasbiy faoliyatda matematik tahlil va modellashtirish usullarini qo'llashga tayyorlikni rivojlantirishga qaratilgan o'qitish vositalari, usullari va shakllarini batafsilroq ko'rib chiqishga o'taylik. Ular o'quv materiali mazmunini tanlashning ishlab chiqilgan mezonlaridan kelib chiqib, uni rivojlantirishning tanlangan didaktik tamoyillarini hisobga olgan holda belgilanadi.

Mustaqil ta'lim-an'anaviy va elektron ta'lim texnologiyalarining integratsiyasi va o'zaro komplementligiga asoslangan ta'lim shakli bo'lib, an'anaviy o'quv mashg'ulotlarining bir qismini elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanishni [2]. Elektron ta'limning mustaqil ta'lim shakliga o'tish an'anaviy texnologiyalarni o'zgartiradi va ilgari mumkin bo'lgan ta'lim jarayonining samaradorligini faqat o'qituvchi bilan talabning taraqqiyotini diqqat bilan kuzatib boradi va unga materialni bayon qiladi. Elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib ta'limni tashkil etishda yuzaga keladigan asosiy qiyinchiliklarga quyidagilar kiradi: talabalarni o'quv jarayoniga jalb qilishning qiyinligi va mustaqil bajarishga motvatsiyaning yo'qligi [3].

Mustaqil ta'limda tavsiya etilgan metodikada ta'lim jarayonini intensivlashtirishga teskari pedagogik loyihalash texnologiyasi [4] asosida darsni loyihalash va barcha bosqichlarda ta'lim jarayonining aloqasini takomillashtirish orqali erishiladi.

Ta'limning aralash shaklini amalga oshirish talabning subektiv pozitsiyasini shakllantirishga undaydi: uning motivatsiyasi, mustaqilligi, ijtimoiy faolligini oshirish.

Elektron ta'limda dasturlash muhitidan foydalanib "Dasturiy injiniring" bakalavriat ta'lim yo'nalishi talabalarining matematik kompetentligini rivojlantirishga qaratilgan o'quv vositalariga elektron o'quv kursi elementlari kiradi: ma'ruza-treninglar, test, amaliy dasturiy paketlarda va dasturlash tillarida amalga oshiriladigan individual va guruhviy vazifalar.

Ma'ruzalarda tuzilgan nazariy materialdan foydalanib mustaqil ish jarayonida bilim olishni soddalashtirish, dasturlash muhitida ta'lim samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Elektron ta'lim muhitidan foydalanib o'qitishda o'quv materialini taqdim etishning mumkin bo'lgan shakllaridan biri sifatida kiritilishi zamonaviy o'qitish usullaridan foydalanish imkoniyatini oshiradi. Bu esa ta'limning an'anaviy shakllarini dasturlash tillari bilan qisman almashtirish imkoniyatini beradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, bo'lajak dasturchilarni kasbiy faoliyatning loyihaviy-konstruktorlik faoliyat turiga tayyorlashda umumkasbiy fanini zamonaviy axborot va ilg'or pedagogik texnologiyalardan keng foydalanib o'qitish muhim ahamiyat kasb etadi. Yuqorida keltirib o'tilgan pedagogik texnologiyalarni qo'llanilishi talabalarni o'quv materiallarni mustaqil o'rganishiga, talabalarda amaliy va nazariy ko'nikmalarni shakllanishi va bo'lajak mutaxassislarini kasbiy kompetensiyalarini asosli ravishda rivojlantirishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Вербицкий, А.А. Личностный и компетентностный подходы в образовании: проблемы интеграции / А.А. Вербицкий.-М. Логос, 2009.-339 с.
2. Воронина, Л.В. Математическая культура личности / Л.В. Воронина, Л.В. Моисеева // Педагогическое образование в России. – 2012. – №. 3.
3. Alderfer, C.P. Existence, relatedness, and growth: Human needs in organizational settings / C.P. Alderfer.– 1972. – С. 212

4. Харитонов, Е.В. Об определении понятий «компетентность» и «компетенция» [Электронный ресурс] / Е.В. Харитонов // Успехи современного естествознания. - 2007. - № 3. - С. 67.

5. Turayev S.J, Dasturiy vositalar asosida talabalarni kasbiy faoliyatga tayyorlash metodikasini takomillashtirish. PhD dissertatsiya. Tosh. -2019 y. 198 b

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada dasturlash muhitida kasbiy kompetentlikni rivojlantirishga yo'naltirilgan o'qitish shakllari, vositalari va usullari ko'rib chiqilgan bundan tashqari bo'lajak dasturchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda fanlarga integratsiya muhim ahamiyatga ega ekanligi ko'rsatib o'tilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье мы рассмотрели формы, инструменты и методы обучения, направленные на развитие профессиональной компетентности в среде программирования, кроме того, было показано, что интеграция науки важна при подготовке будущих программистов к профессиональной деятельности.

SUMMARY

In this article, we examined the forms, tools and methods of training aimed at developing professional competence in the programming environment, in addition, it was shown that the integration of science is important in preparing future programmers for professional activity.

## ИНДУКТИВ НАЗАРИЙ УМУМЛАШТИРИШ МЕТОДИ АСОСИДА ИССИКЛИК СИГМИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ

Исмоилов Д.М.

(PhD) Қарши муҳандислик-

иқтисодиёт институти “Физика ва электроника” кафедраси доценти

**Таянч сўзлар:** педагогик технология, эмпирик, термодинамика, иссиқлик сигими, квант назария, энергия, эркинлик даража, иссиқлик сигими.

**Ключевые слова:** педагогическая технология, эмпирическая, термодинамика, теплоемкость, квантовая теория, энергия, степени свободы, теплоемкость.

**Key words:** pedagogical technology, empirical, thermodynamics, heat capacity, quantum theory, energy, degrees of freedom, heat capacity.

Республикамиз ижтимоий ҳаётига кенг қўламли ва шиддатли тезликдаги ахборотлар оқими кириб келмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ва талабаларга етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Термодинамиканинг эмпирик асоси – бу эмпирик илмий далиллар бўлиб, улар экспериментал маълумотларни индуктив назарий умумлаштириш методи билан қурилади. Эмпирик газ қонунлари, Дюлонг ва Пти эмпирик қонуни, Ю.Майернинг эмпирик умумлаштиришлари ва бошқалар термодинамиканинг эмпирик қонунларига мисол бўла олади.

Таълим–тарбия жараёнининг педагогик ва психологик асосларини ХХI ас даражасидаги таҳлиладан шу нарса аниқ бўлдики, ҳозирги кундаги ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги илмий дунёқарашни классик назариядан квант назариясигача бўлган тушунчаларни қамраб олишга қодир. Маълумки, бирор модданинг тўла энергияси деганда шу модданинг кинетик энергияси билан модданинг ташқи кучлар майдонидаги потенциал энергияси ҳамда шу модда зарраларининг ички энергияларининг йиғиндиси қуйидагича:

$$W = W_k + W_p + U \quad (1)$$

Ички энергия система ҳолатини белгилайди, яъни у системанинг ҳолат параметрлари  $U = f(P, V, T)$  нинг бир қийматли функцияси бўлади. Газ молекуласининг  $i$  – эркинлик даражаси деганда, шу газ ҳолатини тўла аниқловчи ва бир – бирига боғлиқ бўлмаган координаталар сони тушунилади. Модда бир атомли бўлса  $i = 3$ , икки атомли бўлса  $i = 5$ , уч атомли ва ундан ортиқ бўлса  $i = 6$  га тенг бўлади. Классик назарияга асосан молекуланинг тўла механик энергияси эркинлик даражалари бўйича тенг тақсимланади. Бир моль модда учун ички энергия [1]:

$$U_m = \frac{i}{2} RT \quad (2)$$

Ифодага тенг бўлади. Бунда  $R = 8,31 \frac{J}{mol \cdot K}$  – газнинг универсал доимийсидир.

Ўзгармас идеал газнинг моляр иссиқлик сифими  $C_V$  билан белгиланади ва қуйидагича ёзилади:

$$C_V = \frac{dU_m}{dT} = \frac{i}{2} R \quad (3)$$

Газнинг ўзгармас босимдаги моляр иссиқлик сифими

$$C_P = \frac{dQ}{dT} = \frac{dU_m}{dT} + \frac{\delta A}{dT} = C_V + R = \frac{i+2}{2} R, \quad (4)$$

ифода билан ёзилади ва Роберт–Майер тенгламаси дейилади. (4) ифодани (3) га

нисбатидан адиабата кўрсаткичи  $\gamma = \frac{C_P}{C_V} = \frac{i+2/2}{i/2} = \frac{i+2}{i}$  келиб чиқади. (3) ва (4)

формулалар ёрдамида бир, икки ва кўп атомли молекулалардан иборат бўлган моддаларнинг ўзгармас ҳажм ва босимдаги моляр иссиқлик сифимларини назарий ҳисоблаш мумкин [2]:

$$\begin{cases}
 i = 3 \text{ бўлса,} & \begin{cases}
 C_V = \frac{i}{2} R = \frac{3}{2} R = \frac{3}{2} \cdot 8,31 \frac{J}{mol \cdot K} = 12,47 \frac{J}{mol \cdot K}, \\
 C_P = \frac{i+2}{2} R = \frac{5}{2} R = \frac{5}{2} \cdot 8,31 \frac{J}{mol \cdot K} = 20,78 \frac{J}{mol \cdot K}.
 \end{cases} \\
 i = 5 \text{ бўлса,} & \begin{cases}
 C_V = \frac{i}{2} R = \frac{5}{2} R = \frac{5}{2} \cdot 8,31 \frac{J}{mol \cdot K} = 20,78 \frac{J}{mol \cdot K}, \\
 C_P = \frac{i+2}{2} R = \frac{7}{2} R = \frac{7}{2} \cdot 8,31 \frac{J}{mol \cdot K} = 29,09 \frac{J}{mol \cdot K}.
 \end{cases} \\
 i = 6 \text{ бўлса,} & \begin{cases}
 C_V = \frac{i}{2} R = \frac{6}{2} R = \frac{6}{2} \cdot 8,31 \frac{J}{mol \cdot K} = 24,94 \frac{J}{mol \cdot K}, \\
 C_P = \frac{i+2}{2} R = \frac{8}{2} R = \frac{8}{2} \cdot 8,31 \frac{J}{mol \cdot K} = 33,25 \frac{J}{mol \cdot K}.
 \end{cases}
 \end{cases} \quad (5)$$

Бу топилган натижаларни баъзи газлар учун тажрибада топилган моляр иссиқлик сифимлари билан солиштирайлик. Тажриба натижаларига кўра бир атомли газлар гелий ва аргон учун  $C_V = 12,48 \frac{J}{mol \cdot K}$ ,  $C_P = 20,94 \frac{J}{mol \cdot K}$

га тенг бўлиб, натижа классик назария асосида  $C_V = 12,48 \frac{J}{mol \cdot K}$ ,  $C_P = 21,23 \frac{J}{mol \cdot K}$

га тенг бўлиб, натижа классик назария асосида ҳисобланган (5) ифодага жуда яқин келганлигини кўриш мумкин. 1819 йилда Дюлонг ва Пти қаттиқ жисмларнинг иссиқлик сифимларини ўлчаш асосида барча кимёвий

элементлар каттик ҳолатда бир хил моляр иссиқлик сифимига эга бўлиб, тахминан  $3R$  га тенг бўлишини кўрсатди. Молекулалари икки атомдан ташкил топган  $H_2, N_2$  газлар учун

$$(C_V^{H_2} = 20,39 \frac{J}{mol \cdot K}, C_P^{H_2} = 28,76 \frac{J}{mol \cdot K}, C_V^{N_2} = 20,77 \frac{J}{mol \cdot K}, C_P^{N_2} = 28,64 \frac{J}{mol \cdot K})$$

ҳам тажриба ва назария натижалари орасида етарлича мослик мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин молекулалари уч ва undan ортик атомдан ташкил топган газлар

учун тажриба натижалари, масалан, сув буғлари ва метан газлари ( $C_V^{H_2O} = 27,84 \frac{J}{mol \cdot K}$ ,

$$C_P^{H_2O} = 36,22 \frac{J}{mol \cdot K}, C_V^{CH_4} = 27,26 \frac{J}{mol \cdot K}, C_P^{CH_4} = 35,63 \frac{J}{mol \cdot K})$$

учун назарий ҳисобларга мос келади [3].

Тажриба натижалари иссиқлик сифимининг температурага боғлиқ бўлиб, иссиқлик сифими фақат айрим температура оралиқларидагина ўзгармайди ва улар эркинлик даражасининг турли қийматларига мос келади. Паст ва юқори температураларда амалий қийматларнинг назарий қийматлардан фарқи етарли даражада катта. Бундан кўринадики, моддалар иссиқлик сифимининг температурага боғлиқлигини классик назария тушунтира олмайди.

XX аср бошларида М.Планк ва А.Эйнштейн томонидан асос солинган квант назарияси нафақат нуриланиш назариясини, балки иссиқлик сифими ва шунга ўхшаш катталарнинг турли назариясини яратиб бердики, бу физика фанида катта инқилобий бурилиш бўлди. Квант назарияси асосида модда зарралари тўлқин хоссасига эга бўлиб, илгариланма, айланма ҳаракатдан ташқари тебранма ҳаракат ҳам қиладилар ва ўзларини гармоник осциляторлар сингари тутди. Гармоник осциляторнинг энергияси фақат дискрет қийматлар қабул қилади ҳамда икки қўшни энергиявий сатҳлар орасидаги фарқ ўзгармас бўлиб,

$$\Delta E = h\nu \tag{6}$$

квант энергиясига тенг бўлади. Бунда  $h$  – Планк доимийси. Унинг физик маъноси энг кичик таъсир кванти бўлиб, ўлчамлари классик физикадаги  $S$  – таъсир функцияси билан бир хил, яъни  $h = 6,63 \cdot 10^{-34} J \cdot s$  бўлади.  $\nu$  – гармоник осциляторнинг тебраниш частотаси [4].

Қаттиқ жисмларнинг иссиқлик сифимининг квант назариясини биринчи бўлиб 1906 йилда А.Эйнштейн таклиф этди. Бу назарияга кўра қаттиқ жисмнинг барча атомлари бир хил частота билан иссиқлик тебранма ҳаракатида бўлади. Бунда гармоник осциляторнинг ўртача энергияси

$$\bar{\epsilon} = \frac{h\omega}{e^{\frac{h\omega}{kT}} - 1} \tag{7}$$

га тенг бўлади. Бунда  $\hbar = \frac{h}{2\pi}$ ;  $\omega = 2\pi\nu$ . А.Эйнштейн назариясига кўра қаттиқ жисмнинг иссиқлик сифими  $T \rightarrow 0$  да экспоненциал қонунга асосан нолга интилади.

Куйида иссиқлик сифимига доир масалалар ва уларни ечиш методикасини келтириб ўтамыз:

**1-масала.** Иссиқлик сифимининг классик назариясидан фойдаланиб кислороднинг

1)  $V = const$  ва 2)  $P = const$  бўлганда солиштирма иссиқлик сифими топилсин.

**Ечилиши:** Кислород икки атомли молекула. Шунинг учун  $i = 5$ . Классик назарияга асосан моляр иссиқлик сифимини. Керакли доимийларни ўрнига қўйиб, ҳисобласак:

$$1) \text{Кислороднинг моляр массаси } \mu = 32 \cdot 10^{-3} \frac{kg}{mol}, R = 8,31 \frac{J}{mol \cdot K}.$$

$$C_V = \frac{i}{2}R; c = \frac{C_V}{\mu} = \frac{i}{2\mu}R = \frac{5 \cdot 8,31}{2 \cdot 32 \cdot 10^{-3}} = 650 \frac{J}{kg \cdot K};$$

$$C_p = \frac{i+2}{2} R; c = \frac{C_p}{\mu} = \frac{i+2}{2\mu} R = \frac{7 \cdot 8,31}{2 \cdot 32 \cdot 10^{-3}} = 909 \frac{J}{kg \cdot K}.$$

**2-масала.** Эйнштейн назарияси бўйича рух кристали учун моляр нолинчи энергия  $U_{m0}$  ҳисоблансин. Рух учун характеристик температура  $\theta_D = 230K$ .

**Ечилиши:** Эйнштейн назарияси бўйича моляр нолинчи энергиясига асосан керакли доимийларни ўрнига қўйиб, ҳисоблаймиз:

$$U_{m0} = \frac{3}{2} R \theta_E = \frac{3}{2} \cdot 8,31 \frac{J}{mol \cdot K} \cdot 230 K = 2867 \frac{J}{mol}.$$

**3-масала.** Иссиқлик сизимининг квант назариясидан фойдаланиб водород гази моляр иссиқлик сизимининг ҳароратга боғлиқлиги ҳисоблансин ва графиги чизилсин.


Ечилиши: Квант назарияга асосан моляр иссиқлик сизимининг формуласини жадвалдан топамиз. Керакли доимийларни ўрнига қўйиб, ҳисоблаймиз: Водород гази икки атомли молекула. Унинг тебраниш частотаси  $\nu_0 = 1,3186 \cdot 10^{14} Hz$  [4].

Эйнштейннинг характеристик ҳарорати

$$\theta_E = \frac{\hbar \omega}{k} = \frac{h \nu_0}{k} = \frac{6,63 \cdot 10^{-34} J \cdot s \cdot 1,3186 \cdot 10^{14} Hz}{1,38 \cdot 10^{-23} \frac{J}{K}} = 6,34 \cdot 10^3 K.$$

Паст ҳароратларда ( $T \ll \theta_E$ ) моляр иссиқлик сизими (7) формулага асосан

$C_m = 3R \cdot \left(\frac{\theta_E}{T}\right) \exp\left(-\frac{\theta_E}{T}\right)$  бўлади. Бундан кўринадики, моляр иссиқлик сизими фақат ҳароратга боғлиқ бўлар экан (1-расм).



**1-расм.** Иссиқлик сизимининг температурага боғлиқлиги

Расмдан кўринадики, масала ечими учун умумий алгоритмни ўқувчига етказиш фойдали бўлиб, ҳар қандай мураккаб масалаларни тез ва аниқ ечишга имкон беради деб ҳисоблаш мумкин [5]. Физик назариялар мазмунининг тузилиши ҳақида билимларни шакллантириш мақсадида эътиборни ҳар қандай назариянинг фундаментал ядросидан назарий оқибатгача дедуктив тарзда қурилган мулоҳазалар кетма – кетлигидан иборат эканлигига қаратиш лозим.

Адабиётлар:

1. Яковлев В.Ф. Курс физики. Теплота и молекулярная физика. –Москва, Просвещение, 1976.
2. Свирский М.С. Электронная теория вещества. – М.: Просвещение, 1980.
3. Хошимов Ғ.Х. Квант механикаси асослари.–Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Серова Ф.Г. и др. Задачник практикум по теоретической физики. –М.: Просвещение, 1982.
5. Турсунов Қ.Ш., Тошпўлатов Ч.Х. Физика таълими технологияси. Методик қўлланма.–Қарши, Насаф, 2012.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жисмларнинг иссиқлик сизимларига доир масалаларни квант назарияси асосида ечимини топиш методикаси кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга ахборотларни тезкор қабул қилиш, таҳлил қилиш ҳамда қайта ишлаш жараёни назарий жиҳатдан умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье показана методика решения задач теплоемкости тел на основе квантовой теории. А также теоретически обобщается процесс быстрого приема, анализа и обработки информации.

SUMMARY

This article shows a method for solving problems of heat capacity of bodies based on quantum theory. The process of rapid reception, analysis and processing of information is also theoretical generalized.

## ФИЗИКА ЎҚИТИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ТАЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Одиллов Ё. Ж.*

*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот  
технологиялари университети Қарши филиали ассистенти*

**Таянч сўзлар:** мотивация, методологик, шакллантирувчи, лойиҳавий-конструкторлик, алгоритмик, математик моделлаштириш, конструкция, дастурлаш, интерфаол, коммуникатив

**Ключевые слова:** мотивационный, методологический, формирующий, проектно-конструкторский, алгоритмический, математическое моделирование, конструирование, программирование, интерактивный, коммуникативный.

**Key words:** motivation, methodological, formative, project-design, algorithmic, mathematical modeling, construction, programming, interactive, communicative.

Физикавий ҳодиса ва жараёнларни лойиҳалаш ва конструкциялаш учун техника ОТМ да дастурчи-муҳандисларни тайёрлашда таълим жараёнини физика курсининг билимларидан фойдаланиб ташкил этиш бир неча босқичда амалга оширилади: лойиҳалаш фаолияти босқичларини амалга ошириш билан боғлиқ мотивацион, услубий, шакллантирувчи ва физик масалаларни мустақил ҳал қила олиш босқичлари.

«Дастурий инжиниринг» бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасида «Физика» курси билан параллел равишда биринчи семестрда ўрганиладиган «Дастурлаш» фани киритилган. Ушбу фан касбий фаолият объектларини аниқлаш ва белгилаш учун хизмат қилади. «Дастурлаш» фанини ўрганишда талабалар профессор-ўқитувчи раҳбарлигида турли техник билимларга оид масалаларни замонавий дастурлаш тиллари ёрдамида ҳал этиш ва уларнинг усулларини ўрганишдан иборат [1].

Мотивацион босқичда талабаларнинг физикавий ҳодиса ва жараёнларни лойиҳалаш ва конструкциялаш фаолиятини ўзлаштиришлари учун зарур. Бунинг учун талабаларга лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг маълум бир босқичи билан боғлиқ бўлган касбий вазиятни тавсифловчи, уларни ҳал этиш қийинчилик туғдирадиган аниқ вазифалар таклиф этилади.

Методологик босқичда лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг муайян босқичини амалга ошириш учун умумлаштирилган ҳаракатлар тизимини ажратишдан иборат. Танланган ҳаракатлар системалари физиканинг турли бўлимлари («Механика», «Молекуляр физика ва термодинамика», «Электростатика» «Оптика») ҳақидаги билимлардан фойдаланган ҳолда бажарилиши мумкинлиги сабабли лойиҳавий-конструкторлик фаолияти босқичларини бажаришнинг умумлашган усуллари тегишли мавзуларни изчил ўрганиш билан аста-секин очиб берилади [1, 2]. Умумлашган методни ишлаб чиқиш фаолиятнинг мақсадига айланиши учун талабалар шу фаолиятга киритилишлари керак.

Шаклантирувчи босқичда физика курсининг тегишли бұлимларини ўрганиш давомида бир неча марта ташкил этилади. Методологик босқичдан сўнг «Механика» бұлимини ўрганишда талабалар “физикавий ҳодиса ва жараёнлар ёки унинг алоҳида элементларининг механик тавсифларини ҳисоблаш» босқичини бажаришнинг умумлаштирилган усули асосида аниқ масалаларни ечиш учун ҳаракатларни режалаштиришга ўргатилади.

Умумлашган метод ёрдамда талабалар томонидан маълум бир вазифани ҳал қилишда ҳар бир амалнинг натижаларини қайд этиш учун фойдаланишлари мумкин. «Механика» бұлимини ўрганиш якунида талабаларга тўлиқ мустақил ечадиган амалий муҳим вазифалар рўйхати берилади (тўртинчи босқич). Масалалар ечиш натижаларининг муҳокамаси якуний дарсда, ўқув йили охирида бўлиб ўтади.

Шунингдек, талабалар лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг тегишли босқичларини бажаришлари учун умумлашган усулларни шаклантириш мақсадида «Молекуляр физика ва термодинамика», «Оптика» бұлимларини ўрганганда шаклантирувчи босқич ташкил этилади: «Иссиқлик балан тенгламалари», «Ёруғлик ҳодисалари». Бунинг сабаби шундаки, лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг аниқ босқичларини бажариш усулларининг ҳаракатларини физика курсининг айрим бұлимларини билиш ёрдамида бажариш мумкин [2].

Лойиҳавий-конструкторлик муаммоларни мустақил ҳал қилиш босқичида (тўртинчи босқич) физика дарсларида ва махсус фанларни ўрганиш, диплом лойиҳаларини ишлаб чиқиш доирасида, курс лойиҳаларини амалга оширишда техник мазмундаги физикавий муаммоларни, жумладан, лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг ҳар қандай босқичини тўлиқ мустақил ҳал қилишни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқилган ўқитиш методикасини амалга оширишнинг тўртинчи босқичининг давоми ҳисобланади [5, 1].

Физика курсини ўрганиш давомида лойиҳавий-конструкторлик фаолияти босқичларини бажариш учун талабалар гуруҳини шаклантирган ҳолда махсус вазифалар ишлаб чиқилган бўлиб, физикавий ҳодиса ва жараённи лойиҳалаш, конструкциялаш ва дастурлаш билан боғлиқ мақсадни ифодалайди [4].

Лойиҳавий-конструкторлик касбий фаолияти босқичларини бажаришнинг умумлашган усулларини эгаллаш учун мотивацион босқич ташкил этилади. Мотивацион босқич такроран ўтказилади [5]. Биринчи марта-физика курсининг тегишли бұлимлари (механика, молекуляр физика ва термодинамика, оптика) ни ўрганиш бошланишидаги маърузаларда. Иккинчи марта - ҳар бир бұлимни ўрганиш охирида ва учинчи марта-физика курсини ўргангандан сўнг якуний дарсда. Биринчи маърузадан мақсад талабаларни дастурий лойиҳалаш фаолиятини амалга ошириши учун физикавий билимлар зарурлигини тушунтиришдан иборат [2]. Биринчи маъруза машғулотида ўқитувчи талабаларга савол беради: «Нима учун дастурчи-муҳандис физикавий билимга муҳтож?». Бу саволга қўплаб талабаларнинг жавобларини тинглаш лозим. Таклиф қилинган жавоблар ҳар хил ва уларни баҳолаш шарт бўлмаслиги мумкин. Баъзи талабалар дастурчи-муҳандислар учун физикавий билимлар умуман керак эмас деб ҳисоблайди, баъзи талабалар эса физикавий билимлар фақат айрим ҳаракатларни бажариш учун керак деб ҳисоблайди [3]. Ҳар қандай дастурчи физикавий билимлар асосида қўплаб муаммоларни ҳал қилиши керак.

Талабалар физикадан масалаларни физикавий билимлар асосида ҳал қилишга даъват этилади. Талабаларнинг келгусидаги амалий касбий фаолиятда юз берадиган барча вазифаларни ечимини топиш имкониятини беради. Савол туғилади: “Дастурий-муҳандислик масалаларини ҳал қилиш йўлларини эгаллаш мумкинми?»



[4, 6]. Кўриниб турибдики, агар талаба ўз муҳандислик йўналишининг асосий касбий фаолиятини танлай олса, уни муайян босқичларга ажратиб, ҳар бир босқични физикавий билимлардан фойдаланиб бажариш йўлларини ишлаб чиқа олса, кейинчалик, ўқитувчи талабаларни дастурчи-муҳандисликнинг асосий амалий фаолияти фаолияти лойиҳалаш ва конструкциялаш эканлигини кўрсатиб бера олади, унинг мазмуни 1-расмда кўрсатилган блок-схемада келтириб ўтилган [1, 2].


Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган блок-схема дастурчи-муҳандиснинг лойиҳавий-конструкторлик фаолиятига тайёргарлик кўриш йўналишини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, талабалар билан биргаликда физикавий билимлардан фойдаланган ҳолда аниқ амалга ошириладиган босқичлар қуйидагича:

- 1) физикавий ҳодиса ва жараёнларни ёки унинг алоҳида элементларининг хусусиятларини аниқлаш;
- 2) масалада келтирилган алоҳида катталикларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш;
- 3) масала шартига кўра берилган катталикларни аниқлаш ва ечимини топишни математик аппаратдан фойдаланган ҳолда алгоритмлаш;
- 4) алгоритмик кетма-кетликка асосланган ҳолда математик моделлаштириш;
- 5) физик жараённи лойиҳалаш;
- 6) физик жараённи конструкциялаш;
- 7) дастурлаш;
- 8) ташхислаш ва натижа олиш.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак «Дастурий инжиниринг» талабаларини муҳандисларнинг ахборот-коммуникация компетенциясини шакллантиришда, ўқув жараёнини модернизациялашда ва чет тилидаги ўқув курсларининг мазмунини янгилашда ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш муҳимлиги ва шу билан бирга ушбу фан касбий фаолият объектларини аниқлаш ва белгилаш учун хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Тўраев С.Ж. Касбий педагогика. Услубий қўлланма. –Қарши: 2020. -121б.
2. Тўраев С.Ж. Таълимда ахборот технологиялари. Услубий қўлланма.- Қарши: 2020.-102 б.
3. Тўраев С.Ж. Дастурий воситалар асосида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш. Диссертация PhD: 13.00.05. Тошкент. 2019 й
4. Тураев С.Ж. Повышение качества профессиональной деятельности студентов с привлечением к научному проекту. «Инновации в технологиях и образовании», 21-22 марта 2019 г., Филиал КузГТУ в г. Белово. – Белово: 2019. – Ч. 4. -240-241 с.
5. Одилов Ё.Ж.// Физика фанини ўқитиш асосида талабаларининг лойиҳавий-конструкторлик фаолиятини ривожлантириш// Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў. Илмий-методикалык журнал. – Нөкис, 2021. № 2. Б. 22-28. (13.00.00; № 20).
6. Turaev S.J. (2019) "Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics" Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1 : Iss. 10 , Article 55. –P. 292-297.



РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Олий таълим муассасаларида бўлажак дастурчиларни “Физика” фанини ўқитиш асосида уларни лойиҳавий-конструкторик фаолиятга тайёрлаш методикаси ёритилган. Талабаларни турли техник билимларга оид масалаларни замонавий дастурлаш тиллари ёрдамида ҳал этиш усуллари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются методы подготовки будущих программистов к проектно-конструктивной деятельности на основе преподавания предмета «Физика» в высших учебных заведениях. Описаны методы решения вопросов студентов по различным техническим знаниям с помощью современных языков программирования.

SUMMARY

This article discusses the methods of preparing future programmers for design and constructive activities based on teaching the subject «Physics» in higher educational institutions. Methods of solving students' questions on various technical knowledge using modern programming languages are described.

## BIOLOGIYA FANLARINI O'QITISHDA YANGI PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA TA'LIM JARAYONINI TASHKIL ETISH VA UNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH

*Kamolova Z.M.*

*NavDPI, magistrant*

**Tayanch so'zlar:** pedagogik texnologiya, o'qituvchi shaxsi, metodik daraja, muammoli texnologiya, munozarali dars.

**Ключевые слова:** педагогическая технология, личность учителя, методическая степень, проблемная технология, дискуссионное занятие.

**Key words:** pedagogical technology, teacher's personality, methodical level, problem technology, discussion lesson.

So'nggi yillarda mamlakatimizda biologiya fanini samarali o'qitishga katta ahamiyat berilmoqda. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidankimyo va biologiya fanini rivojlantirish, “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyot yili” Davlat dasturining ustuvor vazifalari qatorida belgilangan. Shuningdek, muhtaram Prezidentimizning 2020-yil 12-avgustda “Kimyo va biologiya yo’nalishlarida uzluksiz ta’lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-4805-sonli qarori qabul qilindi.

Biologiya fani STEAM ta’lim tizimi yo’nalishlaridan biri bo’lgan – tabiiy fanlar tarkibida ham mavjudligi, umumiy o’rta ta’lim maktablarida ushbu fanni zamon talablariga mos holda o’qitishni talab qiladi. Yangilangan ta’limda o’quvchining ilmiy bilish salohiyatini oshirish, uni har tomonlama rivojlantirib, bilimdan-bilimga yetaklab olib chiqish uchun zamonaviy darslar zarurdir.

Bunda o’qituvchilarga “pedagogik texnologiya” tushunchasi yordamga keladi. Bu tushuncha bugungi kunda ta’lim sohasiga juda chuqur singib ketdi. Sababi bu texnologiyaning ta’lim sohasidagi yutuqlari va afzalliklari yetarlicha o’rganilib, tahlil qilib chiqildi hamda ta’limning barcha sohalarida bu texnologiya keng qo’llanilib kelinmoqda.

Pedagogik sohadagi ilmiy metodik adabiyotlarda, ta’lim muammolariga oid ma’ruzalar, rasmiy hujjatlarda «yangi pedagogik texnologiya», «ilg’or pedagogik texnologiya», «zamonaviy ta’lim texnologiyasi» ga oid tushunchalari hali ham bir qolipga tushirilmagan va ensiklopediyalarda ham t’ola izohlanganicha yo’q, uning mazmunini yagona talqini ishlab chiqilmagan va shuning uchun iboraning bir-biridan farqlanuvchi ko’pgina ta’riflari mavjud.

Pedagogik texnologiya - shunday bilimlar sohasiki, ular vositasida uchinchi ming yillikda davlatning ta'lim sohasidagi siyosatida tub burilish yuz beradi, o'qituvchi faoliyati yangilanadi, o'quvchi va talaba yoshlarda hurfikrlilik, bilimga chanqoqlik, Vatanga mehruhabbit, isonparvarlik tuyg'ulari tizimi shakllantiriladi.

Pedagogik texnologiyalarning uchta darajasi mavjud:

1. Umumiy metodik daraja. Bunda umumiy pedagogik (umumdidaktik, umumtarbiyaviy) darajada pedagogik texnologiyaning umumiy qonuniyatlari, konseptual asoslari, o'qituvchi va o'quvchining bilish faoliyatini tashkil etish va boshqarishning o'ziga xos xususiyatlari ishlab chiqiladi.

2. Xususiy metodik darajada muayyan bir o'quv fani, kursni o'qitish jarayonining maqsadi va vazifalarini amalga oshirish maqsadida ta'lim mazmunini o'quvchilar ongiga singdirishda foydalaniladigan o'qitish metodlari, vositalari va shakllarining majmuasi tushuniladi.

3. Lokal (modul) darajada ta'lim-tarbiya jarayonining ma'lum bir qismida mazkur qismning xususiy didaktik va tarbiyaviy maqsadini hal etishga qaratilgan texnologiya tushuniladi.

Pedagogik texnologiyalarning yuqorida qayd etilgan uchta darajasi bir-birini to'ldiradi va taqozo etadi. Pedagogika nazariyasi va amaliyotida ta'lim-tarbiya jarayonida ko'plab yondashuvlarmavjud. Pedagogik texnologiyalarni xarakteri ana shu yondashuvdan kelib chiqadi. Ularni bir necha turga ajratish mumkin:

1. Komputerli axborot texnologiya
2. Pedagogik o'yinlar texnologiyasi
3. Modulli texnologiya
4. Dasturli o'qitish texnologiyasi
5. Multimediali texnologiya
6. Boshqaruv texnologiyasi
7. Interfaol usulli texnologiya
8. Mualliflik texnologiyasi
9. Muammoli texnologiya
10. Pedagogik hamkorlik texnologiyasi

Pedagogik texnologiyalar o'z mazmuni, maqsadi, metodlari va vositalariga ko'ra bir-biriga o'xshash. Ular orasida muammoli ta'lim texnologiyalari o'quvchilarning bilimlarni o'zlashtirish darajasini orttirish, ko'nikmalarni malaka darajasiga yetkazish maqsadida qo'llanilib, unda o'quvchi o'quv materialini tahlil qiladi, taqqoslaydi, sintezlaydi, ma'lumotlarni umumlashtirib, yangi axborot oladi. Boshqacha aytganda, avval o'zlashtirgan bilim va ko'nikmalarini yangi vaziyatlarda qo'llab, bilimlarni chuqurlashtiradi, kengaytiradi.

Ta'lim jarayonida salmoqli o'rin egallagan muammoli "aqliy hujum" darsi, munozarali (ilmiy munozarali va erkin fikrlash) darslar muammoli ta'lim texnologiyasiga asoslanadi. Mazkur darslarning o'ziga xos jihati dars davomida vujudga keltirilgan muammoli vaziyatlarga asoslanadi.

Muammoli ta'lim deb, o'qituvchi tomonidan pedagogik ta'sir ko'rsatishning eng muqobil varianti yordamida fikr yuritish qonuniyatlariga tayangan holda, o'quvchilarning bilimlarni o'zlashtirish jarayonida fikrlash qobiliyatini rivojlantirish va bilish ehtiyojini qondirish maqsadiga yo'naltirilgan, shaxsning umumiy va maxsus rivojlanishiga zamin tayyorlaydigan jarayonga aytiladi. Muammoli ta'lim jarayonida o'qituvchi rahbarligida muammoli vaziyat vujudga keltirilib, mazkur muammo o'quvchilarning faol mustaqil faoliyati natijasida bilim, ko'nikma va malakalarni ijodiy o'zlashtirish va aqliy faoliyatini rivojlantirishga imkon beradi. O'quvchilar muammoli vaziyatlarni hal etish jarayonida

izlanadi va muammolar yechimini topadi. O'quvchilarni ijodiy va mantiqiy fikr yuritishga o'rgatish, aqliy faoliyat usullarini egallashga, ularda ilmiy, tanqidiy-tahliliy, mantiqiy fikr yuritish ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishga olib keladi.

Masalan, "Sutemizuvchilarning hayotiy faolligi yuragining hajmiga bog'liq, hasharotlarda ham shundaymi?" degan savolga javob topish uchun o'quvchilar avval sutemizuvchi hayvonlar va hasharotlarning qon aylanish sistemasini taqqoslashi, qonning bajaradigan funksiyalarini eslashi, ular o'rtasidagi farqni belgilashi, to'plangan ma'lumotlar asosida xulosa yasab, fikrini dalillashi lozim. Savolning bu tarzda muammoli qo'yilishi o'quvchilarda tahliliy va mantiqiy fikr yuritish ko'nikmalarini egallashga imkon beradi.

Muammoli ta'limning muvaffaqiyati quyidagi omillarga bog'liq:

- muayyan mavzuga oid o'quv materialini muammolashtirish;
- muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish orqali o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish;
- ta'lim jarayonini o'yin, mehnat faoliyati bilan uyg'unlashtirish;
- o'qituvchi tomonidan muammoli metodlardan o'z o'rnida va samarali foydalanish ko'nikmasiga ega bo'lish;
- muammoli vaziyatni hal etish yuzasidan muammoli savollar zanjirini tuzishva mantiqiy ketma-ketlikda o'quvchilarga bayon etish.

Muammoli vaziyatlardan o'quv jarayonining barcha bosqichlarida: yangi mavzu bayoni, mustahkamlash va bilimlarni nazorat qilishda muvaffaqiyatli foydalanish mumkin. Muammoli vaziyatlar tizimi muvaffaqiyatli yaratilgan hollarda mazkur mavzuni muammoli dars shaklida o'tish tavsiya etiladi. O'qitish jarayoniga muammoli darslarni qo'llash uchun o'qituvchi quyidagi masalalarni hal qilishi zarur:

- o'quv dasturi bo'yicha qaysi mavzularni muammoli dars shaklida o'tish mumkinligini belgilashi;
- mavzu matnidagi masalalar bo'yicha muammoli vaziyatni keltirib chiqaradigan savollar, topshiriqlarni aniqlashi, bunda didaktikaning ilmiylik, sistemalilik, mantiqiy ketma-ketlik, izchillik tamoyillariga amal qilishi;
- o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish va boshqarishni ta'minlaydigan vosita va usullarni aniqlashi, ulardan o'z o'rnida va samarali foydalanish yo'llarini belgilashi.

Muammoli darslarda o'qituvchining faoliyati, avvalo, mavzu mazmunidan kelib chiqqan holda, o'quv muammolarini aniqlash, muammoli vaziyatlar tizimini yaratish, o'quvchilar oldiga o'quv muammolarini yuqori ilmiy va metodik saviyada qo'yish va darsda mazkur o'quv muammolaridan samarali foydalanishga erishish, o'quvchilar faoliyatini muammolarni hal etishga yo'naltirishdan iborat bo'ladi. O'quvchilarning faoliyati muammoli vaziyatlarni idrok etish, hal qilish usullarini izlash, muammoni tahlil qilib, taxminlarni ilgari surish, taxminlarni ilmiy va mantiqiy nuqtai nazardan asoslash, isbotlash, tekshirish va xulosa chiqarishdan iborat bo'ladi. Hozirgi zamon muammoli darslarning didaktik maqsadi o'quvchilarning avval o'zlashtirgan bilimlarini muammoni hal etishda ijodiy qo'llab, yangi bilimlarni egallash ko'nikmalari, bilimlarni ijodiy o'zlashtirish va amalda qo'llash malakalari, izlanuvchanligi, qiziqishi, motivlari, mantiqiy tafakkuri, ijodiy faoliyati, aqliy kamoloti, zakovatini rivojlantirishdan iborat. Muammoli ta'lim texnologiyalari o'quvchilarda ijodiy faoliyat tajribalarining shakllanishiga imkon yaratadi. Muammoli ta'lim texnologiyasi o'qitishda muammoli vaziyatlarni vujudga keltirishga asoslanib, uni maqsadga muvofiq holda, darsning turli bosqichlari, jumladan, uy vazifasini so'rash, yangi mavzuni o'rganish, o'rganilgan mavzuni umumlashtirish va yakunlashda foydalanish tavsiya etiladi. Biologiya o'qituvchisi muammoli vaziyatlarni

darsning qaysi bosqichida vujudga keltirishni, muammoli savollarni berish yo'llarini avvaldan belgilab olgan bo'lishi lozim. O'qituvchi muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish maqsadida o'rganiladigan mavzu matnini tahlil etishi, o'quvchilarning yosh, psixologik xususiyatlarini e'tiborga olgan muammoli savollar zanjirini tuzishi zarur. Shuni qayd etish kerakki, o'qituvchi biologiyani o'qitishda muammoli vaziyatlarni vujudga keltirishning quyidagi bosqichlarini nazarda tutishi lozim:

1. O'quvchilarning aqliy faoliyatini faollashtirish, ularning faoliyatini o'quv topshiriqlarini hal etishga yo'llash orqali yangi bilimlarni egallashga zamin tayyorlash.

2. Ijodiy o'quv topshiriqlarini egallash orqali bilimlarni kengaytirish, aniqlashtirish va chuqurlashtirish.

3. Ijodiy o'quv topshiriqlarini hal ettirish orqali o'quvchilarning aqliy faoliyat usullarini egallashga imkon yaratish.

O'quv materialining o'ziga xos xususiyatlari e'tiborga olingan holda muammoli vaziyatlarni vujudga keltirishning turli usullari mavjud:

O'qituvchi muammoli savollarni avval o'rgangan o'quv materialiga oid bilimlarni faollashtirish yoki o'quvchilarning hayotiy tajribalariga asoslanib vujudga keltirishi mumkin. Jumladan, 7sinfdagi "Bir hujayrali tip", "Xivchinlilar sinfi" mavzularini o'rganishdan avval o'quvchilarning "Soxta oyoqlilar sinfi" yuzasidan o'zlashtirilgan bilimlarini faollashtirish maqsadida muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish tavsiya etiladi. Ushbu usuldan har bir mavzuning avvalgi mavzuga bog'liq masalalarini hal etishda foydalanish mumkin. "Barg" mavzusini o'rganishda o'qituvchi biolog olim Van Gelmont tomonidan o'tkazilgan tajribani bayon etadi: "Bundan uch yuz yil avval olim bochkaga 80 kg tuproq soldi va unga og'irligi

500 g bo'lgan tol novdasini ekan. Tol besh yil davomida tarkibida mineral tuzlari bo'lmagan suv bilan sug'orilgan. Besh yildan keyin aniqlanishicha, tolning og'irligi 65 kg ni tashkil etgan, tuproq miqdori esa 50 g kamaygan. Mazkur hodisaning sababini aniqlang."

"Soxta oyoqlilar sinfi" mavzusini o'qitishda quyidagi tajribani bayon etish maqsadga muvofiq: "Ikkita kolbaning birinchisiga buloq suvi, ikkinchisiga qaynatilgan suv quyildi va amyobali suyuqlik teng miqdorda solindi. Oradan bir hafta o'tgach buloq suvida amyobalar ko'payganligi, ikkinchi kolbada esa ular nobud bo'lganligi aniqlandi. Ushbu tajribaning mohiyatini tushuntiring".

Biologiya o'qituvchisi o'rganilayotgan mavzu mazmuniga bog'liq holda yuqorida qayd etilgan tajribalarga monand tajribalarning natijalarini bayon etib, ular asosida muammoli vaziyatlarni vujudga keltirishi maqsadga muvofiq.

Muammoli savolni ilgari surish. Ushbu usul o'quvchilarning avvalgi darslarda olgan bilimlarini yangi kutilmagan vaziyatlarda ijodiy qo'llashga zamin yaratadi. Quyida shunday savollardan namunalar keltirilmoqda: "Nima uchun qush tuxum po'chog'i yoriqlaridan kirgan havo bilan nafas olishiga qaramasdan embrional rivojlanishining muayyan bosqichida jabra yoriqlari vujudga keladi?", "Kir yuvgan yoki o'tin yorgan kishi qo'lini ko'p ishlatishga to'g'ri keladi. Bu holatda nima uchun yelkada charchoq seziladi?", "Nima uchun shifokor qabuliga kelgan bemorning o'naqay yoki chapaqay ekanligini bilishi lozim?". Biologiyani o'qitish jarayonida o'qituvchi yuqorida qayd etilgan tarzdagi muammoli savollarni o'rtaga tashlashi va o'quvchilarning avval o'zlashtirgan bilimlarini yangi vaziyatlarda ijodiy qo'llashi orqali ularda ijodiy faoliyat tajribalarini shakllantirishga e'tibor qaratishi lozim. Ajablanarli faktlarni bayon etish orqali mustaqil fikr yuritishni vujudga keltirish. "Odam va uning salomatligi" fanida "Immunitet" mavzusini o'rganishda o'qituvchi tomonidan quyidagi faktning bayon etilishi o'quvchilarni mustaqil fikr yuritish, o'zlashtirgan bilimlari asosida hayotiy tajribalarga ega bo'lishiga zamin tayyorlaydi: "O'tgan asrda Atlantika okeani orollarining biriga Yevropadan chechak yuqtirgan kishi kelishi natijasida chechak

epidemiyasi tarqalgan. Orolida yashovchi 7 ming kishidan faqat oltmish besh yil avval shu kasallik bilan og'rikan 98 nafar qariya omon qolgan. Ushbu fakt yuzasidan fikr bildiring”.

“1967 yil yosh jarroh Kristian Barnard birinchi bo'lib, yurakni bemorga ko'chirib o'tkazgan. Jarrohlik amaliyoti juda mohirlik va steril holatda o'tkazilganligiga qaramasdan, nima sababdan bemorning hayotini saqlab qolish imkoniyati bo'lmagan?” Ushbu usulda o'qituvchi o'rganilayotgan jarayon yuzasidan qarama-qarshi faktlarni bayon etish orqali o'quvchilarni mustaqil fikr yuritishga undaydi. Masalan, quyidagi faktlar yuzasidan o'z fikringizni bayon eting. Ma'lumki, odam jismoniy ish bajarganda arterial qon bosim muayyan darajada ortadi.

1- o'quvchi: “Odam jismoniy ish bajarganda muskullar tomonidan ajratilgan modda qon tomirlarining torayishiga olib keladi. Shu sababli qon bosimi ortadi”.

2-o'quvchi: “Odam jismoniy ish bajarganda bosh miya muskullarga signal yuboradi va ular muayyan ish bajaradi. Shu bilan birgalikda ushbu signal qon tomirlarga ham boradi, ular qisqarishi natijasida qon bosim ortadi”.

Ushbu bahsda qaysi o'quvchining fikri haqiqatga yaqinligini aniqlang. Biologiya o'qituvchisi o'rganiladigan mavzuning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda yuqorida qayd etilgan usullardan o'z o'rnida foydalanishi o'quvchilarning mustaqil va ijodiy fikr yuritish ko'nikmalarini rivojlantirish, hayotiy tajribalarni egallash, o'zlashtirgan bilimlarini yangi vaziyatlarda qo'llash orqali bilim olish usullarini egallashni nazarda tutgan holda ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini orttirishga zamin tayyorlaydi.

Muammoli dars quyidagi bosqich asosida tashkil etiladi:

1-bosqich. Psixologik jihatdan bir-biriga yaqin bo'lgan o'quvchilardan teng sonli kichik guruhlarini shakllantirish.

2-bosqich. Kichik guruhlariga muammoli savollardan iborat bo'lgan o'quv topshiriqlarini tarqatish va ularni topshiriqning didaktik maqsadi bilan tanishtirish.

3-bosqich. O'quvchilarning bilish faoliyatini o'quv muammolarini hal etishga yo'naltirish.

4-bosqich. O'quvchilarning muammoli vaziyatlarni hal etish bo'yicha axborotlarini tinglash.

5-bosqich. Kichik guruhlar o'rtasida o'quv bahsi va munozara o'tkazish.

6-bosqich. Umumiy xulosa yasash.

Munozarali darslar muammoli ta'lim texnologiyasiga asoslanadi. Munozara darslari dasturdagi muayyan bir mavzuni o'rganishga bag'ishlanadi. Mazkur darsning didaktik maqsadi: o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish orqali tahsil olishga va fanga qiziqishlarini orttirish, bilimlarini kengaytirish; o'quvchilarning avval o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini odatiy, tanish va kutilmagan yangi vaziyatlarda qo'llash orqali yangi bilimlarni egallashga erishish; o'quvchilarning bilimidagi mavhum tushunchalarni aniqlash va ularga barham berish, bilim olishga bo'lgan intilishni rivojlantirish; o'quvchilarning nutqini o'stirish, o'z fikrini lo'nda va mantiqan to'g'ri bayon etish, ularni dalillash ko'nikmalarini hosil qilish. Ilmiy munozarali darslardan “Odamning paydo bo'lishi”, “Erda hayotning paydo bo'lishi va rivojlanishi”, “Genetika asoslari” kabi mavzulardagi umumlashtiruvchi darslarda foydalanish tavsiya etiladi.

Ilmiy munozarali darslarning tuzilishi quyidagicha bo'ladi:

- o'qituvchining kirish so'zi. Bunda o'qituvchi dars mavzusining maqsadi va vazifalari, ilmiy munozara o'tkaziladigan muammolarning umumiy tafsiloti, darsda o'quvchilar guruhi bajaradigan o'quv topshiriqlari bilan tanishtiradi;
- o'quvchilar faoliyatini munozarali va muammoli masalalarni bajarishga va hal etishga yo'llash;

- o'quvchilar guruhi o'rtasida o'quv bahsi va munozarani tashkil etish; –
- o'quv bahsi va munozara yakuni;
- o'qituvchi dars davomida o'quv bahsi va munozara keltirib chiqargan muammolar yechimidagi asosiy g'oya va tushunchalarni ta'kidlab, xulosa yasaydi;
- o'quvchilar bilimini nazorat qilish va baholash. O'quv bahsi va munozaralarda faol ishtirok etgan o'quvchilar rag'batlantiriladi va reyting tizimiga muvofiq baholanadi;
- uyga vazifa berish;
- darsni umumiy yakunlash.

Odam va uning salomatligi o'quv fanida “Odamning paydo bo'lishi” bobidan o'rin olgan mavzularini o'rganishda munozarali darslardan foydalanish uchun quyidagi ko'rinishda munozarali savollar zanjiri tuziladi:

1. K.Linney, J.B.Lamark, CH.Darvinning odamning paydo bo'lishi haqidagi fikrlarini o'rganing. Siz bu fikrlarga qanday munosabat bildirasiz?
2. Nima sababdan hozirgi maymunlardan odam kelib chiqmaydi?
3. Odam va maymunning tuzilishida qanday o'xshashliklar mavjud?
4. Odamning embrional rivojlanishidagi qaysi xususiyatlari umurtqali hayvonlarga o'xshaydi? Fikringizni asoslang.

Munozarali darslarning muvaffaqiyati, avvalo, o'quvchilarning bu darsga qizg'in tayyorgarlik ko'rishiga, ular o'rtasida o'zaro hamkorlik, yordam vujudga kelganligiga, o'z fikr va mulohazalarini to'liq va mantiqan bayon qilish, uni dalillashga, o'z o'rtog'ining fikrini sabot va chidam bilan tinglash ko'nikmalarining hosil qilinganligiga, o'qituvchining iqtidori, e'tiqodi, o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtira olish ko'nikma va malakalarini egallaganlik darajasiga bog'liq bo'ladi.

Yuqoridagi fikrlarni inobatga olib shunday xulosaga kelishiz mumkinki, biologiya fanlarini zamon talabiga mos ravishda olib borishda pedagogik texnologiyalar nihoyatda katta o'rin egallaydi. O'quvchilar biologiya fani yuzasidan bilimga ega bo'lib borishlari bilan birga, o'rgangan ma'lumotlarini tahlil qilishadi, mustahkamlashadi, turli o'yinlar yordamida xotiralariga muhrlashadi. Bu esa o'quvchilar egallagan bilimlarini kelgusida amaliyotda qo'llash imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. PQ-4805 Kimyo va biologiya yo'nalishlarida uzluksiz ta'lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida” 12-avgust, 2020-yil
2. J.O. Tolpova “Biologiyani o'qitishda pedagogik texnologiyalar” Cho'lpon nomidagi nashriyotijodiy uyi, Toshknet 2011-yil
3. Ziyonet.uz

РЕЗЮМЕ

Biologiya fanlarini zamon talablariga munosib tarzda o'qitishning qanchalik dolzarbligi, bunda pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda samarali natijaga erishish mumkinligi, pedagogik texnologiya turlari va ularning biologiya fanlarini o'qitishdagi ahamiyati hamda samaradorligi haqida fikr yuritilgan.

РЕЗЮМЕ

Обсуждается актуальность современного преподавания биологических наук, возможность достижения эффективных результатов с помощью педагогических технологий, виды педагогических технологий, их значение и эффективность в преподавании биологических наук.

SUMMARY

Focuses on the development of the science of teaching biology in a timely manner, with a focus on pedagogical technologies and safety, which can lead to effective results from pedagogical technology.

## ИММУНИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРАКТИВ ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

*Шарапова Г.В.*

*Навоий давлат педагогика институтини ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** интерактив, электрон таълим ресурс, рақамлаштириш, компетентлик, дифференциал.

**Ключевые слова:** интерактив, электронный учебный ресурс, оцифровка, компетенция, дифференциал.

**Key words:** interactive, electronic educational resource, digitization, competence, differential.

Мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштиришнинг асосий жиҳатларидан бири, ўқув жараёнини рақамлаштиришнинг модернизация қилишдан иборат. Ўқув жараёнини рақамлаштириш – бу ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш ва ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадида бирлаштирилган усуллар, жараёнлар ва дастурий-техник воситалар тизимидир [1].

Рақамли технологияларнинг жорий этилиши билан таълимни ўзига хос хусусиятлари ўзгариб, ўқув жараёнида интерактив электрон таълим ресурсларнинг қўлланиш кўлами ошади. Бу эса олий таълим муассасаларининг таълим ва тарбия жараёни самарали ташкил этиш ҳамда талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини оширишга, мустақил таълимини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда замонавий педагогик дастурий восита ҳисобланади. Шу боис, олий таълим муассасаларида интерактив электрон таълим ресурсларнинг жорий этишни янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада мамлакатимиз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хорижда Г.С.Эргашева, У.Б.Баходирова, А.Н.Гвинтовкин, М.Е.Вайндорф-Сысоева, В.В.Гура, О.В.Данилова, J.G.Brooks, А. J.Hilbelink, В.А. Bixler, E.R.Caldwell, R.Castaneda, В.Сhen, В.А.Schroeder каби олимларларнинг тадқиқотларида олий таълим муассасалари ўқув жараёнида интерактив электрон таълим ресурслар ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиши, фанга оид компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган.

Жумладан, О.И.Ваганова, М.М.Кутепов, М.А.Карповаларнинг фикрига кўра, интерактив электрон таълим ресурс – бу ўқув-услубий материалларни турли хил ўқитиш тизимларини ўзида мужассамлаштирган ўқитиш муҳити ҳисобланади [2].

Н.И.Юсупованинг фикрига кўра, замонавий таълим тизимининг интерактивлигини таъминлашнинг истиқболли йўналишларидан бири, замонавий дидактик воситалар – интерактив электрон таълим ресурсларидан фойдаланишдир. Бу соҳадаги педагогик ва психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўқитиш жараёнида электрон таълим манбаларидан фойдаланиш ўқитувчига таълимни индивидуallasштириш ва ахборотлаштиришнинг инновацион ғоялари ва йўналишларини, масалан, индивидуал таълим траекторияларини яратиш каби амалиётда қўллаш имконини беради [3]. Бу олий таълим муассасалари таҳсил олаётган талабалар томонидан, ўқув жараёнига компетентликл ёндашув тамойилларини жорий этиш, уларнинг мустақил фаоллигини оширишни таъминлайди.



Д.Равен, О.Н.Ярыгин, А.А.Коростелевларнинг фикрига кўра, олий таълим тизимида интерактив электрон таълим манбаларининг мақсади - ахборот ресурсларини яратиш ва улардан субъектларининг эҳтиёжларига мувофиқ, ўқув жараёни фойдаланиш, шунингдек касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат [4].

Бу борада Е.В.Везетиу, О.И.Ваганова, С.М.Маркова, А.К. Наркозиев, М.П.Прохорова, О.И.Ваганова, Е.В.Бессонова, И.К.Кириллова, Ю.А.Тарабарина, Ф.Ф.Шариповларнинг илмий-услубий ишларини таҳлилига кўра, олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнига интерактив электрон таълим ресурсларининг жорий этишнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат [5, 6, 7, 8, 9]: фанга оид ўқув маълумотларни образли шаклда тақдим этиш; имконияти чекланган талабаларнинг масофадан ўқитиш имкониятини таъминлаш [5]; талаба ва профессор-ўқувчиларнинг ўзаро интерактив алоқаси [7]; маърузалар учун аудио ва видео материаллар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш [8]; турли интерактив ўзаро таъсир усуллари билан ўрганилаётган фан бўйича маълумотлар миқдори [6]; талабаларнинг мустақил таълим фаолияти дидактик материалларни жорий этиш [9].

Ушбу тадқиқотчилар томонидан келтирилган асосий вазифалар бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, олий таълим муассасаларининг биология таълими жараёнида, хусусан иммунология фанини ўқитишда замонавий интерактив электрон таълим ресурслардан фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Бу муаммони баратарф этиш учун куйидагиларга эътибор қаратиш лозим: 1. Интерактив электрон таълим ресурсларининг яратиш ва ўқув жараёнида қўллашнинг назарий асосларини ўрганиш; 2. Интерактив электрон таълим ресурслардан фойдаланишнинг биология таълим сифатига таъсирини ўрганиш; 3. Интерактив электрон таълим ресурсларининг ишлаб чиқиш талабларини ўрганиш; 4. Интерактив электрон таълим ресурсларининг яратиш ва жойлаштиришнинг мавжуд тизимларини кўриб чиқиш; 5. Машғулот учун ўқув материаллари, ўқув ва назорат вазифаларини ишлаб чиқиш; 7. Интерактив электрон таълим ресурсларнинг тажрибадан ўтказиш.

Ушбу келтирилган вазифаларни бажариш асосида олий таълим муассасаларида биология таълим жараёнини самарали ташкил этишга эришиш имконияти яратилади.

Бу борада Г.С.Эргашеванинг фикрига кўра, олий таълим муассасаларида биология туркумига кирувчи фанларнинг ўқитишда интерактив электрон таълим ресурслардан фойдаланиш куйидаги имкониятларни яратади [10]: талабаларнинг биология фанидан ўқув маълумотларни мустақил равишда ўзлаштириш, тақрорлаш, топшириқларни бажариш имкониялари ошади; талабаларнинг келгуси касбий фаолиятида интерактив электрон таълим ресурслардан самарали фойдаланишга оид кўникма, малакаларини шакллантиришга ва ривожлантиришга эришилади; лаборатория ишларини турли жойда ва вақтда виртуал шаклда ўтказишга эришилади; назорат ва диагностик дастурий воситалар асосида талабалар ўзини-ўзи мустақил баҳолашга замин яратилади.

Шундай қилиб, интерактив электрон таълим ресурслар ёрдамида профессор-ўқитувчи иммунология фанидан талабаларнинг когнитив фаолиятининг фаол турларини ташкил этишга эътибор қаратади, таълим маълумотларини ўқитишнинг мақсади сифатида эмас, балки ўқитишнинг когнитив фаолиятини ташкил этиш воситаси сифатида ишлатади. Бунда талаба, ўз навбатида, профессор-ўқитувчи билан биргаликда фаолият субъекти бўлиб, унинг шахсий ривожланиши асосий таълим мақсадларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Иммунология фани машғулотларида интерактив электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш, талабаларга ўқув маълумотларнинг тақдим этиш салмоғини оширишга, ўқитишнинг турли усуллари ва шакллари билан фойдаланиш имконияти билан боғлиқ

холда, улар томонидан ўрганилган ҳар қандай ўқув маълумотни кўринишини таъминлаш, мустақил услубларнинг замонавий усулларини ўргатиш асосида билим олиш, табақалаштириш ва индивидуаллаштириш усулларини кўллаш, барча тоифадаги талабаларни муваффақиятли ўрганишини таъминлайди. Бу, иммунология фанидан таълим олишни янги сифатига эришишни таъминлайди.

Соҳага оид илмий ва методик адабиётларнинг таҳлил асосида олий таълим муассасаларида иммунология фанини ўқитиш сакмарадорлигини оширишда интерактив электрон таълим ресурслар қуйидаги имкониятларни таъминлайди: талабаларнинг фаоллиги, мотивациясини ва фанга қизиқишнинг оширади; анъанавий бўлганлар, шу жумладан фойдаланиш қулайлиги, вазиятни моделлаштириш ва башорат қилиш қобилияти, сезгиларга мураккаб таъсир, аудио-визуал эффектларни кучайтириш, ахборот ва тадқиқот ва қидирув қобилиятининг ривожлантиради; аралаш таълимни жорий этиш асосида ўқув жараёнини ажойиб, динамик, ноанъанавий, қизикарли равишда ўтказиш; таълим олувчини фаол ҳамкорлик жараёнига жалб қилиш. Ўқитишни индивидуал ва дифференциал шаклда ўтказиш асосида талабанинг фаол иштироки таъминлади. Бунинг натижасида талаба ўқув фаолиятининг фаол субъектига айланиб, билимларни онгли равишда ўзлаштиради, бу, албатта, когнитив фаоллиқни оширишга ва касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга олиб келади; виртуал шаклда тажрибалар ўтказиш. Лаборатория машғулоатларини исталган жойда ва вақтда бир неча бор тажрибалар ўтказиш имкониятини яратади. Бунинг натижасида талабаларда ҳақийқий лабороториялар ўтказиш учун малакалари ривожланади ҳамда хавфсизликка риоя қилиш маданияти шаклланади; мустақил таълим олиш тизимини такомиллаштириш. Талабалар интерактив электрон таълим ресурслар асосида фанини ўзлаштири олмаган қисмларини мустақил ўрганиш, шунингдек, баъзи бир сабабаларга кўра машғулотларга қатнашаолмаган мавзуларни ўзлаштиришга эришилади. Бу айниқса имконияти чекланган талабаларнинг таълим олишида муҳим аҳамият касб этади; баҳолаш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш. Талабалар фанга оид ўзлаштириган билим, кўникма ва малакаларини мустақил баҳолаб кўриш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар талабаларнинг назорат қилиш, уларнинг ҳолисона баҳолашга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлаш сифатининг яхшилаш учун ўқитишнинг инновацион шакллари ва усуллари билан биргаликда интерактив электрон таълим ресурсларидан комплекс фойдаланиш механизмини такомиллаштиришни тақазо этади. Бўлажак биология ўқитувчиларининг тайёрлашда ўқитиладиган касбий фанлардан, хусусан иммунология фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда интерактив электрон таълим ресурслардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Электрон таълим ресурслари иммунология фанига оид жараён ва ҳодисаларни образли шаклда тақдим этиш асосида талабаларнинг тасаввурларини ҳосил қилишга, креатив фикрлашини ривожлантиришга олиб келади. Бунинг натижасида иммунология фанидан анъанавий техник воситалардан фарқли ўларок, нафақат талаба кўп миқдордаги тайёр, қатъий танланган, тўғри ташкил этилган билимлар билан тўйинтиришга, балки уларнинг интеллектуал, ижодий қобилиятларини, янги билимларни мустақил эгаллашда турли хил ахборот манбалари билан ишлаш қобилиятини ривожлантиради.

Адабиётлар:

1. Прохорова М.П., Ваганова О.И. Участие преподавателей вуза в разработке открытых онлайн-курсов // Отечественная и зарубежная педагогика. 2019. Т. 1. – № 5 (62). – С. 90-103.

2. Ваганова О.И., Кутепов М.М., Карпова М.А. Информационные технологии обучения бакалавров в высшем учебном заведении // Карельский научный журнал. 2019. Т. 8. –№ 3 (28). –С. 7-10.
3. Исупова Н. И. Методические особенности применения электронных образовательных ресурсов. Сборник научных трудов Sworld. 2012. Т. 23. –№ 4. –С. 92-95.
4. Равен Д., Ярыгин О.Н., Коростелев А.А. Компетентология: от праксеологии до социкибернетики // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2017. Т. 6. –№ 1 (18). –С. 167-175.
5. Везету Е.В., Ваганова О.И. Проблема определения структурных компонентов педагогического такта как одной из составляющих профессионального мастерства учителя//Проблемы современного педагогического образования. 2018. –№ 59-1. –С. 93-95.
6. Маркова С.М., Наркозиев А.К. Методика исследования содержания профессионального образования // Вестник Мининскогоуниверситета. 2019. Т. 7, –№1. –С. 2.
7. Прохорова М.П., Ваганова О.И. Технология образовательного события в российской и зарубежной образовательной практике // Вестник Мининского университета. 2019. Т. 7. –№ 4 (29). –С. 2.
8. Бессонова Е.В., Кириллова И.К., Тарабарина Ю.А. Использование мультимедиа - технологий в обучении иностранному языку в вузе // Проблемы современного педагогического образования. 2019. –№ 62-1. –С. 51-55
9. Шарипов Ф.Ф. Педагогические условия использования информационно-коммуникационных технологий в учебно-воспитательном процессе вуза //Вестник Педагогического университета. 2013. –№ 2 (51). –С. 146-149
10. Эргашева Г.С. Биология таълимида интерактив дастурий воситалардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш // Педагогика фанлари доктори (Dsc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018. – 56 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада иммунология фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда интерактив электрон таълим ресурсларнинг дидактик имкониятларига оид фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье представлены идеи и комментарии о дидактическом потенциале интерактивных ресурсов электронного обучения в повышении эффективности преподавания иммунологии.

SUMMARY

This article provides insights and commentary on the didactic potential of interactive e-learning resources in increasing the effectiveness of immunology teaching.

## БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Яхшибоева Д.Т.*

*Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** электрон таълим ресурс, биотехнология, ахборот-таълим муҳити, лойиҳалаш, когнитив, мустақил таълим.

**Ключевые слова:** электронный обучающий ресурс, биотехнология, информационно-образовательная среда, дизайн, когнитивное, самостоятельное обучение.

**Key words:** e-learning resource, biotechnology, information and educational environment, design, cognitive, independent learning.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг мустақил таълимни аҳамияти ортиб бораётганлиги нафақат меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларда, балки бу борадаги илмий-изланишларнинг кўлами кенгаётганлигини ҳам кўриш мумкин.

Мустақил таълим олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ташкил этиш шакли сифатида Давлат таълим стандартида белгиланган бўлиб, ушбу ҳужжатда аудитория машғулотларидаги соатнинг камида 50 фоизи мустақил таълимга ажратилган[1].

Бу ўз навбатида бўлажак мутахассисларни, жумладан бўлажак биология

ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган касбий фанлардан бири ҳисобланган, яъни биотехнология фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Шу нуқтага назардан, биотехнология фанидантабалабарнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш тизимини, механизмни ва методикасини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ушбу муаммони бартараф этиш усулларидан бири, талабаларнинг биотехнология фанида мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш янгича ёндашувларини жорий этиш лозим.

Биотехнология фанидан талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятида ахборот технологиялари воситаларини фаол жорий этилиши, уларнинг когнитив қизиқишини ривожлантириш муаммосини ечимини топишга, балки ўқув-когнитив фаолиятни бошқаришнинг тубдан янги имкониятларини яратишга, шунингдек, таълим ва тарбия ишларнинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бу борада И.В.Метельскийнинг фикрига кўра, ахборот технологиялари воситалари талабаларнинг когнитив фаоллигини ривожлантириш имкониятини беради, ўрганиш самарадорлигини оширади ҳамда таълимнинг индивидуаллаштиришни таъминлайдиган очиқ таълим тизимини куришни, фаол ўқитиш жараёнига таълим олувчиларнинг жалб этишни ва ўқув фаолиятининг барча босқичларини фаоллаштиришни таъминлашдан иборат [2].

Л.И.Горбунованинг фикрига кўра, электрон таълим ресурслар профессор-ўқитувчи ва талабалар учун чексиз салоҳиятга эга бўлган мультисенсорли интерактив ўқув муҳитини яратишга имкон бериш асосида талабанинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш тизимини такомиллаштиради. Шунингдек, турли хил ахборот манбалари билан ишлашга оид интеллектуал ва ижодкорликни оширади [3]. Бу фикрларнинг барчаси талабаларни мотивациясини, когнитив қизиқишнинг ортиши ҳамда компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

Шу каби фикрлар В.П.Беспалко, И.В.Роберт, Э.И.Машбитларнинг илмий асарларида ҳам келтирилган бўлиб, унда ўқув жараёнида янги ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш зарурлигини эътироф этишган.

Келтирилган олимларнинг ишларида олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишда ахборот-таълим муҳитлари, электрон таълим ресурслари, виртуал таълим технологиялари муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаган.

Уларнинг фикрига кўра, анъанавий ўқув жараёнига нисбатан ахборот-таълим муҳитида таълим бериш қуйидаги имкониятларни яратишини таъкидлаган: таълим мазмунини ўрганиш воситалари ва шакллари танлаш имкониятларини кенгайтириш; турли хил маълумотларга киришни ва улардан фойдаланиш усулларини таъминлаш; интерактив таълим шакллари орқали талабанинг когнитив қизиқишини ошириш; ўқув жараёнида ўзаро ўрганишнинг янги шакллари ва усулларини ташкил этиш; талабаларнинг субъектлик позициясини шакллантириш, уларнинг таълим ташаббуси ва қобилиятини ривожлантириш.

Шу боис, бугунги кунда биология туркумига кирувчи фанларни ўқитишда электрон таълим ресурслардан фойдаланиш салмоғини ошириш зарурияти мавжуд.

Бугунги кунда биология туркумига кирувчи фанларни ўқитишда электрон таълим ресурслардан фойдаланиш салмоғи ошмоқда. Электрон таълим ресурсларнинг жамиятни муайян соҳаларига, шу жумладан биология таълимга кириб бориши ва таъсири, унинг даражасини белгилайди. Бунда профессор-ўқитувчи ва талабаларга

таъсири, бу, фойдаланувчилар учун зарурий маълумотларни етказиб беришни таъминлайди. Шунингдек, профессор-ўқитувчини биология фанларидан ўтилган ўқув материални такрорлаш, билимларни баҳолаш ва назорат қилиш каби жиҳатлар билан боғлиқ бўлган турли хил ўқув машғулотларини ташкил этишни такомиллаштиради ҳамда ўқув жараёнида субъектив янги билимларни интерактив бошқаришни, маҳаллий ва глобал тармоғи орқали маълумот олиш имкониятлари билан боғлиқ бўлган компьютер технологияларининг ўзига хослигини таъминлайди. Шу маънода, электрон таълим ресурслари – бу таълим мақсадига эришиш эмас, балки таълимнинг умумий мақсадларига эришни ва ўқув амалиётининг фан билан боғлиқ бўлган амалий муаммоларини ҳал қилиш воситасидир [4].

Электрон таълим ресурслардан фойдаланиш муаммоларидан бири, талабаларни қизиқишини ошириш асосида фанларни, хусусан биология туркумига кирувчи фанларни мавзуларни ўзлаштириш, яъни тарбиявий ишлар билан боғлиқ бўлган билим, коммуникатив, эмоционал ва тартибга солувчи фаолиятнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштиришидир. Электрон таълим ресурслар биологик объекتلарнинг умумий кўринишидан, уларнинг микроскопик тузилишига ўтиш, балки ҳар қандай вақтда моделлаштирилган биологик жараён ёки табиий ҳодисани виртуал шаклданамойиш этиш имконини беради [4].

Бунда электрон таълим ресурсларнинг дидактик имкониятлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин: а) машғулотни кириш қисмида талабаларнинг янги мавзудаги ўқув материалга когнитив қизиқишини фаоллаштириш; б) машғулотда шаклланган тушунчалар, қонунлар, назария ва илмий фактлар ҳажмини ошириш учун янги билимларни етказиш асосида талабалар билимини ошириш ва чуқурлаштириш; в) умумлаштирувчи машғулотда билимларни назоратини аниқлаш, интеллектуал қобилият, кўникмаларни ривожлантириш ва бошқалар.

Ушбу ҳолатларда биология таълимида электрон таълим ресурслардан фойдаланиш профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг машғулотларни умумий интерактивлигини оширишга, мулоқотнинг диалогик услубига, шахсиятнинг турли жиҳатларини ривожлантиришга қаратилган умумий ёндашувларни ўзгартиради [4].

Юқорида келтирилган тадқиқотчиларининг илмий асарларини таҳлил этиш асосида бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган касбий фанлардан, хусусан биотехнология фанидан мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда ва ташкил этиш тизимини, механизмни такомиллаштиришда очиқ кодли ахборот-таълим муҳитларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу муҳитда бўлажак биология ўқитувчиларнинг биотехнология фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда қуйидаги имкониятларни яратади: аудиторияда олиб борилаётган машғулотлар (маъруза, амалий, лаборатория)нинг мавзуларини такрорлаш ва ўзлаштираолмаган ўқув маълумотларни мустақил ўрганиш; мураккаб жараён ва ҳодисаларнинг виртуал образини такрорий кўриш орқали тасоввурларини шакллантириш ва ривожлантириш; лаборатория ишларини виртуал шаклда такрорий ўтказиш ва ҳисоботлар тайёрлаш; турли сабабларга қўра машғулотларга қанашаолмаган талабаларни мустақил таълим олишини таъминлаш; ўзини-ўзи баҳолаш.

Ушбу келтирилган имкониятлар бўлажак биология ўқитувчиларини мустақил ўқув фаолияти давомида тарбиявий ва шахсий ривожланиш вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган. Яъни, таълим вазифаларига билимларни ўзлаштириш (мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, назорат қилиш), кўникмаларни шакллантиришдан (вазифани шакллантириш, мақсадни белгилаш, маълумотни топиш ва танлаш, ечимни танлаш, қарор қабул қилиш, қарор учун масъулиятни ўз зиммасига олиш)иборат.

Биобарин, мустақил таълим ўқув жараёнининг шакли сифатида нафақат дидактик вазибаларни, балки умумий педагогик ва шахсий вазибаларни ҳам ҳал қилишга мўлжалланган. Шунингдек, ўзини-ўзи тарбиялаш ваўқитишда бўлажак биология ўқитувчиларини касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни профессионал сифатида шахснинг ривожланишига ҳисса қўшади[5].

Бу борада Н.Г.Лукинованинг фикрига кўра, ўзини-ўз ўқитиш узлуксиз таълимнинг энг универсал ва мослашувчан шакли сифатида талабаларнинг мустақил ишларига қараганда муҳимроқ вазибаларни қўяди. Ўзини-ўз тарбиялаш вазибалари олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнидан ташқарига кўпроқ намоён бўлади. Бунда, ўзини-ўз тарбиялаш мустақил таълим нафақат олий таълим муассасаларининг ўқиш даврида ассимиляция, чуқурлаштириш ва янги билимларни эгаллаш, балки битирувдан сўнг ёш мутахассисларни узлуксиз ўқитиш шаклида муҳим аҳамия касб этади[6].

Бизнинг фикримизча, олий таълим муассасаларининг биология таълимида, яъни биотехнология фанидан мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда дидактик электрон таълим ресурслардан фойдаланиш талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини ва ижодий қобилдиятини оширади, тасавурларини шакллантиради, компетентлигини ривожлантиради. Шу билан бирга талаба шахсининг биотехнология фанидан когнитив фикрлашини, ва коммуникатив қобилиятини ҳам ривожлантириш циклини таъминлайди: а) бошланғич билим даражасини баҳолаш; б) янги билимларни ҳосил қилиш; в) замонавий ўқув муҳитида таълим бериш; д) илгари ўрганилган билимлар билан янги билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш; е) олинган билим, қўникма, малака ва компетенцияларни текшириш ва баҳолаш.

Келтирилган таҳлилий маълумотлар асосида хулоса қилиб айтганда, бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда, ўқитиладиган касбий фанлардан, жумлада биотехнология фанидан, уларнинг мустақил таълимга алоҳида эътибор қаратишни, яъни глобал тармоққа ва қўл телефонларга мўлжалланган дидактик электрон таълим ресурслардан фойдаланишни жорий этиш лозим. Бунинг натижасида талабалар хоҳлаган жойда ва вақтда фанга оид электрон таълим ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу эса талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини оширишга, бўш вақтини унимли ўтказишга эришиш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Баходирова У.Б. Микробиология фанини ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида) // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Қарши, 2020. – 156 б.
2. Городецкая Е. Я. Педагогические основы организации и управления самостоятельной работой студентов/ Е. Я. Городецкая// Волгодонские чтения. – 2006. – №60. – С.17.
3. Горбунова Л. И. Использование информационных технологий в процессе обучения // Молодой ученый. – 2013. – №4. – С. 544-547.
4. Теремов А.В., Галушин В.М., Теплов Д.Л. Проблемы использования электронных средств обучения биологии // Наука, образование, культура. 2018. – С.168-179.
5. Виштак О. В. Дидактические основы построения информационно-комплексов для самостоятельной учебной деятельности студентов, изучающих информатику // Дис. ... д-ра пед.наук. – М, 2005. – 355 с.
6. Лукинова Н. Г. Самостоятельная работа как средство и условие развития познавательной деятельности студента // Дис. ... канд. пед. наук. – Ставрополь, 2003. – 177 с.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак биология ўқитувчиларининг биотехнология фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда электрон таълим ресурсларнинг дидактик имкониятлари ва улардан фойдаланишга оид тақриф ва тавсиялар келтирилган.

В статье представлены предложения и рекомендации по дидактическому потенциалу электронных обучающих ресурсов и их использованию при организации самостоятельной учебной деятельности будущих учителей биологии в области биотехнологии.

The article presents suggestions and recommendations on the didactic potential of e-learning resources and their use in organizing independent educational activities of future biology teachers in the field of biotechnology.

## KELAJAKDAGI IT MUTAXASSISLARNING KASBIY KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISH METODIKASI

*Bozorov N. N.*

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti*

**Tayanch soʻzlar:** boʻljak IT mutaxassislar, chet tili oʻqitish, kasbiy kommunikativ kompetentlik, kompyuterli oʻqitish, oʻquvchilarning motivatsiyasi

**Ключевые слова:** перспективные ИТ-специалисты, обучение иностранным языкам, профессиональное общение, компетентность, компьютерное обучение, мотивация студентов.

**Keywords:** prospective IT professionals, foreign language teaching, professional communication, competence, computer-based learning, student motivation.

Hozirgi kunda bakalavriat va magistrlik darajasidagi kadrlarning yuqori kasbiy maʼlumotga ega boʻlgan malakali mutaxassislarga nisbatan talablarning ortib borishiga mos keladigan turli yoʻnalishdagi tadqiqotlar olib borilmoqda. Bitiruvchilarga qoʻyiladigan asosiy talablar koʻp hollarda ularning kasbiy kompetensiyasiga qoʻyiladigan talablar hisoblanadi. Mazkur jarayonlarda bitiruvchi kasbiy faoliyat turiga mos keladigan kasbiy koʻnikmalarga ega boʻlishi kerak. Qolaversa, bitiruvchilar oʻzlarining mehnat bozorida professional ahamiyatini aniqlashlari, OTMda olgan bilimlarini amaliyot bilan birlashtira olishlari kerak.

Yangi maʼlumotlarning global toʻplanishi tufayli va aloqa mahsulotlari kelajakdagi mutaxassislar bilimdon, keng dunyoqarashga ega, moslashuvchan va hayotiy maqsadlariga erishish uchun yuqori texnologik mahsulotlarni qabul qilishga qodir. Shu sababli talabalarning katta maʼlumot oqimlari bilan mustaqil va ijodiy ishlash koʻnikmalarini rivojlantiradigan samarali oʻquv shakllari, usullari, vositalari va texnologiyalari oʻzgartirilishi kerak.

Jamiyatni axborotlashtirishning yuqori darajasi, avvalo, ishlab chiqarishga infokommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish bilan bogʻliq, bu esa IT-texnologiyalar sohasida ishlaydigan bitiruvchilarning tegishli kasbiy tayyorgarligini talab qiladi. Mehnat bozorida raqobatbardosh boʻlgan IT-mutaxassislar uchun taʼlim tizimida chet tili tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda va undan tajribali foydalanish ushbu sohadagi mutaxassislarning kasbiy kompetensiyalarining ajralmas qismiga aylanib bormoqda.

Shu sababdan tuzilish va infokommunikatsiya texnologiyalari sohasida kadrlarni kasbiy tayyorlash tizimida chet tili va kommunikativ kompetensiyaning oʻrni va roli sezilarli darajada oʻzgarib bormoqda. Ogʻzaki va yozma ishbilarmonlik tilini bilishni, kasbiy faoliyatda tildan foydalanish qobiliyatini, balki kommunikativ kompetensiyaning yetukligini anglash muhim ahamiyatga ega. «Kommunikativ kompetensiya» atamasi koʻp yillar davomida ishlab chiqilgan. Xeymsning taʼkidlashicha, kommunikativ muloqot

- bu ijtimoiy amaliyotni to'g'ri tartibga solishda tildan foydalanish kabi ijtimoiy muhit bilan o'zaro bog'liqlik jarayonida tildan yoki talqin qilingan tildan to'g'ri foydalanish qobiliyatidir[1].

Kommunikativ kompetensiya ingliz tilidan professional faoliyat bilan bog'liq vaziyatlarda foydalanish qobiliyatini anglatadi[2]. Amaliy axborot texnologiyalaridan foydalanish sohasidagi ikkala mehnat bozorining tahlili va IT-mutaxassislarni tayyorlash natijalari ko'plab bitiruvchilar haqiqatan ham lug'at yordamida maxsus adabiyotlarni o'qishlari yoki elektron tarjimonlar yordamida matn bilan ishlashlari mumkinligini isbotlamoqda. Biroq, ular kasbiy bilimlar sohasida o'z g'oyalari chet tilida ifoda etishda qiynaladilar. Afsuski, ular aloqa jarayonida ishtirok eta olmaydilar, chet el nutqini og'zaki va vizual idrok etish bilan bog'liq muammolarga duch kelmoqdalar, tarjima qilingan xabarni tezda o'zgartira olmaydilar, mulohaza qilish uchun bir xil narsani amalga oshiradilar va moslashtiradilar. Bularning barchasi kasb-hunar ta'limi muassasalarida chet tillarini o'qitish muammosini olingan kasb nuqtai nazaridan yaxshi ishlab chiqilmaganligi natijasidir.

Bizningcha, bu eng murakkab jihat, ijodkorlik va qobiliyat texnik jihatdan ustun turadi. IT mutaxassisi kommunikativ kompetensiyasining idrok etuvchi tomoni inson va mashina o'zaro ta'sirining me'yoriy va texnik xususiyatlarini bilishni nazarda tutadi. Shunday qilib, sezgir kommunikativ kompetensiyaning tarkibiy qismi bo'lgan kasbiy vazifalarni bajarish paytida ingliz tilining ahamiyati yanada yaqqolroq ko'rinishini ta'kidlashimiz mumkin. Binobarin, biz ingliz tilini uzluksiz o'rganishni o'quv jarayoniga integratsiyalashganligi tufayli sezuvchanlik qobiliyatining ijobiy dinamikasini kuzatishimiz mumkin. O'tkazilgan tadqiqotlar natijalariga ko'ra, taklif qilingan kurs dasturiy ta'minot muhandisining kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirishning asosiy vositalaridan biri hisoblanadi degan xulosaga kelish mumkin.

Chet tillarini o'qitish o'quvchilarning kasbiy malakasini shakllantirishni ta'minlaydigan o'quv muhitining vositalari va elementlarida bo'lishi kerak. Adabiyotlarni nazariy tahlil qilish asosida mutaxassisning kasbiy kommunikativ kompetensiyasini o'ziga xos shaxsiy va kasbiy aloqa sifatleri va aloqa qobiliyatlari to'plami sifatida aniqlash mumkin[3]. Uning tarkibiga uchta tarkibiy qism kiradi: kognitiv, interaktiv va sezgi, biz infokommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi mutaxassislarning kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirish jarayoniga ekstrapolyatsiya qilamiz.

Kelajakdagi dasturiy ta'minot muhandislarining kasbiy faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini tahlil qilish quyidagi xulosaga olib keldi: dasturiy ta'minot muhandislarining kasbiy faoliyati sohasiga axborotni yig'ish, qayta ishlash, saqlash, uzatish usullari va ma'lumotlarni joylashtirish kiradi. Global va mahalliy tarmoqlarda axborotni himoya qilishning rivojlangan vositalari va usullari, professional faoliyatning barcha turlari kommunikativ xarakterga ega deb aytish mumkin. Inson-mashina tizimidagi aloqa kelajakdagi IT mutaxassislarining kasbiy faoliyatining o'ziga xos xususiyatlariga ega bo'lib, ular infokommunikatsiya texnologiyalar sohasidagi mutaxassisning kommunikativ kompetensiyasi tuzilishini aniqlash uchun hisobga olinishi kerak.

Kommunikativ kompetensiyaning an'anaviy tuzilishining jihatleri mexanik ravishda odam mashina tizimi mutaxassislariga berilishi mumkin emas. Professional aloqaning barcha tomonlarini o'z ichiga olgan turli xil jihatlarining organik birikmasi, masalan, aloqa



tashkil etish vositalari va usullarini bilish, yuzma-yuz muloqotni tashkil etish tamoyillari, odam-mashina aloqa sharoitlarini hisobga olish zarur. IT mutaxassisi kommunikativ kompetensiyasining kognitiv vosita doirasida aloqa usullarini bilish jarayonini amalga oshiradi. IT mutaxassisi kommunikativ kompetensiyasining interaktiv jihati o'zaro ma'lumot almashish jarayonini tashkil etish va shakllantirishni anglatadi.

IT mutaxassisi kommunikativ kompetensiyasining idrok etuvchi tomoni inson va mashina o'zaro ta'sirining me'yoriy va texnik xususiyatlarini bilishni nazarda tutadi. Inson va mashinaning o'zaro ta'sirini tashkil etish yuqoridagi barcha uch jihatdan dasturiy ta'minot muhandisining kasbiy faoliyatining asosiy vazifasidir. Shunday qilib, mashina turi bo'yicha mutaxassisning kommunikativ kompetensiyasiga kiritilgan kasbiy faoliyatning vositasi bo'lgan kasbiy muloqot qobiliyatlari ushbu kasb turi uchun kasbiy kompetensiyalarning bir qismini tashkil etadi, bu esa malakaga asoslangan shakllanish yondashuvi IT mutaxassislarini tayyorlash jarayonida ta'lim doirasini hisobga olish kerak.

Kelajakdagi IT mutaxassislarining kasbiy kommunikativ kompetensiya tizimini joriy etish maqsadiga erishish uchun biz kelajakdagi IT mutaxassislarini ingliz tilida uzluksiz o'qitish tizimini taklif qildik. Tizimning didaktik asoslari «Professional aloqa sohasida tarjima» kursi bo'lib, u uchun o'quv jarayonining yaxlitligini ta'minlovchi asosiy komponentlar ishlab chiqilgan. Bakalavrlar tayyorlashda qo'llaniladigan «Professional aloqa sohasida tarjima» kursining tarkibiy va tashkiliy tizimi bo'lajak bitiruvchilarning kasbiy kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirishga imkon berdi. «Professional aloqa sohasida tarjima» maxsus kursi «Infokommunikatsiya texnologiyalari va aloqa tizimlari» yo'nalishi bo'yicha fanlar siklining asosiy va o'zgaruvchan qismiga kiritilgan. Kurs fanlar siklidagi aloqani, kasbiy va maxsus fanlar bilan aloqani ta'minlash uchun kiritilgan.

«Infokommunikatsiya texnologiyalari va aloqa tizimlari» ixtisosligining o'quv rejalariga mos keladigan mavzular bo'yicha guruhlangan. Birinchi bosqichdan oxirgi kursgacha, oddiydan murakkabgacha reja bo'yicha talabalarga chet tilini uzluksiz o'rganishiga imkon beradi, bu esa talabani o'qitish muvaffaqiyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Konseptual jihat «Professional muloqot sohasida tarjima» kursiga asoslangan asosiy prinsiplarni aks ettiradi:

- mutaxassis tomonidan tilni uzluksiz o'rganish prinsipi;
- ingliz tili kursining boshqa fanlar bilan sub'ektlararo aloqasi prinsipi;
- ingliz tili kursining professional yo'naltirilganligi prinsipi.

Har bir fan bloki ichidagi o'quv jarayoni bir xil tartibga ega va uch bosqichni o'z ichiga oladi. Birinchisi, leksik tayyorgarlik va kasbga yo'naltirilgan matnlarni tarjima qilishdan iborat o'quv bosqichi. Ikkinchisi - yakuniy tashqi nazorat va o'z-o'zini boshqarishdan iborat bo'lgan o'rganilgan materialdagi testlar to'plamini o'z ichiga olgan nazorat bosqichi. Ushbu bosqichda har bir fan bloki uchun olingan tarjima mahoratining darajasi nazorat qilinadi. Uchinchi bosqich bir vaqtning o'zida rivojlanib boradi va nazorat qiladi, chunki u ishbilarmonlik o'yinini (ta'lim va kognitiv element) o'z ichiga oladi, shuningdek, har bir fan yo'nalishi bo'yicha erishilgan muloqot qobiliyatlari darajasini nazorat qiladi. Shunday qilib, o'quv jarayonining asosiy funktsiyalari: o'qitish, nazorat qilish va rivojlantirish har bir fan bloki doirasida amalga oshiriladi. Tizimni amalga oshirish ajralmas sifat - dasturchilarning kasbiy faoliyatda chet tilidan foydalanishga

tayyorligi bilan ajralib turadigan professional kommunikativ kompetensiyani doimiy ravishda shakllantirishni ta'minlaydi.

“Professional taraqqiyot sohasidagi tarjima” tanlov kursining didaktik mazmunini ta'minlaydigan taklif qilingan o'quv to'plami o'zgaruvchan tuzilishi tufayli yangi mavzularga osongina moslasha oladigan universal vosita hisoblanadi. Protessual va faoliyat komponenti «Professional aloqa sohasida tarjima» kursi doirasida darslarning shakllari va usullarini belgilaydi. An'anaviy o'qitish usullari, tashkiliy shakllar va vositalardan tashqari, IT mutaxassislarning kasbiy kommunikativ kompetensiyalarini samarali rivojlanishiga yordam beradigan guruhli mashg'ulotlar va ishbilarmonlik o'yinlari kabi faol o'qitish usullari qo'llaniladi.

Rolli o'yin – tinglovchilarning professional kommunikativ kompetensiyasini shakllantirishga, professional va ishbilarmonlik aloqalarida ko'nikmalarga ega bo'lishga, tarjima bo'yicha professional bilim va ko'nikmalarni takomillashtirishga, kompyuter, internet va boshqa aloqa vositalaridan foydalanish ko'nikmalarini oshirishga yordam beradi.[4] O'yinni tayyorlash bosqichida o'qituvchi vaziyatni tavsiflaydi, muammoni tushuntiradi va mumkin bo'lgan yechimlardan birini taklif qiladi. Materiallar talabalar yoshidagi tinglovchilarda qiziqish uyg'otadigan vaziyat yoki muammo asosida tanlanadi va joylashtiriladi. Sinfning rolini tashkil etish va vaziyatni qayta qurish so'zlash va fikr bildirish istagini vujudga keltiradi. Yangilik prinsipi turli xil nutq vaziyatlarini tartibga solidi: tinglash va izohlarni yozib olish; suhbat uchun sherik tanlash; mustaqil muloqotni tashkil qilish.

Turli xil ish uslublari nutq mashqlarini bajarishda ifodalanadi: tinglash, o'qish va tanlash, tagiga chizish, sherik bilan dialog o'tkazish.[5] Darslar davomida talabalar muloqotni davom ettirish - muammoni hal qilish ko'nikmalariga ega bo'ladilar. Lug'at va grammatik kategoriyalar dialogda o'zlashtiriladi, ya'ni elektron muloqotni davom ettirish va o'z fikrini bildirish qobiliyati shakllanadi.

Aloqa maqsadiga erishish uchun qulay muhit ham ushbu turdagi darslarni tashkil etish dinamikasi bilan ta'minlanadi. Bu sheriklarning til ko'nikmalarini hisobga olgan holda shakllangan juftlikda, so'ngra jalb qilingan kishilarning ixtiyoriga binoan yaratilgan juftlikda, so'ngra kichik guruhlarda va nihoyat, umumiy guruhda erkin muloqotni ta'minlash maqsadida tashkil etiladi. O'qituvchi yaxshi o'quv muhitini yaratish uchun o'qituvchi munozarada o'ziga xos ijtimoiy faoliyat sifatida qatnashadi va unga rahbarlik qiladi. Faoliyatni bunday tashkil etish qulay muloqotni, kommunikatorlarning emotsional holatini yaxshilashni osonlashtiradi, bu umuman talabalarning kommunikativ kompetensiyasini rivojlantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Bundan tashqari, sinfdagi psixologik iqlimni ham, talabalar ishi auditining psixologik ta'sirini ham hisobga olish kerak. Belgilangan muammoni muhokama qilish uchun nutq mashqlarini bajarish orqali talabalar yozma ishlarga kirishadilar.

Insho usuli suhbat va munozara usullari bilan bir qatorda faol o'qitish usullarini nazarda tutadi va o'z ijodiy tafakkurini rivojlantirish va o'z fikrlarini yozma ravishda ifodalash uchun mo'ljallangan.[6] Shuni ta'kidlash kerakki, tinglashni tushunish qobiliyatini va yozma nutqni rivojlantirish bo'yicha barcha nutq mashqlari kommunikativ ta'lim texnologiyasining asosiy tamoyillariga mos keladi va darslarda kommunikativ kompetensiyani shakllantirish uchun ishlatilishi mumkin.

Zamonaviy OTMda o'quv jarayonini kompyuter orqali amalga oshiriladigan axborot va ta'lim texnologiyalaridan foydalanmasdan tasavvur etib bo'lmaydi. So'nggi yillarda ta'lim tizimida kompyuterlar shu qadar keng qo'llanila boshladiki, maxsus atama – "kompyuter o'qitish texnologiyasi" paydo bo'ldi. Kompyuter texnologiyalari kompyuter yordamida o'qitish g'oyalari rivojlantiradi, zamonaviy kompyuterlar va elektron aloqa vositalarining noyob imkoniyatlari bilan bog'liq yangi, hali o'rganilmagan texnologik variantlarni ochadi.

Chet tillarni o'rganish uchun zamonaviy ixtisoslashtirilgan dasturiy ta'minot o'quv materiallarini taqdim etish va til va nutq qobiliyatlarini takomillashtirish bilan bog'liq bo'lgan juda ko'p funktsional imkoniyatlar bilan ajralib turadi, bu multimediyadan foydalanishdan tashqari, ushbu dasturiy ta'minotni ishlab chiqish uchun qo'llashga imkon beradi.[7] Kompyuterning boshqa texnik ta'lim vositalaridan ajralib turadigan muhim xususiyati shundan iboratki, tinglovchilar bilan o'zaro ta'sir o'tkazish uslubi tufayli kompyuter mutaxassislarni tayyorlashga individual ravishda differentsial yondashuvni amalga oshirish uchun ideal vosita hisoblanadi.

Bundan tashqari, zamonaviy kompyuterlarning katta xotira hajmi, ularning yuqori javob berish tezligi va tinglovchilarning harakatlarini yozib olish qobiliyati talabaniq mustaqil ishini faollashtirish uchun kompyuterda dasturlash imkonini beradi[8].

Ekspirimental ish davomida kelajakdagi IT mutaxassislarni ingliz tilida uzluksiz o'qitish tizimini joriy qilish, bu professional kompetensiyani shakllantirishning turli uslublari va texnologiyalarini birlashtirgan o'quv to'plami bo'lib, ulardan foydalanish eng yaxshi didaktik natijalarga erishishga yordam beradi. Tavsiya etilgan kurs talabalarning ingliz tilini uzluksiz o'rganishi uchun zarur shart bo'lib, chet tillari mavzulararo maqomini mustahkamlashga imkon beradi.

#### Adabiyotlar:

1. <https://www.teacherph.com>
2. Qurbonova Maftuna, Formation of learning and educational competences of students in primary classes // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal, 2020 (June). Volume: 6, pp 266-269.
3. Курбонова Мафтунa, Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш аҳамияти // Халқ таълими, 2020. 3-маҳсус сон, 29-33 бет.
4. Kurbonova Maftuna, Samariddin Korayev, Problems and ways to improve student learning competencies in primary education // Academic research in educational sciences, Tashkent, 2020. Volume 1, ISSUE 4, pp 795-801.
5. Makulova AT, Alimjanova GM, Bekturganova Zh M, Umirzakova ZA, Xalqaro Ta'lim Tadqiqotlari Ta'lim sohasidagi kompetensiyaviy yondashuv nazariyasi va amaliyoti, 2015 y. 256-262 b.

#### РЕЗЮМЕ

Bugungi kunda IT sohasidagi ish beruvchilarning oliy ta'lim muassasasi bitiruvchilarning asosiy kompetensiyalariga bo'lgan e'tibori hamda kasbiy kommunikativ kompetensiyani shakllantirish tizimi haqida fikr yuritilgan.

#### РЕЗЮМЕ

Сегодня обсуждается ориентация ИТ-работодателей на профильные компетенции выпускников вузов и систему формирования профессиональных коммуникативных компетенций

#### SUMMARY

Today, the focus of IT employers on the main competencies of graduates of higher education institutions and the system of formation of professional communicative competencies



## БАСЛАҰЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

### БАЛАЛАРДА БИЛИҮ УҚЫБЫН РАҰАЖЛАНДЫРЫҮДЫҢ ТЕОРИЯЛЫҚ-ӘМЕЛИЙ ТИЙКАРЛАРЫ

*Жумашева Г.*

*«Мектепке шекемги тәлим» кафедрасы баслығы, п.и.д., доцент,*

*Базарбаева А.*

*2-курс магистрант*

**Tayanch so'zlar:** шахснинг ривожланиши, фаолият, ўқув-билув, интеллектуал лаёқатлилик, билиш методлари, ўқув майллари, шахсий тажриба, аклий фаолият.

**Ключевые слова:** развитие личности, деятельность, обучение – знания, интеллектуальная компетентность, когнитивные методы, тенденции обучения, личный опыт, умственная деятельность.

**Key words:** personal development, activity, learning-knowledge, intellectual competence, cognitive methods, learning tendencies, personal experience, mental activity.

Оқытыу хэм раўажландырыу процесиниң өз-ара байланыслылық машқаласы дидактиканың жетекши машқалаларынан бири болып табылады. Усы машқала шеңберинде бир қатар дидактикалық ўазыйпалардың шешимин ислеу талап етиледі. Соның ишинде, оқыу-билиу түри хэм билиу процесин раўажландырыудың байланыслылығы сыяқлы.

Көплеген қәнигелер шахстың раўажланыуы материалық дүнья менен байланыслы болып, инсанның турмыс тәризини оның аңын белгилейди, деп есаплайды. Инсанның балалықтағы раўажланыуында оқыу-билиу уқыбы әҳмийели орын ийелейди. Балалардың өзлестириу уқыбының раўажланыуы биринши гезекте олардың илимий ҳәдийселелер, пикирлер, идеялар, дәлиллер хэм социаллық тәжирийбени өзлестириуи нәтийжесинде әмелге асады.

Педагогика пәнинде раўажланыу хэм оқытыудың өз-ара байланыслылығы өзине тән тарийхий раўажланыу жолына ийе. Дәслеп педагоглар балалардың раўажланыуы өз-өзинен әмелге асады, деген пикирди алға қойған. Соңғылығында болса, билимлендириудің раўажланыуға болған тәсирин анықлағанынан соң олар

бул тәсирдин автоматтық характерге ийе екенлигин атап өткен. Оқыўдың кең қамраўлылығы хәм көп қырлылығы менен көрсетилген машқала билимлендириў хәм раўажланыўдың өз-ара байланыслылығы түринде түсиниле басланды.

Мектепке шекемги жастағы балалар ушын бул дәўир образлы билим алыў тийкарында интеллектуал раўажланыў дәўири болып табылады. Бул тийкарынан оқыў-билиў процесинде әмелге асады. Бул оқыў-билиў процесинде шахстың басқа тәреплери раўажланбайды, деген шешимге келиўге тийкар бола алмайды. Биз мектепке шекемги жастағы балалар ушын жетекши болған раўажланыў бағдарын тийларлаўға хәрекет етемиз. Бул даўирде раўажланыў процесинде балалардың идентификациясы, яғный әйне уқсатғылығы, теңлестирилиўи менен байланыслы болып табылады.

Интеллектуал раўажланыўда өз-өзин хұрмет етиўдин тийкарын балалардың жеке унамлы тәжирийбеси курайды. Бул оқыў-билиў процесинде көзге тасланады. Бақлаўларымыз соны көрсетпекте, көпшилик мектепке шекемги жастағы балаларда бундай тәжирийбе жоқ. Өз жумысы нәтийжесинен қанаатланбаўдың өзи ғана балалардың өз-өзин хұрмет етиўдин тийкарын курай алмайды. Бул бағдарда әхмийетли орын ийелейтуғын нызамшылықлардан бири – балаларда белгили бир оқыў түрлеринде өзлестириў уқыбының раўажланыўы, жеке теңлик хәм өз-өзин хұрмет етиўинде болып табылады.

Излениўлеримиздин тийкарын белгили бир оқыў түрлеринде балалардың өзлестириў уқыпларын раўажландырыўдың нәтийжели жолларын излеў курайды. Өз-өзин хұрмет етиў хәр бир шахстың анализленген сапаты болып табылады. Усы сыпаттың курамын анализлеў арқалы биз баланың мейиллери, қәдриятлары, сүйенетуғын қағыйдалары усы курамның тийкарын курайтұғынын анықлаўға еристик. Бул балалардың жедел хәрекетлери арқалы көзге тасланады. Баланың өзлестириў уқыбы процесиндеги жол қойылған қәтелер оның кейпийаты хәм раўажланыўына белгили бир дәрежеде тәсир етеди.

Әмелдеги илимий дәреклердин анализи хәм асырылған бақлаўларымыз нәтийжесинде биз балалардағы өзлестириў уқыбы төмендеги курамлық бөлимлерден ибарат екенин дәлиллеўге хәрекет еттик:

- билиў қызығыўшылықлары;
- оқыў максетлери;
- сезимлер: жеке мазаланыў хәм эмоциялық турақлылық;
- табысларды қоға киргизиў хәм пикирлесийге болған талап;
- интеллектуал уқыпшылық хәм пикирлесийге кирисиўшенлик;
- жеке тәжирийбелер хәм көнликпелер;
- жеке тәжирийбе хәм билим.

Балалардың өзлестириў уқыпларын жеделлестириў – бүгинги күнде педагогиканың әхмийетли машқалаларынан бири болып табылады. Оның әхмийетлилиги методикалық усыллар хәм куралларды излеў хәм ислеп шығыў зәрүрлиги менен белгиленеди. Балалардың өзлестириў уқыбын жеделлестириў машқаласын шеший ушын оқыў маериалларының теориялық дәрежесин күшейтий менен бир катарда, балаларға билиў методларын избе-из түрде үйретиў талап етиледи. Бул илаж белгили бир оқыў түрлеринде әмелге асырылады. Белгили бир оқыў

түрлеринде балаларды билиү методлары хәм усыллары менен куралландырыу талап етиледі. Буның нәтийжесинде балалар билиминиң раўажланыуы билиүге тийкарланған басқа да рухый ҳалатларға тәсир етеді.

Шахса бағдарланған билимлендириү процессинде балаларда логикалық хәм сын-пикирлеүди раўажландырыуға айрықша итибар қаратылады. Себеби, балалардың логикалық хәм сын пикирлеу ақылы өзлестириу уқыбының жеделлигин тәмийинлеу имканын береді. Буның нәтийжесинде балалар белгили бир оқыу түрлеринде оқыу материалларын табыслы өзлестириу имканиятына ийе болады. Бул болса, олардың ақылы жақтан раўажланыуын жеделлестирип, билиу имканиятларын кеңейтиуге тийкар болады.

Бақлауларымыздан мәлим болганындай, балалардың жаңа оқыу материалларын өзлестириуге болған қызығушылықтары менен талаптары жүдә бос түрде жетиліскен. Мектепке таярлау топары балалардың оқыу материалларын билиу куўатлылықтары хәм имканиятларын раўажландырыу оқыу материалларының социаллық әҳмийетлилик дәрежесине де байланыслы.

Балалардағы өзлестириу белсендилиги кең мәнисте олардың биологиялық өзине тәнликлери менен байланыслы болып табылады. Бунда тийкарғы итибар балалардың белгили бир жұмысқа бағдарланғанлығы хәм өз талаптарын қанаатландырыу имканиятларына қаратылады. Өзлестириу уқыбына мүнәсибет хәкқинда пикир жүргизер екенбиз, бул балаларда билиу мейиллери, оған ерисиу жоллары, мәлимлемелерден пайдаланыу, ақылы жұмыс көнликпелериниң жетилисүүинде көзге тасланады. Бул өз гезегинде өнимли оқыу-билиу жұмысының жүзеге келиуін тәмийинлейді. Жұмыстың нәтийжелилиги балаларда унамлы кеширмелер, сезимлер, жоқары дәрежедеги билиу қызығушылықтарын оятып, оларды келешектеги өзлестириу уқыбына бағдарлайды.

Балалардың өзлестириу уқыбын раўажландырыудың зәрүр шәрти – белгили бир оқыу түрлеринде өзлерин еркин басқаруында өз сәулелениуін табады. Бул олардың өз минез-кулқларын басқаруында айқын көзге тасланады. Жұмыс характери хәм әмелге асыруу шараятларына байланыслы халда қойылған мақсетке ерисиуге бағдарланған ықтыярлы куўатлықлар көзге тасланады.

Оқыу жұмысының қәлиплескенлиги – бала минез-кулқының еркин басқарылуы, өзиниң рухый халатлары хәкқинда ойлау, оқыу мейиллериниң турақлылығы, өз-ара тең келетуғын усыллар жәрдемінде балаларға өз билиу уқыптарын әмелге асыруу имканын береді. Балалардың оқыу процеси субъекти сыпатында қәлиплесіулері оларда рухый билиу имканиятын жетистирметен әмелге асыруу мүмкин емес. Биринши гезекте ақыл, өзи хәкқинда ойлау қәбилетиниң жүзеге келиуі, өз-өзин қадағалауы, өз-өзин бахалауы балаларда ақылы жұмыс операцияларының қәлиплескенинен дәрек береді. Бул төмендеги көнликпелер арқалы анықланады: анализлеу, улыу маластырыу, салыстырыу хәм ғалабаластырыу арқалы.

Балаларда оқыу жұмысына байланыслы көнликпелердиң қәлиплеспегенлиги оқыу процеси нәтийжелилигиниң төменлеуіне алып келеді. Буның нәтийжесинде балалардың оқыу жұмысындағы кемшиликлери күшейип, оқыу-билиу мейиллери жоғалады.

Илимий дәреклерде балалардың билиу белсендилиги олардың материаллық

барлыққа болған мүнәсибәтлери сыпатында көрсетиледи. Балалар социаллық-тарийхый тәжирийбени өзлестириүи тийкарында социаллық жақтан әҳмийетли болған материаллық хәм руўхый қуралларды билиү имканиятына ийе болады. Балалардың дәретийушлик жумысы олардың билиү белсендилигин жеделлестиреди. Бул олардың ықтыярлы хәрәкелери менен пикирлеринде көзге тасланады.

Билиүге болған қатнаста балардың белсендилиги, билиүге қызығыушылықлары, мәлимлемелерди өзлестириү көнликпелериниң қәлиплескенлиги, оған тийкарланыү, өз минез-қулқын басқарыү имканиятының барлығында көринеди.

Дәстүрий билимлендириү шараятында өзлестириү уқыбы тәрбияшының балаларға таяр билимлерди беріү хәм балалардың усы билимлердиң өзлестириүге бағдарланған хәрәкети сыпатында түсиниледи. Қәнигелер басқышпа-басқыш өзлестириү уқыбының жаңа дәрежелерине өтиү зәрүрлигин түсине баслады. Дәслеп билимлердиң белигили бир бөлеги, соңғылығында болса, барлық мәлимлемелер балаларға таяр түрде узатылмауы кереклигин қәнигелер теориялық жақан дәлилләй баслады. Тәрбияшы балаларға пикирлесиү тийкарында усыныс етеуғын мәлимлемелердиң белиги бир бөлеги еркин изленіү ушын тийкар больуына ерсиү нәзерде тутыла басланды. Бүгинги күнде түсиниүге тийкарланған оқыү процесинен машқалалы билимлендириү процесине өтиү зәрүрлигин барлық түсинип жетпекте.

Балалардың өзлестириү уқыбының элементлери оны белсендилестириүге тийкар болатуғын хәдийсе болып, эмоциялық жұмыс сыяқлы ўақыяларды ақыланан өткеріү хәм көз-қараслардың жетилисиүи дәрежесине ийе болып, Балалардың жас өзгешеликтери хәм руўхый жағдайлары менен тығыз байланыслы болып табылады. Пикирлеү көнликпеси де дәлиллер хәм хәдийселелерди теориялық жақтан пикирлеү дәрежесине ийе.

Өмелге асырылған бақлаулар нәтийжелери соны көрсетеди, машқалалы жағдайды қолланғаннан соң балалардың өзлестириү уқыбы сезилерли дәрежеде жеделлеседи. Берилген тапсырмалардың шешимлерин еркин излеү имканиятлары кеңейди, билиүге болған ишки мейиллер күшейди. Балалардың оқыү-билиү уқыбына болған сезиниү мүнәсибәтлери раўажланды. Изертлеүимиз нәтийжелери сабақларда системалы түрде балаларды машқалалы жағдайларға тартыү нәтийжесинде өзлестириү уқыбының буннан былай да жоқары дәрежеге ерисилди.

#### Әдебиятлар:

1. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, 1999 йил
2. "Илк қадам" давлат ўқув дәстури. Т., 2018
3. "Болаңгиз мактабга тәйёрми?" методик қўлланма. Т., 2001 йил.
4. Хасанбоева О "Мактабгача таълим педагогикаси"Т., 2006 йил

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада балаларнинг билиш қобилиятини ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари тўғрисида сз юртилади.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются теоретические и практические основы развития познавательных способностей детей.

#### SUMMARY

This article discusses the theoretical and practical foundations for the development of children's cognitive abilities.

## МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ YOSHIDAGI BOLALARNI AXLOQIY ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ

*Хамдамова М.Т.*

*педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Низомий номидаги Тошкент  
давлат педагогика университети Мактабгача таълим факультети декани*

**Tayanch soʻzlar :** bola, axloq, taʼlim, tarbiya, printsip, metod, xulq-atvor, his-tuygʻu.

**Ключевые слова:** ребенок, нравственность, образование, воспитание, принцип, метод, поведение, эмоция.

**Key words:** child, morality, education, upbringing, principle, method, behavior, emotion.

Axloqiy tarbiya-shaxsni xar tomonlama rivojlantirishning muxim tarkibiy qismidir. U bolalarga axloqiy tasavvur va bilimlarni singdirish, ularda shaxsning axloqiy xis-tuygu va sifatlarini, ijobiy munosabatlar va xulq madaniyatini tarbiyalashga qaratilgan jarayondir.

Axloqiy tarbiya jarayonida bola axloqiy jixatdan kamolga etadi. Axloqiy tasavvurlarning rivojlanishi jarayonida eng avvalo ular oʻzlarining boshqalar bilan boʻladigan munosabatlarini ongli tushuna boshlaydilar; tengdoshlari va kattalar bilan boʻladigan munosabatlarida axloq saboqlari rivojlana boradi.

Pedagogika fani bolaning axloqiy rivojlanishida tarbiya va taʼlimni muxim omil deb xisoblaydi. Pedagogika va ruxiyatga oid juda koʻp tadqiqotlar natijalarining koʻrsatishicha, maktabgacha tarbiya davya bolaning maʼnaviy shakllanishida eng muxim bosqichdir. Xuddi mana shu davrda maʼlum maqsadga qaratilgan taʼlim-tarbiya taʼsirida shaxsning axlokiy sifatleri shakllana boshlaydi, 6-7 yoshga borganda, esa ijobiy xulq normalarining ancha barqaror shakli yuzaga kelib, bola tevarak-atrofdagilar bilan boʻladigan munosabatda ana shu egallab olgan axloq qoida va normalari nuqtai nazaridan ish tutadigan boʻlib qoladi, shuning uchun bolalarga ilk yoshidan boshlab axloqiy tarbiya berib borish muxim axamiyat kasb etadi.

Axloq kishilarning xulq-atvor normalari va qoidalarini, ularning oʻz-oʻziga, boshqa kishilarga, mehnatga, jamiyatga munosabati kabi axloqiy tushunchalarni oʻz ichiga oluvchi ijtimoiy ongning aloxida bir shaklidir.

Axloq sinfiy xususiyatga ega, chunki axloq xis-tuygu, tushuncha va printsiplar maʼlum ijtimoiy formatiyaga xos boʻlib, ijtimoiy tuzum oʻzgarishi bilan u xam oʻzgaradi. Bizning jamiyatimizdagi axloq, eng yaxshi umuminsoniy xulq normalarini oʻz ichiga olgan boʻlishi kerak.

Insonning barkamolligi uning maʼnaviy dunyosi qandayligi bilan belgilanadi. Yaxshi tarbiya kishining qimmatbaxo boyligidir.

Oʻzbek xalqining maʼnaviyati xaqiqatgoʻy va adolatli boʻlish, jaxolat va qabixlik yoʻlini toʻsish, insoniylik, mexr-shafqat, maʼrifat, doʻstlik, mardlik, birodarlik, mexmondoʻstlik, poklik, xushxulqlik, insof, vatanparvarlik ka6i insoniy fazilatlarini singdirishga chaqiradi.

Oʻzbek xalqining urf-odatleri, turmush tarzi, taʼlim-tarbiya, madaniyat anʼanalari moziyning uzoq-uzoq asrlariga borib taqaladi. Hozirgi va kelajak avlodimiz kishilari



o'zbek milliy ma'naviyatini yaxshi bilishlari va unga rioya qilishlari lozim. Shundagina jamiyat to'q, farovon, kishilar osoyishta va madaniy xayot kechiradilar. Bu xamisha xamma avlod tomonidan e'tirof etilgan.

Qadim-qadimdan o'zbek, sharq klassiklari ijodida axloq-odob masalasi markaziy o'rinni egallab kelgan. Kaykovusning «Qobusnoma»sidan tortib, Al-Xorazmiy, Abu Nasr Farobiy, Abu Rayxon Beruniy, Abu Ali ibn Sinolarning nazmiy va nasriy asarlarida, Yusuf Xos Hojibning «Qutadg'u bilik» («Baxt keltiruvchi bilim»), Axmad Yugnakiyning «Hibatul haqoyiq» («Haqiqat sovg'alari»), imom Ismoil al-Buxoriyning «Al-Adab Al-Mufrad» («Adab durdonalari») kabi jaxonga mashxur asarlarida, Alisher Navoiyning o'lmas she'riyatida, Munis Xorazmiyning «Zavodi ta'lim»ida, Kamoliddin Husayn Voiz Koshifiyning «Axloqi Muxsimiy», «Ravzati shaxodat» («Shaxodat bog'i») kabi asarlarida axloq, odob masalalari yoritilgan.

Koshifiyning asarlaridagi ta'lim-tarbiya, axloq masalalari ko'pchilik uchun andoza, namuna, odob normasi sifatida qisqa, asosli, lo'nda qilib yozilgan. Koshifiyning fikricha, inson fazilati uning egallagan ta'lim-tarbiyasiga bog'liq. Shundagina u odobli xisoblanishi mumkin.

«Odob-bu qalbni yomon so'zlardan va nojo'ya xulqdan saqlay olish, o'zini va o'zgalarni ham xurmat qila bilishdadir», deydi olim. Uning fikriga yaqin fikrni A. Navoiy ijodida xam ko'ramiz. «Odobli inson barcha odamlarning yaxshisidir va barcha odamlar uchun yoqimlirog'idir»,- deydi buyuk shoir. By bilan u kishilarning insoniylik belgisi uning odobli, axloqli ekanligi bilan o'lchanadi, deb ta'kidlaydi va barcha insonlarni yaxshi xulqli bo'lishga chaqiradi. A. Navoiyning «Maxbubul qulub» asarida odob, axloqqa oid g'oya ham ilgari surilgan. Uning birdan-bir orzu-umidi, ideali insonga bulgan metr-muxabbat, samimiylik edi. Uning quyidagi misralari fikrimizning yaqqol dalilidir.

Menga na yoru na oshiq havasdir,

Garchi men odam o'lsam-ushbu basdir.

Abu Nasr Farobiy inson o'zining yaxshi xulqi bilan baxt-'saodatga erishishi mumkin, deydi.

Zamonamizning yirik ma'rifatparvarlaridan bo'lmish Abdulla Avloniy inson barkamolligi uning aqlida, jismoniy sog'lomligida xamda odobli xushxulqida, deb biladi.

Abdulla Avloniy til va so'z odobi haqidagi umuminsoniy fikrlarni shunday ta'riflaydi: «... so'z insonning daraja va kamolini, ilm va fazlini ulchab kursatadigan tarozidir. Akl soxiblari kishining dilidagi fikr va niyatini, ilm va kuvvati, qadr va qimmatini so'zlagan so'zidan bilurlar».

Maktabgacha yoshdagi bolalarni axloqiy jitxatdan tarbiyalash vazifasi va mazmuni bolaning ma'naviy dunyosini, uning ongini, axloqiy xislarini, shaxsiy sifatleri va xulqini tarbiyalash va rivojlantirishni taqozo etadi. Axloqiy tarbiyaning vaziflari asosan quyidagilardir:

Bolalarda axloqiy xis-tuyg'ular, tasavvurlar va hatti-harakatlarni tarbiyalash.

Xulq madaniyati va ijobiy munosabatlarni tarbiyalash.

Shaxsda axloqiy xis-tuyg'ularni tarbiyalash.

Xulqdagi salbiy xislarni barxam toptirish.

Bu umumiy vazifalar yosh guruhlari bo'yicha konkretlashtiriladi va o'quv tarbiyaviy jarayonining mazmunida o'z aksini topadi. Axloqiy tarbiyaning vazifasi va mazmuni bog'chadagi axloqiy tarbiya berishning asosiy printsiplari va pedagogik shart-sharoitlariga rioya qilish asosida bajariladi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar axloqiy tarbisining vazifasi hamda mazmuniga muvofiq uning printsiplari ishlab chiqilgan. Ular quyidagilardan iboratdir:

1. g'oyaviy va tarbiyaviy ishning ma'lum maqsadga qaratilganligi;
2. ta'lim-tarbiya ishiga bola shaxsini hurmat qilgan xola yondoshish;
3. axloqiy tarbiya ishini xayot va zamon bilan bog'lab olib borish;
4. bolalarning faolligi;
5. jamoada tarbiyalash;
6. tarbiyaviy ishning sistemaliligi va izchilligi;
7. ta'sirchanligi;
8. oila, bog'cha hamda kattalar tarbiyaviy ta'sirining birligi;
9. boladagi ijobiy sifatlarga suyanish;
10. bola shaxsini har tomonlama rivojlantirishni ko'zda tutish.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarga axloqiy tarbiya berishda har xil metod va usullarni qo'llash muhim ahamiyatga ega.

Axloqiy tarbiya metodlari-bolalarning axloqiy tasavvur va bilimlarini egallab olishiga, ularda ma'daniy xulq va ijobiy munosabatlarni, shaxsning axloqiy xis-tuyg'ulari va sifatlarini tarbiyalashga qaratilgan faoliyat hisoblanadi. Axloqiy tarbiya metodlari quyidagi guruhlarga bo'linadi:

I-guruh axloqiy ongini, ya'ni axloqiy tasavvur va bilimlarni, ularni bajarish xoxishini shakllantirishga qaratilgan metodlar.

II-guruh madaniy xulq-atvor va ijobiy munosabatlarni shakllantirishga qaratilgan metodlar.

III-guruh axloqiy xis-tuyg'ular va munosabatlarni rag'batlantirishga qaratilgan yordamchi metodlardir.

Hamma guruh metodlari axloqiy xis-tuyg'ular va shaxsiy sifatlarni tarbiyalashni ta'minlaydi.

Bu guruh metodlariga qo'yitladigan asosiy talablar: bolalarni yaxshilik va yomonlik to'g'risidagi tasavvurlarini e'tiborga olish, axloqiy xulq-atvor normalarini muhokama qilish uchun maxsus yaratilgan vaziyatda bolalarning o'zlarini faol qatnashtirish; har bir bolaning xis-tuyg'usiga extiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish.

Bolani noo'rin tanqid qilish, uning ustidan kulish, unga nisbatan e'tiborsizlik qilish qat'iy man etiladi. Hamma metodlarda ma'lum izchillik bilan kompleks ravishda foydalaniladi. Bu metodlarning asosiy vaziflari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

bolalarda ijobiy, axloqiy xislarni qo'zg'ata olish, asar qaxramonlariga hamdardlik bildirish, yutug'idan quvonib, muvaffaqiyatsizligi birgalashib achinish;

bolalarga tushunarsiz bo'lgan ayrim axloq qoidalarning mazmunini ochib berish;

axloqiy mavzulardagi hikoyalardan mashg'ulotlarda, sayrlarda, bolalarning o'z xayoti bilan bog'liq bo'lgan joylarda ham foydalanish.

Shunday qilib, bolalarning axloqiy tasavvur va tushunchalarni egallab olib, uni kundalik odatga aylantirishlari uchun bolalarning kattalar rahbarligidagi qizg`in faoliyati tashkil etilishi lozim. Tarbiyachi bola shaxsida axloqiy xis-tuyg`ularni tarbiyalash uchun hamma vosita va metodlarni qo`llaydi, chunki u shunday qilingandagina yaxshi xulq namunalarni o`rgatishi mumkin.

Adabiyotlar:

1. Milliy istiqlol g`oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. -T.:«O`zbekiston», 2000.
2. O`zbekiston XXI asrga intilmoqda. -T.: «O`zbekiston», 1999.
3. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: «O`zbekiston», 1993.
4. O`zbekiston Respublikasi Ensiklopediyasi.-T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1997
5. Alpomish: O`zbek xalq qahramonlik dostoni. –T.: «Sharq», 1998
6. Amir Temur «Temur tuzuklari», -T.: / . /ulom nomidagi adabiyot va san`at nashiriyoti. 1996.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqola maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni axloqiy tarbiyalash asoslari haqida bo`lib, Axloqiy tarbiya haqida tushuncha. Axloqiy tarbiyaning vazifasi, mazsuni va printsiplari. Ahloqiy tarbiya metodlari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена основам нравственного воспитания дошкольников и концепции нравственного воспитания. Задача, содержание и принципы нравственного воспитания. Освещаются методы нравственного воспитания.

SUMMARY

The article is devoted to the basics of moral education of preschoolers and the concept of moral education. The task, content and principles of moral education. Methods of moral education are covered.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАР СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

*Беркинова Ч.И.*

*Жиззах давлат педагогика институти Мактабгача таълимда  
методикаси кафедрa ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** умумжаҳон маданияти, мутахассис, болаларни қаровсиз қолдириш, болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш.

**Ключевые слова:** общечеловеческая культура, специалист, безнадзорность, охрана жизни и здоровья детей, медицинская помощь.

**Key words:** universal culture, specialist, child neglect, protection of children's life and health, medical care.

Мактабгача ёшдаги давр ҳар бир инсон ҳаётидаги энг муҳим даврлардан биридир. Айнан шу йилларда боланинг саломатлиги, баркамол, ақлий, ахлоқий ва жисмоний ривожланишининг пойдевори қўйилди ва шахснинг шахсияти шаклланди. Ҳозирги кунда умумжаҳон маданиятининг асосий таркибий қисми бўлган соғлиқни сақлаш, ҳаракатларни ривожлантириш ва умуман, болаларнинг жисмоний ривож-

ланишини яхшилаш бўйича ишларни такомиллаштириш бўйича долзарб савол мавжуд. Маълумки, соғлиқ фақатгина 7-8% соғлиқни сақлашга боғлиқ, шу билан бирга ярмидан кўпи унинг турмуш тарзига боғлиқ.

Мактабгача таълим ташкилотига болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш мактабгача таълим ташкилотининг педагог ва тиббиёт ходимлари, шунингдек мактабгача таълим ташкилотига ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Бу жараёнда мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида мактабгача таълим ташкилотига телефон аппаратлари мавжуд бўлган жойларда, шунингдек барча ходимлар кириши ва кўриши мумкин бўлган жойлардаги эълонлар тахтасига ёнгин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар, тез тиббий ёрдам хизматлари ҳамда ички ишлар органларининг телефон рақамлари кўрсатилган маълумотлар осиб қўйилади.

Мактабгача таълим ташкилотининг гуруҳ тарбиячисига мактабгача ёшдаги болаларнинг яшаш манзили, шунингдек уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақамлари ёки бошқа алоқа воситалари ҳақидаги маълумотлар бўлиши зарур. Тарбияланувчи мактабгача таълим ташкилотига бўлган вақтда соғлиғининг ёмонлашуви, шунингдек бошқа нохуш ҳолатлар кузатилган ҳолларда мактабгача таълим ташкилоти ходимлари томонидан зудлик билан тиббиёт ҳамширасига, шунингдек тарбияланувчининг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга хабар берилади. Бунда тарбияланувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар етиб келгунга қадар тиббиёт ходими томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим. Тарбияланувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсга кузатилган ҳолат ва кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам ҳақида тўлиқ маълумот бериб борилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилоти ҳудудидан ташқарига сайр ёки экскурсияларга олиб чиқиш ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Мактабгача ёшдаги болалар учун мактабгача таълим ташкилоти ҳудудидан ташқарида сайр ёки экскурсиялар режалаштирилганда мактабгача таълим ташкилоти директори ҳамда мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар хабардор қилиниши шарт. Мактабгача ёшдаги болалар мактабгача таълим ташкилоти ҳудудидан ташқарига сайр ёки экскурсияларга олиб чиқилганда гуруҳ камида 2 нафар ходим билан таъминланган бўлиши лозим. Бунда ходимларнинг бири сафнинг олдида, иккинчиси сафнинг орқасида ҳаракатланиб боради. Мактабгача таълим ташкилотига олиб келишда тарбияланувчини ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахс, ота-онанинг вояга етган фарзандлари, бобоси, бувиси ёки ота-она томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ота-онанинг вакили) уни шахсан гуруҳ тарбиячисига топшириши лозим ҳисобланади. Мактабгача таълим ташкилотига тарбияланувчилар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улар учун зарур шароитларни яратилишини назорат қилиш мақсадида видеокузатув мосламалари ўрнатилиши мумкин. Мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида, шунингдек гуруҳларда инсон учун хавfli бўлган ўсимлик ва буюмлардан фойдаланиш тақиқланади. Тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш давлат мактабгача таълим ташкилотининг тиб-

бийет ҳамшираси ҳамда мактабгача таълим ташкилотига ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида:

мактабгача таълим ташкилоти ҳудудига кириш эшигига қўнғироқ ўрнатилиши;  
гуруҳда мавжуд бўлган жавон, илгак, портретлар, шунингдек гул тувакларини жойлаштиришга мўлжалланган махсус мосламалар девор ёки полга маҳкамлаб қўйилиши лозим.

Мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида, шунингдек гуруҳларда инсон учун хавfli бўлган ўсимлик ва буюмлардан фойдаланиш тақиқланади.

Мактабгача таълим ташкилотнинг педагог ходимлари ва бошқа мутахассислари томонидан иш вақти давомида болаларни қаровсиз қолдириш тақиқланади. Тарбиячи ёки бошқа мутахассислар бўлмаганда тегишли гуруҳга мудира томонидан бошқа жавобгар шахс тайинланиши лозим.

Мактабгача таълим ташкилотда болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби ва қоидалари

Мактабгача таълим ташкилотда болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишда куйидагиларга риоя этишлари лозим:

барча телефон аппаратлари олдида ҳамда мактабгача таълим ташкилотнинг марказида ёнгин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар, тез ёрдам хизматлари, ички ишлар идораларининг телефон рақамлари ва уларга боғланиш тартиби қўрсатилган пешлавҳалар мавжуд бўлиши;

мактабгача таълим ташкилотнинг барча ходимларида муассаса мудирини ҳамда ўз гуруҳидаги тарбияланувчиларнинг яшаш манзили, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг телефон рақамлари мавжуд бўлиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилот ходимлари бола тўсатдан касал бўлиб қолса ёки нохуш ҳолат юзага келган тақдирда, биринчи тиббий ёрдам қўрсатишга тайёр туриши лозим.

Ҳар бир гуруҳда болалар томонидан олишнинг имконияти бўлмаган жойда керакли дори-дармонлари бўлган аптечка бўлиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотда педагогик кенгашлар, касаба уюшмаси йиғилишлари ва бошқа тадбирларни болаларнинг уйку соатларида ташкил этиш лозим. Бунда албатта гуруҳда тарбиячи ёрдамчиси қолиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим ташкилотда овқатланишни ташкил этиш, озик-овқат маҳсулотларининг сақланиши ва таомларни тайёрланиши Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Мактабгача таълим ташкилотнинг педагог ходимлари ва бошқа мутахассислари томонидан иш вақти давомида болаларни қаровсиз қолдириш тақиқланади. Тарбиячи ёки бошқа мутахассислар бўлмаганда тегишли гуруҳга мудира томонидан бошқа жавобгар шахс тайинланиши лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-кк/1-сон қарори

2. Aleksandrova E. Yu. «Sog'liqni saqlash oroli» dasturi asosida «Maktabgacha ta'lim muassasalarida dam olish ishlari» o'qituvchi «Volgograd 2007
3. Г.И. ХАСАНОВА “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223-2256
4. Хасанова, Г. (2021). Олий таълим муассасалари педагогларининг Креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мазмуни. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 778-782
5. Усмонова . Ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик технологиялар Таълим технологиялари. 2016 йил. 4-сон.
6. М. Усмонова . Педагогик жараён лойихаси – машгулотлар самардорлигини таъминлаш воситаси сифатида Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самардорликни ошириш: муаммо ва ечимлар Халқаро илмий конференция. Тошкент. 25 май, 2017 йил
7. Manzura, N. (2021). Sustainable Activity in the Teaching Profession and Its Foundations. Psychology and Education Journal, 58(2), 1339-1345
8. Norquziyeva, M. (2020). Бўлажак ўқитувчиларнинг касбга муносабатини ўзгартириш-касбий барқарорликни таъминлаш гарови. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.
10. Content of developing the creative abilities of teachers of higher educational institutions . Xasanova Gulnoza Ilhomovna
11. Norquziyeva, M. (2021). Xalq og'zaki ijodi asosida o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash: xalq og'zaki ijodi asosida o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash. Журнал дошкольного образования, 2(2). извлечено от <https://preedu.jspi.uz/index.php/preedu/article/view/832>
12. Выготский Л.С. Педагогическая психология. - М.: «Педагогика», 1999. -С. 321.
13. Абдурахманова Р.Б. Становление профессиональной направленности педагогов и психологов Автореф. дис. канд. психол. наук. – Ташкент, 2005.-22 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотларида болалар соғлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш йўллари ҳақида сўз борган

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются способы защиты и защиты здоровья детей в дошкольном образовании.

SUMMARY

The article discusses ways to protect and protect the health of children in preschool education.

## МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNI TABIAT QO'CHOG'IDA MEHNAT QILISH MALAKALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI

*Rahmonqulova X.B.*

*JDPI. Maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrası o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** tabiat, mehnat, malakalar, maktabgacha yosh, usul, metod, tabiat qo'ynida, mehnat vazifalari.

**Ключевые слова:** природа, труд, умения, дошкольный возраст, метод, метод, природа, рабочие задания.

**Keywords:** nature, labor, skills, preschool age, method, method, nature, labor tasks.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni bugungi kunda mehnat qilishga o'rgatishda ularni mehnat turlaridan kelib chiqib tabiat quchog'ida mehnat qilishga o'rgatib borish lozim. Bu esa maktabgacha ta'lim uchun dasturda ham keng yoritilgan. Chunki mehnat inson hayoti uchun, uning farovon turmush kechirishi uchun hamisha asos bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi. Mehnat farovon, baxtli hayot kechirishning eng asosiy sharti bo'lganligi sababli ham fuqarolar uchun majburiydir.

Mehnat odamlarning biror bir maqsad uchun sarflagan vaqti, aqliy va jismoniy kuchi yoki zarur faoliyatidir. Mehnatsiz yashamoq mumkin emas. Barcha tirik mavjudod nimanidir iste'mol qilish hisobiga yashaydi, umrini davom ettiradi. Erda yashovchi mayda qurt-qumursqadan tortib, parrandalargacha, suv ostida yashovchi jonivorlardan tortib, ulkan hayvonlargaacha ovqatsiz yashay olmaydilar. Xuddi shuningdek, odamlar ham uzluksiz ovqatlanadi, hayot kechiradi.

Boshqa tirik mavjudodlardan farqli odamlar kiyinishadi, uy-joy qurishadi, savdot-sotiq qilishadi, ijod qilishadi. Bu ishlarni amalga oshirish uchun tirikchilik manbai bo'lgan pul kerak. Pul topish uchun, o'zlariga kerakli narsalarni yaratish uchun odamlar mehnat qilishlari zarur. Mehnat jarayonida oziq-ovqat, kiyim-kechak va boshqa zarur narsalar yaratiladi. Mehnat inson hayotini mazmunli qiladi. Odamlar mehnat qilish jarayonida sog'liqlarini mustahkamlaydilar, obro' orttiradilar va o'z kelajaklarini yaratadilar.

Ota-bobolarimiz asrlar davomida mehnatni ulug'lab kelganlar. Bizga ulardan meros bo'lib qolgan barcha xazinalar – ilmiy, badiiy kitoblar, san'at asarlari, me'morchilik obidalari mehnat mahsulidir.

Jahon fanining rivojiga bebaho hissa qo'shgan al Xorazmiy, Ibn Sino, Ismoil al Buxoriy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi bobokalonlarimiz mehnatsevarliklari tufayli ulkan yutuqlarni qo'lga kiritishgan, yoshlarni ham mehnat qilishga chaqirishgan. Shu boisdan jahonning barcha xalqlari maqollarida bo'lgani kabi o'zbek maqollarida ham mehnat tarbiyasi markaziy o'rinlarni egallagan.

Azaldan mehnatkash, tinib-tinchimas xalqimiz o'zining mehnati bilan bog'larni gulistonga, cho'lni bo'stonga aylantirib kelmoqda. Qadimda ota-bobolarimizning mehnat haqida aytilgan dono naqlari hozirga qadar ham o'z kadrini yo'qotgani yo'q.

**Masalan:**

*Mehnat qilsang, ko'ksing tog',  
Hurmat qilsang, diling bog'.*

*Mehnatli non-shakar,  
Mehnatsiz non-zahar.*

*Mehnat baxt keltirar,  
Mehnat qilib topganing,  
Qandu asal totganing.*

Bu maqollar orqali dono xalqimiz mehnatni ulug'laydi, uning samarasi haqida fikr yuritadi.

O'zbek bolalar yozuvchisi va shoirlari ham kattalar mehnatining mazmunini yoritib berganlar. Bunga K. Muhammadiyning "Etik", "Bir xovuch yong'oq", K. Hikmatning "Suv" kabi she'rlari misol bo'ladi.


Yuqorida aytganlarimizdan ko'rinib turibdiki, mehnat har qanday moddiy va ma'naviy boyliklarning asosiy manbai, shu bilan birga shaxsni har tomonlama kamol toptirishning muhim vositasidir. Mehnat jarayonida insoniy xislatlarning faol namoyon bo'lishi uchun eng qulay sharoitlar yaratadi va har bir kishida ma'naviy qoniqish hosil qiladi.

Har bir bola maktabgacha tarbiya yoshidan boshlab mehnatda ishtirok etishi zarur. Bog'chada, oilada bajariladigan uncha murakkab bo'lmagan har bir topshiriq uning kundalik vazifasiga aylanishi kerak. Bola mehnatning ahamiyati va mohiyatini tushinib etishi uchun pedagog kattalarning mehnati, bolalarning o'zlari bajaradigan mehnat turlarini ko'z atish yuzasidan ekskursiyalar uyushtiradi.

Bolalar quruvchilarning mehnatini kuzatishyapti, deylik. Qurilish maydonchasiga katta-katta bloklar keltirilib, ular ko'tarma kran bilan tushiriladi. Keyin bolalar g'isht teruvchilar, duradgorlar, suvoqchilar, tom yopuvchilar, buyoqchilar mehnatini kuzatadilar.

Bolalarni qurilish bilan tanishtirish davomida bilib olgan barcha tasavvur va tushunchalari, ularning ko'zi oldida ajoyib bino bunyod etgan kishilar mehnatining bog'zalligi namoyon bo'ladi.

Mana tarbiyachi bolalar diqqatini chinni buyumlarga gul soluvchi kishilar mehnatiga jalb etadi. Bolalar tarbiyachi bilan birgalikda ularning mohirona chizgan rasmlari natijasida chinni idishlarning har xil jilo berib turlanishidan zavqlanib, "Ularining qo'llari gul ekan", deyдилar.



Bularning barchasi bolalarda kishilar mehnatiga muxabbat uyg'otadi. Pedagog bolalarni mehnatning moddiy boylik keltiruvchi tomonini ham, estetik tomonini ham ko'ra bilishga o'rgatadi. Bahor kunlarining birida tarbiyachi bolalarni daraxtlar gullab turgan boqqa olib kiradi. Gulsapsar va piyongul bilan o'ralgan yo'lkalarga qum sepilgan, daraxtlarning tanasi bog'bonlar tomonidan ohak bilan oqlangan. Tepada esa gullab turgan o'rik, gilos, olma, olcha, shaftoli. Gullarning atrofida asalarilar guvillashib uchib yuribdi. Bularning hammasi bolalarda ajoyib zavqli kechinmalar uyg'otadi.

Mehnat bolalarning jismoniy, rivojlanishida zarur shartlardan biri hisoblanadi. Mehnatda bola o'zining ishlash, harakat qilish ehtiyojini qondiradi, harakatlarning aniq, uyg'un bo'lishini ta'minlaydi. Mehnat jarayonida bola organizmining umumiy hayotiy faoliyati, uning chidamliligi ortadi.

Bolalarning turli xil mehnat jarayonlarida ishtirok etishlari, kattalar mehnati bilan tanishishlari ularning tevarak-atrofdagi hayot haqida, kishilarning o'zaro munosabatlari to'g'risida, narsalar va ularning xususiyatlari, materiallarga ishlov berish usullari haqida, qurilmalar va asboblarga to'g'risida muayyan tasavvurlarga ega bo'lishlariga yordam beradi.

Mehnat bolalardan diqqat, o'tkir zehnlilik, topqirlik, bilib olgan malaka va ko'nikmalarini amaliyotda qo'llay bilish, ijodkorlik qobiliyatlarini egallashni talab etadi.

Mehnatning axloqiy qimmatini uning jamiyat uchun qanchalik ahamiyatga ega ekanligi bilan belgilanadi. Mehnat har bir bolani o'z mehnatining ijtimoiy ahamiyatini tushinib etishga, uning jamiyat hayotiga kirib borishiga, o'zini shu jamiyatning a'zosi deb his etishga imkon yaratadi. Har bir bola oilada, bolalar mehnatida o'z ulishi borligini his eta bilishi lozim. Ishning shu tarzda tashkil etilishi bolalarda jamoachilik va intizomlilikni, burch hissini tarbiyalaydi. Shuning uchun bolalarni jamoa mehnatida tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi.

Maktabgacha yoshdan boshlab bolalarga mehnat tarbiyasi berish ularni estetik va jismoniy jihatdan ham rivojlantiradi. Mehnat tarbiyasining asosiy maqsadi bolalarni har tomonlama rivojlantirish, axloqli qilib tarbiyalash, kelajakdagi mehnat faoliyatiga ruxiy jixatdan tayyorlash, mehnat qilish xohishini singdirib borishdir.

Tabiatdagi mehnat bolaning har tomonlama rivojlanishida muhim ahamiyatga ega bo'lib, o'simlik va hayvonlar, yil fasllari, jonsiz

Tabiat burchagidagi bilimlar manbai, bolalarda mehnatsevarlikni, tabiatga ma'suliyatli munosabatni shakllantirish vositasidir. Shu bilan birga bolalar mehnatning bu turi orqali



tuproqni ekishga tayyorlashva o'g'itlash ,ko'chat o'tkazish, o'simlik va hayvonlarni parvarish qilish kabi mehnat ko'nikma va malakalarini egallab oladilar.

Mehnatni asosan ochiq havoda tashkil etilshi bolalar o'rganizmini chiniqtiradi, ularni sog'ligini mustahkamlaydi.

Tabiatdagi mehnat bolada bilishga qiziqishni rivojlantirishda ham muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Bolalar jonli o'bektning o'sishi va rivojlanishini kuzatadilar, ayrim o'simlik va hayvonlarning o'ziga xosliklarini bilib oladilar, tajribalar o'tkazishda ishtirok etadilar.

Adabiyotlar:

1. Sh.A.Sodiqova "Maktabgacha pedagogika". "Tafakkur sarchashmalari" T.: 2013 2.N.M.Kayumova "Maktabgacha pedagogika". "TDPU" nashriyoti T. 2013

3. O.U.Xasanboeva. Maktabgacha ta'lim pedagogikasi. T., 2007 y.

4.F.Qodirova, SH.Toshpo'latova, M.A'zamova. "Maktabgacha pedagogika".-T., "Ma'naviyat". 2013

5.«Ilk qadam» o'quv dasturi Toshkent.2018 .

РЕЗЮМЕ

Maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni mehnat qilish va tabiat qo'chog'da mehnat qilish malakalarini shakllantirish usullari haqida yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются методики работы с дошкольниками и формирование навыков работы на природе.

SUMMARY

The article describes the methods of working with preschool children and the formation of skills to work in nature.

---

## THE IMPORTANCE OF EDUCATIONAL GAMES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO CHILDREN IN PRESCHOOL EARLY: PROBLEMS AND SOLUTIONS

**Karimov D. A.**

*Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda jismoniy tarbiya kafedra mudiri*

**Makhkamboeva Sh.K.**

*Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda xorijiy-til yo'nalishi 3-kurs talabasi*

**Tayanch so'zlar:** xorijiy til, erta yoshda til o'rganish, ta'limiy o'yin, faoliyat, nozik vosita mahorati, ko'z-qo'l muvofiqlashuvi, faol ta'lim turlari, ingliz tilida blok o'ynash, rolo'yinlar, qo'l mehnati.

**Ключевые слова:** иностранный язык, изучение языка в раннем возрасте, развивающая игра, деятельность, мелкая моторика, зрительно-моторная координация, активные типы обучения, блочная игра на английском языке, ролевые игры, ручной труд.

**Key words:** foreign language, language learning at an early age, educational play, activity, fine motor skills, eye-hand coordination, active learning types, block play in English, role-playing games, manual labor.

Today, we all know that the fate of every child is of paramount importance. Speaking about his educational process and scientific potential, he said that in kindergarten and school age, play is the main and favorite hobby of the child, so the child also explores the world through play. . If foreign languages are taught in a mixed way, this will increase the effectiveness of language skills several times. After the independence of our country, the interest in teaching foreign languages has increased and many opportunities have been created for young people. As the first President Islam Karimov said, "At present,

great importance is attached to the teaching of foreign languages in our country. This, of course, is not in vain. Today, there is no need to underestimate the importance of perfect knowledge of foreign languages for our countries, which are striving to take a worthy place in the world community, for our people, who are building their great future in cooperation with our foreign partners. As a logical continuation of this idea, the Presidential Decree of December 10, 2021 «On measures to further improve the system of teaching foreign languages» expanded the opportunities for learning foreign languages.

Play not only increases a child's physical activity but also helps to shape his mental alertness. The game also helps the child to strengthen his self-confidence, to form social relationships with others. For this reason, parents and educators should encourage children to learn through play as much as possible. It is through play that children learn and discover their talents. To achieve this, it is advisable to use an environment that activates the sensory organs, including active forms of education, such as visual, auditory, kinesthetic. Educational games include playing musical instruments, singing songs, reciting poems, dancing, playing games, watching videos, and making various things through handicrafts.

► It is preferable to learn foreign languages at what age

Scientists around the world are unanimous in their view that a child can easily learn a foreign language by the age of 10. During this period, the child learns languages mechanically rather than comprehensively so that the use and pronunciation of a foreign language is easily mastered. But even so, given that a child is born with the ability to imitate the sounds of any language, those who intend to start the process early also make up the majority. Studies of the human brain have shown that the period from birth to the age of three is the most important period of a child's development. It has also been found that the brain of a three-year-old child works twice as fast and better than that of an adult. Therefore, according to British experts, introducing a child to a second language in the first year will help him to master it easily. But in any case, we must not forget that it is extremely important to take into account the child's psychological and language skills.

► Child readiness

Every child is an individual, of course, their stages of development are also different. According to psychologists, forcing a child to speak at an early age or trying to develop him or her in comparison to his or her peers often has the opposite effect and leads to poor results. Psychological and pedagogical features, ie their curiosity and ambition, should be taken into account when teaching a foreign language to children of kindergarten and primary school age. It is also important to keep in mind that children may not be able to focus on one type of activity for long periods of time. Parents want their child to be mature in all respects, and in many cases, regardless of the child's psychological and physiological readiness, try to give him loads of various subjects, language teaching or sports. In most cases, when parents fail to achieve the expected result, they try to influence the child by reprimanding the child or comparing them to their peers. But both of these attempts weaken the child's motivation to learn and cause him to lose interest in the things around him. The role of parents and caregivers



in preventing such tragedies is invaluable. The easiest and most acceptable way to teach a child to think freely, to increase his curiosity and motivation to explore the environment, to enrich the child's imagination, to reveal his creativity is this game. As children play, they put their ideas into practice, test hypotheses, acquire the necessary skills, use their imagination, and explore their own worlds.

► The importance of the game

The child is very curious by nature and he uses all his senses to explore the world around him. Since play is the most basic and favorite hobby of a child, if the child is introduced to the world around him and all the necessary knowledge and skills in it through play, the effectiveness of mastering the skills will increase several times. Play not only increases the child's physical activity, but also helps him to form mental alertness. The game also helps the child to build self-confidence, to form social relationships with others. This is why parents and caregivers should encourage children to learn through as much play as possible. It is through play that children learn and discover their talents. To achieve this, it is advisable to use an environment that activates the sensory organs, including active forms of education, such as visual, auditory, kinesthetic. Educational games include playing musical instruments, singing songs, reciting poems, dancing, playing games, watching videos, and making various things through handicrafts. Games such as colorful exhibitions, cards, competitions, role-playing games, making different shapes are one of the most fun ways to develop children's physical and mental activities.

► Children both play and develop and learn.

When playing with plasticine, children develop the skills of «small metrics». When children make shapes in plasticine, the activity of the eyes and hands is coordinated and the muscles of the hands and fingers are strengthened. This, in turn, is one of the most important skills before developing writing skills, as strong muscle strength and «eye-hand coordination» (visual-motor coordination) allow children to hold writing instruments correctly. and helps them use them wisely. By playing with plasticine, children also learn the characteristics of objects, such as color, shape, and structure. In educational activities involving musical instruments, children learn to distinguish different tones. Children begin to understand how the sounds and sounds emanating from different instruments change. The speed and stillness of the musical tone move according to the high and low of the sound curtains.

When playing with transport toys, children move up and down, forward and backward quickly and slowly, testing the force of friction and movement.

As children play with blocks and cubes, they learn the concepts of color, shape, and decoration, as well as weight, size, height, length, vertical, and horizontal.

► Educational activities that encourage children to communicate

Young children learn through their emotions and actions, so learning English should also be done through these emotional feelings and behaviors. Involving young children in interesting and communicative situations and activities in learning English is a very important factor in mastering language skills.

Although the goal of the activity is to teach English, it can be engaging for children, such as play, and for children to engage in these activities involuntarily and for children to learn a foreign language as naturally as their mother tongue. The provision is also noteworthy.

It is especially important to create a variety of interesting and stimulating situations for young children to learn English and to use all available opportunities to ensure that children actively participate in it.

► Situation / Educational activities

Since English is at the heart of any situation and activity, it is advisable that these activities be conducted in English in a fluent and understandable manner. It is necessary to shorten the communication in the native language and give the main emphasis to the English language. Of course, one of the first and most important successes in language teaching is the ability of the coach to engage the child with gestures, gestures and fluent speech and tone of speech in English. In particular, language instructors will be introduced to “Playing with blocks or legos”, “Dressing”, “Animals and their sounds”, “Animals and their sounds”.), “Crafts”, Sing a song, etc. are some of the best ways to develop language learning skills in young children. By using these activities, we will have the opportunity to expand and develop children’s vocabulary, imagination and creative thinking.

√ “Playing with blocks or legos” It has been proven in practice that learning outcomes is better when it is done through blocks, cubes and lego games in order to give children an idea of shapes, colors and numbers in English. Playing with blocks, cubes and lego toys stimulates the child to think and develops his creative ability in doing something, as well as through these games the child has the opportunity to increase the vocabulary in English. Vocabulary in games is done by asking questions in English and conveying the basic concepts through instruction. The child learns to count and sort through this game: How many blocks are there? (how many cubes are there?) Shall we put the blue ones here? (Do we put a blue cube here?) Learn the location of objects using prepositions: in (inside), on (above), under (below), below (below), behind (behind), next to (next to) . Gain an understanding of the units of measurement: big, small, long, short. Use the following words to instruct the child on what they are making: Find the red block, please! (Pull the blue one, please!), Push them! (Push them!). !), Build the house, please! (Build a house!) Make the car, please! (make a car!). Describes the objects and shapes the child makes: square, rectangle, tower, house, castle, garden

Through the type of educational activity «Dressing» children can be introduced to the fairy-tale heroes of the peoples of the world. When children are introduced to the characters of fairy tales, their costumes are worn and role-playing is done in English, and this activity increases the child’s English vocabulary and expands the child’s imagination and worldview. Through this educational activity, children learn words related to human body parts and clothing and have the opportunity to apply them in practice. Human body parts: head, arms, hands, feet, legs, eyes... Clothes: dress jacket, shirt (boys jacket), t-shirt (t-shirt), shoes (shoes), slippers (slippers), cap (cap), belt (belt), gloves (gloves)... The command is also given with emphasis on the body parts: put your arms through here, tie this around your waist / wrist, put these on your feet ) - first your right foot, then your left foot, then put this over your head.

Children also enliven fairy-tale characters in their imagination, enter the image, and learn to use key words and phrases. This of course also helps to develop speaking skills by listening and understanding words in English and composing sentences from memorized

words. Describes the costumes of the protagonist (fairy (pari), princess (princess), pirate (robber), king (king), clown (clown)) and uses the words to dress : put on (put on!), Zip up (lock the lock!), do the buttons up (unlock the buttons!), unbutton, unzip (unlock the lock).

- √ Animals and their sounds are introduced to the world of animals and insects in English. Children also listen to various stories and tales involving animals. Learning about animals and their movements and sounds in English through pictures depicting colorful pictures of animals is also a fun activity for children. Pets domestic animals: dog, cat, duck, cock, hen, chicken, cow... Wild animals wild animals: lion, tiger, wolf, rabbit, fox, snake, deer... Learn the names of animals and insects in English and train children along with imitating their temperaments gives the child a world of pleasure.

Hayvonot	Qandaytovushberadi	Tarjima
Dogs	bark	It
Cats	mew, purr, meow, hiss, yowl	Mushuk
Caws	moo, low	Sigir
Ducks	quack	O`rdak
Frogs	croak	Baqa
Bees	hum and buzz	Asalari
Lions	roar, growl	She`r
Chicks	cheep	Jo`ja
Flies	buzz, hum	Pashsha
Birds	chirrup, chirp, twitter, tweet, sing, whistle	Chumchuq
Wolves	howl, cry, yell	Bo`rilar

- √ “Crafts” Handicraft: a type of educational activity to make and decorate things. It is well known that a child is curious by nature, but it is also important to keep in mind that a child’s developmental process does not take place in the same way at the same time. Some children may have a different stage of development based on their social background, nature, and interests. Some children will be quiet and will not be able to join the crowd quickly, but their creativity will be well developed because they are observant. If such children are involved in the art of making things by hand, they will undoubtedly become real inventors of works of art.

When children are taught to make colorful things through manual labor, the child’s creative abilities develop, and when this activity is conducted in English, the vocabulary of the English language increases and the skills of listening comprehension and speaking also develop. So, this type of educational activity can be making shapes from pieces of paper, coloring shapes using paints, or making different things out of plasticine. Any process should not be free of English words and phrases.

The name of each tool and item should be communicated to children in English: paint, paintbrush, crayon, marker card, paper, crepe paper (crepe paper), shiny paper,

tissue paper, newspaper, glue, scissors, cotton wool, fabric (cloth), feathers (feathers). Instructions must be in English:

paint, draw, color, smudge, blow, copy, pour, make, cut, stick (paste), decorate, hang (it) up.

√ Sing a song.

One of the kid's favorite activities. Children tend to sing from a young age, and through singing, children not only gain vocabulary, but they also learn to pronounce words in tone. One of the most popular types of English songs sung among young children is "Rain, Rain go away".

Rain, rain, go away

Come again another day

Daddy wants to play

Rain, rain go away...

If the educational game is carried out with the help of umbrellas, artificial clouds and artificial fire, children's activity will increase, the effectiveness of the result will increase.

√ Analyze children's participation in play

It is necessary to ensure the active participation of children in educational activities, to pay special attention to each child and to encourage the child to learn something in this lesson. Praising successful children for their work also increases their motivation. But psychologists say that praise should be focused on the work done, not on the person. Because if praise is given to a person, it can lead the child to selfishness later. Praise for his work will ensure that any work will continue to be of quality and fast.

How children go to school and grow up with high goals largely depends on the family environment, the attention of the community and the upbringing in the preschool. The scientific observations and research presented in the article show that the fact that 70% of all information a person receives during his lifetime is received before the age of 6 shows the importance of preschool education in the development of a child's personality. At a meeting held by the President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev on August 16, 2017 in order to determine measures for 100% coverage of children aged 5-6 in preschool education, the President of the Republic of Uzbekistan signed a decree «On Preschool Education of the Republic of Uzbekistan On the organization of the activities of the Ministry». The purpose of the state requirements is to bring up a spiritually perfect and intellectually developed person in the preschool education system, taking into account the ongoing socio-economic reforms in the country, the best practices of foreign countries and scientific achievements and modern information and communication technologies. This means that the knowledge that children acquire at an early age, as our ancestors said, is «stoned». From this point of view, teaching foreign languages to children at an early age will make it easier for them to master language skills and abilities. Especially when this knowledge, skills and abilities are absorbed through various games and educational activities, the child develops foreign languages as naturally as his mother tongue. Educational games not only develop knowledge, skills and abilities in the child, but also ensure the child's healthy physical development, mental refreshment, strengthen self-confidence and contribute to the formation of social relations with others. gives mac.

## Literature:

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 9, 2017 No PP-3261 «On measures to radically improve the system of preschool education»;
2. DSt 17368–2020 “On approval of the state standard of preschool education and upbringing”
3. SH.Mdaxbojeva “Use of modern innovative technologies in teaching English” article
4. <https://www.cde.ca.gov/sp/cd/re/caqdevelopment.asp>. Ages and Stages of Development
5. Care About Quality was published by the California Department of Education in 2000.
6. [https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/eurydice/content/teaching-and-learning-early-childhood-education-and-care-8\\_en](https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/eurydice/content/teaching-and-learning-early-childhood-education-and-care-8_en). internet resource.
7. Games in teaching a foreign language to preschoolers and primary school students. Бахрамова MD Compiler: Бахрамова MD, - T.2016.
8. <https://raisingchildren.net.au/newborns/play-learning/play-ideas/why-play-is-important> internet resource
9. <https://www.britishcouncil.org/voices-magazine/how-young-children-learn-english-through-play> internet resource
10. <https://www.parents.com/baby/development/intellectual/how-to-teach-your-child-a-foreign-language/> internet resource
11. Early childhood education in English for speakers of other languages by ViAdam, Bob and Morris Paul (1997) the English curriculum in the People’s Republic of China, comparative education Review, 41,3–26
12. Alcon, E and Guzman, JR (2000). Language learning Strategies and Second language Use in academic Context. UniverstateJaume 1.
13. Algeo, J (2010) 6th ed. Origin and Development of English Language. Wordsworth
14. nderson, T. (1960: 303). “. In Madrid, D (2001): “A conceptual framework for the teaching of foreign languages in infant education”. UniversityGranada.Pg 145–155.

## РЕЗЮМЕ

Dunyo globalashuv jarayoni insonlardan o‘z ona tilidan tashqari yana birnecha xorijiy tillarni o‘rganishni taqozo qilmoqda. Hozirgi tadqiqotlar ushbu jarayonni erta yoshda boshlash samariliroq bo‘lishini ko‘rsatadi. Bizning yurtimizda ham ushbu masalaga qat‘iy e‘tibor qaratilgan, xorijiy tillarni o‘qitishda xususan ingliz tilini o‘qitishda dunyoning yetakchi tashkilot va universitetlar hamkorligida yangicha yondashuv asosida dasturlar ishlab chiqilmoqda. Oxirgi 3 yilda bu jarayon maktabgacha ta‘limda ayniqsa o‘z rivojini topmoqda. Davlat qaramog‘idagi hamda xususiy tarmoqdagi maktabgacha ta‘lim muassasalarda ingliz tilini o‘rgatish bo‘yicha keng ko‘lamli loyihalar amalga oshirilmoqda. Ushbu maqolada chet tillarini xususan, ingliz tilini bolalikni ilk yoshida o‘qitishda ta‘limiy o‘yinlardan foydalanishning muhimligi va aynan turli o‘yinlar orqali til ko‘nikmalari oson o‘zlashtirilishi yuzasidan fikrlar yoritilgan.

## РЕЗЮМЕ

Процесс глобализации требует от людей изучения нескольких иностранных языков в дополнение к своему родному языку. Текущие исследования показывают, что эффективнее начинать этот процесс в раннем возрасте. В нашей стране этому вопросу тоже уделяется особое внимание, разрабатываются программы на основе нового подхода к обучению иностранным языкам, особенно английскому, в сотрудничестве с ведущими мировыми организациями и университетами. В последние 3 года этот процесс особенно развился в дошкольном образовании. Реализуются масштабные проекты по обучению английскому языку в государственных и частных дошкольных учреждениях. В этой статье обсуждается важность использования обучающих игр при обучении иностранным языкам, особенно английскому, в раннем детстве, а также легкость, с которой языковые навыки можно легко приобрести с помощью различных игр. Ключевые слова: иностранный язык, изучение языка в раннем возрасте, развивающая игра, деятельность, мелкая моторика, зрительно-моторная координация, активные типы обучения, блочная игра на английском языке, ролевые игры, ручной труд.

## SUMMARY

The process of globalization requires people to learn several foreign languages in addition to their mother tongue. Current research shows that it is more effective to start this process at an early age. In our country, too, special attention is paid to this issue, programs are being developed on the basis of a new approach to teaching foreign languages, especially English, in cooperation with the world’s leading organizations and universities. In the last 3 years, this process has been particularly evolving in preschool education. Large-scale projects on teaching English in public and private preschools are being implemented. This article discusses the importance of using educational games in the teaching of foreign languages, especially English, in early childhood, and the ease with which language skills can be easily acquired through a variety of games. Keywords: foreign language, language learning at an early age, educational play, activity, fine motor skills, eye-hand coordination, active learning types, block play in English, role-playing games, manual labor.





## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

### СПОРТ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

*Рахимов В.Ш.*

*Ўзбекистон миллий университети Таэквондо ва спорт фаолияти факультети  
декани, п.ф.н., доц.*

**Таянч сўзлар:** туризм мотивациялари, туристик-спорт, туристик миграция, туризм аниматори, методик функциялар, разрядлар, топ-менеджмент, креативлик, мультимедиа, компонент.

**Ключевые слова:** мотивация туризма, туристическо-спортивный, туристическая миграция, аниматор туризма, методические функции, разряды, топ-менеджмент, креативность, мультимедиа, компонент.

**Key words:** tourism motivation, tourist-sports, tourist migration, tourism animator, methodical functions, discharges, top management, creativity, multimedia, component.

Кўп сонли хорижий тадқиқотчилар ва экспертлар ҳозирги замон туризми муамлоларини ҳал қилишда қалит бўлиб кишини, унинг соғлиги ва қизиқишларини ривожлантиришдаги спорт ва жисмоний тарбия кадриятларини ривожлантириш ҳисобланади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти материалларининг, хусусан, Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси (Манила ш., 1980 йил) халқаро талаб ва эҳтиёжларнинг хусусиятларини шакллантирувчи туризм мотивациялари бўйича хужжатларнинг таҳлили тадқиқотчиларда кишининг соғломлашуви ва жисмоний тарбияланиши ҳамда унинг шу жумладан, туристик-спорт фаолиятидаги бандлигининг янги воситалари билан боғлиқ бўлган туризмнинг номмоддий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Шунга боғлиқ ҳолда Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризм сектори ролини алоҳида ажратиб кўрсатади, у нафақат ихтисослаштирилган (спорт) туризми бозори сегментларини ва таътиллари ўтказишнинг фаол шакллари аниқлашга доир масалаларда, балки ихтисослаштирилган туризмнинг барча йўналишлари

ҳамда турларига ҳам таалуқли бўладиган масалалар борасида муҳим бўлиб ҳисобланади.

Хорижий тажрибаларга кўра, ихтисослаштирилган туризм ва таътиллارни ўтказишнинг фаол шакллари соҳасидаги мутахассислар мижозлар доирасига мўлжалланадиган ахборотлар сифатининг объектив хусусиятларига ва туристик спорт кадрларининг касбий тайёргарлигига, шунингдек, туристик миграция ва мижозлар доирасининг ундовчи сабабларини яхшироқ билиб олишни таъминлашга алоҳида диққат қаратишлари зарур бўлади.

Биринчи компонент – ихтисослаштирилган туризмнинг касбий ва малакавий тузилмаси турлари.

ЮНЕСКО экспертлари (Д.Баниисс, Д.Кахнс ва бошқ.)нинг фикрига кўра, туризм ва спортнинг учта жиҳати қолган учта асосий мутахассисликларни – туристик-спорт мутахассисларининг соҳаси бўлган туризм технологи ва аниматорни шакллантиради.

Туризм технологи – спорт туристикаси, яъни, туризм индустриясини, туристлар ва спорт-томоша ҳамда ўйинлар тadbирлари иштирокчиларига хизмат кўрсатишнинг умумий методологиясини, шунингдек, дам олиш, туризм ва спорт соҳасида хизматларни ишлаб чиқариш, ахборот жараёнларини ҳамда янги технологияларни жорий қилишни ўрганувчи мутахассис.

Туризм аниматори – туризм бозорида туристик-спорт маҳсулотини шакллантириш ва олға суриш бўйича ҳамда туристларнинг спорт ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил этиш бўйича мутахассис.

Бир қатор хорижий муаллифларнинг фикрига кўра, туризмнинг касбий-малакавий тузилмасининг асоси – бу туристик фаолият билан банд бўлган ва маълум бир хизмат, малакавий ёки жамоатчилик спорт мажбуриятларини бажарувчи ишчи-ҳодимлар ёки шахслар гуруҳи меҳнатининг сифати ва миқдоридоғи ўзига хосликларнинг намоён бўлишидир.

Туристик-спорт ташкилотларида ишловчиларнинг касбий-малакавий гуруҳларини ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиб туристик-спорт оператив секторидаги меҳнатнинг бир турда эмаслиги ҳисобланади. У меҳнатнинг ақлий ва жисмоний, ташкилотчилик ва ижрочилик, мураккаб ва содда, ўзини-ўзи ташкил этадиган ва тартибга солинадиган, ижодий ва стереотибли меҳнат турларига ажратилиши билан ифодаланади.

Меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳар хилдалигининг моҳиятини белгилаш учун шунингдек, “меҳнат сифати”, “малака”, “меҳнат мураккаблиги”, “меҳнат мазмуни ва хусусияти” каби тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

Авалги йилларда чет элларда ихтисослаштирилган туристик-спорт секторининг тармоқланиб кетган касбий-малакавий тузилмаси юзага келди. Қағий қилиб айтганда, на АҚШда ва на Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида туризмнинг касбий-малакавий тузилмаси меъёрий, ишга қабул қилишда ва хизмат “пиллапоялари” бўйлаб олға силжишда мажбурий атрибут бўлиб саналмайди. У асосан, ходимнинг касбий тайёрлиги ва унинг тажрибаларига боғлиқ ҳолда бошқарувнинг оператив сектори ва менежмент даражалари бўйича персонални

жой-жойга қўйиб чиқишнинг иерархик модели сифатида ўртага чиқади.

Бу компонентларнинг алоқадорликлари малакавий пирамида шаклланишига сабаб бўлиб, у кўплаб ходимларнинг “тепага” қараб интилишларига қарамасдан, улардан фақат ким қисми, айнан ким билим ва тажрибаларни уйғунлаштиришга боғлиқ ҳолда максимал ахборотларга эга бўлса, ўша киши стратегик хусусиятлардаги қарорларни қабул қилишга имкон берувчи “топ-менежмент” даражасига етиша олади.

Хорижий экспертлар мулоҳазаларига кўра, вазиятни ўзгартиришга кадрлар ва мутахассисларнинг туристик-спорт касбий ва малакавий тузилмаси ёрдам бериши лозим бўлиб, бунда у мазкур кадрлар ва мутахассисларни зарурий билим, кўникма ва малакалар билан таъминлайди.

Бунда туризмнинг касбий-малакавий тузилмасининг асосини иккита мутахассислик – туризм технологи ва аниматор ташкил этади.

Лекин шунга қарамасдан, айнан оперейтинг нафақат касбий-малакавий тузилма асосини ташкил этади, балки “чегаравий” ўқув фанлари ва мутахассисликларни шакллантириш учун касбий йўналишдаги зарурий билим, маҳорат ва ахборотларнинг узатилишини ҳам таъминлаб беради.

Чет эллардаги вазиятдан фарқ қилган ҳолда равшанки, бугунги кунларда Ўзбекистон туризми ва спортининг касбий-малакавий тузилмаси ҳали “тўқисликдан” анча йироқда. Бунинг устига, тайёргарликка эга бўлган супервайзерлар, мутахассислар ва бош мутахассисларнинг йўқлиги туристик-спорт бизнеси секин ривожланишидаги асосий сабаб бўлиб саналади, чунки инвестиция киритиш учун фақат ресурс кафолатининг ўзи камлик қилади. Шунингдек, касбий-малакавий кафолатлар, яъни, мутахассисларнинг мавжудлиги ҳам зарурдир.

Иккинчи компонент – туризм ва спортда таълим тизимини шакллантиришда хорижий тажрибалар.

Туристтик-спорт таълими тизимини тузиш учун Ж.Жафарий, Б.Ричи сингари чет эллик олимлар тармоқлараро таълим мажмуаси сифатида туризм ва спортнинг чегараларини белгилаш заруратини кўрсатиб ўтадилар. Мана шу мақсадда улар қуйидаги таърифдан фойдаланишни таклиф қиладилар: “фан сифатида туризм ва спорт – бу кишини унинг одатдаги яшаш жойидан ташқарида; унинг эҳтиёжларини қондирадиган индустрияда; ҳам одам, ҳам индустрия қабул қилувчи жамоатчиликнинг ижтимоий-маданий, иқтисодий ва жисмоний муҳитига кўрсатадиган таъсирларидан ташқарида тадқиқ қилишдир”.

Мазкур таърифга асосланган ҳолда туристик-спорт таълими тизимининг барча ўқув фанлари ва курслари улар томонидан қуйидаги бўлимлар атрофидан гуруҳланган:

- 1) саёҳатчи-спортчини ўрганиш;
- 2) туристик-спорт товарлари ва хизматларининг ҳаракати индустриясини ўрганиш;
- 3) туристик-спорт вазияти ва жисмоний муҳитини ўрганиш (одам томонидан яратилган табиий ресурсларни, моддий ресурсларни, ижтимоий-спорт ресурсларини);

4) ўзаро муносабатларни ўрганиш: меҳмонхона хўжайини-меҳмон (қабул қилувчи жамоатчилик, туристлар, мухлислар ва спортчилар).

Мазкур бўлимлар ўқув фанининг танлаб олинишини белгилаб беради:

1. Иқтисодиёт (туризм ва спорт муҳим иқтисодий фаолият сифатида олиб қаралади).

2. Социология (кишиларнинг ташкилий гуруҳларининг ривожланиши, тузилмавий ўзаро ҳаракатлари ва жамоавий хулқ-атворларини тизимли равишда ўрганади).

3. Психология (одамнинг билидаги индивидуал жараёнларини, ўзига хосликларини, шунингдек, уларнинг одам хулқ-атвориغا, мотивациясига ва адаптациясига таъсирини ўрганади).

4. География (Ер ва Ердаги ҳаёт тарзи – одамни ва у яратган яшаш муҳитини ҳам ўз ичига оладиган қуруқлик, денгиз, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тавсифи билан боғлиқ).

Учинчи компонент – туристик-спорт оперейтингининг таълим тизимидаги устуворликлари.

Манбаларда таъкидлаб ўтилганидек, қаттиқ рақобат кураши ҳолатларида инсон ресурслари ва тадқиқотчилик фаолияти муваффақиятнинг асосий омили бўлиб саналади. Бу шуни аниқлатадики, ихтисослаштирилган (спорт) туризмдаги таълим тизими таълим хизматлари бозоридаги муваффақиятга эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу тизимнинг мақсадлари ва устуворликлари туристик-спорт соҳаси ёки йўналишининг умумий рақобат стратегиясини белгилаш билан боғланган бўлиши керак ва туристик-спорт ресурслари, тадқиқотлари ва ишланмаларини таснифлашга доир мос ҳолдаги секторнинг талабларига жавоб бера олади.

Бозор стратегиясини текшириш: а) туристик-спорт секторининг янгича талаб ва эҳтиёжларига ўқув дастурлари, муассасалари, шунингдек, ўқитувчилар таркибини мослаштири; б) корхоналар персоналини кетма-кетликда тайёрлашга кўмаклашиш; в) мутахассисларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш; г) олий малакали раҳбарлик таркибини тайёрлаш.

Санаб ўтилган устуворликлар хорижлик олимларнинг фикрига кўра, туристик-спорт таълимнинг янги мазмунини белгилаб беради.

Мутахассислар тайёргарлигига юқори талаблар ўқув дастурларига янги мавзулар ва ўқув фанлари киритилишини, шунингдек, бу дастурларга анъанавий тарзда кирган ўқув фанларига муносабатларни қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Туристик-спорт сектори рақобатбардошлигига кўмаклашиш учун ўқув дастурларига киритилиши лозим бўлган ўқув фанлари ичида хорижлик мутахассислар қуйидагиларни ажратиш кўрсатадилар: сифат назорати; самарали коммуникациялар; туризм ва спорт ресурсларини бошқариш; стратегик режалаштириш; стратегик маркетинг; ахборотларни ва бронлаштириш тизимларини бошқариш; туризмнинг барқарор ривожланиши; бўш вақтни ўтказиш бўйича янги таклифларни режалаштириш; атроф-муҳит ҳақида қайғуриш.

Қўшимча курслар ва тренинглар ҳам кизиқиш уйғотади: “Туристик-спорт пер-

соналини касбий ўқитиш ва ривожлантириш дастурлари”, “Карьерани режалаштириш методлари”, “Ижтимоий низоларни ҳал қилиш”, “Бошқарувни қўлга олиш ва ушлаб туриш техникаси”, “Менежментда креативлик”, “Етақчилик ва менежмент”.

Тушунарлики, ўқув дастурини ишлаб чиқиш муайян мамлакат ёки минтақадаги туризм секторининг ҳолатига мос келиши лозим, шунинг учун рақобатбардошлиликнинг дастлабки таҳлили амалга ошириш лозим.

Туристик-спорт таълими тизимининг муваффақияти унинг туризм ва спорт тизимига шаклан интеграциялашувига, рўй бераётган ўзгаришларнинг доимий таҳлил қилинишига ва янги вазиятларга мослаша олишига таянади.

Мана шу мутахассисларнинг фикрича, шу жумладан, ўқув муассасаларидаги тадқиқотчилик фаолиятини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу сектордаги реал воқеликни, мавжуд тенденцияларни, келгуси истиқболларни, тайёргарлик мазмунининг доимий адаптациялашувини ва таълим, туризм, спорт ва меҳнат бозори тизимлари орасидаги яқинлашувни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Туристик-спорт секторидаги узлуксиз тайёргарлик учта йўналиш бўйича ривожланиб боради:

1. Тайёргарликнинг очик дастурлари;
2. Клублардаги ўқитиш дастурлари;
3. Ўқитувчилар таркибини такомиллаштириш.

Мавжуд ўқув лойиҳаларидан ташқари ҳар бир таълим муассасаси индивидуал тарзда рақобатбардошлиликни таъминлаб туриш учун персонлани ўқитиш бўйича фаолиятни амалга ошириш зарур. Ҳозирги замон босқичида узлуксиз таълим – бу кундалик эҳтиёждир. Туристик-спорт талаб ва эҳтиёжларининг динамизмини, бошқарув технологиясини ва хизматларнинг тақдим этилишини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз таълим туристик-спорт фирмаларининг бутун бошли сектори ривожланишининг зарурий шарти бўлиб қолади.

Янги ўқув методлари – булар хорижий тажрибаларнинг муҳим жиҳатидир.

Худди бошқа соҳалардагидек туризм ва спорт соҳасидаги таълим ривожланиши ҳам ўқитишнинг компьютерли методлари билан боғланган бўлиб, улар йил сайин ўқитиш воситаси сифатида ўз самарадорлигини намойиш қилиб бормоқда.

Бу метод қуйидаги вазиятларда қўлланилиши мумкин:

- тасаввурдаги шакл ёрдамида воқелик билан ўзаро ҳаракатга келиш имкониятини берувчи реалликнинг моделлаштирилиши;
- фойдаланувчиларнинг ҳар хил типларига мослаштирилган дастурларни яратиш имконини берувчи компьютер ёрдамида ўқитиш;
- янги “мультимедиа” технологиялари ёрдамида масофадан туриб ўқитиш.

“Мультимедиа” технологияларининг ривожланиши ўқув мақсадларида компьютердан фойдаланишнинг чекланмаган имкониятларини тақдим этади. Уларнинг техник хусусиятлари талабаларга тажрибалар ўтказиш ва ўқув жараёнига фаол қўшилишга имкон беради. Дасрликлар ва видео каби бошқа воситалар эса фойдаланувчининг старлича пасив иштирокини кўзда тутади. Масалан, видео

норози мухлисни қандай тинчлантиришни намойиш қила олиши мумкин, лекин у бу вазиятда ўқинчининг ўзи танлаб олган муурожаатга мухлис қандай акс жавоб беришини билиб олиши имконини бера олмайди.

Ўқитишнинг самарали методлари хорижлик мутахассисларнинг диққат билан ўрганиладиган предмет бўлиб ҳисобланади.

Исталган ўқув курсининг муваффақияти айниқса, алоҳида фаол ўқитиш методларидан фойдаланишга боғлиқ бўлади. Энг самарали бўлиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

А) йиғилиш – ҳисоботлилик шакли. Гуруҳ бажарилган иш ҳақида хабар беради, ғояларни таклиф қилади.

Б) назорат қилинадиган муҳокама қатъий регламентланади. Барча чиқишлар етакчи орқали амалга оширилади.

В) абсолют регламентланмайдиган эркин муҳокама.

Г) жуфт бўлиб муҳокама қилиш – талабалар ҳоялар билан алмашинадилар, уларни рўёбга чиқариш усулларини ишлаб чиқадиладар.

Д) мустақил иш – машқлар, тест, назорат иши.

Е) мустақил “уй” иши – топшириқларни бажариш.

Ж) моделлаштириш ёки тажриба – талабалар ғояларни амалга ошириш ва ёки ҳояларни текшириб кўриш учун тажрибаларни амалга оширадилар.

И) конкрет вазиятларни ўргани.

Й) ишбилармонлик ўйинлари.

К) компьютерлардан фойдаланиш.

Л) кўргазмалар қўлланмалар, видео.

Масофадан ўқитиш ёки билимларни узатишнинг қулай методлари. Метод сифатида масофадан туриб ўқитиш гарчи у туристик-спорт секторидида кенг миқёсда қўлланилмаган бўлса ҳам, бирон-бир янги нарса бўлиб ҳисобланмайди. Масофадан туриб ўқитиш учун компьютер ва телекоммуникациялар воситаларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Масофадан ўқитиш методидида бу технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги учта йўналишларда ривожланади: а) ўқув мавзулари; б) мавзуларини узатиш воситалари; в) ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро ҳаракатларининг воситалари.

Бизнинг фикримизча, малакавий тавсифноманинг етарлича эмаслиги мутахассиснинг у ёки бу даражада мослашган модели бўлиб ҳисоблана олмайди, чунки у ўз касбий фаолиятида муваффақиятлиликка эришиш учун мутахассис эга бўлиши лозим бўлган психофизик сифатлар рўйхати каби муҳим параметрга эга эмас. Умум тан олинганки, айнан мана шундай ўзига хос сифатлар тўплами нафақат касбий фаолиятнинг муваффақиятлилиги ва самарадорлигини лимитлайди, балки мутахассиснинг касбий узоқ давомлилигини ҳам белгилаб беради. мазкур тезис туристик-спорт хизматлари бозорининг динамикасини таҳлил қилиш билан тасдиқланади: сўнгги йилларда талаб қилинатёган мутахассисларнинг билими ва маҳорати тузилмасидидаги доимий ва сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқдадир.

Шундай қилиб, малакавий тавсифноманинг етарлича эмаслиги хорижлик мутахассисларни бўлажак мутахассистга талабларни янада тўлароқ ва мосроқ равишда

акс эттирадиган бошқача моделни излаб топишга ундади. Мана шундай модель бўлиб мутахассис профессиограммасининг бир қисми бўлиб ҳисобланадиган мутахассис фаолиятининг профессиографик тавсифи ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бир қатор хорижий олий ўқув юрларига туризм ва спорт соҳасидаги мутахассиларнинг профессиографик тавсифномаси ишлаб чиқилмоқда. Бунинг учун экспертли баҳолаш методидан фойдаланилмоқда. Анкета мазкур муаммо бўйича мутахассисларнинг тавсиялари ва адабиётларнинг таҳлили ҳамда турдош мутахассисликларнинг малакавий тавсифномаларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган. Экспертлар сифатида туристик фирмалар ва спорт ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда ходимлари иштирок этдилар. Экспертлар жавобларининг натижалари статистик қайта ишловдан ўтказилди ва келишилганлик ҳамда ишонччилик бўйича текширувдан ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, Хорижий тажрибаларга қўра, ихтисослаштирилган туризм ва таътиллари ўтказишнинг фаол шакллари соҳасидаги мутахассислар миқдорлар доирасига мўлжалланадиган ахборотлар сифатининг объектив хусусиятларига ва туристик спорт кадрларининг касбий тайёргарлигига, шунингдек, туристик миграция ва миқдорлар доирасининг ундовчи сабабларини яхшироқ билиб олишни таъминлашга алоҳида диққат қаратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. В.Ш.Рахимов Узлуқсиз таълим тизимининг бошланғич босқичида жисмоний тарбияни ташкил этиш услубияти “ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-metodik jurnal. Urganch, 2020. №3. 79-83 –Б.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 martdagi “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 3 iyundagi PQ 3031-sonli “Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori.
4. Особенности физического воспитания в зарубежных университетах // Спортивная свобода. [Электрон манбаа] - <https://www.sports.rutribuna/blogs/sportfreedom/543908.html> (мурожаат санаси: 10.05.2021).
5. А.Шарипов., Х Матниязов., В.Рахимов. “Жисмоний маданият” йўналиши бўйича талабаларни педагогик амалиётга касбий-педагогик тайёрлашнинг самарали воситалари// Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш – юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашнинг энг муҳим асоси. Республика илмий-амалий анжуман (2-жилд). – Урганч, 25-26 ноябрь 2015 йил. – 81-84

Internet saytlar:

[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)  
[www.gov.uz](http://www.gov.uz)  
[www.stat.uz](http://www.stat.uz)  
[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада хорижий мамлакатларда туризм ва спортнинг ривожланиши, шунингдек, туризм ва спорт соҳасидаги фанларни ўқитиш методикаси ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье освещаются вопросы развития туризма и спорта в зарубежных странах, а также методы преподавания дисциплин в области туризма и спорта.

#### SUMMARY

This article highlights the development of tourism and sports in foreign countries, as well as teaching methods of disciplines in the field of tourism and sports.

## БОЛАЛАРНИНГ МУВОЗАНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА УЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ ВЕСТИБУЛЯР РЕАКЦИЯСИНИНГ ТАДҚИҚИ

*Рузметов Н.К.*

*Ўқув ишлар бўйича декан муовини. УрДУ*

**Таянч сўзлар:** мувозанат, ҳаракат, вестибуляр, организм, бола, рекация, кобилият, координация, дарс, жисмоний сифат.

**Ключевые слова:** баланс, движение, вестибулярный, организм, ребенок, реакция, способности, координация, урок, физические качества.

**Key words:** balance, movement, vestibular, organism, child, reaction, ability, coordination, lesson, physical qualities.

Дунё халқларининг жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчиларнинг координацион кобилиятини ривожлантириш, ҳар қандай ҳаракатнинг у ёки бу даражада барқарор ҳолатини шакллантиришдан бошланиши ҳамда унда оптимал тарзда мувозанатни сақлашга, ҳаракат фаолиятининг асосий шаклларини такомиллаштиришни акс эттиради. Бунда ўқувчиларнинг турли ҳаётий вазиятлар билан шартланган статик ва динамик ҳолатларда мувозанат сақлаш кобилиятини тарбиялаш муаммосига катта аҳамият бериб келинади. Европа ва Осиё мамлакатларининг ижтимоий тузумлари алмашиши ва ривожланиши туфайли меҳнат қилиш, оилада болаларни тарбиялаш ва бошқа сабабларга кўра ўқувчилар мувозанатини сақлашга ўргатишда махсус машқлар қўлланилиб келинган. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини тарбиялашда уларнинг мувозанат кобилиятларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Бу омил ўқувчиларни нафақат жисмоний сифатларини, балки уларни қомил шахс сифатида шаклланишида муҳим манба ҳисобланади.

Республикаимизнинг таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар умумий ўрта таълим сифатини ошириш, ёш авлодни жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини оширишга доир мос билим, кўникма ва малакалар соҳиби бўлиши ва шу аснода барқарор шахсни вояга етказишга барча имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, болаларнинг ҳар томонлама интеллектга, ақлий ва жисмоний ривожланиши учун барча шарт-шароитларни тубдан яхшилаш [1], илғор хорижий тажрибалар асосида умумий ўрта таълим сифатини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаб келинмоқда. Болаларда мувозанат ривожини даражасини сон жиҳатидан ифодаланиши текширишга қаратилган муайян услубиятни, мувозанат кўрсаткичларининг ривожланиш динамикасини турли ҳаракат кўникмаларини шаклланиш сифати, самарадорлиги ва тезлигига таъсир этишни ўрганишнинг услубларнинг йўқлиги, унга етарли тарзда эътибор қаратилмаганлиги боис, бу жараёнга комплекс тарзда ёндашиш зарурияти юзага келмоқда.

Замонавий тушунчада, вестибуляр-проприоцептив афферентациянинг механизми физиологик комплекс бўлиб, унинг биологик фаоллиги бир суткалик давр тартибидан мунтазам машқлар билан боғлиқдир. Бу эса, инсон учун тезланиш ва проприоцептив импульсация омилларининг ҳажми белгиланган таъсирлар кўринишидаги организмнинг тизимли функционал тайёргарлигини амалга оширилиши инсон учун заруратлиги билан белгиланади.

Мазкур масала турли шароитларда мувозанатни қўллабқувватлаш ёки сақлаш



услуглари аҳамиятли даражада фарқланиши билан мураккаблашади. Масалан, тор таянч юзада асосий туриш ҳолатида мувозанатни сақлашнинг асосий рационал услуги бу тананинг умумий ҳолати ўзгармаган ҳолда болдир бўғимларида мувозанатни сақловчи микроҳаракатлар билан тавсифланади. Қўлга тайанганда эса, тананинг қолган қисмлари каттиқ фиксация қилинган ҳолда елка бўғимларидаги мувозанат сақловчи микро ҳаракатлар билан тавсифланади. Шу билан бирга, велосипедда юришда мувозанатни сақланиши ҳаракат инерцияси сарфланиши ҳисобига барқарорлиги ҳамда велосипедда ўтириш ҳолати ва педалларни айлантириш техникасига боғлиқ равишда тана вазнининг бир хил тақсимланиши туфайли мувозанат сақланади В.А.Погодин, Г.Н.Пономарёв [4]. Мазкур қобилиятни йўналтирилган ҳолда такомиллаштиришнинг махсус воситалари бу мувозанатга оид машқлар, турли машқларни бажаришда мувозанатни қўллабқувватлаш мобилизациясига махсус қаратилган методик услублар ҳамда вестибуляр аппарат функциясига танланган таъсирини ўтказишнинг восита ва услублари хизмат қилади. Бундай омилларни жисмоний тарбия жараёнида қўлланилиши зарурий самарани беради. Изометрик машқларни бажариш[2], яъни ҳаракат қилмасдан оғир юкларни кўтариб мувозанат сақлаб туришлар эса болаларнинг куч қобилиятини шакллантиради. Мазкур самара мувозанат ва бошқа ҳаракат қобилиятларини тарбиялашнинг барча томонлари узвий уйғунлик шарти билан ҳаракат фаолиятининг умумий такомиллашувида намоён бўлади.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти дасрлигида мувозанатнинг қуйидаги тупшунчаси келтирилади – баланс бу танани мувозанатни сақлай олиш қобилияти. Мувозанатнинг икки асосий тури мавжуд: статик (ҳаракатсиз ҳолатда ўзини ушлай билиш) ва динамик (ҳаракатда мувозанатни сақлай билиш қобилияти). Динамик мувозанат кичик мактаб ёшидаги болалар учун ниҳоятда муҳимдир.

Шундай қилиб, координация қобилиятларининг юқори даражасига эга бўлган ўқувчилар янги ҳаракатларни тезроқ ўзлаштирадilar, мавжуд бўлганларини ўзгараётган вазиятга кўра ўзгартирадilar. Бундан ташқари, чаққонлик жисмоний сифатидан рационал даражада фойдаланадилар.

“Мувозанатдаги машқлар” Дворника И.Н.[3]. Ҳолат барқарорлигининг таъминлови уларнинг биомеханик имкониятлари ва ташқи шароитлари билан қийинлашган ва шу сабабли мувозанатни қўллабқувватлаш қобилиятига ғайриоддий талаблар (бошқа машқ ва талаблардан кўра аҳамиятлироқ) ни қўвчи машқлар шу атама билан аталади. Амалиётда бундай машқлар аксарият ҳолларда ўз ичига қуйидагиларни киритади:

тананинг статик ҳолатида олдиндан белгиланган ҳолатни фиксация қилиш ҳамда мувозанатни сақлашга тўсқинлик қилувчи кичрайган, ҳаракатчан ёхуд ўзга таянч юзада ҳаракатлар билан уйғунлашган машқлар (гимнастик ёғочда, горизонтал илинган канат, муз ва бошқа.);

тана бўғимларининг ўзаро жойлашуви барқарорлик учун биомеханик жиҳатдан ноқулай бўлган ҳолатларда мувозанатни сақлаш (масалан, қўлда таяниш, брусларда, горизонтал ва ақил);

аввалги ёки ҳамроҳлик қилувчи ҳаракатлар туфайли (айланиш, сакраш ва х.), шерикнинг таъсири (жуфт ва гуруҳ машқлари)да ва бошқа омиллар туфайли яра-

тиладиган тўсиқлар шартда статик ва динамик ҳолатларда мувозанатни сақлаш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони.
2. Мадаминов Б.Ш. 5-6 синф ўқувчиларига жисмоний тарбия дарсларида табақали-индивидуал ёндашиш. 13.00.04 – п.ф.н., дисс. Тошкент – 2005 й. 145-б.
3. Дворника И.Н. «Физическое воспитание детей 5-6 лет на основе подвижных игр дифференцированных по преимущественному развитию физических качеств». Методическое пособие. – М. Советский спорт. 2007г- 80с.
4. В.А. Погодин, Г.Н. Пономарёв – Сопряженное совершенствование координационных способностей спортсменов-стрелков и их технического мастерства.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола болаларнинг мувозанат қобилиятини шакллантиришда улар организмнинг вестибуляр реакциясининг тадқиқи юзасидан координацион қобилиятларни ривожлантириш борасида фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены идеи развития координационных навыков при изучении вестибулярной реакции организма при формировании у детей уравновешивающих способностей.

SUMMARY

The article presents the ideas of the development of coordination skills in the study of the vestibular reaction of the body during the formation of balancing abilities in children.

## БОЛАЛАРНИ МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШ ҲАРАКАТ ҚОБИЛИЯТЛАРИ

*Рузметов Н.К.*

*ўқув ишлар бўйича декан муовини. Ур ДУ*

**Таянч сўзлар:** мувозанат, ҳаракат, вестибуляр, организм, бола, рекация, қобилият, координация, дарс, жисмоний сифат.

**Ключевые слова:** баланс, движение, вестибулярный, организм, ребенок, реакция, способности, координация, урок, физические качества.


**Key words:** balance, movement, vestibular, organism, child, reaction, ability, coordination, lesson, physical qualities.

Мақтаб ёшидаги болаларда мувозанатга бўлган қобилиятлари билан боғлиқ бўлган ҳаракат координация фаолиятлари ҳамда улар билан узвий боғлиқ мувозанатга бўлган қобилиятларини тарбиялашнинг комплекс жараёнининг зарурий қўшилувчиларидан бири тана мувозанатини сақлаш, яъни турли ҳаётий вазиятлар билан шартланган статик ва динамик ҳолатларда балансни сақлаш қобилиятини тарбиялашдир. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбиясида мазкур жараённинг ўрни ва роли авваламбор, ҳар қандай ҳаракатнинг шаклланиши у ёки бу даражада барқарор ҳолатни шакллантиришдан бошланиши ҳамда унда оптимал тарзда мувозанатни сақлашга ҳаракат фаолиятининг асосий шаклларини такомиллашуви, шунингдек, унинг боғлиқлиги билан белгиланади. Тананинг у ёки бу ҳолатдаги мувозанатини мукамал сақлаб қолиш учун мазкур ҳолатга таъсир қилишнинг ва унда мувозанатни сақлашнинг мутаносиб қобилиятини билиш ва амалда қўллаё олишни шакллантиришдир.

Болаларнинг мувозанат қобилиятлари деганда, турли муозанат мураккабликда бўлган ҳаракат вазибаларини ечиш жараёнида намоён бўлган ва ҳаракатларни опти-мал, рационал тарзда бошқариш ва тартибга солиш (тез, тўғри, рационал, топқирлик билан) имкониятини берувчи инсон қобилиятлари тушунилади. Қатор муаллиф-ларнинг В.Л. Ботяев А.В. Илларионова, Л.В. Капилевич[1, 2] фикрича, муозанат қобилиятлари кўпроқ даражада насл билан шартланган деб ҳисоблайдилар, уларни машқ орқали ривожлантириш деярли имкониятсиздир, деган фикрни олға суради-лар. Н.А.Бернштейн[3] барча жисмоний ҳислатлардан чакқонликни афзал кўяди. Ёш болаларни танловида чакқонлик ривожланишининг юқориқ даражасига эга бўлган болаларни танлаб олиш лозимлиги таъкидланган. Бу жиҳатдан кўпроқ тех-ник ҳаракатларни ўзлаштиришга, уларни ўзаро бирлашиб ҳаракат қилишга ҳамда вазиятнинг ўзгаришига қараб, ҳаракатларни ўзгартириш салоҳиятига эга бўладилар. Болаларда чакқонлик тезкор ўқитишда ҳамда ҳаракат шартларига боғлиқ равишда ўз ҳаракатларини ўзгартиришда намоён бўлади.

Демак, юқоридаги фикрларга таянган ҳолда болаларнинг муозанат қобилиятларини шакллантиришда нафақат уларнинг физиологик ҳолатлари,


1-диаграмма



2-диаграмма



3-диаграмма



шунингдек, уларнинг жисмоний сифатларига ҳам эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Болаларнинг жисмоний ривожланишида уларда чакқонлик сифати юқори даражада шакланган бўлиши лозим. Чунки болаларнинг координацион қобилиятларини шакллантиришда чакқонлик сифатининг аҳамияти, умумий вазибалари, координацион қобилиятни намоён бўлиш омиллари каби жараёнлар муҳим ўрин тутати. Қуйидаги диаграмма асосида унинг шаклланиш механизмини кўрсатиб ўтамиз.

Илмий методик адабиётнинг таҳлили муаллифлар болаларда мувозанат қобилиятлар наслий (генетик) омиллар билан шартланганини тан олган ҳолда, бу қобилият ва ҳислатларни бошқа жисмоний ҳислатлар каби ривожлантириш мумкин деган фикрни тан олишлари кузатилади. Юқорида номлари зикр қилинган муаллифлар мувозанат қобилиятнинг ривожланиш тезлиги, наслий омиллар, анатомик, физиологик қобилиятларга, турли ёш даврларида организмни стилиш хусусиятларига боғлиқ эканлиги ҳақида фикр юритадилар. В.И.Ляхнинг фикрича, ўқувчилар мувозанат қобилиятлари таҳлилин амалга ошириб, мувозанат қобилиятлар ривожини назорат қилиш учун ўзига хос мувозанат қобилиятларнинг қуйидаги турларини ажратади:

а) ҳаракатнинг макон, вақт ва куч параметрларини аниқ бажариш ва дифференция қилиш қобилияти;

б) маконда ориентация қилиш қобилияти;

в) мувозанатга бўлган қобилият;

г) ритмга бўлган қобилият;

д) статокинетик барқарорликка бўлган қобилият;

е) реакцияга бўлган қобилият;

ж) ҳаракатларни қайта тузишга бўлган қобилият (келиштириш ва алоқа);

з) ҳаракатларни аниқ дифференция қилиш қобилияти.

Мазкур мувозанат қобилиятлар болаларнинг координацион тайёргарлигини ривожлантиришда умумий йўналишга эга. Ўзига хос мувозанат қобилиятларни спортнинг муайян турининг ҳаракат кўникмалари билан ўзаро таъсирида координацион қобилиятларнинг махсус турларини ажратиш мумкинлигини асослаб берган. Шунингдек, у умумий ўзига хос координацион қобилиятларни ривожлантириш учун машқларнинг бутун бир тизимни амалга оширади: циклик, ациклик, аналитик, синтетик, доимий машғулотлар варианты, гимнастика, акробатика, спорт ўйинларидан машқлар ва бошқалар.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси координацион қобилиятларни мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш ва тақомиллаштириш болаларни мувозанатни шаклланишига бўлган қобилият даражасини ошириши ҳақида ҳулоса қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. В.Л. Ботяев – Анализ соответствия перспективно-прогностическим моделям координационной подготовленности юных гимнасток, занимающихся на этапе начальной специализированной подготовки (на примере спортивной и художественной гимнастики). Киев, Олимпийская литература, 2004. – 223с.

2. А.В. Илларионова, Л.В. Капилевич – Особенности внутримышечной и межмышечной координации при дозировании усилий в условиях неустойчивого равновесия ТиПФК № 12 2014 116с.

3. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999. – 316с. Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. М.: Физкультура и спорт, 2007. – 331с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола болаларнинг мувозанат қобилиятини шакллантиришда улар организмнинг вестибуляр реакциясининг тадқиқи юзасидан координацион қобилиятларни ривожлантириш борасида фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены идеи развития координационных навыков при изучении вестибулярной реакции организма при формировании у детей уравновешивающих способностей.

SUMMARY

The article presents the ideas of the development of coordination skills in the study of the vestibular reaction of the body during the formation of balancing abilities in children.

## БЎЛҒУСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЛМИЙ – ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА КРЕАТИВЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

*Якубова Д. Б.*

*Урганч давлат университети мустақил изланувчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим, тарбия, педагогик маҳорат, креативлик, таълим соҳасидаги илохотлар, педагогик кўникма, педагогик малака.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, педагогическое мастерство, творчество, реформы в сфере образования, педагогическое мастерство, педагогическая квалификация.

**Key words:** education, upbringing, pedagogical skills, creativity, educational reforms, pedagogical skills, pedagogical qualifications.

Мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлган авлодни камол топтириш ҳисобланади. Зеро, бугун дунё мамлакатларида кескинлашаётган глобаллашув жараёнлари шароитида юксак маънавиятли ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш Ватанимиз келажигини белгилаб берувчи ва халқимизнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқарувчи энг муҳим омиллардан биридир. Бу эзгу амалнинг амалга оширилишида унинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилган бўлиб, кенг қамровли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон Қарори ва 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармони бу соҳани янада ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу фармон ва қарорларнинг асосий мақсадларидан бири ҳам бу соҳадаги назарий ва амалий билимларни янада чуқурлаштириш, жисмоний тарбияга оид кўникма ва малакаларга доир тушунча ҳамда атамаларни тўғри шакллантиришдан иборат.

Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув жараёнлари тобора кескинлашаётган бир даврда бевосита ёшларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги билан

шуғулланувчи жисмоний тарбия ўқитувчиларига қаратилаётган эътибор бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, уларнинг муҳим хизматларидан бири шундаки, ўқувчи-талабаларни тарбиявий, маданий, тиббий, саноат қурилиш, ишлаб чиқариш каби касб-хунарга йўналтириш бўлса, иккинчидан уларни махсус жисмоний тайёргарлик билан қуролланишга маълум даражада хизмат қилади.

“... факатгина замонавий асосда таълим-тарбия олган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга қўтаришга қодир бўлади” – деб, таъкидлаган эди мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов. Албатта, бу борада ёшларимизнинг онг-тафакқурини замонавий билимлар билан қуроллантириш, шунингдек, халқимизнинг миллий маънавиятида муҳим бўлган ахлоқий камоллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга чанқоқлик, билимдонлик, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик сингари фазилатларини сингдириб бориш бевосита бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларига ҳам боғлиқдир. Шу нуктаи назардан, бугунги кунда ёш авлодга таълим бераётган ўқитувчиларнинг ўзлари замонавий инновацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари, умуман барча таълим-тарбия сирларидан воқиф бўлишлари талаб этилади.

Бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчилари илмий педагогик фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, энг аввало, мазкур ҳодисага оид тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, “жисмоний тарбия” тушунчасининг ўзига бир қанча таърифлар берилганлигини кўришимиз мумкин. “Жисмоний тарбия – таълим-тарбия жараёни бўлиб, у киши организини морфологик ва функционал равишда такомиллаштиришга унинг асосий, ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат малакаларини яхшилашга ҳамда булар билан боғлиқ бўлган билимларни таркиб топтиришга қаратилгандир”. “Жисмоний тарбия - соф спорт мусобақаларидан иборат бўлган жараёнгина эмас, балки ушбу тарбия орқали ёшларда ахлоқий-иродавий хислат ва фазилатлар таркиб топтирилишидир”.

“Жисмоний тарбия организмни ҳар томонлама чиниқтиришга қаратилган, соғлиқни мустаҳкамлашни назарда тутган тарбия, жисмоний машқлар” ва ҳ.к.

Турли йўналишлар бўйича, яъни у хоҳ математик, физик, тарихчи ёки жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлсин унинг иш услуби бевосита педагогик фаолият билан боғлиқдир. Дарснинг мазмунли ва сифатли олиб борилиши ўз навбатида, унинг педагогик маҳорати, педагогик кўникмаси, педагогик малакаси, умуман педагогик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Машҳур рус педагоги В.А.Сухомлинский: “педагогик раҳбарликнинг сирларидан бири ўқитувчиларда мунгазам изланиш ва ўз ишининг таҳлилига қизиқиш уйғотишдан иборат. Кимки ўз дарсларида, тарбияланувчилар билан ўзаро муносабатларда яхши ва ёмонни фарқлашга, ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида бўлишга уринса, педагогик фаолиятнинг ярим муваффақиятига эришган бўлади” - деб, педагогик фаолиятга ўз

таърифини шундай ифодалаган эди. Шу нуктаи назардан олганда, ўз педагогик фаолиятини эндигина бошлаган ёш бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиси умуман жисмонан ва руҳан бўшашиши ёки бутунлай осойишталикка берилиши мумкин эмас. Бизга маълумки, бу туйғу психология фанида “релаксация” деб аталиб, кишиларнинг иш фаолиятида салбий ҳолатларига бериладиган баҳо сифатида эътироф этилади.

Ҳар бир бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиси педагогик маҳоратни тўлиқ эгаллаши учун:

биринчидан, ўз ўқув фанини давр талаблари асосида ўзлаштирган бўлиши; иккинчидан, психологик ва педагогик билимларга эга бўлиши (ўқувчилар характериға мос усулларни қўллаш олиши); учинчидан, ўзида педагогик изланувчанлик ва фидойиликни таркиб топтириши муҳим аҳамият касб этади.

Рус олими И.П.Раченко педагогик маҳоратни педагогик санъатнинг бир қисми сифатида қуйидаги фикрни билдиради: “Педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик-психологик билимларни, касбий малака ва кўникмаларни мукамал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга ахлоқий-эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр мулоҳазасига ишончи ва катъий иродаси тушунилади”.

Шунингдек, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик фаолиятида ўқитувчилик касбига садоқатли бўлиш, ўз фанини ўқитиш методикасини мукамал билиши, педагогик қобилиятларини намойиш эта олиши, педагогик техникани ўз ўрнида қўллаш билиши энг муҳим компонентлардан бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси доимо ўқувчиларга жисмоний машқларни етказиш билан биргаликда параллел равишда унинг таълим ва тарбияси билан шуғулланиб, у билан ўзаро мулоқот олиб боради. Ҳар бир ўқувчи ақлий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлганлиги сабабли ҳам бўлажак ўқитувчи улар билан доимий мулоқотда бўлиши, уларнинг ҳар бир психологик характери ва физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таъсир кўрсатиш механизмларини, аввало, психология ва тарбия назариясини мукамал тарзда ўрганиб, ўз касбий фаолиятини доимий ривожлантириб бориши зарур.

Шу жиҳатдан олганда, бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчилари илмий педагогик фаолияти давомида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- жисмоний тарбияга доир билимлар тизимини мукамал эгаллаган бўлиши;
- жисмоний машқларни ўқувчиларга тўлақонли еткази олиш кўникма ва малакасиға эгаллиги;
- ўз фанини ўзлаштирилганлиги билан биргаликда умумметодологик фанлар асосини, хусусан давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши;
- атрофда содир бўлаётган ижтимоий муаммолар ва жараёнларни ўз нуктаи назардан мустақил таҳлил қила олиши;



- ўқув жараёни давомида ўқувчиларнинг маънавий кифёаси ҳақида билимларга эга бўлиб бориши;
- ўқувчиларнинг ёшга доир хусусиятларидан келиб чиқиб, замонавий педагогик ва психологик билимларни ўрнида қўллаш олиши;
- вужудга келган янги билимларни мустақил равишда ўзлаштириши, такомиллаштириши ва ўз меҳнат фаолиятида илмий асосда фойдалана олиши;
- ўз илмий педагогик фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан индивидуал фойдалана олиши;
- муоммала маданиятига риоя қилиши;
- ўзлаштирилган билимларни танқидий ёндашув асосида таҳлил қила олиши;
- ўзлаштирган билимларини ўқувчиларга аниқ етказа олиши;
- ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссининг шаклланиши;
- педагогик фаолияти давомида хорижий тиллардан бирини касбий малака ёки илмий мулоқот алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдалана олиши;
- педагогик фаолиятида замонавий педагогик технологияларни қўллаш олиши ва ҳақозо.

Шунингдек, бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчилари ўз педагогик фаолиятларида қўлланиладиган жисмоний маданият атамаларини мукамал билишлари шарт. Бу борада Л.П.Копецкий, “Ўқитувчининг жисмоний маданият атамаларини мукамал билиши ва уларни ўқувчи томонидан яхши тушуниши орқали таълим жараёнига ижобий таъсир этади. Фаннинг махсус атамаларини қўллаш таълим жараёнини соддалаштириб, жисмоний ҳаракат амалларини шакллантиришни тезлаштиради” – деб, таъкидлаб ўтган эди. Албатта, ўқитувчи томонидан атамаларнинг тушунарли тарзда аниқ ва ўз ўрнида қўлланилиши ўқувчининг жисмоний тайёргарлик сифатини ҳам яхши бўлишига бевосита таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда жисмоний маданият атамаларидан бугун кенг фойдаланамиз. Деярли, таълим муассасаларида мавжуд барча фанларда уларни учратишимиз ва у билан тўқнашиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “бугун дунё микёсида мавжуд 800 га яқин спорт турларига хос 15 мингдан ортиқ тушунча ва атамалари мавжуд”.

Ўқитувчи дарс машғулотини олиб борар экан, унинг овози аудиторияни бошқариш қуроли бўлиши лозим. Жисмоний тарбия билан боғлиқ машқларни тушунтириш вақтида у овозини керакли ўринда қўтариш ва пасайтириш орқали ўқувчиларнинг нималарга асосий урғу бериш кераклигини билдира олиши керак.

Бугунги кунда бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг илмий педагогик фаолиятида муҳим ўрин тутадиган куйидаги ўзига хос ёндашувларни кўриб чиқиш мумкин:

1. Креативлик.
2. Инновацион.
3. Технологик.

Ҳар бир бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси дарс машғулотлари жараёнида

креативлик ёндашуви асосида ўқувчиларида дарсга қизиқитириш йўллари топа олиши лозим. Бу борада, машҳур руҳшунос олим Дейл Карнеги, “инсонни бирор ишни бажаришга ундаш ва қизиқитиришнинг ягона усули мавжуд. У ҳам бўлса, ўша инсон қалбига ишни бажаришга чинакам иштиёқ уйғотишдир. Мажбурлов ва қийноқлар иш бермайди...” - деб, таъкидлагани бежизга эмас, албатта. Шу ўринда креативлик тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир. “Креативлик” (инглиз тилидан “create”

- яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – бўлажак ўқитувчида дарс машғулоти жараёнида дуч келадиган муаммолар ечимига тезкорлик билан тегишли қарор қабул қилиш ва уларнинг ечими бўйича юқори даражадаги янгича ижодий ёндашувни ифодалайди.

Педагогик атамалар луғатида креативлик қуйидагича изоҳланган: “Креативлик (ижодийлик) – қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён”.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари илмий педагогик фаолитида креативлик қуйидаги ҳолларда намоён бўлишини кўриш мумкин:

- ўқитувчи фикри ва нутқининг равланлиги;
- ўқитувчи ўз фикрни аниқ белгиланган мақсадга мувофиқ йўналтира олиши;
- ўқитувчининг ижодкорлигидаги ўзига хослик (оригиналлик);
- ўқитувчидаги қизиқувчанлик, янги ғояларни яратувчанлик, фантазиясининг кенглиги, фаразлар яратиш қобилияти;
- ўқувчининг қобилиятини, лаёқатини ўрганиш ва уни аниқ баҳолаш;
- ўқитувчи фан методикасини ўзлаштирган ва таълим жараёнига татбиқ этиши;
- ўқитувчи фан ютуқларига оид янги маълумотлар бўйича ҳамкасблари билан ижодий фикр алмашиши;
- ўқитувчи соҳасига оид илғор хорижий тажрибаларни мустақил ўрганиши ва амалиётда қўллаш билиши;
- ўқитувчи узлуксиз равишда ўз билими, кўникма ва малакасини ошириб бориши;
- ўқитувчи ўқувчининг ишончига қара олиши, унинг қалбига йўл топа олиши ва у билан мулоқот боғлай олиши.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг қўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди”, – деган эди. Хусусан, таълим соҳаси тизимини инновацион фаолиятсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, таълим тизимининг педагог ходимларини бугунги кунда инновацион жараёнларга кенгроқ жалб этиш даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – Б. 255.

2. Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлимизми қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.– Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ,2017.– Б.35-36.
3. Жисмоний тарбия назарияси ва методологияси, 1-том, Ўқитувчи. Т.: 1975.
4. Замонавий таълим / современное образование. - Т.:2016. - №5. – Б.17.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 95-б.
6. Сухомлинский В.Д. Болаларга жоним фидо. - Т.: Ўқитувчи, 1984,254 б.
7. Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. - Пятигорск, 1992,196 с.
8. Карнеги Д. Иқдорлик – мағлубият эмас. Санъат журнали. Т.: 2009. 28-б.
9. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов. Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015.
10. Педагогик атамалар луғати. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. – Т.: 2008. – Б.64.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлгуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг илмий – педагогик фаолиятини ташкил этиш, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш ва креативликни шакллантириш каби масалалар ёритилган. Шунингдек, мақолада сўнги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида, хусусан жисмоний тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз боради.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются такие вопросы, как организация научно-педагогической деятельности будущих учителей физической культуры, повышение их педагогического мастерства и формирование творческих способностей. В статье также рассматриваются реформы, проводимые в стране в последние годы в сфере образования, особенно в сфере физического воспитания.

#### SUMMARY

This article discusses such issues as the organization of scientific and pedagogical activities of future physical culture teachers, increasing their pedagogical skills and the formation of creative abilities. The article also examines the reforms carried out in the country in recent years in the field of education, especially in the field of physical education.

## ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ СТУДЕНЧЕСКОГО МОЛОДЕЖНОГО СПОРТА В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

*Дехконова М.*

*Старший преподаватель физической культуры и спорта,  
Государственная консерватория Узбекистана*

**Таянч сўзлар:** дам олиш фаолияти, соғлиқни сақлаш, спорт, оммавий-спорт тадбирлари, стратегия, жисмоний маданият, соғломлаштирувчи-жисмоний маданият тадбирлари, жисмоний саломатлик.

**Ключевые слова:** досуговая деятельность, сохранение здоровья, спорт, спортивно-массовые мероприятия, стратегия, физическая культура, физкультурно-оздоровительные мероприятия, физическое здоровье.

**Key words:** leisure activities, preservation of health, sports, sports events, strategy, physical education, sports and recreational activities, physical health.

Изменения, происходящие в обществе, накладывают определенный отпечаток на процессы связанные с развитием и формированием отношения в среде молодежи к физической культуре и спорту. Значение физической культуры заключается в воспроизводстве физических ресурсов общества, рациональном использовании сво-

бодного времени, обеспечении занятости населения, особенно молодежи. В связи с этим она имеет социокультурную специфику, включающую корпоративный логотип, практически неизменный на протяжении многих лет устойчивый позитивный имидж служения общественным интересам.

Совершенствование правовой базы, связанное с упорядочением отраслевых нормативных актов, является основой социально-экономического механизма, обеспечивающего эффективное развитие отрасли, модернизацию ее инфраструктуры и содержания учебно-воспитательного процесса. Наиболее перспективным стратегическим механизмом развития физической культуры на макроуровне является межотраслевая политика по реконструкции ее из затратной отрасли в равноправного партнера реального сектора экономики. Размещение государственного заказа и соответствующее финансирование физической культуры на территориальном и отраслевом уровнях в единстве с рыночными механизмами развития, несомненно, обеспечат реализацию не только ее традиционных материально-преобразующих, профессионально-прикладных и воспитательных функций, но и урегулированных правовыми нормами корпоративных функций, характерных для молодежной субкультуры, а именно:

- 1) адаптивную, обеспечивающую оперативность приспособления физической культуры к динамично меняющимся условиям;
- 2) интегративную, связанную с повышением креативности учебно-воспитательного процесса путем усиления взаимосвязи социально-экономического, когнитивного и человеكتворческого процессов;
- 3) ценностно-ориентирующую, определяющую личностный смысл физкультурно-спортивной деятельности путем оптимизации субъектно-объектных связей;
- 4) программирующую, обеспечивающую культурную преемственность высшей школы в реализации физкультурных традиций;
- 5) дифференцирующую, определяющую целевой отбор педагогических средств, методов и организационных форм физической культуры;
- 6) консолидирующую, объединяющую студентов по формам и внутренним мотивам физкультурно-спортивной деятельности при реализации воспитательных целей.

На протяжении длительного времени вместо коренной модернизации системы повышения человеческого потенциала в соответствии с требованиями современной жизни осуществляются косметические преобразования. Для создания общенациональной модели физкультурно-спортивного движения, решения проблем укрепления физического здоровья людей необходима единая стратегия действий различных министерств и ведомств, общественных организаций, финансово-промышленных объединений, компаний, коммерческих структур, ученых и специалистов. Эта стратегия должна быть направлена на создание максимально благоприятных условий для оздоровления граждан в трудовых коллективах, в образовательных учреждениях, по месту жительства, в местах отдыха [1,432].

В стране создается эффективная система мониторинга физической подготовленности и развития, физического здоровья различных категорий и групп населения, и в первую очередь детей и учащейся молодежи. Результаты мониторинга должны

дать материал для оперативного анализа ситуации и разработки программы, направленной на формирование здорового образа жизни граждан [2,63].

Деятельность по формированию здорового образа жизни необходимо рассматривать комплексно, решать программными методами на государственном уровне, силами многих министерств и ведомств, согласовывая с приоритетами и целями социально-экономического развития страны, направлениями структурной научно-технической политики, прогнозами развития общегосударственных потребностей и финансовых ресурсов, а также результатами анализа экономического, социального и экологического состояния страны.

Необходимо сохранить и восстановить лучшие традиции отечественного физкультурно-спортивного движения, продолжить поиск новых высокоэффективных физкультурно-оздоровительных и спортивных технологий, направленных на максимальное вовлечение всех слоев населения в активные занятия физической культурой и спортом.

Необходимо стимулировать поиск и внедрение новых эффективных форм спортивного досуга. Особое внимание должно быть привлечено к анализу и решению проблем развития физкультурно-спортивного движения среди различных категорий граждан.

Приоритет во всей работе, связанной с развитием физкультурно-спортивного движения, должен быть отдан физическому воспитанию и формированию здорового образа жизни дошкольников, учащихся образовательных школ и студенческой молодежи.

Недостатки физического воспитания и развития спорта среди подростков, детей и молодежи объясняются комплексом нерешенных вопросов, среди которых слаборазвитая материально-техническая база; ограниченный объем учебного времени, отведенного на обязательные занятия по физическому воспитанию; издержки в профессиональной подготовке педагогических кадров, в содержании и формах физкультурно-оздоровительной работы, особенно среди дошкольников; ориентация педагогической деятельности на количественные показатели; отсутствие традиций семейного физического воспитания; несогласованность действий органов народного образования, здравоохранения, физической культуры и спорта и др. [3,47].

Вместе с тем фундамент здоровья и положительного отношения к физической культуре закладывается в детские годы. Ухудшающееся здоровье молодого поколения диктует необходимость заняться этой проблемой безотлагательно. Основные усилия должны быть направлены на:

- повышение ответственности родителей за здоровье детей;
- поиск и рациональное использование целевых и спонсорских финансовых возможностей в интересах развития детского и молодежного спорта;
- совершенствование программно-методического и организационного обеспечения физического воспитания в учебных заведениях;
- внедрение новых эффективных форм организации занятий;
- создание индустрии недорогих, но практичных и гигиеничных товаров и тренажеров для занятий физической культурой;
- массовое издание популярной литературы и компьютерных программ;

- создание при образовательных учреждениях комплексных физкультурно-спортивных центров, включающих спортивный зал, бассейн, плоскостные сооружения.

Физическое воспитание реализуется через урочные формы занятий; дополнительные (факультативные) занятия, в том числе с учащимися, имеющими отклонения в состоянии здоровья; через физкультурно-оздоровительные мероприятия в режиме дня; внеклассные, внеакадемические формы занятий (спортивные секции, занятия в спортивных школах, самостоятельные занятия); спортивно-массовые и физкультурно-оздоровительные мероприятия. Все это обеспечивает каждому дошкольнику, учащемуся и студенту двигательную активность не менее 8-10 часов в неделю.

К организации досуговой деятельности следует более активно привлекать профсоюзные, молодежные и женские общественные объединения.

Занятия детей, подростков и молодежи в клубах не только улучшат их здоровье и физическую подготовку, но и обеспечат им более интересный и содержательный досуг. Необходимо создать в стране дополнительно необходимое количество клубов, оснастить их спортивным оборудованием и инвентарем, педагогическими кадрами и учебными программами.

Средства физической культуры и спорта могут быть эффективно использованы и на этапе исправления молодежи, уже совершившей противоправные действия. Для их решения надо организовать необходимые условия в местах заключения, обеспечить их спортивным инвентарем и оборудованием [4,176].

В условиях чрезвычайной демографической ситуации, роста экономических потерь от заболеваемости и травматизма, интенсификации производства повышаются требования к уровню физического здоровья и профессионально-прикладной подготовке работника. Сохранение здоровья трудящихся – это не только предпосылка для высокой производительности труда, улучшения благосостояния, но и залог устойчивого социально-экономического развития страны. Именно поэтому большое значение приобретают вопросы организации физкультурно-оздоровительной и спортивной работы в трудовых коллективах. На предприятиях и в организациях всех форм собственности они должны быть направлены на осуществление реабилитационных мероприятий, проведение профессионально-прикладных занятий, после трудовое восстановление, снижение неблагоприятных воздействий производства на человека, повышение его адаптации к профессиональной деятельности, повышение общего уровня сопротивляемости к различным заболеваниям.

Для решения этих проблем необходимо:

- проведение мониторинга состояния здоровья, физической подготовленности и физического развития работающих, создание на этой основе базы данных, что позволит повысить эффективность физической культуры в укреплении здоровья трудящихся, уменьшить воздействие негативных факторов на работоспособность и самочувствие человека;
- включение производственной физической культуры в систему мероприятий, направленных на улучшение условий труда, снижение профессиональной и производственно обусловленной заболеваемости;

- обустройство, где позволяют возможности, комнат здоровья, психологической разгрузки, введение в цехах, производствах, на участках, должности инструктора производственной физкультуры;
- принятие руководством компаний, фирм, предприятий и учреждений оздоровительных программ, программ развития физической культуры и спорта среди трудящихся и членов их семей;
- создание законодательной и нормативной базы для направления средств предприятий и организаций разных правовых форм на мероприятия по оздоровлению населения. Привлечение средств от прибыли организаций в результате хозяйственной деятельности, на укрепление материальной базы развития физической культуры;
- формирование у трудящихся, руководителей производственных организаций и коллективов понимания важности и необходимости ведения здорового образа жизни.

Таким образом, развитие физической культуры и спорта для трудящихся должно осуществляться путем формирования соответствующей мотивационной структуры. В стране должна быть разработана Программа сохранения здоровья работающих, коллективные договоры между руководителями и профсоюзными организациями предприятий и учреждений в обязательном порядке должны содержать полноценные разделы с реальными мерами по развитию физкультурно-спортивной и оздоровительной работы в данном трудовом коллективе.

#### Литература:

1. Барчуков И. Физическая культура и физическая подготовка / И. Барчуков, Ю. Назаров. – М., 2007. – С. 432.
2. Дышко Б.А. Спортивный инжиниринг набирает обороты / Б.А. Дышко // Теория и практика физической культуры. – 2003. – № 4. – С. 63.
3. Соловьев А.А. Спорт и вузы: актуальные проблемы и зарубежные подходы: лекция в рамках учебных курсов «Образовательное право» и «Спортивное право» / А.А. Соловьев. – М., 2008. – С. 47.
4. Физическая культура: учебник / Н.В. Решетников, Ю.Л. Кислицын, Р.Л. Палтиевич, Г.И. Погадаев. – М., 2008. – С. 176.

#### РЕЗЮМЕ

Жисмоний тарбия ва спортнинг узок муддатли барқарор ва жадал ривожлантириши таъминлаш йўллари ва воситаларини аниқлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг мунтазам спорт билан шугулланишга бўлган эҳтиёжи, салбий ижтимоий белгиларнинг олдини олиш, миллий спортнинг рақобатбардошлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

#### РЕЗЮМЕ

Определение путей и способов обеспечения в долгосрочной перспективе устойчивого и динамичного развития физической культуры и спорта, формирования здорового образа жизни и потребностей у населения к регулярным занятиям спортом, профилактики негативных социальных проявлений, повышения конкурентоспособности национального спорта, способствует социально-экономическому развитию и улучшению качества жизни.

#### SUMMARY

Identifying ways and means of ensuring the long-term sustainable and dynamic development of physical culture and sports, promoting a healthy lifestyle and the population's needs for regular sports, preventing negative social manifestations, increasing the competitiveness of national sports, contributes to social and economic development and improving the quality of life.

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ СПОРТИВНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОГО ТУРИЗМА В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

*Рахимов В.Ш.*

*декан факультета Таэквондо и спортивной деятельности  
Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

**Tayanch soʻzlar:** jismoniy tarbiya, sport-soglomlashtirish turizmi, soglomlashtirish, modul, tarbiya, oʻquv reja, oʻquv dastur, mustaqil talim.

**Ключевые слова:** физическое воспитание, спортивно-оздоровительный туризм, оздоровление, модуль, воспитание, учебный план, учебная программа, самостоятельное образование.

**Key words:** physical training, sports and health tourism, health improvement, module, training, curriculum, training programme, independent education.

К настоящему времени туризм превратился в один из ведущих секторов мировой экономики. В этой связи в Узбекистане уделяется особое внимание модернизации туристической индустрии, разработке и совершенствованию нормативно-правовой базы для устойчивого развития отрасли, организации обслуживания зарубежных гостей в соответствии с международными стандартами. В годы независимости наша страна сделала существенный прорыв в этой области вкупе с сохранением и приумножением историко-культурного наследия народа, возрождением национальных традиций и обычаев, восстановлением и обустройством достопримечательностей республики [1].

В последние годы в республике поэтапно реализуется комплекс мер, направленных на дальнейшее развитие сфер туризма и спорта, широкое привлечение населения к физической культуре и спорту, улучшение инфраструктуры, сохранение культурного наследия и создание благоприятных условий для путешествий туристов путем обеспечения взаимосвязи территорий с высоким туристским потенциалом [2].

О возможностях нашей страны свидетельствует наличие свыше 7 тысяч объектов материального культурного наследия разных эпох и цивилизаций, в том числе включенные в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО исторические центры Бухары, Хивы, Самарканда и Шахрисабза. Всемирно известные исторические памятники, современные города, неповторимая природа Узбекистана (горы и ландшафты), уникальная национальная кухня, а также непревзойденное гостеприимство нашего народа притягивают любителей путешествий.

Наряду с этим, несмотря на созданные возможности, деятельность по развитию сфер туризма, спорта и культурного наследия не организована на должном уровне, имеются не решенные своего решения вопросы

в цифровизации и государственно-частном партнерстве, в том числе повышении роли частного сектора в данных направлениях.

В целях внедрения современных механизмов управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия, а также ускоренного развития инфраструктуры в данных направлениях, эффективной эксплуатации объектов и создания необходимых условий для населения на основе передового зарубежного опыта сформиро-



вана прочная нормативно-правовая база, одна из основ которой составляет Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия», подписанный 6 апреля 2021 года [3].

На основании указа были определены следующие одни из основных задач и направлений деятельности Министерства туризма и спорта Республики Узбекистан в сфере туризма, это: диверсификацию видов туризма, прежде всего реализацию комплекса мер по развитию паломнического, экологического, этнографического, делового, спортивного, гастрономического, медицинского, образовательного и научного туризма, а также их инфраструктур; организацию подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров в сфере туризма на высоком уровне, оказание содействия развитию отраслевой туристской науки и др. [3].

В настоящее время в Республике Узбекистан обозначились проблемы в системе спортивно-оздоровительного туризма. Прекратили свое существование туристские клубы городов и областных центров, туристские секции коллективов физкультуры, республиканская и областные федерации спортивного туризма. Большие трудности испытывает детско-юношеский туризм. Обозначился острый дефицит туристских организаторов, руководителей походов выходного дня, категоричных маршрутов, инструкторов туризма. Ушли в историю учебные сборы по подготовке туристского актива, соревнования по туристской технике, дальние походы, проводимые с целью повышения спортивного мастерства. Сложившаяся ситуация привела к значительному возрастному разрыву между опытными специалистами спортивного туризма и молодыми людьми, которые хотели бы приобрести навыки и знания для совершения спортивных походов, выполнения разрядных нормативов. Дальнейшее развитие этих тенденций грозит обернуться полной утратой того опыта, который был накоплен в Узбекистане в предшествующие годы [4].

Необходимость выстраивания профессиональной подготовки специалистов по спортивно-оздоровительному туризму (СОТ) при переходе на кредитно-модульную систему образования обусловлена, в том числе, крайне неблагоприятной ситуацией с организацией туристско-экскурсионной деятельности, осуществляемой образовательными организациями, в том числе школами, колледжами, вузах, организациями дополнительного образования и другими организациями, занимающимися активным туризмом.

Подготовка кадров СОТ для работы в вышеуказанных учреждениях образования зачастую проходит без привития студентам практических навыков организации и проведения активных туристских мероприятий, особенно это сказывается при проведении туристских мероприятий в природных условиях (туристские спортивно-оздоровительные походы, слеты, соревнования).

В результате в настоящее время, как государственные учебные заведения (школы, колледжи, вузы), так и фирмы, специализирующиеся на организации туров активного туризма, используют в качестве организаторов и руководителей туристских походов (учителей, педагогов дополнительного образования, инструкторов-проводников на маршрутах с преодолением различного рода естественных препятствий), недостаточно квалифицированных специалистов, подготовленных

по программам обучения «Менеджер туризма», «Социально-культурный сервис и туризм», «Туризм», «Рекреация и спортивно-оздоровительный туризм» и некоторых других, либо инструкторов, не имеющих высшего или среднего специального образования, но получивших «удостоверение инструктора» от общественных организаций.

По мнению ряда профессионалов в области физкультурно-спортивного образования, сегодня, для осуществления процесса подготовки высококвалифицированных специалистов физической культуры и спорта требуется находить пути объединения программ подготовки спортсменов с образовательными программами профессиональной подготовки [5].

Общеизвестно, что профессиональное образование в туризме, и в частности спортивно-оздоровительного туризма, формирует облик специалиста, ответственного за целостное развитие туристского движения. Основными предпосылками развития спортивно-оздоровительного туризма является формирование эффективно действующей системы подготовки специалистов туристского профиля. В связи с этим задача совершенствования организации учебного процесса в подготовке специалистов туристской деятельности, формирование их профессиональных и деловых качеств выдвигается в качестве ведущей задачи как программы дальнейшего развития сферы туризма, так и становления туристской образовательно-педагогической системы.

Потребность совершенствования системы профессионального образования в спортивно-оздоровительном туризме вызвана социальным заказом общества: сегодня меняются требования к уровню качества подготовки выпускника со стороны работодателей, а, следовательно, и к педагогической деятельности. Налицо необходимость разработки такой модели профобразования спортивно-оздоровительного туризма, которая отвечала бы требованиям времени и обеспечивала устойчивое положение специализированного учебного заведения на рынке образовательных услуг [6,7].

Цель исследования - изучить значение разработанной учебной программы по модулю «Физическое воспитание и спортивно-оздоровительный туризм» в образовательном процессе студентов, обучающихся по направлению «Спортивная деятельность (по видам спорта)».

Предмет исследования: кредитно-модульная программа по дисциплине «Физическое воспитание и спортивно-оздоровительный туризм».

Объект исследования: факультет «Тэквондо и спортивная деятельность» Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Методы исследования: анализ построения учебного плана и учебной программы.

Согласно учебному плану, утвержденного руководством вуза и согласованного с Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, кредитно-модульная учебная программа по дисциплине «Физическое воспитание и спортивно-оздоровительный туризм» обозначен и преподается в разделе «Общепрофессиональные предметы». Преподавание дисциплины, согласно Учебному плану подготовки бакалавра по образовательному направлению 61010303 –

«Физическое воспитание и спортивно-оздоровительный туризм» осуществляется в 4 семестре 2 курса в рамках отведенных 120 часов (аудиторные и практические занятия, самостоятельное образование).

Данная учебная программа является определяющей профессиональную подготовку студента, так как основная направленность – формирование теоретико-практических, нормативно-правовых и организационно-управленческих основ проведения физического воспитания и спортивно-оздоровительного туризма реализуется на базе разносторонних его возможностей эффективного использования при оказании рекреационных и туристских услуг населению.

Для полного понимания потенциала спортивно-оздоровительного туризма, его экономического, оздоровительного, познавательного и воспитательного значения необходимо учитывать социальные, психологические и экономические закономерности, а также процессы, происходящие в других областях знаний. Причем, понимание этих процессов в сфере рекреации и туризма без практико-методических умений и знаний сформированных у студентов в процессе изучения данного курса - практически невозможны.

Цели освоения дисциплины «Физическое воспитание и спортивно-оздоровительный туризм» заключаются в следующем: дать знания и понятия о туризме, его целях и задачах. История зарождения и развития туризма. Описание нормативной программы и организационных основ туризма; сформировать у студентов базовые теоретические знания и практические умения проведения рекреационно-оздоровительной деятельности с населением средствами и методами спортивно-оздоровительного туризма; приобщить студентов к здоровому образу жизни, культурно-историческим и экологическим ценностям туризма. Воспитать у студентов чувство гражданской и профессиональной ответственности за охрану окружающей среды и обеспечения безопасности участников туристских мероприятий; сформировать базовые практические и организационно-методические умения проведения спортивной, а также туристско-оздоровительной работы с различными возрастными группами населения; сформировать у студентов основные профессионально-педагогические умения и навыки самостоятельного использования техники туристских тренировочных упражнений, их умелого использования во время оказания населению рекреационно-оздоровительных и туристских услуг; сформировать у студентов знания о формах, методах и закономерностях использования спортивно-оздоровительного туризма в целях укрепления физического состояния человека, а также о воспитательно-образовательном его потенциале и прикладной роли.

Вместе с тем, в учебную программу включены формы, методы физического воспитания и спортивно-оздоровительного туризма, способы организации туристических мероприятий со студентами университета, подготовку к спортивно-туристическим поездкам и необходимое снаряжение, питание, лекарства и оказание первой медицинской помощи при травмах, знакомство с топографией.

В процессе освоения данной дисциплины в теоретическом, практическом и самостоятельном разделах образования предполагается формирование у обучающихся следующих компетенций:

- в педагогической деятельности: способен самостоятельно определять цели

и задачи педагогического процесса спортивной, рекреационно-оздоровительной, туристско-краеведческой, рекреационно-досуговой и рекреационно-реабилитационной деятельности; способен отбирать адекватные поставленным задачам средства и методы учебно-тренировочной, туристско-образовательной, рекреационно-досуговой и рекреационно-реабилитационной деятельности с учетом этнокультурных и социально-демографических факторов; готов использовать на практике средства, методы и приемы обучения двигательным действиям, связанным с учебно-тренировочным, рекреационно-оздоровительной и туристско-краеведческой деятельностью, контролировать эффективность их выполнения, разрабатывать и использовать приемы их совершенствования; способен определять величину нагрузок, адекватную психофизическим возможностям индивида в различных климатогеографических условиях мест проведения занятий и мероприятий по циклам различной продолжительности; способен к формированию устойчивой мотивации на профессиональную деятельность личности, ее профессиональный рост и развитие;

- в организационно-управленческой деятельности: готов к организации и обеспечению контроля качества оказываемых туристско-рекреационных услуг; готов организовывать и проводить рекреационно-оздоровительные, физкультурно-массовые, туристские, краеведческие и спортивные мероприятия в учреждениях образовательного, культурно-досугового, санаторно-курортного, рекреационно-оздоровительного профиля; способен конструировать циклы оздоровительно-рекреационного обслуживания различных социально-демографических групп населения и туристов; готов планировать и организовывать деятельность населения по применению различных ценностей и средств туризма и краеведения, рекреации и реабилитации в целях укрепления здоровья и социальной адаптации личности; готов разрабатывать программы, режимы занятий по спортивно-оздоровительному туризму, двигательной рекреации и реабилитации населения, подбора соответствующих средств и методов их реализации по циклам занятий различной продолжительности.

Отличительной особенностью данного модуля является то, что большинство положений специализированной подготовки студента требует базовых умений владения многообразием различных видов туристской деятельности. В связи с этим необходимо использовать практические (в т.ч. самостоятельные) занятия на местности с использованием наиболее распространенных методик и специального снаряжения, обеспечивающих качественное выполнение учебных заданий и безопасность туристов.

Использование в учебном процессе интерактивных форм проведения занятий, это одно из основных задач данного образовательного модуля. Это: работа с туристскими базами данных и информационными системами (поиск информации о туристских объектах, маршрутах, расположении, способах подъезда и подхода); работа с системами электронного бронирования (бронирование авиа- и железнодорожных билетов, бронирование отелей, бронирование туров); интерактивные формы опроса студентов (тест-контроль).

Вместе с тем, особое место в овладении данной учебной программе отводится самостоятельному образованию студентов, которая включает участие студентов в

практической работе по организации и судейству соревнований, работе в спортивных кружках с детьми, спортивно-оздоровительных походах, учебных семинарах, конференциях, деятельности в общественных туристских организациях.

Самостоятельное образование студентов будет направлена на решение следующих задач: 1) выработка навыков восприятия и анализа профессиональной информации; 2) формирование навыков организации и реализации спортивно-оздоровительного туризма; 3) развитие и совершенствование способностей к принятию решений и их реализации; 4) развитие и совершенствование творческих способностей при самостоятельном изучении профессиональных проблем.

Из ходя из поставленных задач, студенты должны будут:

- непосредственно вовлечены во все спортивно-оздоровительные туристические мероприятия в течение семестра, а также выполнять все задачи, поставленные во время поездки (дежурный, командир, гид, санитар, повар, комендант, репортер и т.д.), а также развивать определенные навыки в этом направлении;

- вести дневник всех занятий и спортивных туристических поездок и записывать самые важные и интересные события, задания (впечатления от путешествий, выполненные задания, комплекс гимнастики, пейзажи, различные соревнования, флора и фауна, названия мест, жизнь передовых работников и т.д.) – можно предусмотреть регулярную запись.

- решать практические и письменные домашние задания (рисование схем, карт, топографических обозначений и написание истории мест, изготовление фотомонтажей и т.д.), Фотографирование мест.

- принимать активное участие во всех мероприятиях, проводимых во время спортивно-оздоровительных туристических поездок (определение мест, ходьба по азимуту, подвешивание на веревке, первая помощь, своевременное строительство палатки, приготовление пищи, публикация плаката, пение или чтение стихов и т.д.).

Заключение. В результате проведенного анализа учебной программы «Физическое воспитание и спортивно-оздоровительный туризм» предназначенный для студентов, обучающихся по образовательному направлению «Спортивная деятельность (по видам спорта)» позволит обучающимся:

Знать: цели и задачи педагогического процесса спортивной, рекреационно-оздоровительной, туристско-краеведческой, рекреационно-досуговой и рекреационно-реабилитационной деятельности; основные понятия, нормативно-правовую и организационно-методическую основу спортивно-оздоровительного туризма; перспективы и основные направления развития физического воспитания и спортивно-оздоровительного туризма; основные виды, формы и содержание спортивно-оздоровительного туризма. Уметь: использовать на практике средства, методы и приемы обучения двигательным действиям, связанным с учебно-тренировочной, рекреационно-оздоровительной и туристско-краеведческой деятельностью, контролировать эффективность выполнения приемов обучения двигательным действиям; разрабатывать и использовать приемы совершенствования двигательных действий; отбирать адекватные поставленным задачам средства и методы учебно-тренировочной, туристско-образовательной, рекреационно-досуговой и рекреационно-реабилитационной деятельности с учетом этнокультурных и социально-демографи-

ческих факторов; определять величину нагрузок, адекватную психофизическим возможностям индивида в различных климатогеографических условиях мест проведения занятий и мероприятий по циклам различной продолжительности; организовывать и проводить рекреационно-оздоровительные, физкультурно-массовые, туристские, краеведческие и спортивные мероприятия в учреждениях образовательного, культурно-досугового, санаторно-курортного, рекреационно-оздоровительного и туристско-краеведческого профиля; конструировать циклы спортивно-оздоровительного обслуживания различных социально-демографических групп населения и туристов; планировать и организовывать деятельность населения по применению различных ценностей и средств туризма и краеведения, рекреации и реабилитации в целях укрепления здоровья и социальной адаптации личности; разрабатывать программы, режимы занятий по спортивно-оздоровительному туризму, двигательной рекреации и реабилитации населения, подбора соответствующих средств и методов их реализации по циклам занятий различной продолжительности

Владеть: инновационными технологиями туристских и рекреационно-оздоровительных услуг во всех типах учебных заведений, в туристско-рекреационных учреждениях; приемами туристской техники и тактики; приемами формирования устойчивой мотивации на профессиональную деятельность личности, ее профессиональный рост и развитие; методами организации и обеспечения контроля качества оказываемых спортивно-оздоровительных услуг.

В связи с вышеизложенным, считаем, что основными составляющими спортивно-оздоровительного туризма должны быть: духовное и физическое развитие нации, здоровый образ жизни, повышение походного мастерства и инструкторской квалификации, в целях укрепления здоровья и социальной адаптации личности.

#### Литература:

1. <https://www.un.int/uzbekistan/news>
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан» от 24 января 2020 года за № УП-5924.
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия» от 06.04.2021 года, за № УП-6199.
4. Тангриев А.Т., Махмудов М.Р. Спортивный туризм в Узбекистане. Научно теоретический журнал «Наука и образование сегодня». – 2019. – С.34-38.
5. Костюченко В.Ф. Профессиональное образование и спорт (противоречия и пути их разрешения) / В.Ф. Костюченко, М.Ю. Щенникова // Современные проблемы теории и практики физической культуры: науч.-практ. конф., посвящ. 90-летию со дня рождения Николая Ивановича Пономарева. СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2012. С.85-95.
6. Rakhimov V.Sh. Social functions of physical culture and sports in modern society. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020 Part III ISSN 2056-5852.
7. Rakhimov V.Sh. Innovative approaches to improving quality training specialists in physical education. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020, 225-230.

#### РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada “Jismoniy tarbiya va sport va sog‘lomlashtirish turizmi” moduli bo‘yicha o‘quv dasturining bajarilishi muhokama qilinadi. “Sport faoliyati (sport turlari bo‘yicha)” ta‘lim yo‘nalishi bo‘yicha talabalarni o‘qitish jarayonida ushbu modulning ahamiyati tahlil qilinadi. O‘quv mashg‘ulotlarini tashkil etish jarayonida modulning ijobiy tomonlari o‘rganildi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается вопрос реализации учебной программы по модулю «Физическое воспитание и спортивно-оздоровительный туризм». Проанализировано значение данного модуля в процессе обучения студентов по образовательному направлению «Спортивная деятельность (по видам спорта)». Исследованы положительные особенности модуля в процессе организации обучения.

SUMMARY

This article discusses the implementation of the curriculum for the module «Physical education and sports and health tourism». The significance of this module in the process of teaching students in the educational direction «Sports activity (by type of sport)» is analyzed. The positive features of the module in the process of organizing training have been investigated.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы  
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 5/2**  
Нөкис — 2021

Басып шығыуға жууапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаган:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыуға рухсат етилди 5.11.2021. Форматы 60x84<sup>1/16</sup>  
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.  
Шертли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51